

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Журнал 2009 йилда
ташкил этилган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

2(40).

Қарши – 2019

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир проф. ШОИМҚУЛОВ Б.А.
Бош муҳаррир ўринбосари проф. ЁЗИЕВ Л.Ҳ.
Масъул котиб доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

Тахририят ҳайъати аъзолари:

проф. ЖАББОРОВ А.М.	ф.ф.д. ШОДМОНОВ Н.Н.
проф. ЖАББОРОВ Н.А.	ф.-м.ф.д. ШУКУРОВ А.М.
б.ф.д. КУЧБОЕВ А.Э.	ф.-м.ф.д. ХОЛМУРОДОВ А.Э.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. МУРТОЗАЕВА Р.Х.	проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.
проф. РАҲМОНОВ Н.Р.	проф. ҚУРБОНОВ Ш.Қ.
проф. РОЗИҚОВ Ў.А.	проф. ҒАФҒОРОВА Т.Ғ.
проф. СУЛАЙМОНОВ Р.Х.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.
акад. ТОҶИБОЕВ К.Ш.	доц. БЎРИЕВ О.Б.
проф. ТЎЙЧИЕВ Б.Т.	доц. КАМОЛОВ Л.С.
проф. ТЎРАЕВ Б.О.	доц. ЭРКАЕВ А.П.
фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А.	доц. ҲАКИМОВА М.Х.
пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д.	доц. ҲАЛИМОВ Ғ.Ғ.

Манзилимиз: 180003, Қарши, Кўчабоғ, 17. Қарши давлат университети, Бош бино.
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор	проф. ШАИМКУЛОВ Б.А.
Заместитель главного редактора	проф. ЁЗИЕВ Л.Х.
Ответственный секретарь	доц. ДЖУМАЕВ Т.Ж.

Члены редколлегии:

проф. ГАФҒАРОВА Т.Ғ.	д.филос.н. ЧАРИЕВ С.А.
проф. ДЖАББАРОВ А.М.	д.пед.н. ШАДИЕВ Р.Д.
проф. ДЖАББАРОВ Н.А.	д.ф.н. ШАДМАНОВ Н.Н.
проф. КУРБАНОВ Ш.К.	д.ф.-м.н. ШУКУРОВ А.М.
д.б.н. КУЧБАЕВ А.Э.	ф.-м.ф.д. ХОЛМУРОДОВ А.Э.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.	проф. ЭШКАБИЛОВ Ю.Х.
проф. МУРТАЗАЕВА Р.Х.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАЗИКОВ У.А.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.А.
проф. РАХМАНОВ Н.Р.	доц. БУРИЕВ О.Б.
проф. СУЛАЙМАНОВ Р.Х.	доц. КАМАЛОВ Л.С.
акад. ТАДЖИБАЕВ К.Ш.	доц. ХАКИМОВА М.Х.
проф. ТЎЙЧИЕВ Б.Т.	доц. ХАЛИМОВ Г.Ғ.
проф. ТУРАЕВ Б.О.	доц. ЭРКАЕВ А.П.

Адрес редакции:

180003, Қарши, Кучабғ, 17. Қаршинский госуниверситет, Главный корпус.
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

© Қарши давлат университети, 2019.

ВЛИЯНИЕ ВЫСОКОТЕМПЕРАТУРНОЙ АКТИВИРОВКИ И ИОННОЙ БОМБАРДИРОВКИ НА ЭМИССИОННЫЕ СВОЙСТВА СПЛАВОВ Pd-Va

Ташатов А.К., Нормуродов Д.А., Аслонов М.О., Ташпулатов И.Ш. (КарГУ)

Ключевые слова: *эмиссионная эффективность, катод, работа выхода, вторичная электронная эмиссия, прогрев, сплав.*

Таянч сўз ва иборалар: *эмиссия эффективлиги, катод, чиқиш иши, иккиламчи электронлар эмиссияси, қиздириш, қотишма.*

Key words: *the effectiveness of emission, catod, emission process, the emission of secondary electrons, heating, alloy.*

Металлические и металлосплавные материалы успешно применяются в качестве катодов газоразрядных и электровакуумных приборов, магнетронных и других СВЧ – устройств. Эффективная работа этих катодов обеспечивается моноатомной пленкой активных металлов, которая, несмотря на потери за счет испарения и разрушающее действие ионной и электронной бомбардировок, отравление остаточными газами и напыление с других электродов прибора, воспроизводится на поверхности катода путем диффузии и миграции активного металла из объема эмиссионного тела в течение всего срока службы. В качестве активных металлов в основном используются торий, иттрий, щелочноземельные (ЩЗМ) и редкоземельные металлы (РЗМ).

Известно, что эмиссионная эффективность активированных сплавов определяется чистотой поверхностных слоев и толщиной активирующего элемента на поверхности [1,2]. Минимальная величина работы выхода достигается при монослойном или близком к этой величине покрытии. Для определенного типа адатомов величина работы выхода в минимуме и структура монослойного покрытия определяются кристаллической и электронной структурой подложки и глубиной потенциального рельефа, а также характером взаимодействия между адатомами [1].

Если наиболее сильным взаимодействием между адатомами является прямое взаимодействие, то уже при самых тонких покрытиях возникают двумерные островки адсорбата, а если это взаимодействие больше, чем с подложкой, то возникают и трехмерные образования [3]. Свойства моноатомных слоев активных металлов лежат также в основе работы современных эффективных металлосплавных, металлопористых и оксидных катодов. В этих катодах заложен синергетический механизм возобновления пленки на поверхности катодов, что обеспечивает их высокую надежность в реальных условиях работы вакуумных приборов. Поиск способов сохранения свойств наноструктур твердотельных приборов в течение всего срока их службы (использование самоорганизации не только как технологического приема) - путь к повышению надежности этих приборов [1].


Наиболее успешно в таких приборах используется металлосплавной палладий-бариевый (Pd-Va) катод [4]. Катод Pd-Va представляет собой двухфазный сплав с массовой долей бария 0,5 ÷ 2%, причем одна фаза - интерметаллическое соединение Pd₅Va, вторая - чистый палладий [5]. Эмиссионные свойства Pd-Va (работа выхода $e\phi$, коэффициент вторичной эмиссии σ обусловлены адсорбцией пленки бария, источником которого является соединение Pd₅Va. Стабильные и воспроизводимые значения эмиссионных параметров достигаются после прогрева сплавов в вакууме при температуре 800 ÷ 900 °С, в результате чего происходит очистка их объема и поверхности от примесей. После такого прогрева формируется состав поверхности, характерный для металлосплавных катодов: кислород, азот и другие примеси исчезают, остается пик активного металла бария и основы - палладия.

Изменение коэффициента вторичной электронной эмиссии (σ) от температуры нагрева

представлено на рис. 1. Стабилизация состава поверхности и эмиссионных параметров происходит одновременно и устанавливается на уровне $e\varphi = 2,5$ эВ (при 1000 К) и $\sigma_{\max} = 2,6$ (при $E_p = 550$ эВ) [1, 6]. Наличие небольшого количества кислорода приводит к увеличению вторичной электронной эмиссии этих катодов, а активировка Pd-Ba в атмосфере водорода позволяет в пределах чувствительности оже-спектрометра очистить поверхность от S и C, что приводит к уменьшению $e\varphi$ до 2,1 эВ, увеличению σ_{\max} до 3,6 [1, 2].

Рис. 1.

Изменение коэффициента вторичной электронной эмиссии σ от энергии первичных электронов E_p при нагревании.



1 - $T = 20$ °C; 2 - $T = 250$ °C; 3 - $T = 500$ °C; 4 - $T = 600$ °C;
5 - $T = 700$ °C; 6 - $T = 900$ °C; 7 - $T = 950$ °C.

В настоящее время хорошо изучены термо- и вторично-эмиссионные свойства металлосплавов типа Pd-Ba, Pt-Ba, Pd-Mg, Pt-Mg и механизмы изменения их эмиссионных свойств при термической активировке и ионной бомбардировке.

Надежность и долговечность работы мощных электровакуумных приборов сверхвысокочастотного диапазона во многом определяется физическими свойствами используемых эмиттеров (их составом, структурой, особенностями функционирования и т.д.).

Несмотря на достаточно длительное их применение, до сих пор отсутствует полное представление о механизме их функционирования, в частности формировании эмиссионных участков на поверхности катодов. Решение данной проблемы, имеющей не только научное, но и большое практическое значение, связанное с совершенствованием эмиссионных свойств катодов, во многом определяется возможностью анализа с высоким пространственным разрешением физических параметров, характеризующих микроучастки поверхности эмиттера [7].

Барий практически не растворим в палладии, но образует с ним интерметаллические соединения. Анализ диаграммы состояния системы Pd-Ba дает основание утверждать, что при содержании в Pd 33% (масс.) бария наблюдаются два химических соединения: Pd₂Ba и Pd₅Ba. Соединение Pd₂Ba образуется по пиретектической реакции и обладает кубической структурой типа MgCu₂. Микротвердость Pd₂Ba - $130 = 140$ кгс/мм², и он характеризуется малой коррозионной стойкостью. На воздухе в течение нескольких часов он распадается с образованием BaO и Pd. Второй интерметаллид - Pd₅Ba - имеет кристаллическую структуру типа CaCu₅, периоды решетки: $a = 5,494 \text{ \AA}$, $c = 4,344 \text{ \AA}$. Микротвердость Pd₅Ba - $220 = 240$ кгс/мм², и у него хорошая коррозионная стойкость. Считают также, что между Pd и Pd₅Ba образуется эвтектика с температурой 1498 ± 25 К и эвтектической точкой 12%

(масс.) Ва. Дюбуа Б.Ч. и Есаулов Н.П. [8, 9] создали лабораторную технологию получения металлосплавного катода Pd+2% (масс.) Ва.

Исследованы технические параметры рассматриваемых в работе металлосплавных и металлооксидных композиционных катодных материалов, представленные в табл. 2. Определены оптимальные условия их эксплуатации, обеспечивающие длительную стабильность их эффективных эмиссионных свойств. Показано, что исследуемые материалы, в основном, представляют собой эффективные вторично-эмиссионные катодные материалы, которые могут быть успешно применены в мощных приборах М-типа. Исключение составляют сплавы Pt-Ва и Pt-Me-Ва, которые, кроме того могут быть применены как в мощных приборах М-типа, так и в приборах О-типа, и в других ЭВП.

Для решения данной проблемы весьма эффективными могут оказаться методы сканирующей туннельной микроскопии [10,11], дающие возможность исследовать топографию и работу выхода поверхности со сверхвысоким пространственным разрешением.

Анализ сканирующей туннельной микроскопии (СТМ)-изображения топографии микроучастка поверхности эмиттера с размерами 90 x 90 нм², полученное при туннельном токе 1 пА показали, что поверхность эмиттера достаточно сильно изрезана и имеет пористый характер, что соответствует современным теоретическим представлениям

На рис. 2 показано распределение областей с различными величинами работы выхода по участку 90 x 90 нм² поверхности эмиттера, которым соответствуют различные цвета от белого (минимальная работа выхода – 2,3 эВ) до черного (максимальная работа выхода - 5,2 эВ).

Табл. 2.

Эмиссионные и технические параметры сплавов платины и палладия с металлами IIIA группы

Материал и его оптимальный состав, % масс.	ϕ , эВ при T, К	$\frac{\Delta\phi}{\Delta T}$, $\frac{\text{эВ}}{\text{град}}$	σ_{max}	E_p^m , эВ	E_p^l , эВ	$\Delta T_{\text{раб}}$, °С	$P_{\text{ср.обр.}}$, Вт/см ²
Pt+0,5%Be	2,6/1140 К	$6 \cdot 10^{-4}$	2,88	700-800	50	600-1100	20-30
Pt+0,5%Mg	2,95/1140 К	$1 \cdot 10^{-3}$	2,65	700-800	55	600-1100	20-30
Pt+0,7%Ca	3,05/1140 К	$3 \cdot 10^{-4}$	2,6	700-800	40-50	800-1200	40
Pt+1,0%Sr	2,85/1140 К	$3 \cdot 10^{-4}$	2,7	700-800	40-45	800-1200	40
Pt+1,5%Ba	2,3/1140 К	$5 \cdot 10^{-5}$	3,0	700-800	30-40	750-1200	40-50
Pd+0,5%Be	2,73/1110 К	$9 \cdot 10^{-5}$	2,5	500-600	55	500-900	20-25
Pd+0,5%Mg	3,0/1110 К	$6 \cdot 10^{-5}$	2,25	500-600	60	500-1100	20-30
Pd+0,6%Ca	2,85/1110 К	$2 \cdot 10^{-4}$	2,35	500-600	55	600-1100	40
Pd+1,0%Sr	2,5/1110 К	$1 \cdot 10^{-4}$	2,65	500-600	50	600-1100	40
Pd+1,5%Ba	2,4/1110 К	$5 \cdot 10^{-5}$	2,7	500-600	40-45	500-1100	40-45

Примечание: Допускается применение сплавов при более низких температурах, например, сплавов Pt-Ва и Pd-Ва до 300 °С, но при этом значения σ_{max} уменьшаются до 2,0 - 2,5 при воздействии электронной бомбардировки до 40 Вт/см².


Рис. 2.



Туннельная спектроскопия с модуляцией туннельного зазора участка поверхности палладий-бариевого катода $90 \times 90 \text{ nm}^2$. Участкам белого цвета соответствует минимальная работа выхода (2,3 эВ), серым - 3,7 эВ, черным - максимальная (5,2 эВ).

Предположительно, белые участки соответствуют соединениям бария с кислородом (среднее значение работы выхода - 2,3 эВ), серые участки - интерметаллиду (3,7 эВ), а черные представляют собой палладиевую матрицу с максимальной работой выхода - 5,2 эВ. Полученный результат подтверждает теоретическое представление об островковом характере участков эмиссии катода.

Рис. 3.



Зависимости σ_m (1 и 2) и $e\varphi$ (1' и 2') от дозы облучения для Pd-Wa и W, легированных ионами Ba^+ с $E_0 = 0,5 \text{ кэВ}$.

В качестве примера на рис. 3 показана динамика изменения зависимостей σ_m и $e\varphi$ от дозы облучения ионов для Pd-Ba и W, легированного ионами Ba с $E_0 = 0,5$ кэВ. Видно, что в случае W увеличение σ_m с дозой ионов сопровождается уменьшением $e\varphi$, а в случае Pd-Ba увеличение σ_m происходит при неизменной работе выхода поверхности.

Таким образом, легирование ионами Ba^+ и щелочных элементов, Pt, W и Pd-Ba во всех случаях приводит к росту коэффициентов ВЭЭ. Однако, характер изменения эмиссионных характеристик W отличается от типичных для Pd и Pt. Энергетические положения основных особенностей на кривой dR/dE_p для ионно – легированных образцов Pd и Pt отличны от положений особенностей как матрицы, так и легирующей примеси.

В заключение необходимо отметить следующее: при высоких дозах ($D > 15 \cdot 10^{16}$ см²) и низких энергиях ($E_0 < 1$ кэВ) ионов ионно-имплантированные образцы Pd и Pd-Ba обладают примерно одинаковыми ВЭ-свойствами. ВЭ-свойства образцов, легированных в атмосфере кислорода с $P_{O_2} = 5 \cdot 10^{-2}$ Па практически не зависят от материала мишени (Pt, W или Pd).

Литература

1. Дюбуа Б.Ч., Култашев О.К., Поливникова О.В. Эмиссионная электроника, нанотехнология, синергетика (к истории идей в катодной технологии) // Электронная техника, Сер.1. СВЧ-Техника, Вып. 4 (497). 2008. – С. 3-21.
2. Umirzakov B.E., Tashmukhamedova D.A., Muradkabilov D.M., Boltaev Kh.Kh. Electron spectroscopy of the nanostructures created in Si, GaAs and CaF₂ surface layers using low-energy ion implantation // Technical Physics. 2013. – V. 58, – №. 6, – P. 841-844.
3. Умирзаков Б.Е., Ташмухамедова Д.А., Рузибаева М.К., Ташатов А.К., Донаев С.Б., Мавлянов Б.Б. Исследование структуры и свойств гетероструктурных нанопленок, созданных методами эпитаксии и ионной имплантации // ЖТФ. 2013, том 83. Вып. 9. – С.146-149.
4. Ташатов А.К., Буназаров Д., Умирзаков Б.Е., Донаев С.Б. Оже-электронные спектры Mo и Pd-Ba имплантированных ионами Ba^+ . //IV международная конференция по актуальным проблемам молекулярной спектроскопии конденсированных сред. – Самарканд, 2013. – С. 104.
5. Ташмухамедова Д.А., Ташатов А.К., Умирзаков Б.Е., Донаев С.Б. Влияние имплантации ионов Ba на состав и физические свойства Mo, Pd и PdBa. // Девятая международная конференция “Ядерная и радиационная физика”. – Алматы: Казахстан, 2013. – С. 91-92.
6. Ильин В.Н., Есаулов Н.П., Казаков А.П. Электронная эмиссия сплавов платины и палладия с металлами II-группы // Электронная техника. Сер.1. Электроника СВЧ. 1971. Вып. – С. 138-142.
7. Djubua B.Ch., Pyin V.N., Koultashev O.K. Metall-allayed cathode for high- power vacuum tubes // IVESC-96. Session J: Thermionic Emission Applications, J3, Eindhoven. The Netherlands.
8. Дмитриева В.Н., Есаулов Н.П., Журавлев Н.Н., Рождественский В.М. Исследование фазового состава сплавов платина-барий и палладий-барий // Благородные металлы и их применение: сб. Свердловск. 1971. Вып. 28. – С. 58.
9. Djubua B.Ch., Zemchikhin E.M., Makarov A.P., Polivnikova O.V. Secondary electron emission, surface composition and modes of activation of metal alloy cathodes // Applied Surface Science. 1997. V. 111. – P. 285-287.
10. Байбурун В.Б., Волков Ю.П., Ильин Е.М., Семенов С.В. Туннельная спектроскопия палладий-бариевых эмиттеров // Письма в ЖТФ, 2002, т. 28, вып. 23. – С. 19. – 22.
11. Дюбуа Б.Ч. Современные эффективные катоды // Радиотехника, – №.4. 1999. – С. 55.

РЕЗЮМЕ

Определено, что при высоких дозах ($D > 15 \cdot 10^{16}$ см²) и низких энергиях ($E_0 < 1$ кэВ) ионов ионно-имплантированные образцы Pd и Pd-Ba обладают примерно одинаковыми вторично – эмиссионными свойствами.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Pa ва Pd – Ba нинг иккиламчи эмиссия хусусиятлари кичик энергияли ($E_0 < 1$ кэВ) ва катта миқдорда ($D > 15 \cdot 10^{16}$ см²) барий иони билан имплантация қилинганда бир хил ҳолатда бўлиши аниқланди.

SUMMARY

It is obviously that the secondary emission properties of Pa and Pd – Ba are in the same state when implanted with small energy ($E_0 < 1$ кэВ) and large amounts ($D > 15 \cdot 10^{16}$ см²) with barium ions.

Рекомендовано к печати доц. Г.Халимовым

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БУЛУТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Қурбонов З.М., Қурбонова Р.З. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *FileCloud.uz, cloud services, cloud technologies, freelancer.*

Key words: *FileCloud.uz, cloud services, cloud technologies, freelancer.*

Ключевые слова: *FileCloud.uz, облачные сервисы, облачные технологии, фрилансер.*

Ҳозирги кунда керакли файлларни ахборот ташувчи курилмалар – дискета, компакт-диск, флешка ва ташки хард-дисклардан ташқари «булутли» сервисларда сақлаш кенгрок тарқалмоқда.

Булутли технологиялар (инглиз тилида **cloud services, cloud technologies**) – ҳозирги кунда кенг қамровли атама бўлиб, унинг асосий мазмуни – бирор бир дастур ёки дастурлар мажмуасини фойдаланувчи курилмасида эмас, балки интернет тармоғи орқали хизмат кўрсатувчи курилмасида ишлатган ҳолда маълум турдаги дастурий хизматларни тақдим этишдир. Масалан: файлларни сақлаш, файлларга ишлов бериш, маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Фойдаланувчиларга тақдим этиладиган асосий имкониятлари: файлларни кўрсатилган «булутли» сақлагичда сақлаш, уларни ўз курилмалари аро синхронлаш, файлларни турган жойида кўриш, ўзгартириш, ўчириб ташлаш, қайта тиклаш, уларни учинчи шахслар кўришига ва ўзгартиришига, изоҳлар ёзишига рухсат бериш кабилардан иборатдир.

Бизнинг юртимизда ҳам булутли хизматларни тақдим этиб келаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кўпайиб бораётгани кувонарли ҳолат. Улардан бири **FileCloud.uz** бўлиб, бу сервис файлларни, масалан, ҳужжатлар, расм ва видеолар, электрон китоблар, умуман олганда сизга зарур бўлган муҳим файлларни булутли сақлагичда хавфсиз ва барқарор сақлаш имкониятини тақдим этади. Бу дегани – энди зарур файлларни флешка ёки компакт дискларда эмас, улардан ҳажми кўп ва имкониятлари кенг бўлган «булутли» хотирада сақлашингиз мумкин. FileCloud.uz сервисининг тўрт хил тариф режаси мавжуд.

Улардан биринчиси «**Бепул**» («**Бесплатный**») деб аталган ва номига яраша, мазкур тарифдаги фойдаланувчиларга ҳеч бир тўловсиз хизмат кўрсатилади. Шунчаки рўйхатдан ўтасиз ва фойдалана бошлайсиз. Бунда фойдаланувчиларга FileCloud.uz сервиси виртуал маконидан жами 500 мегабайт жой тақдим этилади. Унга юкланадиган битта файлнинг ҳажми 100 МБдан ошмаслиги лозим.

Кейинги тариф режаси «**Талаба**» («**Студент**») бўлиб, унда сизга юқоридаги тарифда тақдим этиладиганидан кўра кўпроқ имкониятлар мавжуд. Жумладан, бу тариф режаси фойдаланувчиларига жами 5 гигабайт жой ажратилади. Юкланадиган битта файл ҳажми эса 1 гигабайтгача бўлиши мумкин. Мазкур тариф режасида бўлсангиз, сақлагичдаги ўз файлингизни ўзингиз ўчириб юборганингиздан кейинги 30 кун ичида уни тиклашингиз имкони ҳам бўлади. Шунингдек, файлларингиз устида охириги 30 кун муддатда амалга оширилган ҳаракатлар тарихини кўришингиз мумкин бўлади. Бундан ташқари, обуна муддатингиз тугаганидан кейин ҳам 10 кун мобайнида файлларингиз «булутли» жойида сақланиб туради. Шу муддат давомида яна обунани давом эттирсангиз, аввалги файлларингиздан ҳам яна фойдаланаверасиз. Агар бирор дўстингиз, ҳамкасбингиз ё ҳамкорингиз учун файлингизга кириш рухсати беришга тўғри келиб қолса, бунинг учун паролланган ҳамда маълум муддатдагина амал қилиш имконияти билан уларга ҳаволалар тақдим этишингиз мумкин. «Талаба» тариф режасида ойлик обуна 10000 сўмни ташкил этади, лекин агарда бир йиллик обуна бўладиган бўлсангиз, чегирма тарзида ҳар ой учун 7000 сўм тўлашингиз ҳам мумкин бўлади.

Навбатдаги – «**Фрилансер**» («**Freelancer**») тариф режасида эса, юқоридагилардан ташқари, янада кўпроқ имтиёзлар берилади. Жумладан, унда файлларингизни сақлаш учун 10 гигабайт жой берилади. Бу маконга биттасининг ҳажми 2 гигабайтгача бўлган файлларингизни юклай оласиз. У ердан ўчириб юборган файлларингизни эса кейинги 60 кун

ичида қайта тиклаш имкониятига эга бўласиз. Шунингдек, «булутли» макондаги файллари устида охириги 60 кун ичида бажарилган амаллар тарихини кўра оласиз. Булардан ташқари, «Фрилансер» тариф режасидаги обунангиз тугаганидан кейинги 20 кун ичида файллари устида ўчириб юбормасдан сақланади, шу муддат мобайнида сервисдан фойдаланишни «келган жойидан» яна давом эттирсангиз, ўша файллари устида ҳам ўзингиз қолдирган ҳолида турган бўлади. Шу имкониятларига яраша, «Фрилансер» тариф режаси учун обуна нархи ойига 15000 сўмни ташкил этади. Биратўла йиллик обунани расмийлаштирсангиз, чегирма билан ҳар ойига 10000 сўм тўлайсиз.

Ва ниҳоят, «**Оила**» («**Семья**») тариф режасида бўлса, юқорида санаб ўтилган барча тарифлардаги имкониятлар янада кенгайтирилган тарзда тақдим этилади. Яъни, сиз бунда сервиснинг виртуал маконидан 50 гигабайт жойга эга бўласиз, юкланадиган ҳар бир файлни ўлчамлари эса 10 гигабайтгача бўлишига рухсат этилади. Сервисдан ўчирилган файллари устида қайта тиклаш ҳамда файллари устида ўзгартирилиш тарихини кўриш учун муддатлар ҳам мазкур тариф режасида 90 кунга етказилган. Тариф учун ойлик тўлов 40000 сўм ҳажмида белгиланган, бироқ йиллик обуна бўлсангиз, ойига 30000 сўм қилиб чегирма берилади.

Хуллас, ўзингизнинг талаб ва эҳтиёжларингиздан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги тарифлардан бирини танлашингиз мумкин.

Таълимда булут технологияларидан фойдаланиш жуда кўп қулайликларни тақдим этади. Ушбу мақоламизда таълимдаги асосий имкониятлари ҳақида маълумот бериб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Ҳужжатлар устида ходимларнинг ҳамкорликда ишлаши. Бундай ҳужжат турига таълим дастури ёки йиллик режани мисол қилиш мумкин. Бундай кенг кўламли ҳужжатлар асосан педагог-психолог, ижтимоий педагог ёки соғлиқни сақлашга маъсул шахс каби маълум бир йўналишга жавоб берувчи маъмурият ва педагоглар томонидан тайёрланади. Ҳар бир ходим ҳужжатнинг айнан бир қисми учун жавоб беради, лекин бошқа блоклардаги маълумотларга шарҳ қолдириш ёки тўлдириш имконига эгадирлар.

Булут технологияларида бир ҳужжат устида ҳамкорликда ишлаш учун керакли ҳужжат яратиш ёки уни булутли омборга жойлаштириш керак ва бу ҳужжатдан фойдаланиш ҳуқуқини, бу ҳужжатга ҳаволага эга бўлган шахсга ёки электрон хат манзиллари орқали бериш мумкин.

Ўқув жараёнида керак бўладиган маълумотлар ва ҳужжатлар алмашинувини таълим олувчилар ҳамда таълим берувчи ўртасида йўлга қўйиш. Реферат ва лойиҳалар бўйича маслаҳат алмашиш. Таълим олувчилар лойиҳа мавзуларини оладилар ва гуруҳларга бўлинадилар. Гуруҳда вазифалар тақсимланади. Кейин эса гуруҳ раҳбар ҳужжат яратади ва барча иштирокчиларга ҳужжатдан фойдаланиш ҳуқуқини беради (ҳавола ёки электрон хат манзиллари ёрдамида). Таълим олувчилар лойиҳа устида, ҳужжатларни маълумотлар билан тўлдирган ҳолда мактабда ёки уйда ишлашади. Лойиҳа устида ишлар якунлангач, таълим берувчига кириш ҳуқуқи берилади. Таълим олувчилар лойиҳа ҳимоясига қадар хатоларни тўғрилаш учун таълим берувчи томонидан ҳужжатнинг маълум бир қисмига шарҳ қолдириши мумкин бўлади. Лойиҳани яратишда қатнашганликни баҳолаш учун таълим берувчи лойиҳадаги ўзгаришлар хронологиясини кузатиб бориши лозим ҳисобланади. Бу хронология ёрдамида қайсидир даражада гуруҳнинг ҳар бир таълим олувчиси лойиҳага қандай ҳисса қўшганини аниқлаш мумкин бўлади.

Гуруҳда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш. Матнли ва кўргазмали файллари тайёрлаш, реал вақт давомида бошқа муаллиф билан ҳужжатларга тўғрилашлар киритиш бўйича музокараларни ташкил қилиш, натижаларни интернет тармоғига барча фойдаланувчилар танишиши мумкин бўлган web саҳифа сифатида жойлаштириш, турли кўринишдаги ахборот объектлари устида амалий вазифаларни бажариш, матнни шакллантириш ва таҳрир қилиш, матн муҳарририда жадваллар ва чизмалар яратиш мумкин бўлади.

Таълим жараёни фойдаланувчиларидан тармоқ орқали турли хилдаги маълумотларни тўплашни ташкил қилиш. Таълим берувчи таълим олувчиларга берилган вазифани қайси даражада амалга оширилаётганини кўриб туриш имконига эга бўлади. Моделлаштириш, жадвалларда сонли маълумотларни қайта ишлаш, диаграммалар тузиш каби ўқув фанлари бўлимлари бўйича ҳам индивидуал, ҳам ҳамкорликдаги амалий ишларни олиб бориш мумкин. Бошланғич, жорий ва якуний назорат, ундан ташқари ўзини ўзи назорат қилиш ишларини ўтказиш мумкин. Таълим берувчида ҳужжатларда махсус шаклларни қўллаган ҳолда турли саволларни ўз ичига олган тестларни, савол-жавоб ўйинларини ташкил қилиш, таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналари учун сўровномалар ташкил қилиниши мумкин.

Мувофиқ хизматлар ёрдамида таълим жараёнини режалаштириш назарий ва амалий машғулотлар жадвалини яратишга, рефератларни топшириш муддатини белгилаш, таълим олувчиларга уй вазифасини эслатиб қўйиш, машғулотларни бошқа вақтга кўчирилганлиги ҳақида огоҳлантириш мумкин бўлади.

Масофавий таълим. Таълим берувчи таълим олувчиларга электрон кундалик орқали вазифа беради. Бу исталган ёзма вазифа бўлиши мумкин. Таълим олувчи янги ҳужжат яратиши керак ёки таълим берувчи томонидан яратилган ҳужжат устида ишлаши керак (саволларга жавоблар бериш, вазифаларни ечиш, жадвалларни тўлдириш). Таълим берувчи ўзгартирилган ҳужжатни кўриши мумкин, чунки унда ҳужжатга кириш ҳуқуқи мавжуд бўлади.

Булут хизмати билан ишлаш учун биринчи навбатда интернет тармоғига уланган компьютер керак бўлади, бундан ташқари смартфон ёки планшет каби мобиль қурилмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Мобиль қурилмаларда ҳужжатларни яратиш унчалик ҳам қулай эмас, аммо ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш жуда ҳам осон ҳисобланади.

Таълим муассасаларининг булут хизматларидан фойдаланиш афзалликлари эса қуйидагилардан иборат:

Дастурий таъминотга сарфланадиган маблағларни тежаш. Масалан, Office Web Apps технологиясини ишлатган ҳолда, ҳужжатлар, презентациялар, электрон жадваллар ва ҳоказо ҳужжатлар билан ишловчи офис технологияларини сотиб олмаси ҳам бўлади.

IT-мутахассисларга сарфланадиган маблағларни тежаш. Аниқ белгиланган нарх эвазига булутли платформалардан фойдаланиш жараёнида, маълум IT-мутахассислар хизматларидан фойдаланмаслик мумкин.

Хоналарга бўлган талабнинг йўқлиги. Кўп турдаги ўқув ишларини онлайн тарзда амалга ошириш мумкин, шу қаторда таълим берувчилар томонидан онлайн тарзда назорат қилиниши ва баҳоланиши мумкин.

Хавфсизлик. Антивирус, антихакер хавфсизлик хизматлари булут хизмати ходимлари томонидан таъминланади.

Сервердаги жойнинг тежалиши. Маълумотларни сақлаш булут хизмати томонидан амалга оширилади.

Имконияти чекланган инсонларнинг таълимдан фойдаланиш имконияти.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиладиган бўлса, булут технологияларини ўқитиш жараёнига татбиқ қилиш таълим тизимидаги истиқболли инновациялардан бири ҳисобланишини хулоса қилиш мумкин. Чунки бу технология ёрдамида ахборот инфраструктураси-га сарфланадиган маблағларни қисқартириш билан бир қаторда таълим сифатини оширишни таъминловчи хизматларни яратиш ҳамда уларни таълим муҳитида тарқатиш ва фойдаланиш имконини яратади.

Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига, талабаларига булут технологияларнинг имкониятлари, афзалликлари ҳақида маълумот бериб, педагогик фаолиятларида татбиқ қилишлари мақсадида махсус курс, танлов фан сифатида ўқитилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланган адабиётлар

1. Романова И. Облачные технологии и их применение // Молодой ученый. – 2016. – №17.1. – С. 109-112.

2. <http://conf-mkgtu.ru/report/504/> – Использование облачных технологий в образовании.

3. <https://moluch.ru/archive/62/9448/> – Применение облачных технологий в образовании.

РЕЗЮМЕ

Мақолада булут технологияларидан таълимда ва таълим муассасаларида фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлен обзор преимуществ использования облачных технологий в образовании и образовательных учреждениях.

SUMMARY

The article gives you information on the advantages of using cloud technologies in education and in educational institutions.

Нашрга ф.-м. ф. д. А.Холмуродов тавсия этган

AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TIZIMLARIDA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING DASTURIY VOSITALARINING TAHLILI

Jurayev Sh.M., Kuchimov M. (TAQI)

Tayanch so'z va iboralar: *axborot, kriptografik himoya, eToken, ruToken, dasturiy apparat vositalari, autentifikatsiya.*

Ключевые слова: *информация, криптографическая защита, eToken, ruToken, программно-аппаратные средства, аутентификация.*

Key words: *information, cryptographic protection, eToken, ruToken, software hardware tools, authentication.*

Axborotlarning kriptografik himoya vositalari (AKHV) – apparat, dasturiy va dasturiy-aparat vositalar ko'rinishida bo'lishi mumkin va ular o'zida bir yoki bir nechta kriptografik usullarni qamrab olgan bo'lishi mumkin [3:432].

AKHV quyidagi asosiy vositalardan tashkil topgan:

- kriptografik dasturiy vositalar - bir yoki bir nechta kriptografik usullarni o'zida mujassam etgan, yuqori yoki quyi dasturlash tillarida yozilgan alohida bibliotekalar yoki belgilangan dasturlar to'plami;

- kriptografik apparat vositalar – kriptografik usullarni maxsus mikrosxemalar, prosessorlar, maxsus bloklar yoki dasturiy modullarda amalga oshirilgan ko'rinishi bo'lib, avtomatik ravishda ishlaydi;

- kriptografik dasturiy-aparat vositalar – kriptografik himoya usullarini kompleks, ya'ni ham dasturiy, ham apparat vositalar orqali amalga oshiriladi.

Kriptografik apparat himoya vositalar – maxsus blok bo'lib, bu blok ma'lumotlarni shifrlash uchun foydalaniladigan qurilmalardan tashkil topgan. Kriptografik apparat himoya vositalari, shuningdek, qo'shimcha himoya funksiyalaridan iborat. Masalan, ruxsatsiz foydalanishlardan himoyalovchi funktsiya. Bundan tashqari, kriptografik apparat vositalar dasturiy vositalarga talab etilmaydigan quyidagi qo'shimcha bloklardan iborat:

- kriptografik kalitlarni boshqarish bloki;
- tasodifiy sonlarni hosil qiluvchi generator;
- xotira, doimiy va tezkor xotira;
- vaqtni sinxronizatsiyalash bloki;
- xesh-qiyamatni saqlovchi va nazorat qiluvchi blok.


Shuningdek, apparat kriptografik himoya vositalari qo'shimcha maxsus shifrlovchi prosessorlardan, identifikatsiya, autentifikatsiya va avtorizatsiyani tekshiruvchi bloklardan iborat bo'li-

shu mumkin. Hatto apparat vositalar maxsus hisoblovchi kompyuter ham bo'lishi mumkin. Bunda u markaziy protsessor bilan maxsus shina (tizim shinasi) orqali bog'lanadi.

Kriptografik apparat himoya vositalar odatda kompyuterga ulanadigan plata ko'rinishida bo'ladi va u quyidagi bloklardan iborat bo'ladi:

1-rasm.

Kriptografik apparat himoya vositalarining asosiy sxemasi



Boshqarish bloki kriptografik apparat himoya vositasining turli xil bloklarini bir-biriga bog'lash vazifasini bajaradi, ma'lumotlarni boshqaradi va tizim shinasi orqali uzatilishini ta'minlaydi.

Apparatning xotirasi ikki blokdan tashkil topgan:

- tezkor xotira – kriptografik himoya vositasining dasturiy ta'minotini, dastur tashkil etuvchilarini, o'zgaruvchi parametrlarni o'zida saqlaydi;
- doimiy xotira – maxsus buyruqlar, himoyani amalga oshiruvchi funksiyalar va apparat AKHV dasturiy ta'minoti yuklanishlari yig'indisi.

Bulardan tashqari qolgan manbalar qo'shimcha ikki xotira blokida saqlanadi:

- jurnal uchun xotira;
- kalitlarni saqlash uchun xotira.

Tasodifiy sonlar generatori apparat AKHV uchun tasodifiy sonlar ketma-ketligini hosil qilib beradi. Tasodifiy sonlar generatorining apparat ko'rinishida fizik jarayonlar orqali tasodifiy ketma-ketliklar olinadi.

Vaqtni sinxronizatsiyalash bloki apparat AKHVda amallar bajarilishini nazorat qiladi, ma'lumot uzatilishini vaqt sinxronizatsiyasida amalga oshiradi.

Kiritish/chiqarish bloki tashqaridan kiruvchi signalni ichki signalga aylantirib beradi. Apparat AKHV kiritish/chiqarish bloki quyidagi qurilmalar bilan bog'liq muhim bog'lanishlarni amalga oshiradi:

- kompyuterning tizimli shinasi yoki ma'lumotlarni uzatuvchi liniyalarda qabul qiluvchi/uzatuvchi qurilma, bu to'g'ridan-to'g'ri shifrlash uchun foydalaniladi;
- kalit ma'lumotlarni saqlovchi qurilma, ular identifikatsiya/autentifikatsiya jarayonlariga yordam beradi, shuningdek apparat AKHV vazifalarini nazorat qilishga yordam beradi;
- qattiq disk boshqaruvchisi va ma'lumotlarni zaxirada saqlash qurilmasi, bular ma'lumotlarni xavfsizligini ta'minlashda va zaxirada saqlashda ishlatiladi.

Shunday qilib, apparat kriptografik himoya vositalari o'zida murakkab bo'lgan ko'p funksiyalarni qamrab olgan [7:140]. Kriptografik apparat vositalari quyidagi afzalliklarga ega:

- shifrlash algoritmini o'zgartirib bo'lmazlik;
- kriptografik kalitlarni hosil qilishda tasodifiy sonlar generatoridan foydalanishlik;
- shaxsiy identifikatorlardagi kalitlar bilan shifrlash to'g'ridan-to'g'ri apparatning maxsus prosessorida amalga oshirilishi;
- kalitlarni kompyuterning xotirasida emas, balki shifrlash prosessor xotirasida saqlanishi;
- tizim yuklangunga qadar foydalanuvchilarni identifikatsiya va autentifikatsiyadan o'tkazish imkoniyati;
- ma'lumotlarni shifrlash yuqori tezlikda amalga oshirilishi.

Dasturiy-apparat himoya vositalari dasturiy va apparat tashkil etuvchilar yig'indisidan tashkil topgan bo'lib, ular quyidagi tayanch modullardan tashkil topgan:

- shifrlash bloki (nosimmetrik shifrlash tizimlari dasturiy modullar, simmetrik shifrlash apparat modullar uchun), dasturiy, apparat ko'rinishida yoki ularning kombinatsiyasi asosida amalga oshiriladi;
- elektron raqamli imzo bloki;
- kalitlarni boshqarish bloki;
- identifikatsiya/autentifikatsiya moduli;
- tashqi interfeysni boshqarish moduli;
- tizim ishlashini nazorat etuvchi modul.

Axborotni kriptografik himoyalashning dasturiy-apparat vositalaridan biri autentifikatsiya vositalari hisoblanadi [1:131]. Ularga quyidagilarni kiritish mumkin:

- **eToken**;
- **USB – kalit / eToken PRO** smart-kartasi;
- **USB – kalit/ eToken PRO** smart-kartasi (Java);
- Kombinatsiyalashgan **eToken NG – OTP USB – kaliti**;
- Kombinatsiyalashgan **eToken NG - FLASH USB – kaliti**;
- **eToken PASS** breloki va boshqalar.

eToken elektron kaliti - avtorizatsiya, autentifikatsiya va ma'lumotlarni himoyalangan saqlash shaxsiy vositasi, raqamli sertifikatlar va elektron raqamli imzoni qo'llovchi dasturiy-apparat vositasi.

eToken USB-kalit smart-kartalari yoki brelok shaklida chiqariladi. eToken modellari Rossiya tomonidan sertifikatlangan bo'lib, uni foydalanuvchilar autentifikatsiyasi va himoyalanganlik sinfi G1 gacha bo'lgan maxfiy axborotni qayta ishlovchi avtomatlashtirilgan tizimlarda kalitli axborotlarni saqlash uchun qo'llagan ma'qul. Ular sertifikatlangan axborotni himoyalashning kompleks sistemasini (KriptoPro CSP, Kripto-KOM, Domen-K, Verba-OW va b.) uchun kalit ma'lumotlarni tashishga tavsiya qilinadi.

eToken PRO smart-kartalar va USB-kalitlar smart-karta mikrosxemalari bazasida qurilgan, autentifikatsiya va raqamli sertifikatlar va elektron raqamli imzo bilan ishlashni apparat jihatdan qo'llab quvvatlovchi ma'lumotlarni himoyalangan saqlash uchun mo'ljallangan.

Mumkin bo'lgan ko'rinishlari:

- bajarilish form-faktori bo'yicha: USB-kalit, smart-karta;
- smart-karta xotira hajmiga ko'ra: 32, 64 KB;
- sertifikatlangan turi (Rossiya);
- ichki o'rnatilgan radio-belgilarga egaligi bo'yicha;
- USB-kalit korpusiga relyefli logotipni kiritish, smart-karta yuzasiga chop qilish, USB-kalit qurilmasiga tampopechat usulida logotipni kiritish;
- USB-kalit qurilmasi uchun korpus rangi bo'yicha.

USB-kalit/eToken PRO (Java) smart-kartasi USB-kalitlar va eToken smart-kartalarning yangi avlodi – eTokenning funksional imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytiruvchi va uning

foydalanish ko'lamini kengaytiruvchi Java-karta bazasida qurilgan, autentifikatsiya va axborot xavfsizligini ta'minlovchi yechimdir.

eToken PRO (Java) eToken PROning barcha funksiyalariga ega va dasturiy jihatdan u bilan butunlay mos. Qo'shimcha ravishda, eToken PRO (Java) foydalanuvchilar ma'lumotlarini (72 KB) himoyalangan holda saqlashda, xotira hajmini kattalashtirish imkoniyatiga ega va qo'shimcha dasturlarni yuklash imkonini beradi. eToken PRO (Java) ERI kalitlarini generatsiyasini apparat tomonidan amalga oshiradi va GOST R 34.10-2001 standarti bo'yicha ERI larni shakllantiradi.

eToken PRO (Java) USB–kalitlarini Windows Vista operatsion tizimida ishlatish uchun drayverlarni o'rnatish talab qilinmaydi (drayverlar operatsion tizim tarkibida kiradi).

Mumkin bo'lgan ko'rinishlari:

- Amalga oshirish form-faktori bo'yicha: USB-kalit, smart-karta;
- sertifikatlangan versiyasi (Rossiya) – sinov sertifikati bosqichida;
- ichki o'rnatilgan radio-belgilariga egaligi bo'yicha;
- USB-kalit korpusiga relyefli logotipni kiritish, smart-karta yuzasiga chop qilish, USB-kalit qurilmasiga tampopechat usulida logotipni kiritish;
- USB-kalit qurilmasi uchun korpus rangi bo'yicha.

eToken PRO sertifikatlangan modellari hisoblangan, Aladdin kompaniyasining eToken PRO modellari bo'lgan NG-OTP va NG-FLASH lar 2008-yil 5-martdagi №925/5 sertifikatiga muvofiq, axborotni himoyalash vositalarini sertifikatlash tizimi (Rossiya) tomonidan sertifikatlangan.

eToken NG-OTP kombinatsiyalangan USB–kalitlari axborot xavfsizligi sohasidagi yechimlardan biri. U funksional smart-karta, kalitlarni tasvirlash uchun suyuq kristall displey va generatsiyalash tugmasiga ega bo'lgan ichki o'rnatilgan bir martalik kalitlar apparat generatoridan tashkil topgan.

Mumkin bo'lgan ko'rinishlari:

- smart-karta xotira hajmi bo'yicha: 32, 64 KB;
- sertifikatlangan versiyasi (Rossiya);
- ichki o'rnatiluvchi radio-belgilariga egaligi bo'yicha;
- korpus rangi bo'yicha.

eToken NG-FLASH kombinatsiyalangan USB-kaliti ichki o'rnatilgan flash-xotira modulida foydalanuvchilar ma'lumotlarining katta hajmini saqlaydigan funksional smart-kartaga ega [5:754]. Shuningdek, eToken NG-FLASH kompyuterning operatsion tizimi yuklanishini va flash-xotiradan foydalanuvchi ilovalarini ishlatishni amalga oshira oladi.

Mumkin bo'lgan ko'rinishlari:

- ichki o'rnatiluvchi flash-xotira moduli hajmi bo'yicha: 512 MB; 1,2 va 4 GB;
- sertifikatlangan versiyasi (Rossiya);
- ichki o'rnatiluvchi radio-belgilariga egaligi bo'yicha;
- korpus rangi bo'yicha.

eToken PASS o'zining ishlashi uchun kompyuterga ulashni talab qilmaydigan bir martalik parollar avtonom generatori. eToken PASS bir martalik **kalitlarni tasvirlash uchun suyuq kristall displey va generatsiyalash tugmasiga ega.**

“ruToken” [5:755] – bu shifrlash va autentifikatsiya algoritmlaridan foydalanuvchi va o'zida bir necha xalqaro xavfsizlik standartlarini birlashtirgan, autentifikatsiyalash va axborotni himoyalashning apparat vositasidir. U Rossiyaning “ANKAD” firmasida ishlab chiqarilgan.

ruToken kompyuterning USB-portiga ulanuvchi, unchalik katta bo'lmagan elektron qurilmani o'zida namoyon qiladi (USB-brellok). U smart kartaning analogi hisoblanadi, lekin u bilan ishlashda qo'shimcha qurilmalar talab etilmaydi.

Sanoat standartlarini qo'llab-quvvatlashi ruTokenni umumfoydalanuvchi dasturiy ta'minot sifatida o'rnatishga, shifrlash algoritmlarining qo'llanilishi esa ruToken identifikatorlari bazasida axborot xavfsizligi tizimini yaratishga imkon beradi.

ruToken ixtiyoriy ilovalarda qo'llanilishi mumkin, masalan, parollar, smart-kartalar va boshqa identifikatorlarning odatiy ishlatiluvchi joylarda. Dasturiy-apparat vositalari kompleksida mos holda ruToken quyidagi masalalarni hal qilishda ishlatilishi mumkin:

Autentifikatsiya:

- dasturiy-apparat autentifikatsiyasiga mo'ljallangan ma'lumotlar bazasi, Web-serverlar, VPN-tarmoqlar va ilovalarga kirishda parolli himoyani o'zgartirishni;

- pochta serverlari, ma'lumotlar bazasi serverlari, Web-serverlar, fayl-serverlar, masofaviy foydalanishda autentifikatsiyadan foydalanishda himoyalangan bog'lanishni.

Ma'umotlar himoyasi:

- axborot himoyasini (GOST 28147 algoritmiga asosan shifrlash);

- elektron pochta himoyasini (ERI, shifrlash);

- kompyuterga kirishdan himoyalash (foydalanuvchini operatsion tizimga kirishda avtorizatsiyalash).

ruToken ISO/IEC 7816 standartiga javob beruvchi ichki o'rnatilgan fayl tizimini o'z ichiga oladi. GOST 28147 ga ko'ra ruTokenning har bir nusxasi uchun noyob hisoblanuvchi ma'lumotlar asosidagi butun fayl tizimini shaffof shifrlanishi ta'minlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.M. Axborot xavfsizligi asoslari. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2013. – 131 b.

2. Варлатая С.К., Стаханова М.В. Программно-аппаратная защита информации: учеб. Пособие. – Владивосток: Издательство ДВГТУ, 2007. – 318 с.

3. Akbarov D.Y. Axborot xavfsizligini ta'minlashning kriptografik usullari va ularning qo'llanilishi. – Toshkent: «O'zbekiston markasi» nashriyoti, 2009. – 432 b.

4. Яковлев А.В., Безбогов А.А., Родин В.В., Шамкин В.Н. Криптографическая защита информации: учебное пособие – Тамбов: Издательство Тамб. гос. техн. ун-та, 2006. – 140 с.

5. Венбо М. «Современная криптография: теория и практика». Издательский дом «Вильямс», 2005. – 764 с.

6. Овчинников А.М., Лазин А.С. Устройства защиты информации для средств УКВ-радиосвязи // Специальная Техника. №3. – М. 1998. 1998. – 78–81.

7. 1969._ Vol. 1 of The Art of Computer Programming. Garner H. The residue number system // IRE Transactions on Electronic Computers._ 1957._ Vol. EC-8, no. 2._ Pp. 140–147.

8. <http://www.ip-zaslon.ru/index.htm> (ZAO «Gollard». «Apparatnyy IP shifratoy ZASLON»).

REZYUME

Mazkur maqola axborot kommunikatsiya tizimlarida axborot xavfsizligini ta'minlashga bag'ishlangan bo'lib, AKT axborot xavfsizligini kompleks ta'minlash dasturiy vositalari va ma'lumot himoyasining samarali usullari tahlil etilgan hamda kriptografik apparat himoya vositalari o'rganib chiqilgan.

РЕЗЮМЕ

В этой статье основное внимание уделяется обеспечению информационной безопасности в информационных системах связи, анализу эффективных методов обеспечения информационной безопасности и защиты информации, а также анализу криптографической защиты оборудования.

SUMMARY

This article focuses on ensuring information security in information communication systems, analyzing effective methods for ensuring information security and information protection, as well as analyzing the cryptographic protection of equipment.

Nashrga f.-m. f. d. A.Xolmurodov tavsiya etgan

4 – МЕТОКСИФЕНОЛНИ ЯНГИ ЛЬЮИС КИСЛОТАЛАРИ ИШТИРОКИДА
ГОМОГЕН КАТАЛИЗ ШАРОИТДА ХЛОРАЦЕТИЛЛАШ

Чориев А.У., Раджабова С.Ф., Мирзаева М.Ф., Бобоёрова Ш.М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: 4-метоксифенол, хлорацетилхлорид, Льюис кислоталари, трифлат кислота, ИҚ- спектри.


Ключевые слова: 4-метоксифенол, хлорацетилхлорид, Lewis acidalis, трифлатная кислота, ИК-спектры.

Key words: 4-methoxyphenol, chloroacetyl chloride, Lewis acidalis, triflate acid, IR-spectra.

Адабиётлардан маълумки, фенол хлорацетилхлорид билан реакцияга киришганда гидроксил гуруҳи ацилланиб монохлорсирка кислотанинг мураккаб эфири ҳосил бўлиши ёки бензол ҳалқаси ацилланиб гидроксихлоркетонлар ҳосил бўлиши мумкин. Реакциянинг у ёки бу йўналишда бориши, реакция олиб борилаётган шароитга боғлиқ бўлади.

Агар фенолни хлорацетиллаш реакцияси 0 °С да CS₂ эритмасида экви-молекуляр миқдордаги AlCl₃ иштирокида олиб борилса, реакция натижасида хлорсиркафенил эфири ҳосил бўлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети органик кимё кафедраси олимлари ҳам фенол ва хлорацетилхлорид реакциясини абсолют бензол муҳитида олиб бориш билан бу натижани тасдиқлаганлар [1]. Улар реакцияни каталитик миқдордаги металл тузлари иштирокида олиб боришганда эса икки хил модда - фенилхлорацетат ва 4-гидроксифенацил-хлоридлар аралашмаси ҳосил бўлган [2,3]:



4-Метоксифенолнинг хлорацетиллаш реакцияси фенолнинг реакцияларига ўхшаш борса ҳам, лекин бу тўғрида адабиётларда маълумотлар йўқ.

Шу сабабли 4-метоксифенолнинг хлорацетилхлорид билан реакцияси каталитик миқдордаги Sc(OTf)₃, AgOTf, Ln(OTf)₃, Fe(OTf)₃, ТАА лар иштирокида ўрганилди.

Реакция бир хил шароитда ($3 \cdot 10^{-3}$ миқдордаги катализатор иштирокида) 4-метоксифенол: хлорацетилхлориднинг 1:1 ва 2:1 нисбатларида 1 соат давомида 200-210°С атрофида олиб борилди.

4-Метоксифенолни хлорацетиллаш реакциясининг маълумотлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Реакцион аралашмада 4-метоксифенол миқдорининг ошиши (2:1) реакция унумининг камайишига олиб келади. 4-Метоксифенолни хлорацетиллаш реакцияси кам миқдордаги Sc(OTf)₃ катализатори иштирокида олиб борилса, реакция унумининг энг юқори (90%) бўлиши аниқланди.

**4- Метоксифенолни янги Льюис кислоталари иштирокида
хлорацетилхлорид билан ациллаш***

№	Реагентларнинг моляр нисбати 4- метоксифенол: :ХАХ: катализатор	Катализатор	Реакция темпера- тураси, °С	Реакция унуми, фоиз	ГСХ бўйича реакция маҳсу- лотининг таркиби, фоиз	
					4-МФХА*	2-Г-5-МФАХ*
1	1:1:3·10 ⁻³	Sc(OTf) ₃	200-210	91	83	17
2	2:1:3·10 ⁻³	Sc(OTf) ₃	200-210	83	93	3
3	1:1:3·10 ⁻³	AgOTf	200-210	79	85	15
4	2:1:3·10 ⁻³	AgOTf	200-210	70	96	4
5	1:1:3·10 ⁻³	Ln(OTf) ₃	200-210	74	54	46
6	2:1:3·10 ⁻³	Ln(OTf) ₃	200-210	65	90	10
7	1:1:3·10 ⁻³	Fe(OTf) ₃	200-210	67	17	83
8	2:1:3·10 ⁻³	Fe(OTf) ₃	200-210	60	38	2
9	1:1:3·10 ⁻³	ТАА	200-210	38	98,4	1,6
10	2:1:3·10 ⁻³	ТАА	200-210	33	97	3
11	Бензол	Катализаторсиз	79-80	90	100	0

*Реакция вақти 1 соат;

*ХАХ – хлорацетилхлорид;


*4-МФХА – 4-метоксифенилхлорацетат;

*2-Г-5-МФАХ – 2-гидрокси-5-метоксифенацетилхлорид.

Реакция унумига кўра катализаторларнинг фаоллик қатори келтириб чиқарилди ва у куйидаги тартибда камайиб боради:



4-Метоксифенолни кам миқдордаги катализаторлар иштирокида олинган хлорацетиллаш маҳсулотлари юққа қатлам ва газ – суюқлик хроматографияси бўйича анализ қилинганда иккита модда ҳосил бўлганлиги ва реакциянинг куйидаги схема бўйича борганлиги аниқланди:



4-Метоксифенилхлорацетат ва 2-гидрокси-5-метоксифенацетилхлоридларнинг нисбати катализатор табиатига ва реакция шароитига боғлиқ бўлади.

4-Метоксифенолнинг хлорацетиллаш реакцияси катализаторсиз бензол эритмасида олиб борилганда реакция 18 соат давом этади ва реакция натижасида битта модда 4-метоксифенилхлорацетат ҳосил бўлади.

Реакция маҳсулотларининг юққа қатлам хроматографияси ўрганилди ва моддалар колонкали хроматография усулида ажратиб олинди. Уларнинг физикавий доимийликлари аниқланди. ИҚ-ва ПМР- спектрлар билан тузилишлари тасдиқланди.

Тажриба қисми

Реакция натижасида олинган маҳсулотлар таркиби газ – суюқлик хрома-тографияси “Хром-5” ускунаси ёрдамида куйидаги шароитда аниқланди. Колонка узунлиги-1200мм, диаметри-3мм, стационар фаза-5 фоизли OV-1 Jnerton “Super” да, колонканинг ҳарорати 300°С, газ ташувчи азот тезлиги 30 мл/мин. Маҳсулот ацетон эритмасида (1:1) анализ қилинди, ҳар бир модданинг фоиз миқдорини ҳисоблаш маълум усул билан олиб борилди [4].

Қайтарма совуткич ва термометр ўрнатилган дефлегматорли колбага 6,2 г (0,05-мол) 4-метоксифенол, 5,65 (0,05 г-мол) хлорацетилхлорид ва 0,024 г ($3 \cdot 10^{-3}$ г-мол) FeCl_3 солинди ва аралашма 1 соат 200-210°C да қиздирилди. Реакция тугагандан сўнг реакция маҳсулоти тўғридан-тўғри вакуумда ҳайдаб олинди. Унум 9,1 г (91 фоиз). Т. қайн. 180-182 °C / 14 мм сим.уст.

Реакция маҳсулотининг газ-суюқлик хроматографияси ўрганилди ва унинг 83 фоиз 4-метоксифенилхлорацетатдан ва 17 фоиз 2-гидрокси-5-метокси-фенацилхлоридлардан иборат эканлиги аниқланди. 4-Метоксифенолнинг хлорацетиллаш реакциясини маълумотлари ва изомер таркиблари жадвалда келтирилган.

Изомерларни ажратиш: Реакция маҳсулотининг юпка қатлам хромато-графияси тетрахлорметан, хлороформнинг 1:1 нисбатдаги системада (Silufol-254) ўрганилди. Юпка қатлам хроматографияда иккита доғ бўлиб, юкоридаги доғ ($R_f = 0.56$) 4-метоксифенилхлорацетат, пастки доғ ($R_f = 0.26$) 2-гидрокси-5-метокси-фенацилхлорид эканлиги аниқланди. Изомерлар шу системада колонкали хроматография усули билан силикагелда ажратиб олинди ва физикавий доимийликлари аниқланди.

Қайтарма совуткич билан жиҳозланган туби думалоқ 100 мл сиғимли колбага 6,2 г (0,05 г-мол) 4-метоксифенол, 5.65 г (0.05 г-мол) хлорацетил-хлорид, 30 мл бензол солинди ва водород хлорид чиқиши тўхтагунча қайнатилди. Бензол ва реакцияга киришмай қолган 4-метоксифенол сув насосида, реакция маҳсулоти эса вакуумда ҳайдалди. 4-Метоксифенилхлорацетат унуми 9 г (90 фоиз). Т. суюқл. 41-42 °C (спирт).

4-Метоксифенилхлорацетатнинг ИҚ-спектрида карбонил гуруҳининг валент тебраниши 1720 см^{-1} , С-О-С боғининг симметрик ва асимметрик валент тебранишлари $1105\text{-}1200 \text{ см}^{-1}$, CH_3 гуруҳининг симметрик ва асимметрик валент тебранишлари 2900 ва 3000 см^{-1} , ароматик халқанинг С-Н боғи $2930\text{-}3000 \text{ см}^{-1}$, С=С боғи $1590\text{-}1600 \text{ см}^{-1}$ соҳаларда намоён бўлади.

2-Гидрокси-5-метокси-фенацилхлорид. Т. суюқл. 45-46 °C (спирт). 2-Гидрокси-5-метокси-фенацилхлориднинг ИҚ-спектрида карбонил гуруҳ $1750\text{-}1760 \text{ см}^{-1}$, С-О-С гуруҳ 1150 см^{-1} , CH_3 гуруҳ $2924\text{-}3000 \text{ см}^{-1}$, ОН гуруҳи $3400\text{-}3500 \text{ см}^{-1}$, ароматик халқанинг С-Н боғи $2950\text{-}3000 \text{ см}^{-1}$, С=С боғи $1590\text{-}1600 \text{ см}^{-1}$ соҳада, 1,2-алмашиниш $770\text{-}780 \text{ см}^{-1}$ соҳаларида ютилиш частоталарини ҳосил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abdushukurov A.K. Chloroacetylation of toluene in presence of small amounts of catalysts // Kafkas universitesi FENEDEBJAT Fakultesi kimya bolumu, XVIII. ULUSAL kimya kongresi, bildiri ozetleri, KARS. 5-9. – Temmuz, 2004. – 965 v.

2. Абдушукуров А.К., Қобилова Ш., Маматкулов Н.Н., Абдукаримова З.Т. Фенол асосида фенацилхлоридларни синтез қилиш // ТошДУ 75 йиллигига бағишланган “Кимёвий реактивлар синтези ва уларни ишлаб чиқариш” илмий-амалий конференция тезислари. 2005 йил 25–26 май. – Тошкент, 1995. – Б. 26.

3. Абдушукуров А.К. Маматкулов Н.Н., Хлорацетилирование фенола в присутствии малых количеств катализаторов. Хим. природн. соед. 1998. – С. 105–106.

4. Берчфильд Г., Сторрс Э. Газовая хроматография в биохимии. – Москва: Мир. 1964. – 619 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада 4-метоксифенолни каталитик миқдорда Льюис кислоталари иштирокида хлорацетиллаш реакцияларининг натижалари келтирилган. 4-Метоксифенолни хлорацетиллаш реакцияларининг боришига таъсир этувчи омиллар тадқиқ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается реакция хлорацетилирования 4-метоксифенола в присутствии каталитических количеств кислот Льюиса. Исследованы факторы, влияющие на протекание реакции хлорацетилирования 4-метоксифенола.

SUMMARY

Reaction of chloroacetylation of 4-methoxyphenol in presence of catalytical quantities of Lewis acids was investigated. Influence of different factors on reaction of 4-methoxyphenol chloroacetylation were investigated.

Наишга доц. Л.С. Камолов тавсия этган

УРГУТ БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИ УЧУН ЯНГИ
ФЛОРИСТИК ТОПИЛМАЛАР

Бешко Н.Ю., Тургинов О.Т., Қодиров У.Х. (ЎзР ФА Ботаника институти),
Бўранова М. (ҚарДУ), Тажиева Ф.А. (ЎЗМУ)

Таянч сўз ва иборалар: флора, Зарафшон тизмаси, ўсимликлар қоплами, ТАШ, ГАТ.

Ключевые слова: флора, Зеравшанский хребет, растительный покров, ТАШ, ГАТ.

Key words: flora, Zeravshanskiy xrebet, rastitelnyy pokrov, TASH, GAT.

Кириш. Маҳаллий флора таркиби мукамал даражада ўрганилганлигининг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида унинг таркибидаги турларни инвертаризация қилиш орқали қўшимчаларни киритиш билан изоҳланади. Шундай маҳаллий флоралардан бири Ургут ботаник-географик райони. Мазкур минтақа Зарафшон тизмасининг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, шарқдан Тожикистон Республикаси билан чегараланиб, шарқдан ғарбга 105 км масофага ташкил этади. Ушбу минтақанинг ўсимликлар қоплами ва флорасига оид бўлган айрим маълумотлар Зарафшон тизмаси флорасини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда ўз аксини топган. Бу тизманинг ўсимликлар қоплами ва флорасини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар бир асрдан ортиқ тарихга эга. Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқлари, жумладан, Ургут БГР атрофларидан терилган дастлабки гербарий намуналар О.А. Федченко (1868-1869), Н.А. Мазевой (1875), М. Невский (1878), К.З. Зокиров (1951-1961) А.С. Борщевскийларга (1879) тегишли [1]. Турли йиллар давомида Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқларида олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган намуналарни таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўлдики, мазкур минтақа Ўрта Осиё флораси ва ўсимликлар қопламини ўрганган бир қатор йирик олимларнинг диққат марказида бўлган. Олимлар изланишлари давомида ушбу ҳудуддан фан учун бир қатор янги турлар кашф этилган. Улар томонидан йиғилган гербарий намуналари ҳозирда кунда қуйидаги гербарий фондлари: Ломоносов номидаги Москва давлат университети (MW), Россия Фанлар Академиясининг В.Л. Комаров номидаги Россия ботаника институти (LE), Париж Миллий Гербарийси (P) фондларида, катта қисми эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академия Ботаника институти қошидаги Ўзбекистон Миллий гербарий (TASH) ва Самарқанд давлат университети гербарий фондида сақланмоқда. Сўнгги йилларда Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқлари флорасини тўр тизимли хариталаш ва алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш лойиҳаси доирасида мазкур минтақадан Ўзбекистон ҳамда шу ҳудуд учун янги турларни аниқлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Методлар. 2017-2018 йиллар давомида олиб борилган дала тадқиқотлар А.В. Щербачков, С.Р. Майоровлар (2006) томонларидан ишлаб чиқилган маршрутли методдан фойдаланилган ҳолда олиб борилди [8]. Тадқиқотлар давомида терилган гербарий намуналарининг таксономик бирликларини аниқлашда 11 жилдли “Определитель растений Средней Азии” (1968-2016) [3], 6 жилдли “Флора Узбекистана” (1941-1962) [5], 10 жилдли “Флора Таджикской ССР” (1957-1991) [6], 30 жилдли “Флора СССР” (1934-1964) [7] асарларидан фойдаланилди. Туркум ва турларнинг номлари “Определитель растений Средней Азии” (2015) ва International Plants Names Index (www.ipni.org) [10], The Plant List (www.theplantname.com) [11] бўйича келтирилди. Таксонларнинг муаллифлари “Authors of Plant Names” R.K. Brummit, С.Е. Powell (1992) [9] қўлланмаси асосида, камёб ва эндем турларни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби (2006, 2009) [5] дан фойдаланилди. Тўр тизимли хариталаш 5x5 км² масофада олинган бўлиб, ГАТ дастури [2], турларнинг координата нукталарини аниқлаш Google Earth ҳамда ArcMap 10 дастурлари ёрдамида амалга оширилди.


Олинган натижалар. Хозирга қадар мазкур минтақада турли йиллар давомида кўп-лаб ботаник тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамадан Ургут ботаник-географик райони флорасининг тур таркиби аниқ эмас, бу эса ушбу ҳудудда аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотнинг олиб борилмаганлиги билан изоҳланади. Олиб борилган изланишларимиз давомида мазкур минтақадан Зарафшон тизмаси ҳамда Ўзбекистон флораси учун янги турлар аниқланди.

Ўзбекистон флораси учун янги турлар

Taraxacum microspermum Schischk. in Not. Syst. Herb. Inst. Bot. Acad. Sci. URSS, 7:10. 1937; (Asteraceae). Ушбу тур *Taraxacum* L. туркумининг *Borealia* Hand.-Mazz. секциясига мансуб. Мазкур тур Жунғор Олатоғи ва Тиён-Шонда (Кенмон тау, Илиорти, Кунгей, Терскей ва Қирғиз Олатоғи) тарқалган. Адабиёт маълумотларига кўра, тур фақатгина Қирғизистон ва Қозоғистон флораларида учраши келтирилган бўлиб, Ўзбекистон флорасида тарқалганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас [3]. Ўзбекистон Миллий гербарий фондида сақланаётган намуналарни танқидий таҳлил қилишимиз давомида мазкур турнинг Зарафшон тизмасида, яъни Ургут ботаник-географик райони флораси ҳудудидан терилган намуналари борлиги маълум бўлди: “Спуск с перевала Тахта-Карача, у дороги, наруж. лист. обертки отклоненные, вверх направленные, цветы жельтые, 26.04.1957, *Введенский, Ковалевская* (N 39,279536, E 66,923904); г. Самарканд. Помологический сад. Овраг к р. Сиаб, наруж. листочки обертки черные, прижатые, на верхушке отклоненные, 19.04.1957, *Введенский, Ковалевская* n^o74 (N 39.652788, E 66.970479)”. Ушбу намуналарга асосланиб, мазкур тур Ўзбекистон флораси таркибига киритилди. Шу билан бирга Помир Олой флораси учун ҳам янги тур сифатида эътироф этилмоқда. Турнинг ҳудуддан терилган жойларининг координата нуқталари асосида Ургут ботаник-географик райони флорасидаги тўр тизимли харитаси ҳамда турнинг гербарий фондидаги намунаси 1-расмда келтирилган.

1-расм.

Taraxacum microspermum Schischk. турининг Ургут ботаник-географик районида тарқалишининг тўр тизимли ГАТ харитаси



Scutellaria poecilantha Nevski ex Juz. Bot. Mater. Gerb. Bot. Inst. Komarova Akad. Nauk S.S.S.R. 14: 431. 1951. (Lamiaceae). Келтирилган ушбу тур Помир-Олойнинг Зарафшон тизмасининг шарқий қисми бўлган Тожикистон флорасида тарқалган бўлиб, асосан Зарафшон дарёсининг юқори қисми, Фон, Постуд ва Ягноб дарё хавзаларида тарқалган [3]. Миллий гербарий (TASH) фондидаги сақланаётган намуналарни таҳлил қилиш натижасида ушбу турнинг 1937 йилда А.И. Гранитов ва Т.Д. Долгих томонидан Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқларидан терилган намуналари борлиги маълум бўлди: “Западный Памиро-алай, отроги Зеравшанского и Гиссарского хребтов, перевал Кайра-Гузар, на щебнисто-каменистых южных склонах, 1500 м., 19.06.1937, *Гранитов, Долгих* n^o132 (N 39,331646, E 67,025114)”. Ушбу турнинг энг яқин ўсиш жойи Фон дарёсининг хавзаси ҳисобланади. Ўзбекистон флораси учун субэндем тур ҳисобланади. Бу намунага асосланиб мазкур тур


Ўзбекистон флораси таркибига киритилди. Турнинг гербарий фондидаги намунаси ва Ургут ботаник-географик райони флорасидаги тўр тизимли харитаси 2-расмда келтирилган.

Зарафшон тизмаси учун аниқланилган янги турлар

Phlomis linearifolia Zakirov Bot. Mater. Gerb. Inst. Bot. Zool. Akad. Nauk Uzbeksk. S.S.R. 9: 3 1947. (Lamiaceae). Бу тур Республикамиз флораси учун эндем тури ҳисобланиб, Молгузар, Туркистон ва Нурота тизмаларида тарқалган. [3]. Олиб борилган дала тадқиқотларимизда “Памиро-Алай.

2-расм.

***Scutellaria poecilantha* Nevski ex Juz. турининг Ургут ботаник-географик районида тарқалишининг тўр тизимли ГАТ харитаси**



Зарафшанский хр. близ перевала Тахтакарача, киш. Аманкутан, 17.06.2017, У.Х.Кодиров! опр: О.Т.Тургинов (N 39,299774, E 66,959264)” ушбу турнинг янги популяцияси аниқланди. Ушбу турнинг энг яқин ўсиш жойи Нурота тизмасида бўлиб, янги аниқланилган популяциясидаги масофа 100 кмдан ортиқ. Тадқиқотларимиз давомида аниқланилган турнинг популяциясига асосланиб ушбу тур Зарафшон тизмасининг флораси учун янги тур сифатида қайд этилди. Турнинг дала тадқиқоти давомида олинган фотосурати ва Ургут ботаник-географик райони флорасидаги тўр тизимли харитаси 3-расмда келтирилган.

3-расм.

***Phlomis linearifolia* Zakirov турининг Ургут ботаник-географик районида тарқалишининг тўр тизимли ГАТ харитаси**




Scutellaria botschantzevii Abdullajiva Novosti Sist. Vyssh. Rast. 28: 133 1991. (Lamiaceae). Келтирилган маълумотларга кўра, бу тур фақат Нурота тизмасида тор ареалда тарқалган эндем тур ҳисобланади. Олиб борилган дала тадқиқотларимиз давомида турнинг янги ўсиш жойи “Западный Памиро-Алай. Зарафшанский хр. близ кишлака Гавхана, каменисто-

щебнистый склон, 06.07.2018, У.Х.Кодиров, А.Хужанов! опр. Н.Ю. Бешко (N 39,354294, E 66,749105)” аниқланди. Тадқиқотлар давомида аниқланган янги популяцияга асосланиб ушбу тур Зарафшон тизмасининг флораси таркибига киритилди. Турнинг дала тадқиқоти давомида йиғилган гербарий намунаси ва Ургут ботаник-географик райони флорасидаги тўр тизимли харитаси 4-расмда келтирилган.

4-расм.


***Scutellaria botschantzevii* Abdullajiva турининг Ургут ботаник-географик районида тарқалишининг тўр тизимли ГАТ харитаси**



Carex pamirensis CB Clarke. Bot. Zhurn. (St. Petersburg) 1: 191 1906 publ. 1907. (Cyperaceae). Бу тур *Vesicariae* Fries ex Rouy секциясига мансуб. Тиён-Шон (Кетмонтау, Терскей Олоатау, Талас Олоатау, Чотқол тизмаси), Помир-Олой (Олой, Илиорти, Ғарбий Помир: Вахан, Шарқий Помир), Афғонистон ва Кашмир тоғларида тарқалган [3]. Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналар орасида ушбу турнинг Зарафшон тизмасидан ҳам терилган намуналари борлиги маълум бўлди: “окрестности Самарканда Агалык, 02.05.1940, М.Г.Понов (N 39,468984, E 66,816152)”. Бу тур Зарафшон тизмаси учун илк бор келтирилди. Бу намунага асосланиб мазкур тур Ўзбекистон флораси таркибига киритилди. Турнинг гербарий фондидаги намунаси ва Ургут ботаник-географик райони флорасидаги тўр тизимли харитаси 5-расмда келтирилган.

5-расм.

***Carex pamirensis* CB Clarke. турининг Ургут ботаник-географик районида тарқалишининг тўр тизимли ГАТ харитаси**



Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган тадқиқотлар натижасида Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқлари, яъни Ургут ботаник-географик райони флорасида Ўзбекистон флораси учун 2 янги тур, Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқлари учун 3 янги тур топилди. Аниқланган турлар тарқалишининг тўр тизимли харитаси илк бор ГАТ дастури ёрдамида яратилди. Мазкур турлардан 2 тури (*Phlomis linearifolia* Zakirov ва *Scutellaria botschantzevii* Abdullajiva) олиб борилган дала тадқиқотлари давомида, қолган 3 тур (*Taraxacum microspermum* Schischk., *Scutellaria poecilantha* Nevski ex Juz. ва *Carex pamirensis* CB Clarke.) Ўзбекистон Миллий гербарийси фондида сақланаётган намуналар асосида келтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ашуров Э. Растительность и растительные ресурсы западной части Зарафшанского хребта: дис. канд. биол. наук. – Тошкент: 1988. – 27-31 с.
2. Гео-ахборот тизими (ГАТ)
3. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. В I-X. Т. – Ташкент: Фан, 1968. – 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби – Ташкент: Chinor ENK, 2009. – Б. 77-80.
5. Флора Узбекистана. В 6 т. – Ташкент: изд. АН УзССР, 1941. – 1963.
6. Флора Таджикской ССР. В 10 т. – М., Л.: изд. АН СССР, 1957. – 1988.
7. Флора ССР. В 30 т. М.Л.: изд. АН СССР, 1934–1960.
8. Щербаков А.В., Майоров С.Р. Инвентаризация флоры и основы гербарного дела (Методические рекомендации). – Москва: Товарищество научных изданий КМК, 2006. – С. 48.
9. Brummitt R.K., Powell C.E. Authors of plants names. Royal Botanic Gardens. – Kew, 1992. – P. 732.
10. International Plant Names Index [Электронный ресурс]. – URL: www.ipni.org
11. The Plant List [Электронный ресурс]. – URL: www.theplantname.com
12. www.floruz.uz

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистон флораси ва Ургут ботаник-географик райони флораси учун шу пайтгача келтирилмаган турлар тўғрисида маълумотлар жамланган. Ўзбекистон Миллий гербарий фондида сақланаётган ва олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган намуналарга асосланган ҳолда турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ, яъни тўр тизимли хариталар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье обобщены данные о видах, не приведенных ранее для флоры Узбекистана и Ургутского ботанико-географического района. Отражены сеточные картирования видов, хранящихся в Национальном гербарном фонде, а также образцов, собранных в ходе полевых исследований.

RESUME

This article summarizes data on species not previously reported for the flora of Uzbekistan and the Urgut botanical and geographical region. There are grid mapping of species stored in the National Herbarium Fund and collected samples during field studies.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ОВЛАНАДИГАН ҲАЙВОН ТУРЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р. (БухДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *овладиган турлар, овланиш ҳажми, браконьер, фауна, биотехник тадбирлар.*

Ключевые слова: *охотничьи виды, объем охоты, браконьер, фауна, биотехнические мероприятия.*

Key words: *hunting tupes, capacity of hunting, poacher, fauna, biotechnical concepts.*

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш жуда кўп қиррали бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳайвонот дунёсидан спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ҳамда илмий, тиббий ва бошқа мақсадларда овланади ва мазкур овлар деярли барча ҳайвонларни яшаш муҳитидан ажратиб олиш орқали амалга оширилади. Бухоро вилоятининг чўлга хос иқлимий хусусиятлари ва рельефи организмларнинг яшаши учун нисбатан ноқулай, аммо мураккаб ирригацион тизим ва унинг атрофида шаклланган ўсимлик қопламлари, агроценозлар ва аҳоли пунктлари ҳайвонот дунёси, жумладан, қушларнинг бу ерда яшаши учун қулайлик яратувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади [1;9-14, 2;40-44, 3;52-60].

Тадқиқотнинг объекти Бухоро вилоятида учровчи овладиган ҳайвон турлари (сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар).

Тадқиқотнинг предмети овладиган ҳайвон турлари, уларнинг экологияси, аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш, овчилик хўжалиқларидан барқарор фойдаланиш масалалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда зоологик, экологик, анкета-сўров, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- илк бор Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонларнинг тур таркиби ва тарқалиш хусусиятлари аниқланди;
- биринчи марта ҳудудга хос бўлган ов ҳайвонларининг биологик ва экологик хусусиятлари ўрганилди;
- ҳайвонларни овлаш, муҳофаза қилиш ва ов хўжаликларини юритишдаги мавжуд муаммолар аниқланди ва уларнинг ечимларига доир тавсиялар ишлаб чиқилди;
- антропоген омилларнинг овладиган ҳайвонларга таъсири баҳоланди;
- ов хўжаликларининг биологик хилма-хилликни сақлашдаги роли аниқланди;

Тадқиқот усуллари Мавзуга тегишли материаллар 2014-2018 йилларда Бухоро вилоятидаги Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси Бухоро вилоят бўлимига тегишли овчилик хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфидаги давлат ўрмон-ов хўжаликлари, вилоятдаги овчилик билан шуғулланувчи МЧЖлар жойлашган ҳудудлардан йиғилди (1-расм). Айрим маълумотлар, жумладан, тегишлилиги бўйича ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармасидан, Ўзбекистон Овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасидан ва унинг Бухоро вилоят ҳудудий бўлимидан ва ўрмон-ов хўжаликларидан олинди.


Овладиган ҳайвонларнинг экологиясига доир материалларни йиғишда ва уларни қайта ишлашда умум қабул қилинган усуллардан фойдаланилди [4; 502-б.].

Ҳайвонларнинг тур таркибини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва экологиясига тегишли бўлган маълумотларни йиғишда шахсий кузатувларимиз ва адабиётлардаги материаллардан фойдаланилди [5; 20-б.].

Ҳайвонларнинг майдон бирлигидаги сонини аниқлаш мақсадида ҳисоб ўтказиш усуллари ва олинган натижаларни таҳлил қилишда тегишли методик қўлланмалардан фойдаланилди [6; 74-81-б., 7; 284-б., 8; 84-250-б.,].

1-расм.

Бухоро вилоятидаги тадқиқот ўтказилган овчилик хўжаликларининг карта-схемаси



Овчилик хўжалиқларидаги овладиган ҳайвон турлари, уларнинг сони ва экологиясига доир материаллар шахсий кузатишлар ҳамда Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар спорт

бирлашмасининг Бухоро вилоят ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси ҳамда Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш Бухоро вилоят ҳудудий инспекцияси ҳисоботлари асосида йиғилди .

Бу мақсадда 2014-2018 йилларнинг барча мавсумларида овчилик хўжаликларида ҳамда ҳайвонлар овладиган бошқа ҳудудларда (агроценозлар, овчилик хўжаликлари атрофлари, қўллар, коллектор ва каналлар)кузатув тадқиқотлар олиб борилди. Овчилик хўжаликларида ташқарида овладиган турлар, уларнинг овланиш ҳажми ва экологиясига оид материалларни йиғишда аҳоли билан ўтказилган анкета-сўров методи натижаларидан ҳам фойдаланилди.

Кузатувлар ва ҳисоб ишлари белгиланган муайян маршрутларда ва стационар кузатув жойларида тегишли усулларда олиб борилди. Маршрутлар узунлигини аниқлашда шагомер ва йирик масштабли карталардан фойдаланилди. Маршрутлар узунлиги овчилик хўжаликларида тегишли ва бошқа қўлларда қирғоқ бўйлаб 1-5 км.гача, маршрут эни 100-300 метргача бўлган масофани ташкил этди, бошқа жойларда маршрут узунлиги 1-20 км.гача, маршрут эни 50-200 метрни ташкил этди. Ҳисоб ишлари ҳаво очик бўлган вақтларда соат 6.00 дан 9.00 гача ва 17.00 дан 20.00 гача бўлган муддатларда ташкил этилди (1-жадвал).

1-жадв.

Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида ва ов қилинадиган бошқа ҳудудларда ҳайвонларни ҳисобга олиш ва кузатиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳажми (2014-2018 йиллар)

Ов хўжаликлари номи	Ҳисоб ўтказиш услублари					
	Чизиқли трансектлар (маршрут)		стационар		5–минутли	
	ҳисоблар сони	маршрут (км)	ҳисоблар сони	вақт (соат)	ҳисоблар сони	вақт (соат)
Қорақир	26	90	19	42	12	18
Шўркўл	21	54	16	29	14	14
Зикри	18	69	21	51	13	25
Қорақўл ўрмон-ов хўжалиги	15	57	15	34	10	15
Peshku Qoraqir Qo`rg`oni МЧЖ	22	77	16	39	8	13
Ов қилинадиган бошқа ҳудудларда	70	865	12	26	30	49
Жами	172	1212	99	221	87	134

Жами ўтказилган ҳисоблар сони 358 тани, босиб ўтилган масофа 1212 км.ни, стационар ва 5 минутли ҳисоблар учун сарфланган вақт 355 соатни ташкил этди.

Аҳоли томонидан тегишли руҳсатномалар, шу жумладан, ноқонуний тарзда кўп овладиган ҳайвон турлари, уларнинг сони ва қаердан (ов хўжалиги ёки бошқа ҳудуд) овланганлиги тўғрисида маълумот йиғиш мақсадида 1000 та сўровномалар тарқатилди ва таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда спорт, ҳаваскорлик ва саноат мақсадида овладиган ҳайвон турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ҳозирги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси)нинг 2006 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”

ги 27-сонли Буйруғида келтирилган. Тадқиқотлар олиб борилган хууднинг Қизилқум чўлида жойлашганлиги, унинг ўзига хос иқлими ва фаунасининг шаклланишини таъминлашда иштирок этувчи бошқа омиллар бу ердаги овладиган турлар таркиби ва тарқалишида ҳам яққол намоён бўлади [9;34-б., 10; 56-б., 11; 34-б., 12; 22-б.].

Ов хўжалиқларининг ҳисоботлари ва Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, 2014-2018 йиллар давомида Бухоро вилоятида расмий равишда 13 турга мансуб ҳайвонлар овланган (2-жадвал) ва уларнинг овланиш ҳажмлари тўғрисида статистик маълумотлар ва ҳисоботлар берилган. Вилоятда расмий равишда овладиган турлар Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган умуртқали ҳайвон турларининг (158 тур) 8,2фоиз ни ташкил этади.

2-жадв.

Бухоро вилоятида овладиган асосий турлар ва уларнинг овчилик хўжалиқлари кесимида тарқалиши (2014-2018 йиллар)

Т/р	Тур номи	Овчилик хўжалиқлари				
		Қорақир	Шўркўл	Зикри	Қорақўл ўрмон-ов хўжалиги	“Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ
1	Ўввойи чўчка– <i>Sus scrofa</i>	+	–	–	+	+
2	Бўрсик– <i>Meles meles</i>	+	–	+	–	+
3	Қум товушқони– <i>Lepus capensis</i>	+	+	+	+	+
4	Тулки – <i>Vulpes vulpes</i>	+	+	+	+	+
5	Чия бўри– <i>Canis aureus</i>	+	+	+	+	+
6	Кўк ғоз – <i>Anser anser</i>	+	+	+	+	+
7	Олмабош – <i>Netta rufina</i>	+	+	+	+	+
8	Қизилбош – <i>Aythya ferina</i>	+	+	+	+	+
9	Ўввойи ўрдак – <i>Anas platyrhynchos</i>	+	+	+	+	+
10	Чуррак – <i>Anas crecca</i>	+	+	+	+	+
11	Қашқалдоқ – <i>Fulica atra</i>	+	+	+	+	+
12	Катта қоравой– <i>Phalacrocorax carbo</i>	+	+	+	+	+
13	Қорабовур– <i>Pterocles orientalis</i>	+	+	+	+	+
Жами		13	11	12	12	13

Қорақир кўлининг овчилик юритиш учун қулай бўлган қисмида жойлашган Қорақир ва “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалиқларида вилоятда овладиган асосий турларнинг барчаси учрайди. Шўркўл кўлининг атрофида ҳайвонлар учун бошпана вази-фасини бажарувчи ўсимлик қоплами жуда кам, шу сабабли бу ерда ташкил этилган Шўркўл овчилик хўжалигида овлашга квота берилган турлардан 11 тасининг учраши қайд этилди. Олиб борилган кузатувларимиз натижасида Шўркўл овчилик хўжалигига яқин ху-дудлар яъни Эчкилисойдан 2016-2017 йилда чўпонлар 5 дона бўрсикни уясини қазииш орқали овлаганликларини айтишди. Зикри овчилик хўжалигида ўввойи чўчқанинг ноода-тий учраши қайд қилинди. Улар ҳатто Қоровулбозор туманининг “Бўзачи” МФЙ га тегиш-ли фермер хўжалиги ерларига кириб келганлигини 2014 йил 24 сентябрь куни маккажўхо-ри экилган майдонда 2 таси борлигини қайд қилдик. Кўп йиллик кузатишларим натижаси-да Бухоро вилоятининг чўл ва чўл билан туташ агроценозларда қорабовурларнинг кўп сонда учраши қайд қилинди.

Шахсий кузатувларимиз ва овчилар, балиқчилар, чўпонлар ва шу соҳага қизиқувчи бошқа аҳоли вакиллари билан ўтказилган анкета-сўров натижалари таҳлили асосида Ўзбе-

кисонда овлашга рухсат этилган, шунингдек, рухсат этилмаган 11 турдаги хайвонларнинг (жайрон, бўри, чўл мушуги, ондатра, қирғовул, қорабовур, кўк каптар, кўк куркунак, кум бўғма илончаси, бўз эчкемар, Ўрта Осиё чўл тошбақаси) овчилик хўжаликлариди ва уларнинг ташқарисиди норасмий равишда ёки браконьерлик йўли билан овланиши аниқланди. Шундан икки тур (жайрон, бўз эчкемар) Ўзбекистон Қизил китобиға киритилган турлар саналади. Шундай қилиб, 2014-2018 йилларда вилоятда жами 24 турдаги умуртқали хайвонларнинг овланиши қайд этилди. Шундан 13 тури (54,2%) расмий, 11 тури эса (45,8%) норасмий овланган, яъни тадқиқот ўтказилган 2014-2018 йилларда мазкур турларни овлаш учун квоталар ажратилмаган ёки уларнинг расмий овланганлиги тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилмаган (2-расм). Норасмий овланган турлар республикада овлашга рухсат этилган умуртқали хайвон турларининг 7% ни ташкил этади.

2-расм.

Бухоро вилоятида расмий ва норасмий овланадиган турлар



Илмий тадқиқотлар, ҳисоботлар ва статистик маълумотлар таҳлили, республикада овланадиган турлар рўйхати мукамал эмаслиги, овчилик хўжаликлари томонидан тақдим этилаётган ҳисоботлар талабга жавоб бермаслиги ва овчилар овланадиган турлар тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслигидан далолат беради. Овланадиган хайвон турлари тўғрисидаги статистик маълумотлар овчилик хўжаликларининг фаолиятини тўғри ташкил этишда, ов жараёнининг самарадорлигини белгилашда муҳим амалий аҳамиятга эга. Шундай бўлишига қарамасдан, соҳага тегишли ҳисоботлар қиёсланганда уларнинг айримлари ўзаро мос келмаслиги, хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Баъзан ҳисоботларда республикада овлашга рухсат этилмаган ёки овчилар томонидан деярли овланмайдиган турлар (катта қўнғир айик, кулранг қарқара, ғуррак, кумри, чуғурчук ва бошқ.)нинг овланиши ҳам қайд этилган.

Хўжаликлардаги ўртача йиллик сони бўйича сут эмизувчилардан кум товушқони (1680 та, Қорақир овчилик хўжалиги), қушлардан қашқалдоқ (10899 та Зикри овчилик хўжалиги) энг юқори кўрсаткичга эга. Энг паст кўрсаткич Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида ёввойи чўчка (26 та) ва кўк ғоз (231 та) га тўғри келади. Айрим хўжаликларда (Шўркўл ва Зикри овчилик хўжаликлари, Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги) ёввойи чўчка, бўрсик ва қорабовурнинг учраши қайд этилмади (3-жадвал).

Ўртача йиллик овланиш ҳажми бўйича ўрдақлар (6720 та), қашқалдоқ (1983 та) ва кўк ғоз (1978 та) каби турлар етакчи ўринни эгаллайди. Ёввойи чўчка (7), тулки (6) ва чия бўри (7) нинг ўртача йиллик овланиш ҳажми жуда кам. Овланган турлар ҳажмида сут эмизувчиларнинг ҳиссаси жуда кам, 9,5%.


Овчилик хўжаликлариди овланган турларнинг ўртача йиллик ҳажми бўйича Қорақир овчилик хўжалиги энг юқори (6829; 48%), Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги энг паст (447; 3%) кўрсаткични эгаллайди (3-расм).

Овчилик хўжаликларида овланган ҳайвонларнинг ўртача йиллик овланиш ҳажми

Ҳайвон турлари	Овчилик хўжалиklarининг номи					
	Қорақир овчилик хўжалиги	Шўркўл овчилик хўжалиги	Зикри овчилик хўжалиги	Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги	“Пешку Қорақир Қўргони” МЧЖ	Бухоро вилояти бўйича ўртача йиллик овланиш ҳажми
Ёввойи чўчқа– <i>Sus scrofa</i>	3,25	-	-	-	3,75	7
Бўрсик– <i>Meles meles</i>	15		6		4	25
Қум товушқони– <i>Lepus capensis</i>	592	225	360	70	75	1322
Тулки – <i>Vulpes vulpes</i>	-	-	-	-	6	6
Чия бўри– <i>Canis aureus</i>	-	-	-	-	7	7
Кўк ғоз – <i>Anser anser</i>	925	168	517	31	337	1978
Чуррак – <i>Anas crecca</i>	380	74	155	-	25	634
*Жами ўрдақлар	3755	827	1655	296	187	6720
Қашқалдоқ – <i>Fulica atra</i>	650	158	1125	50	-	1983
Катта қоравой– <i>Phalacrocorax carbo</i>	242	85	172	-	-	499
Қорабовур– <i>Pterocles orientalis</i>	267	200	676	-	-	1143
Ўртача йиллик овланиш ҳажми	6829	1737	4666	447	644	14323

3-расм.

Овчилик хўжаликларида овланган ҳайвонларнинг ўртача йиллик овланиш ҳажми (фоиз ҳисобида)



Тадқиқотлар даврида йиғилган материаллар ва адабиётлардаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда Бухоро вилоятида овланадиган кўпгина ҳайвон турларининг сони олдинги йилларга қараганда анча камайган.

Юқорида таъкидланганидек, шахсий кузатувлар ва анкета-сўров натижаларига кўра, Бухоро вилоятида норасмий равишда 11 турга мансуб ҳайвонларнинг овланиши аниқланди. 2016-2018 йилларда бундай турларнинг умумий овланиш ҳажми 32569 тани ташкил

этади. Улар орасида овланиш ҳажми бўйича айниқса, кўк куркунак (10860 та) ва кўк каптар (9790 та) кўпчиликини ташкил этади.

Ҳайвонларнинг ноқонуний овланиши кўпинча чўл билан чегарадош ва сув ҳавзаларига яқин жойлашган жойларда амалга ошади. Жумладан, жайрон, бўз эчкемар, кум бўғма илончаси, Ўрта Осиё тошбақаси каби турлар табиий чўл зонасидан овланса, қирғовул, кўк каптар, кўк куркунак ва сувда сузувчи қушлар аҳоли пунктлари, агроценозлар ва асалари уялари жойлашган жойлардан овланиши аниқланди. Мазкур турларнинг овланиш ҳажми бўйича Ромитан, Пешку, Шофиркон ва Қоравулбозор туманлари юқори кўрсаткични эгаллайди.

Қайд этилган турларнинг назоратсиз овланиши ва улар орасида Ўзбекистон Қизил китобига киритилган жайрон (72 та) ва бўз эчкемар (178 та) каби турларнинг ҳам учраши соҳада қатор долзарб масалаларнинг мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, назоратчи инспекторлар томонидан ов қилиниши мумкин бўлган ҳудудни тўлиқ қамраб олиш ва назорат ўрнатиш имкониятининг чекланганлиги, соҳа қонунчилигидаги айрим бўшлиқлар, овчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг турли идоралар таркибида фаолият юритиши ва аҳоли орасида олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот ишларининг етарли даражада амалга оширилмаслиги мазкур муаммоларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, овчилик хўжалиklarини юритишни оптималлаштириш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, солиқ юкини камайтириш ва бошқа тегишли имтиёзлар бериш орқали спорт ва саноат овини ҳамда ов туризмини йўлга қўйиш, ов аҳамиятига эга бўлган турларни иқлимлаштириш ва сонини тиклаш масалаларини илмий асосда ҳал қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рустамов А.К. О некоторых экологических и зоогеографических аспектах освоения пустынь Средней Азии // Проблемы освоения пустынь. – Ташкент, 1969. – С. 9–14.
2. Рустамов А.К. Вода в пустыне как экологический и зоогеографический фактор // Сб. науч. труд. Вет. Акад. – Москва, 1976. – С. 40–44.
3. Салимов Х.В., Сагитов А.К. Тугайные ландшафты р. Зарафшан как источник формирования орнитофауны прилегающих биотопов // Сб. науч. труд. СамГУ. – Самарканд, 1980. – С. 52–60.
4. Новиков Г.А. Полевые исследования по экологии наземных позвоночных. – Москва, 1953. – С.502.
5. Бакаев С.Б. Видовой состав гнездящихся птиц Бухарской области. Метод. пособие. – Бухара, 1987. – 20 с.
6. Челинцев Н.Г. Методы учета животных на маршрутах // Экологические особенности охраны животного мира. – Москва, 1985. – С. 74–81.
7. Песенко Ю.А. Принципы и методы количественного анализа в фаунистических исследованиях. – Москва, 1982. – С. 284.
8. Кузякин В.А. Учёт численности охотничьих животных. – М.: Товарищество научных изданий КМК, 2017. – С.84-250.
9. Бакаев С.Б. Экология гнездящихся птиц в низовьях бассейна реки Зарафшан и вопросы изменения орнитофауны в связи с освоением пустыни: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. - Самарканд, 1969. – 34 с.
10. Бакаев С.Б. Птицы антропогенных ландшафтов аридной зоны Узбекистана: Автореф. дисс. ... док. биол. наук. – Ташкент, 1994. – С. 56.
11. Мамбетуллаева С.М. Количественная оценка экологических факторов формирующих экстремальность среды обитания живых организмов в Южном Приаралье: Автореф. дис. ... док. биол. наук. – Ташкент, 2008. – С.34.
12. Кидирбаева А.Ю. Экология волков (*Canis lupus Linnaeus*) в условиях Южного Приаралья: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 2018. – С.22.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Бухоро вилоятида овладиган ҳайвон турлари, уларнинг овчилик хўжаликлари кесимида тарқалиши, овланиш ҳажми, браконьерлик усулида овладиган турлар ҳамда овчилик хўжалиklarининг экологик хусусиятлари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны виды охотничьих животных Бухарской области, их распространение в разрезе охотничьих хозяйств, объемы охоты, виды браконьерства, а также экологические особенности охотничьих хозяйств.

SUMMARY

The article consist of with the hunting types of animals of Bukhara region, their distribution in hunting territories, the hunting capacity, types hunted by poaching and ecological features of hunting territory.

Наишга б.ф.д.А.Кучбоев тавсия этган

ШИМОЛИЙ ТУРКИСТОН БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ФИТОСАНИТАР ҲОЛАТИ ВА КАСАЛЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

Иминова М.М., Мустафаев И.М., Холмуродова Т.Н.
(ЎзР ФА Ботаника институти), **Шерқулова Ж.П.** (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *патоген замбуруғлар, занг, ун-шудринг, догланиш, Шимолий Туркистон ботаник-географик райони.*

Ключевые слова: *patogenniye gribi, rjavchina, muchnistaya rosa, pyatnistost listov, Severo-Turkestarskiy botaniko-geograficheskiy rayon.*

Key words: *pathogenic fungi, rust, powdery mildew, leaf spot, Northern Turkestars botanic-geographical district.*

Республикамикзда ўсимликлар дунёсига патоген замбуруғларнинг жиддий хавф туғдираётгани кузатилмоқда. Жумладан, хўжалик аҳамиятига эга бўлган наъматак, дўлана, зирк ва бошқа бир қатор доривор ўсимликларда замбуруғ касалликларининг тарқалиши кенгайиб бораётганлиги аниқланган. Табиий доривор ўсимликларнинг патоген замбуруғлар билан касалланиши оқибатида улар табобат ва фармацевтика соҳаларида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади. Бу ҳолат нафақат ижтимоий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам катта зарар келтиради. Шу нуқтаи назардан, ҳудудлар микобиотасининг таксономик таркиби ва ундаги ўзгаришларни аниқлаш, ўсимликлардаги хавфли замбуруғ касалликларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамикзнинг барча ҳудудларининг табиий флорасидаги доривор ўсимликларда тарқалган патоген замбуруғлар тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, булар жумласига Шимолий-Туркистон ботаник-географик райони киритишимиз мумкин. Шимолий-Туркистон ботаник-географик райони Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари чегаралари кесимида жойлашган. Ботаник олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида бу районнинг Ўзбекистон қисмида юксак ўсимликларнинг 1476 тури учраши қайд этилган [1], [2].

Ҳозирги кунда ўрганилаётган ҳудуд доривор ўсимликларининг микобиотаси комплекс ўрганилмаган. Шу сабабли Республикамикз доривор ўсимликларида учрайдиган патоген замбуруғ турлари, доривор ўсимликларнинг занг касалликлари билан зарарланиши, касалликларнинг бошланиш даврлари, манбалари тўғрисидаги маълумотлар етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2018-2020 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳа доирасида Зомин табиат миллий боғида дала тадқиқотлари олиб борилди. Натижада доривор ўсимликларда тарқалган занг замбуруғларнинг 46 тури аниқланди ва уларнинг ўсимликларда учраш даражаси аниқланди [3], [4]. (1-жадвал).

Зомин миллий табиат боғи доривор ўсимликларининг фитосанитар ҳолатининг таҳлили (2018 й.)

Ўсимлик номи	Замбуруғ тури	Касаллик номи	Учраш даражаси
<i>Salix alba</i>	<i>Melampsora caprearum</i>	Занг	++
<i>Lonicera sp.</i> (<i>L. korolkowii</i>)	<i>Puccinia longirostris</i>	Занг	+++
<i>Rosa canina</i>	<i>Phragmidium tuberculatum</i>	Занг	+++
<i>R. maracandica</i>	<i>Ph. mucronatum</i>	Занг	+++
<i>R. ecae</i>	<i>Ph. devastatrix</i>	Занг	+++
<i>Berberis oblonga</i>	<i>Septoria fraxini</i>	Септориоз, Занг	++
<i>B. integerrima</i>	<i>Puccinia graminis</i>		++
<i>Crataegus turkestanica</i>	<i>Gymnosporangium confusum</i>	Занг	+++
<i>Cotoneasters sp.</i>	<i>Gymnosporangium fusisporum</i>	Занг	+++
<i>Populus alba</i>	<i>Marssonina populi</i> <i>Phyllactinia suffulta f. populi</i>	Марссониноз Ун-шудринг	++ ++
<i>Amygdalus bucharica</i>	<i>Taphrina amygdali</i> <i>Polystigma rubrum Tranzschelia pruni-spinosae</i>	барг буж-ши куйиш занг	++ +++ +++
<i>Juniperus seravschanica</i>	<i>Microthyrium juniperi</i>	Доғланиш	++
<i>Thalictrum minus</i>	<i>Aecidium thalictri-flavi</i> <i>Cylindrosporium thalictri</i>	Занг Доғланиш	+++ +++
<i>Geranium collinum</i>	<i>Acidium solenantheri</i>	Занг	+++
<i>Urtica dioica</i>	<i>Puccinia caricina</i>	Занг	+++
<i>Potentilla songorica</i>	<i>Ph. sanguisarbae</i>	Занг	+++
<i>Potentilla multifida</i>	<i>Ph. potentillae</i>	Занг	+++
<i>Artemisia absinthium</i>	<i>Puccinia absinthii</i> <i>P. artemisiicola</i>	Занг Занг	+++ +++
<i>Galium aparine</i>	<i>Puccinia punctata</i>	Занг	++
<i>Mentha longifolia</i>	<i>Puccinia. menthae</i>	Занг	++
<i>Cichorium intybus</i>	<i>Puccinialittoralis</i>	Занг	+++
<i>Ziziphora pedicellata</i>	<i>Puccinia ziziphorae</i>	Занг	+++
<i>Impatiens parviflora</i>	<i>Puccinia komarovii</i>	Занг	++
<i>Tussilago farfara</i>	<i>Puccinia poarum</i>	Занг	+++
<i>Bunium choerophylloides</i>	<i>Puccinia bulbocastani</i>	Занг	++
<i>Elymus sp</i>	<i>Puccinia persistens</i>	Занг	+
<i>Arctium leiospermum</i>	<i>Puccinia bardanae</i>	Занг	++
<i>Geranium collinum</i>	<i>Puccinia monticola</i>	Занг	++
<i>Hedysarum montanum</i>	<i>Uromyces punctatus</i>	Занг	++
<i>Astragalus sp</i>		Занг	++
<i>Acantholimon tataricum</i>	<i>Uromyces acantholimonis</i>	Занг	++
<i>Hedysarum mogianicum</i>	<i>Uromyces hedysari-obscuri</i>	Занг	++

Изоҳ: Замбуруғларнинг учраш даражаси: + кам, ++ ўрта, +++ кўп.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, патоген замбуруғлар энг кўп доривор *Rosa canina*, *Rosa maracandica*, *Crataegus turkestanica*, *Cotoneaster sp.*, *Berberis interarrina*, *Amygdalus bucharica*, *Geranium collinum*, *Ziziphora pedicellata* каби ўсимликларда кўп учраганлиги кузатилди. Битта ўсимлик турининг бир нечтагача патоген замбуруғлар билан зарарланиши аниқланди. Занг замбуруғларидан *Puccinia*, *Phragmidium*, *Uromyces*, доғланиш касалликларидан *Septoria*, куйиш касалликларидан *Polystigma* туркуми вакиллари доривор ўсимликларни кучли зарарлаганлиги аниқланди.

**Шимолий Туркистон ботаник-географик райони доривор ўсимликларида
тарқалган занг касалликларининг зарарланиш даражаси**

Қўзғатувчи замбуруғ	Ўсимлик номи	Касал-ланган қисми	к.д., балл
<i>Aecidium thalictri-flavi</i> Wint.	<i>Thalictrum sultanabadense</i> <i>Thalictrum minus</i>	Барг	2
<i>Acidium solenanthi</i> Zapram.	<i>Geranium collinum</i>	барг	2
<i>Melampsora. hissarica</i>	<i>Salix alba</i>	Барг	3
<i>Phragmidium mucronatum</i> Pers.	<i>Rosa canina</i> <i>Rosa maracandica</i>	Барг, мева Барг, мева	4 4
<i>Phragmidium devastatrix</i> Sorok	<i>Rosa icae</i>	Барг,мева	4
<i>Phragmidium sanguisorbae</i> (DC) Schroet	<i>Potentilla songorica</i>	Барг, поя	2
<i>Phragmidium potentillae</i> (Pers) Kast.Bidr.	<i>Potentilla muftifida</i>	Барг	1
<i>Phragmidium mucrona</i> (Pers)	<i>Rosa ecae</i>	Барг, мева	4
<i>Puccinia absinthii</i> (Hedw.F.) DC Encyd	<i>Artemisia sagdiana</i>	Барг, поя,	2
<i>Puccinia artemisiicola</i> Syd.	<i>Artemisia absinthium</i>	Барг	2
<i>Puccinia caricina</i> DC.	<i>Urtica dioica</i>	Барг	1
<i>Puccinia punctata</i> L.	<i>Galium aparine</i>	Барг	2
<i>Puccinia menthae</i> Pers.	<i>Mentha longifolia</i>	Барг, поя	4
<i>Puccinia littoralis</i> Rostr.	<i>Cichorium intybus</i>	Барг	2
<i>Puccinia caricina</i> DC.	<i>Urtica dioica</i>	Барг	2
<i>Puccinia ziziphorae</i> Syd	<i>Ziziphora clinopodioides</i>	Барг	3
<i>Puccinia komarovii</i> Tranz.	<i>Impatiens parviflora</i>	Барг	4
<i>Puccinia poarum</i> Niels	<i>Poa pratensis</i> L <i>Tussilago farfara</i>	Барг	2
<i>Puccinia cousiniae</i> Syb.	<i>Cousinia umbrosa</i>	Барг	3
<i>Puccinia bulbocastani</i> Fckl.	<i>Bunium choerophylloides</i>	Барг	4
<i>Puccinia persistens</i> Plowr.	<i>Elymus sogdianus</i>	Барг	2
<i>Puccinia longrostris</i> Kom	<i>Lonicera sp.</i>	Барг	1
<i>Puccinia bardanae</i> Cda.	<i>Arctium leiospermum</i>	Барг	3
<i>Puccinia monticola</i> Kom.	<i>Geranium collinum</i>	Барг	2
<i>Puccinia graminis</i> Pers.	<i>Berberis oblonga</i> <i>Berberis interarrina</i>	Барг, мева Барг, мева	4 4
<i>Uromyces punctatus</i> Schraet.	<i>Hedysarum montanum</i> <i>Astragalus sp</i>	Барг Барг	2 1
<i>Uromyces acantholimonis</i>	<i>Acantholimon tataricum</i>	Барг, поя	3
<i>Uromyces pisi</i> (DC) otth. Nitth	<i>Lathyrus pratensis</i>	Барг	1
<i>U. hedysari-obscuri</i>	<i>Hedysarum mogianicum</i>	Барг	1
<i>Gymnosporangium fuisporum</i> Ed.	<i>Cotoneaster</i>	Барг	2
<i>Gymnosporangium confusum</i> Plower.	<i>Crataegus turkestanica</i> Pojark	Барг,мева	4
<i>Hyalopsora polypodii</i>	<i>Cystopteris fragilie</i>	Барг	1
<i>Tranzschelia pruni-spinosae</i> (Pers) Diet	<i>Amygdalus bucharica</i>	Барг	4

Ўсимликларда учрайдиган замбуруғ касалликларини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш табиий доривор ўсимликлар захираларини муҳофаза қилишда ва маданий ўсимликлардан юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ўсимликларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида, уларнинг касалланиш даражаси Деменьтева (1985) методлари асосида бажарилди [5]. Шунга кўра, ўсимликларнинг касалланиш даражаси беш баллик (0-4) шартли шкала асосида берилди. Бунда 0 – касаллик белгилари мавжуд эмас, 1 – даражаси 10 фоиз юза (барг, мева, ўсимликлар), 2 – 11-25 фоиз, 3 – 26-50 фоиз, 4 – 50 фоиздан юқори бўлади (2-жадвал).

Илмий тадқиқотларимиз давомида ҳудудда учраган патоген замбуруғлар ичида занг замбуруғлари кўп учраганлиги кузатилди. Шунга мувофиқ, ҳудуддаги кенг тарқалган занг замбуруғлари бўйича батафсил маълумотлар берилди.

Шимолий Туркистон ботаник- географик райони доривор ўсимликларида тарқалган занг замбуруғларини таҳлил қилиш натижасида кенг тарқалган 30 тур доривор ўсимликларда занг замбуруғлари кўп учраши қайд этилди. Жумладан, *Artemisia*, *Rosa*, *Berberis Crataegus*, *Amygdalus*, *Trifolium*, *Euphorbia*, *Geranium*, *Galium*, *Leontice*, *Mentha*, ва *Salix* туркумларига мансуб ўсимликларда занг касалликлари кўп учраши ҳамда уларни кучли зарарлаши қайд қилинди.

Ўрганилаётган ҳудудда энг кенг тарқалган занг замбуруғлари қуйидагилар эканлиги аниқланди ва уларни қисқача тавсифлари келтирилди [6]. [7].

***Phragmidium tuberculatum* Jul. Müll.** тури *Rosa canina* L. яъни наъматакларни кучли зарарлайди. Бу замбуруғ ўсимликнинг барги ва меваларини зарарлайди (1-расм).

1-расм.

Phragmidium tuberculatum* билан касалланган *Rosa canina



Зирк туркумига мансуб турларда занг касаллигини *Puccinia graminus* замбуруғи келтириб чиқаради Бу касаллик апрелнинг охири-май ойларидан ривожланишни бошлайди. Дастлаб ўсимлик баргининг юзасида, меваларда майда, юмалок, рангсиз концентрик доғлар пайдо бўлади. Кейинроқ улар катталашиб, доғнинг орқа тарафида, яъни баргнинг орқа томонида ҳамда мевалар юзасида оч сарғиш рангда бўлади. Ўрганилаётган ҳудуддаги хўжалик аҳамиятига эга бўлган зирк ўсимлигини ушбу касаллик жуда кучли зарарлаганлиги оқибатида дарахтлар қуриб қолган (2-расм).

***Puccinia cichorii* (DC.) Belynsk** билан касалланган *Cichorium intybus* L. яъни сачратки ўсимлигининг барглари, пояси жуда кучли зарарланган. Барг ва пояларнинг устки қисми қора ёстиксимон доғлар билан қопланиб уларнинг қуришига олиб келади. Ушбу ўсимлик фармацевтикада ва халқ табобатида кенг қўлланилади (3- расм).

Дўланаларда занг касаллигини *Gymnosporangium confusum* замбуруғи келтириб чиқаради. Касаллик баҳорнинг охири ёзнинг бошларидан ривожланишни бошлайди. Барг юзасида майда, ўртаси қизғиш, атрофи апелсинранг доғлар ҳосил бўлади. Кейинроқ баргнинг орқа томонида оч-жигарранг, ипсимон ўсимталар ривожланади. Бундай ўсимталар меваларни ҳам қоплаб олиши мумкин. Ушбу касаллик ўрганилаётган ҳудудда жуда кенг тарқалган бўлиб, дўланаларни кучли даражада зарарлантганлиги, ҳатто айрим дарахтлар

куриб қолишига сабаб бўлаётгани аниқланди. Касаллик кучли ривожланганда барг ва мева-ларни 70-80 фоизгача зарарлади (4- расм).

Uromyces acantholimonis – *Acantholimon tataricum* да кўп учраши ва уни кучли дара-жада касаллантириши аниқланди. Бу замбуруғ ўсимлик баргларини зарарлаб, юмалоқ, жигарранг ёстиқсимон доғлар ҳосил қилади (5-расм).

2-расм.

Puccinia graminis билан касалланган *Berberis oblonga* барглари



3-расм.

Puccinia cichorii билан касалланган *Cichorium intybus* барглари



4-расм.

Gymnosporangium confusum билан касалланган *Crataegus turkestanica*



5-расм.

Uromyces acantholimonis билан касалланган *Acantholimon tataricum*



6-расм.

Aecidium thalictri-flavi билан касалланган *Thalictrum minus*



7-расм.

Hyalopsora polypodii (Pers) Diet. билан касалланган *Cystopteris fragilis*



Thalictrum minus бу доривор ўсимликни барг ва пояси занг замбуруғи билан кучли зарарланганлиги аниқланди (6- расм).

Hyalopsora polypodii барглари орқа томонида тарқалган ёки тўпланган ҳолатда учрайди. Ўрганилаётган ҳудудда ушбу тур кенг тарқалганлиги аниқланди. (7-расм).

Puccinia bardanae касаллиги билан *Arctium leospermium* ўсимлиги касалланади. Барглари орқа томонида қора доғлар ҳосил қилади ва барглари кучли зарарлайди. Ўрганилаётган ҳудудда кенг тарқалиб, ўсимликларнинг кучли зарарлаганлиги аниқланди (8- расм).

8- расм.


Puccinia bardanae* билан касалланган *Arctium leospermium



Salix L. туркуми вакилларида учрайдиган замбуруғ касалликларидан *Melampsora caprearum* Thüm. баҳорнинг иккинчи ярмидан ривожланишини бошлайди. Асосан баргнинг орқа томонида сарғиш-апелсин рангли бироз бўрттик, юмалоқ ёки турли кўринишдаги доғлар пайдо бўлади. Сал кейинроқ доғлар баргнинг иккала томонини ҳам қоплаб олади. Баъзида доғлар қўшилиб кетади. Кучли зарарланган барглар буралиб қолади ва натижада барглари қуриб тўкилади (9-расм).

9-расм.

***Salix L.* - *Melampsora caprearum* Thüm.**



Ўрганилаётган ҳудуддаги Зомин миллий табиат боғининг фитосанитар ҳолатини яхшилаш мақсадида, хўжалик аҳамиятига эга бўлган манзарали ва доривор ўсимликларни замбуруғ касалликларидан ҳимоя қилиш ушбу хавfli замбуруғ касалликларини маданий ўсимликларга тарқалиб кетишининг олдини олиш учун қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

– агротехник ва профилактик кураш чоралари яъни дарахт ва буталарда патоген замбуруғларнинг ривожланиши натижасида бошқа ўсимликларга тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида профилактик, кимёвий ва агротехник кураш чораларини амалга ошириш;

– ўсимликларнинг санитар хавфсизлигини ва уларни соғломлаштиришни таъминлаш мақсадида зараркунандалар таъсирида ва касалланиш оқибатида куриб қолган шох-шаббаларни кесиб, уларни йиғиштириб олиш ва йўқотиш;

– дарахтларга қулай шакл бериш, бутащ, ёшартириш тадбирларини ўтказиш, касалланиш ва зарарланиш оқибатида тўкилган меваларни териб олиш ва йўқотиш;

– дарахтлар танасини оҳаклаш ва бошқа тадбирларни олиб бориш тавсия этилади. [8].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал, – Санкт-Петербург, 2016. – №10. (101). – С. 1105-1132.
2. Эсанкулов А.С. Флора Зааминского государственного заповедника: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 2012. – 22 с.
3. Кузьмичев Е.П., Соколова Э.С., Мозолевская Е.Г. Болезни древесных растений. Справочник. Том 1. – М.: Изд-во ВНИИЛМ, 2004. – 119 с.
4. Роткеевич Т.К. Материалы к микофлоре бывшего горно-арчового заповедника Гуралаш (северные отроги Туркестанского хребта) // Материалы 1 координационного совещания микологов республик Средней Азии и Казахстана. – Фрунзе, 1960. – С. 142-143.
5. Деменьтева М.И. Фитопатология. Агропромиздат. – Москва. 1998. – С. 25-303.
6. Журавлёв И.И., Селиванова Т.Н., Черемисинов Н.А. Определитель грибных болезней деревьев и кустарников. – М.: Лесная промышленность, 1979. – 246 с.
7. Ульянищев В.И. Определитель ржавчинных грибов СССР. – Л.: Наука, 1978. Ч. 2. – 382 с.
8. Юсупов А.Х., Марупов А. Боғ ва тоқзорларни зараркунда ва касалликлардан ҳимоя қилиш чоралари. – Тошкент, 2009. – 118 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Шимолий Туркистон ботаник-географик районида тарқалган занг замбуруғлари ҳақида маълумотлар берилган. Тадқиқот ҳудудида аниқланган 46 тур занг замбуруғлари юксак до-ривор ўсимликларнинг 35 турини касаллантириши қайд этилган.

Илмий тадқиқотлар давомида занг замбуруғларининг энг кўп *Artemisia*, *Rosa*, *Berberis Crataegus*, *Amygdalus*, *Trifolium*, *Euphorbia*, *Geranium*, *Galium*, *Mentha*, *Salix* туркумларига мансуб ўсимликларда учраши аниқланган ва уларнинг касалланиш даражаси баҳоланган.

РЕЗЮМЕ

В статье предоставлены данные о ржавчинных грибах, распространённых в Северо-Туркестанском ботанико-географическом районе. На исследуемой территории обнаружены 46 видов ржавчинных грибов, которые заражают 36 видов высших лекарственных растений. В ходе исследования выяснилось, что ржавчинные грибы в основном наблюдаются на растениях, относящихся к таким родам как, *Artemisia*, *Rosa*, *Berberis*, *Crataegus*, *Amygdalus*, *Trifolium*, *Euphorbia*, *Geranium*, *Galium*, *Mentha* и *Salix*, также был оценен уровень заражения.

SUMMARY

The article provides information about rust fungi, which are distributed in Northern Turkestan botanic-geographical district. In the research area found 46 species of rust fungi that infect 36 species of vascular medicinal plants. Moreover, the research found that rust fungi are mainly distributed on host plants belonging to genera as *Artemisia*, *Rosa*, *Berberis*, *Crataegus*, *Amygdalus*, *Trifolium*, *Euphorbia*, *Geranium*, *Galium*, *Leontice*, *Mentha*, and *Salix*. So estimated the level of their damaging.

Наишга проф. Л.Ёзиев тавсия этган

ЛАНДШАФТНО-ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ И БИОТОПИЧЕСКОЕ РАЗМЕЩЕНИЕ ТЕРИОКОМПЛЕКСОВ НУКУССКОГО РАЙОНА КЫЗЫЛКУМОВ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ В ЭПИЗООТОЛОГИИ ЧУМЫ

Асенов Г.А., Р.М.Есимбетов, Сейтназаров С.К., Матрасулов Ғ.Ж. (ККГУ),
Сейтмуратов Р.К. (Каракалпакский филиал Республиканского центра профилактики
чумы, карантинных и особо опасных инфекций Министерства здравоохранения Респу-
блики Узбекистан)

Ключевая слова: *биотоп, ландшафт, экология, чума, териокомплекс, биоразнообразие, эко-
система, геоморфология, пески, грызуны, эпизоотологическая участка.*

Таянч сўз ва иборалар: *биотоп, ландшафт, экология, ўлат, териокомплекс, биологик хил-
ма-хиллик, экотизим, геоморфология, қумлар, кемирувчилар, эпизоотологик участка.*

Key words: *biotop, landscape, ecology, plague, teriocomplex, biodiversity, ecosystem, geomor-
phology, sands, rodents, epizootic area.*

В настоящее время сильно изменились экологические факторы природных очагов чумы. Кызылкум - уже не та опасная, безводная, дикая и нетронутая человеком пустыня, какой она была 60 лет назад. Трагедия Аральского моря - одна из самых крупных в новейшей истории глобальных экологических катастроф - создала много различных проблем не только регионального, но и глобального масштаба.

Не так давно регион Приаралья считался процветающей и биологически богатой природной средой. Аральское море было спасителем от всяких недугов горячих пустынь - Кызылкума, Каракума и Устюрта. Оно постоянно увлажняло атмосферный воздух в радиусе 500-600 км, смягчая поступающий холодный и горячий воздух с севера и юга.

За короткий период высыхание Аральского моря привело к крупному и безвозвратному изменению климата, усиленному опустыниванию, аридизации и усложнению жизни всего живого, обитающего в регионе Южного Приаралья. По прогнозу метеорологов, к 2035-2050 годам ожидается повышение температуры воздуха на +1,5-3,0⁰С, а в регионе Приаралья оно будет еще выше, что окажет отрицательное воздействие на функциональную жизнедеятельность возбудителей, носителей и переносчиков чумной инфекции.

В этих условиях решение проблемы сохранения и охраны биоразнообразия, различных комплексов наземных позвоночных животных, в том числе териокомплексов и в целом экосистем, является важнейшей задачей, стоящей перед наукой и требующей внедрения новых инновационных идей и технологий, практики производства по использованию полезных животных и рационализации системы профилактики, эпиднадзора в природных очагах чумы и др. трансмиссивных заболеваний.

Исходя из этих требований, нами проанализировано ландшафтно-экологическое и биотопическое размещение тернокомплексов Нукусского района Кызылкумов.

Кызылкум – одна из самых обширных пустынь Центральной Азии, расположенная в центральной части Туранской низменности и занимающая около 300 тыс. кв. км равнинного пространства между Амударьей и Сырдарьей. Она включают в себя разные типы пустынь, большую часть которых занимают песчаная пустыня в виде барханов, закрепленных, полукрепленных и сыпучих. В центральной ее части расположены невысокие возвышенности - денудированные остатки высоких гор, а также глинистые, мелкощебнистые солончаковые пустыни (2).

В Восточно-Аральской впадине Кызылкумов, являющейся продолжением Туркестанского хребта и Нур атау Мешкели-Учкырской антиклинальной зоны, расположены редкие низкие останцы, сложенные из Мезо-Кайнозойских пород Султан-Уиз-Даг и прилегающий к ним Нукуссий ландшафтно-экологический район (ЛЭР), называемый Нукуским районом Кызылкумского природного очага чумы (1), который на юге граничит с низкорьем Султан-Уиз-Даг (470 м над уровнем океана) и системой бугров Шылпык-Костобе-Бестобе, представленных широкой приподнятой, мелкощебнистой гамадой, покрытой мелкобугристо-грядовыми песками высотой 6-8 м с типичной равниной, заросшей полынью,

кейреуком, бюргуном и др. травами, которая, постепенно понижаясь, переходит к крупнобугристым, ячеисто-грядовым укрепленным пескам с высотой гряд 30-40 м в восточной половине участка в районе колодца Кетеказган. Высота гряд глубоких ячей доходит до 50-60 м. На западе и северо-западе песчаный массив непосредственно примыкает и взаимно вклинивается в зону культурного земледелия, представляющей собой стык пустыни и оазиса, где высока вероятность осуществления контакта между териокомплексами ксерофильных и мезофильных групп носителей с одной, и контакт людей по хозяйственной нужде с дикой природой и их обитателями с другой стороны.

На севере район граничит с широкой аллювиальной глинистой равниной Акчадарьи, протяженность которой составляет с запада на восток 60-70 км, с юга на север 80-100 км.

На востоке ограничен от Центральных и Западных Кызылкумов сухим руслом Акчадарьи в виде узкого коридора шириной 5-10-15 км, длиной 70-80 км с юга на север, который южнее бугров Кокше и Коргасын кала примыкает к земледельческим зонам Элликалинского и Турткульского районов.

В геоморфологическом отношении рельеф Нукусского района Кызылкумов характеризуется наличием на территории низкогорий и горообразных бугров, меловых, палеогеновых и неогеновых пород, перевеянных и переработанных ветром песчаных гряд сыпучих песчаных бугров.

По последним данным, Амударья, в силу высокой скорости течения завладевает руслом Зарафшана до поворота на север, заполняет Хорезмскую низменность и, по мере заиливания образуя коридор, впадает в Аральское море, а в конце Хвалинского века впадает в Сарыкамыс. После этого она еще раз впадает в Арал, и в результате этого формируется нынешний рельеф Южного Приаралья, Кызылкумов и др. участков (4).

В стратиграфическом отношении строение почвы возникло в палеозойские, мезозойские и кайнозойские эры. Так Султан-Уиз-Даг состоит из палеозойских пород в виде известняка, превращенного в мрамор, биотит, слюдовый гнейс, слюдовый кварц, хлоритовый сланец, которые появились в результате эффузивных вулканов.

В гидрологическом отношении подземные воды - это дар природы, отданный человеку. Поэтому в народе не зря говорится о том, что капли воды в пустыне - это золото. В настоящее время нет отрасли народного хозяйства, не нуждающейся в этих водных источниках

Подземные воды в состоянии пара, в жидком или твердом виде образуются из атмосферной воды, источником, которой являются подземные воды, накопленные в слоях горных пород, гранитов, песчаных камней, в трещинах доломитов, песков, глин и т.д. Они встречаются в виде грунтовых вод и вод непроницаемых - находящихся между двух слоев и, в силу большого давления, выбрасываемых на поверхность. Такая вода называется артезианской водой и имеет большое народнохозяйственное значение.


В силу большого уклона с юга на север на южной половине района Нукусских песков Кызылкума артезианские скважины из-за глубокого залегания и низкого давления воды на поверхность земли не поднимаются. Скважины, расположенные вдоль северной части участка, действуют более 30 лет.

Температурный режим и количество атмосферных осадков характеризуются данными Нукусского Государственного гидрометеорологического бюро (3). В течение последних 30-40 лет, в связи с усыханием Аральского моря, наблюдается нарушение в ритме наступления тепла весной и холодов - осенью. Большие колебания отмечены и в количестве и сроках выпадания осадков по сравнению с многолетними средними нормами.

Как было отмечено выше, Нукусский ландшафтно-экологический район Кызылкумов площадью около 1 млн. га представлен в основном тремя ландшафтно-биотопическими участками:

а) ячеисто-грядовые пески с глубокими и широкими ячеями и крупными и высокими буграми барханов, которые занимают около 60% территории в центральной части района и имеют вид монотонного ландшафта. (Рис.1). Это труднодоступный участок даже для выскокопроходимой техники.

Расположение Нукусского района песков Кызылкум и плотность, размещения поселения больших песчанок по биотопам



Обозначения:



-Ячеисто-грядовые пески, плотность колоний 2-30 на 1 га

-Грядово-ячейистые пески, плотность колоний 1,5-2,0 на 1 га

-Мелко-бугристые кромки песков, плотность колоний до 1 на 1 га

Ленточные поселения больших песчанок

б) ландшафт грядово-ячейистых песков характеризуется широкими межбарханскими понижениями с богатой травянистой растительностью – песчаной осокой, арпагана, кострами кровельной, полынью, кейреуком, из кустарников – саксаулом, боялышем, эфедрой черкезом, джугуном, астроголом и т.д., которыми пески закреплены лучше, чем на ячеисто-грядовых песках.

в) мелко-бугристо-грядовые пески, называемые кромками, заросшие кустарниками полукустарниками и различными травами, которые окружают всю территорию района и являются зоной стыка между пустыней и оазисом.

Интразональные ландшафты третичного отложения в виде плато (кыры) встречаются внутри каждого участка с типичной полупустынной растительностью в виде бюргунно-полынно-кейреуковой ассоциации на глинисто-щебнистых равнинах

В целом, на территории района отмечено 33 вида млекопитающих (19 видов грызунов, 3 вида насекомоядных, 7 видов хищников и 4 вида парнокопытных), которые встречаются в различных ландшафтно-биотопических условиях и занимают неравное положение по численности (таблица 1)

Знание териокомплекса того или иного ландшафтно-экологического района имеет важное научно-практическое значение при оценке в полезной и вредной деятельности грызунов, наносимого ими ущерба пастбищным угодьям пустыни, их роли в эпизоотологии чумы и других особо опасных инфекционных заболеваний.

При этом будут учтены доминирующее положение каждого вида в каждом биотопе. Несмотря на большое количество видового разнообразия, виды, встречающиеся на локальных интразональных мелко-щебнистых биотопах, редко вступают в контакт из-за их малой численности и ряда других экологических особенностей. В то же время, нельзя не учитывать их роль в природном балансе, биоразнообразии и распространении разных паразитарных заболеваний.

В сохранении энзоотий чумы крупно-бугристые ячеисто-грядовые и грядово-ячейистые ландшафты имеют неодинаковое значение. На широких и глубоких ячейках крупнобугристых ландшафтов часто встречаются до 5 колоний, используемых несколькими

поколениями больших песчанок, при средней плотности колонии 2-3 и численности песчанок 15-20 зверьков на 1 гектар. На этой части территорий зарегистрировано 20 видов, из которых основу териокомплекса составляют большая и полуденная песчанки, тонкопалый суслик, мохноногий тушканчик, заяц, толай, барханный кот и перевязка.

Табл. 1

**Ландшафтно-биотопическое распределения тернокомплексов
Нукусского района песков Кызылкумов**

№ п.п.	Виды	Крупно бугристые ячеисто-грядовые пески	Грядовые ячеистые пески	Мелко бугри- стые кромки песков
1.	Большая песчанка	+++	++	++
2.	Полуденная песчанка	+++	++	++
3.	Краснохвостая песчанка	+	-	+
4.	Гребенщикова песчанка	-	+	++
5.	Тонкопалый суслик	++	++	++
6.	Желтый суслик	-	-	++
7.	Малый тушканчик	-	-	++
8.	Тушканчик Бобринского	-	-	+
9.	Тарбаганчик	-	-	++
10.	Тушканчик Северцова	-	+	++
11.	Туркменский тушканчик	-	+	-
12.	Мохноногий тушканчик	++	++	++
13.	Гребнепалый тушканчик	+	+	-
14.	Тушканчик Лихтенштейна	+	+	-
15.	Домовая мышь	+	+	++
16.	Пластинчатоусая крыса	-	+	+
17.	Серый хомячок	-	-	++
18.	Обыкновенная слепушонка	-	+	+
19.	Заяц-песчаник	++	++	++
20.	Ушастый еж	++	++	++
21.	Малая белозубка	+	+	+
22.	Пегий путорак	+	+	+
23.	Шакал	+	+	+
24.	Барсук	-	+	+
25.	Лисица	+	+	+
26.	Волк	+	+	+
27.	Барханный кот	++	++	+
28.	Перевязка	++	++	+
29.	Ласка	+	++	+
30.	Джейран	+	+	+
31.	Сайгак	-	-	-
32.	Дикий кабан	-	+	отд.заход.
33.	Бухарский олень	редкий заход из заповедника Бадай тугая		
		20	24	27

Примечание: +++ - вид многочисленный

++ - вид малочисленный

+ - вид редкий

Биотоп грядово-ячеистых песков представлен широкими межгрядовыми понижениями, где внутривидовые и межвидовые контакты животных более тесны из-за отсутствия препятствующих глубоких ячей и больших высоких гряд барханов. Пески более закреплены кустарниками и полукустарниками, многолетними и однолетними травами. Здесь зарегистрировано 24 вида мелких млекопитающих. Средняя плотность колоний составляет

1,5-2,0, численность больших песчанок - 10-15 зверьков на 1 га, полуденной песчанки - 15-20 процентов на 100 ловушка ночей.

Основу териокомплекса участка составляют большая и полуденная песчанки, тонкопалый суслик, мохноногий тушканчик, тушканчик Лихтенштейна, заяц, ушастый еж, барханный кот, перевязка.

Высокий уровень внутри и межвидовых контактов грызунов здесь обеспечивает частое проявление эпизоотии чумы, её обострение и разлитой характер.

Ландшафт мелкобугристой кромки песков представляет собой стык пустыни и оазиса, где глубоко взаимовклиниваются элементы биотопов культурного ландшафта и пустыни со смешанным поселением ксерофильных и мезофильных видов мелких млекопитающих. Этим ландшафтом окружен со всех сторон весь Нукусский район песков Кызылкумов. Плотность колоний до единицы, численность больших песчанок 5-10 зверьков на 1 гектар, полуденной песчанки - 10-15% попадания на 100 ловушка/ночей. На участке встречаются 27 видов млекопитающих.

В териокомплексе по численности преобладают большая, полуденная, гребенщикова песчанки, в меньшей степени - тонкопалый и желтый суслики, малый, мохноногий тушканчики и тарбаганчик, домовая мышь, заяц, ушастый ёж, редко - тушканчик Бобринского и Северцова. Все остальные встречаются очень редко.

В экологическом, эпизоотологическом отношении и природной счаговости чумы ландшафт крупнобугристых, ячеисто-грядовых песков является ядром Нукусского района песков Кызылкумов с энзоотичным, длительным сохранением чумного микроба в межэпизоотийный (депрессивный) период. В центре участка находится колодец Тогамыс известный эпидосложением в 1947-1948 годах со смертью 30 человек.

Второй участок грядово-ячейистых песков отличается широким междурядовым понижением и равномерным размещением териокомплексов, что создает условия для высокого межколониального контакта в поселениях грызунов на обширной территории и является более кормным и близким пастбищем среди пустынь Кызылкумов.

По ландшафтно-экологическим эпизоотологическим особенностям и по характеру поселения и размещения териокомплексов биотоп мелкобугристых песков представляет собой место проникновения инфекции эстафетным путем из пустыни в зону культурного землепользования. При этом мезофильные виды грызунов могут служить промежуточным звеном в передаче инфекции от ксерофильных синантропным видам. Кроме того, в течение года участок интенсивно используется населением, а наличие собак, кошек и блох возле жилища человека могут привести к нежелательным последствиям.

В заключение необходимо отметить что Нукусский район песков Кызылкумов дифференцирован на три ландшафтно-экологические и эпизоотологические участка, которые отличаются между собой характером размещения териокомплексов и количеством видового состава и численности. Всего в районе отмечено 33 вида млекопитающих. Из них на участке ячеисто-грядовых, крупно-бугристых барханных песков - 20, грядово-ячеистых песков - 24 на мелкобугристых кромках - 27 видов.

Район в течение многих веков отделен от всех прилегающих территорий Кызылкумов крупными природными барьерами, что дает возможность считать его автохтонным очагом чумы.

Территория района является близким кормным, перспективным для развития животноводства отгонным пастбищем (каракулеводство, верблюдоводство и коневодство) Республики Каракалпакстан, имеющим важное экономическое значение, и это требует проведения эффективных профилактических противочумных мероприятий по обеспечению устойчивого эпидблагополучия населения республики от чумной инфекции.

Литература

1. Аубакиров.С.А., Сержанов.О.С, Фомушкин М.Б и др. Руководство по ландшафтно-эпизоотологическому районированию природных очагов Средней Азии и Казахстана Алма-Ата,1990. – 23 с.

2. Захидов.Т.З., Биоценозы пустыни Кызылкум (опыт экологофаунистического анализа и синтеза). – Ташкент: Фан, 1971. – 304 с.

3. Саймова З.О, Асенов. Г.А. Об изменениях экологических факторов на Нукусском участке Кызылкумов и их влияние на численность песчанок. Науч.прак.конф Реальность и перспективы устойчивого развития экосистем Аральского региона. – Алма-Ата, 2000. – С. 23-24.

4. Оразов Қ Қаракалпақстанның қазылма байлықтары. – Нукус:Қаракалпақстан, 1969. – 91 б.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся материалы по ландшафтно-экологическому и биотопическому размещению териокомплексов Нукусского района Кызылкумов. Район, по характеру и особенностям размещения териокомплексов и их значению в эпизоотологии чумы, дифференцирован на три участка. Показана плотность колоний и численность больших полуденных песчанок и др. видов в них. В районе зарегистрировано 33 вида млекопитающих, распределение которых далеко неодинаково. С учетом эпидемиологического неблагополучия района, даны рекомендации по проведению постоянного эпиднадзора с целью обеспечения устойчивого эпидблагополучия населения республики от чумной инфекции.

РЕЗЮМЕ

Мақола Қизилқумнинг Нукус куми худуди терикомплексларининг ландшафтлик экологик ва биотоплик жойлашиши ҳамда уларнинг ўлат эпизоотологиясидаги аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган. Худуд терикомплексларининг жойлашиш хусусияти бўйича учта участкага дифференцияланган. Уларда колонияларнинг зичлиги ва катта тун сичқонларининг сони кўрсатилган. Худудда сут эмизувчиларнинг 33 тури борлиги ҳисобга олинган. Худуд эпизоотологик жиҳатдан хавфли бўлганлиги учун доимий назорат остида бўлиши таҳлил қилинган.

SUMMARY

The article presents the materials of landscape-ecological and biotopic distribution of the terio-complexes of the Nukus sands of the Kyzyl Kum region. By the nature and characteristics of the distribution of terio-complexes and their significance in the epidemiology of the plague, the region is differentiated into three sections. They show the density of colonies and the number of large and midday gerbil and other species. In the area. 33 species of mammals are recorded, the distribution of which is far from uniform. Taking into account the epidemiological problems of the area, recommendations were given on conducting continuous surveillance to ensure the steady epidemiological well-being of the population of the republic from the plague infection.

Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым

BRUCHOPHAGUS RODDI- URUG‘XO‘R-BRUHOFAGUSNING DINAMIK MIQDORIY SONI VA UNING BEDAGA KELTIRADIGAN ZARARI

Abdullayeva D. (TDPU), Raxmatullayev A.Y. (QarDU)

Tayanch so‘z va iboralar: beda, zararkunanda, hasharotlar, fitofaglar, urug‘xo‘r, agrobiotsenoz, lichinka, tuxum, imago, bo‘g‘imoqoqlilar.

Ключевые слова: люцерна, вредители, насекомые, фитофаги, сееед, агробиоценоз, личинка, яйца, имаго, членистоногие.

Key words: alfalfa, pests, insecticides, phytophages, seed-eaten, agrobiocenosis, larval, egg, imago, arthropods.

Beda agrobiotsenozi foydali hasharotlarni, entomofaglar, o‘simlik changlatuvchilarini yig‘adigan asosiy manba bo‘lib, boshqa qishloq xo‘jalik ekinlarining zararkunandalariga qarshi agrotsenozlarni yuqori samarali entomofaglar tabiiy populyatsiyalari bilan boyitishda ham muhim ahamiyatga ega. Ma‘lumotlarga ko‘ra, urug‘xo‘r-bruxofagus beda urug‘i sut pishiqligi davrida tuguncha ichiga tuxum qo‘yib, ochib chiqqan yosh lichinkalar urug‘ning ichidagi yarim suyuqlik bilan oziqlanadi. 3-5 kun o‘tgach, lichinkalarning xo‘raligi oshib borib, beda urug‘i qotgunga qadar zararkunanda urug‘ ichini batamom yeb bitiradi va natijada faqat urug‘ning bo‘sh qobig‘i qoladi. Zararlangan urug‘ rangsizlanadi, deformatsiyalanadi va kerakli o‘lchamga yetmay, ko‘-

pincha dog'li bo'lib, jigarrang-yashil tusga kiradi. Urug'ning zararlanishi qator hollarda juda yuqori 23-40 foiz 46,5-62,8 foiz va hattoki 40-89 foizga yetadi [1:107 b, 2:145 c, 4: 57-61 b]¹.

Ayrim zararkunandalarning bedaga zarar yetkazish darajasini aniqlash uchun tajribadagi va nazoratdagi o'simliklarni vaqtinchalik izolyatsiya qilish (doka qopchalari bilan berkitish) usuli bilan amalga oshirildi. Bundan tashqari, namunadagi poyalarning har biridagi o'rtacha hosil elementlari vaqti-vaqti bilan butun beda vegetatsiyasi davomida hisobga olib borildi [3:20 b]².

Kuzda bedapoyalarda beda urug'xo'ning sonini aniqlash maqsadida har bir uchastkadan 50x50 sm da (0,25 m²) hajmda 10 tadan namunalar olinib, umumiy urug'lar soni va zararkunanda soni 1 m² bo'yicha hisoblab chiqildi. Beda dukkagi yanchilgandan keyin, qolgan chiqindilaridagi zararkunanda miqdorini aniqlash maqsadida chiqindilardan 1 kg ajratib olinib, sinchiklab tekshirib ko'rildi.

Bedazordagi urug'xo'ning miqdorini aniqlash maqsadida o'simlik gullay boshlagandan hosil yig'ishtirilib olingunga qadar har bir uchastkadan entomologik matrap 50 juft silkitilib, undagi voyaga yetgan hasharot hisoblab chiqildi. Urug'larning zararlanishini 100 poyada (dalaning 10 joyidan 10 tadan poya) hisoblandi. Bunda poyalardagi dukkaklar terib olinib, ehtiyotkorlik bilan aralashtirildi va ulardan 500 donasi ajratib olinib, zararlangan urug'larning miqdori hisoblab chiqildi. Bundan tashqari, jamoa xo'jaliklaridagi omborxonalarda saqlanayotgan beda urug'laridan 0,5 kg dan namunalar olinib (namunalar omborxonalarining turli joylaridan olingan), yaxshilab aralashtirildi va lupa ostida sarg'ish-qo'ng'ir ranglilari ajratildi. Ko'rilgan urug'lar orasida ichi bo'sh, po'stida dumaloq teshigi borlari uchraganda, urug'lardan zararkunanda uchib chiqqanligi qayd qilindi. Dumaloq teshiksiz sarg'ish-qo'ng'ir rangli urug'lar nina yordamida ochib ko'rildi.

Beda asosiy zararkunandalarining biologiyasini va fenologiyasini o'rganish maqsadida laboratoriya sharoitida ularni sadoklarda hamda shisha idishlarda parvarishlab, daladagi rivojlantirish fazalari bilan muntazam ravishda solishtirildi.

Urug'lik bedani urug'xo'r-bruxofagus (*Bruchophagus roddi* Guss.)dan samarali himoya qilish muddatlarini o'rganish uchun bedaning gullash davriga bog'liq holda zararkunanda beda urug'ini zararlash davri aniqlandi. Shu maqsadda 2 va 5 yillik beda birinchi o'rini gullashi va urug'xo'ning dinamik soni hisobga olib borildi. O'simlikning gullash dinamikasi quyidagi usulda amalga oshirildi. Hisob olib boriladigan dalalarda kuzatish ishlarini amalga oshirish maqsadida 15 tadan model o'simliklar ajratilib, 5 kunda har bir o'simlik to'p gulida gullashning boshlanishi va uning tugallanishi belgilab borildi. Har bir stasionar uchastka bo'yicha kuzatishlar natijalari model o'simliklardagi gullash dinamikasi butun uchastkadagi bedaning gulash suratini ifodalagan 2 yillik dalada bedaning gullashi 22-25 kun, 5 yillik dalada bedaning gullashi esa 30-35 va undan ham ortiqroq kun davom etdi. Ya'ni 2 yillik dalada bedaning gullashi 16 maydan boshlanib, 10 iyunda, 5 yillik daladagi bedada esa bu muddat 25 maydan boshlanib, 30 iyunda tugallandi.

Olingan ma'lumotlar taqqoslanganda, o'simlik gullash davrining o'sib borishi zararkunandaning ko'payib borishiga to'g'ri kelmay, balki uning oshib borishi biroz kechroq muddatga o'simlikning urug' tugishi va urug'ning sut pishiqligi fazasiga to'g'ri keladi. Beda dalasining yoshidan qat'i nazar beda urug'xo'ning eng yuqori dinamik soni beda urug'ining sut pishiqligi fazasiga to'g'ri keladi.

5 yillik beda dalasida urug'xo'r-bruxofagusning dinamik miqdoriy soni 2 yillik beda dalasiga nisbatan birmuncha yuqori bo'ladi (1-jadval).

1. Abdullayeva D.R. Beda o'simligida uchraydigan fitofaglar // Fan yutuqlari va qishloq xo'jaligini rivojlantirish istiqbollari: Ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Samarqand 2005 y. 16-17 dekabr. – Samarqand, 2005. – B. 107.

2. Алимджанов Р.А. Насекомые, повреждающие бобовые культуры, и колебание их численности. – Ташкент: Фан, 1968. -145 с.

3. Хамраев А.Ш., Abdullayeva D.R. Beda agrobiotsenozi fitofaglari // O'zbekiston biologiya jurnali. – Toshkent: Fan, 2005. – № 4. – B. 57-61.

4. Мухамедов К.К. Люцерновый сееед-брухофагус и меры борьбы с ним // Тр. инст. земледелия АН ТССР. – Ашхабад, 1964. – С. 20.

Birinchi o‘rim urug‘lik bedada urug‘xo‘r-bruxofagusning dinamik miqdoriy soni (M±m; n=25)

Hisobga olish vaqti	Bedapoyaning yoshi	Bedaning rivojlanish fazasi	Urug‘xo‘r soni
10 may	2	yoppasiga shonalashi	12±1,12
23 may		yoppasiga gullashi	46±3,49
16 iyun		urug‘ning sut pishiqligi	186±2,65
28 iyun		urug‘ning sut-mum pishiqligi	92±1,73
21 may	5	yoppasiga shonalashi	28±3,44
7 iyun		yoppasiga gullashi	68±3,49
27 iyun		urug‘ning sut pishiqligi	212±5,48
11 iyul		urug‘ning sut-mum pishiqligi	128±3,45

Bu ma‘lumotlarni tasdiqlash maqsadida beda urug‘ining zararkunanda lichinkalari bilan zararlanish darajalarini aniqlash uchun urug‘lik bedaning turli rivojlanish fazalaridan namunalari olinib tahlil qilindi (2-jadval).

Birinchi o‘rim urug‘lik bedaning turli rivojlanish fazalarida urug‘xo‘r-bruxofagus lichinkalari bilan beda urug‘ining zararlanishi, (M±m; n=25)

Hisobga olish vaqti	Beda-poyaning yoshi	Bedaning rivojlanish fazasi	Shundan lichinkalar bilan zararlanishi	Urug‘ning zararlanishi, foiz
6 iyun	2	meva tugishi	13±0,15	6,5
16 iyun		urug‘ning sut pishiqligi	40±0,20	20,0
28 iyun		urug‘ning sut-mo‘m pishiqligi	24±0,15	12,0
13 iyun	5	meva tugishi	21±0,17	10,0
27 iyun		urug‘ning sut pishiqligi	62±0,23	32,0
11 iyul		urug‘ning sut-mum pishiqligi	37±0,16	18,5

Birinchi o‘rim urug‘lik beda urug‘ining zararkunanda bilan zararlanishini urug‘ pishiqligi davrida yig‘ib olingan ma‘lumotlar shuni ko‘rsatdiki, beda urug‘ining anchagina (5,2-19,8 foiz) qismi zararkunandadan nobud bo‘ladi. Urug‘lik beda yig‘ishtirilgach, o‘rimdan to‘kilgan urug‘ning 5,4 dan 9,3 foizgacha qismi bruxofagus lichinkalaridan nobud bo‘lishi qayd qilindi. Ikkinchi o‘rimdan keyin to‘kilgan dukkaklardagi urug‘lar ochib ko‘rilganda, ularning 21,9 dan 38,7 foizgacha urug‘xo‘r-bruxofagus bilan zararlanishi aniqlandi.

Beda urug‘xo‘ri-bruxofagus (*Bruchophagus roddi* Guss) barcha beda o‘stiriladigan mintaqalarda urug‘lik bedaning jiddiy zararkunandasi hisoblanadi. Uning zararini aniqlashni beda dukkaklari pishiqligi fazasida amalga oshirdik. Buning uchun urug‘lik beda (2 va 3 yillik) o‘rinishidan oldin dalaning turli joylaridan 300 donadan dukkak terib olib, zararlanganligini urug‘xo‘r-bruxofagus uchib chiqqan teshikchalar orqali aniqladik (3-jadval). Turli yillardagi bedaning urug‘xo‘r-bruxofagus bilan zararlanishi 4 yillikka nisbatan, 2 yillik urug‘lik beda ko‘proq zararlanadi, zararkunandaning ikkinchi avlodi (birinchisiga nisbatan) intensiv rivojlanishi, asosan, ikki yillik urug‘lik beda bir oz kechikib gullashi tufayli unda urug‘xo‘r-bruxofagusni to‘planishiga sabab, deb ta‘kidlaydi.

Ammo bizning tadqiqotlarimiz natijasiga ko‘ra, bedapoyaning yoshi oshgan sari, urug‘lik beda urug‘xo‘r-bruxofagus bilan zararlanishi oshib bordi. Urug‘xo‘r-bruxofagusning ko‘payishiga sabab, har yili zararlangan beda urug‘ining bedapoyalarda to‘kilib, qolib ketishi tufayli sodir bo‘ladi.

Tadqiqotlar davomida ikkinchi o‘rimdan urug‘lik uchun qoldirilgan beda urug‘ini urug‘xo‘r-bruxofagus bilan zararlanishini aniqladik. Buning uchun ajratilgan dalalarda ishlarni davom ettirdik. Bunda, asosan, birinchi o‘rim urug‘lik bedaga nisbatan, ikkinchi o‘rim urug‘lik bedaning urug‘xo‘r-bruxofagus bilan zararlanishi taqqoslandi. Natijalardan ko‘rinib turibdiki, ikkinchi

o‘rim urug‘lik beda birinchi o‘rim urug‘lik bedaga nisbatan urug‘xo‘r-bruxofagus bilan bir muncha yuqori darajada zararlanadi. Keltirilgan barcha ma‘lumotlar urug‘xo‘r-bruxofagus urug‘lik bedaning jiddiy zararkunandasi ekanligini yana bir bor tasdiqlaydi.

3-jadv.

Urug‘lik beda (birinchi o‘rim) dukaklarini urug‘xo‘r-bruxofagus bilan zararlanishi

Hisobga olingan vaqt	Bedaning yoshi	Ulardan zararlan-ganlari, M±m;	Zararla-nish, foiz
25-iyul	2	34±1,95	11,3
		30±1,69	10,0
		53±2,26	17,6
		28±1,71	9,3
		36±2,46	12,0
25-iyul	3	63±2,88	21,0
		57±2,00	19,0
		74±3,24	24,6
		53±2,31	17,6
		86±3,25	28,6

Omborxonalarda saqlanayotgan beda urug‘idan urug‘xo‘r-bruxofagus bilan zararlanishini «ARS-1» belgili rentgen apparati yordamida aniqladik va zararlanishi 4,7-16,4 foizgacha qayd qilindi.

Beda urug‘xo‘rining mavsumiy dinamik sonini o‘rganish shuni ko‘rsatdiki, o‘simlikning yoshidan qat‘i nazar zararkunandaning eng yuqori dinamik soni beda urug‘ining sut pishiqligi fazasiga to‘g‘ri keladi. Bedapoyada urug‘xo‘r-bruxofagus sonining oshishi va zarar keltirishi vegetatsiya davomida bir necha avlod berishi bilan bog‘liq bo‘lib, meva tugishi hamda urug‘ining sut pishiqligi davriga to‘g‘ri keladi.

Beda asosiy fitofaglarini ekinga keltiradigan zarari masalasiga kelsak, beda qandalasi nafaqat urug‘lik, balki xashaki bedaning ham jiddiy zararkunandasi hisoblanadi. Bedapoyada urug‘xo‘r-bruxofagus sonining oshishi va zarar keltirishi vegetatsiya davomida bir necha avlod berishi bilan bog‘liq bo‘lib, meva tugishi hamda urug‘ining sut pishiqligi davriga to‘g‘ri keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdullayeva D.R. Beda o‘simligida uchraydigan fitofaglar // Fan yutuqlari va qishloq xo‘jaligini rivojlantirish istiqbollari: Ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Samarqand, 2005. – B. 107.
2. Алимджанов Р.А. Насекомые, повреждающие бобовые культуры, и колебание их численности. – Ташкент: Фан, 1968. – 145 с.
3. Мухамедов К.К. Люцерновый сееед-брухофагус и меры борьбы с ним // Тр. инст. Земледелия АН ТССР. – Ашхабад, 1964. – С. 20.
4. Хамраев А.Ш., Abdullayeva D.R. Beda agrobiotsenozi fitofaglari // O‘zbekiston biologiyasi. – Toshkent: Fan, 2005. – № 4. – B. 57-61.

REZYUME

Beda agrobiotsenozi entomokomplekslari jiddiy zararkunandalaridan biri *Bruchophagus roddi* - urug‘xo‘r-bruxofagusning dinamik miqdoriy soni va uning bedaga keltiradigan zarari o‘rganildi. *Bruchophagus roddi* - urug‘xo‘r-bruxofagusning turli yoshlardagi xashaki va urug‘lik bedaga keltiradigan zarari aniqlandi.

РЕЗИОМЕ

Был изучен динамико – количественный состав и вред, наносимый *Bruchophagus roddi* – серьёзным паразитом энтомокомплекса агробиоценоза люцерны – сееедом. Определена вредоносность основных вредителей фуражной и семенной люцерны – сеееда брухофагуса - *Bruchophagus roddi*.

SUMMARY

The dynamics - quantitative composition and the damage of *Bruchophagus roddi* was studied, it is a serious parasite of entomocomplex of agrobiocenosis alfalfa – seed eaten. The harmfulness of the main pests of forage and seed alfalfa, the seed eaten of the bruchophagus, *Bruchophagus roddi*, has been determined.

Nashrga prof. L.Yoziyev tavsiya etgan

САВДО ЙЎЛЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
(Бухоро хонлиги мисолида)

Эргашев Ж.Ю., Очилов А.Т. (БухДУ)

Таянч сўз ва иборалар: савдо йўллари, йиғоч, бухоролик савдогарлар, тақиқланган маҳсулотлар, қиракашлар, аравалар, тиббий хизмат.

Ключевые слова: торговые пути, йигоch (мера расстояния), бухарские купцы, запрещенные товары, перевозчики, арбы, медицинская помощь.

Key words: trade routes, yigoch (measure of distance), Bukhara merchants, prohibited goods, carriers, cart, medical care.

Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг иқтисодий-савдо алоқалари ва товар-пул муносабатлари ривожда фойдаланилган карвон йўлларининг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, уни қуйидаги даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. IX-XIII аср бошлари.
2. Чингизийлар ҳукмронлиги даври.
3. Амир Темур ва темурийлар даври.
4. XVI-XIX асрлар.

XVI-XIX асрларда Марказий Осиёнинг карвон йўллари ва иқтисодий-савдо алоқалари йўналишларида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё карвон савдоси тарихида инқироз ҳолатлари кўзга ташланади. Европани Ҳиндистон ва Хитой билан боғловчи сув йўллари очилиши, Буюк ипак йули бўйлаб савдо алоқалари заифлашиши минтақадаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан, ички аҳамиятга эга карвон йўлларидан фойдаланиш давом этди.

Фаргона водийсининг йўллари Қўқон шаҳрини Марғилон, Наманган, Ўш, Хўжанд каби шаҳарлари билан боғлаган. Улардан Тошкент воҳаси, Еттисувдаги шаҳарлар ва Қозок даштлари, Оренбург ва Сибир чегарасидаги қалъалар, шунингдек, Қошғарга кетувчи йўллар бошланган. Қўқондан Хўжанд ва Ўратепа орқали Жиззахга, Самарқанд ва Бухорога ўтувчи йўлнинг ҳам минтақавий алоқалардаги аҳамияти катта эди. Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари орасидаги масофа 25 йиғочга тенг бўлиб [1:46], уни аравада 6 кунда, яхши отда 3 кунда, почта отларида 2 кунда босиб ўтиш мумкин бўлган.

Бу даврда Хива хонлигининг савдо йўллари, Хоразм воҳасидан Хонқа ёки Хазораспдан Кукертли кечуви ва Қизилқум орқали Бухорога, шунингдек, Марвга, Каспий денгизининг шарқий қирғоқларига ўтган йўналишлар ҳам карвон савдосида катта ўрин тутган.

XIX асрларда Ўрта Осиё хонликларининг асосий сиёсий ва иқтисодий ҳамкори сифатида Россия давлатининг мавқеи ошиб борди. Бу ўз навбатида, Ўрта Осиёни Волгабўйи ва Сибирь шаҳарлари билан боғловчи карвон йўллари фаолиятини кучайтирди. Сўнгги ўрта асрларда минтақа Шарқий Туркистон ва Хитой, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон билан анъанавий алоқаларини ҳам сақлаб қолди.

Ўрта асрларда минтақанинг карвон йўллари тармоқлари барча йирик шаҳарлар ва қишлоқларни қамраб олган эди. Халқаро алоқалар минтақа шаҳарлари ривожига, савдосотик ва ҳунармандчилик тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

XVI асрга келиб, географик кашфиётлар ва денгиз йўллари тез тараққий этиши туфайли Буюк Ипак йўли ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотади. Шунга қарамасдан, Ўрта Осиё хонликлари қўшни давлатлар-Хитой, Ҳиндистон, Эрон билан анъанавий савдо-иқтисодий алоқаларини давом эттирдилар.

Бу даврда Ўрта Осиё – Россия алоқаларида янги боскич бошланди. XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб, Россия томонидан Қозон, Астрахан хонликлари ва Сибирь хонлиги босиб олинганидан кейин, Россия худуди то Каспий денгизи ва Қозоғистон худудларигача кенгайди. Москванинг Хива ҳамда Бухоро билан савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатишга интилиши узоқ даврга мўлжалланган сиёсий мақсадларни кўзлар эди. Иван IV Грозный ва Шайбоний Абдуллахон II давридан бошлаб, Ўрта Осиё - Россия ўртасида доимий элчилик алоқалари ўрнатилди ва бу жараён кейинги даврларда ҳам давом этди [2:40-44].

Ўрта Осиё билан савдо-сотик Астрахан, Қозон, Нижний Новгород ва Саратов каби шаҳарлар ривожига ёрдам берди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, XVII асрнинг охири чорвагача ўрта осиелик савдогарлар Россия ва Хитой ўртасидаги савдо алоқаларида асо-сий воситачи ҳисобланар, Россияга Балх, Бухоро ва Хива орқали ҳинд маҳсулотларини (чоё, кимматбаҳо тошлар, марварид, ширинликлар ва бошқалар) етказиб берардилар [3:62]. Бухорода ҳинд савдогарлари яшайдиган бутун бир маҳалла мавжудлиги, XVIII асрда рус савдогарлари ва уларнинг иш бошқарувчилари 2-3 йиллаб Ўрта Осиёнинг турли шаҳар-ларида яшаганликлари ҳам диққатни тортади. Буларнинг ҳаммаси савдо-иқтисодий алоқа-ларнинг ўзаро таъсирига ёрдам берди[4:38]. Бу мавзуни давом эттириб, XVII-XVIII аср-ларда Сибирда, Тюменда, Тобольскда ва Тура шаҳарларида бухоролик ва тошкентлик савдогарлар жойлашиб, бу ерда чорвачилик, савдо-сотик билан шуғуллана бошлаганлик-ларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Маълумки, XVII-XVIII асрларда Сибирь худуди-нинг Россия маркази билан алоқалари анча заиф эди. Шимолий урушда (1700-1721 йй.) асир тушган шведлар Сибирга келтирилгунга қадар, бу улкан худуддаги ягона саводли кишилар бухоролик савдогарлар бўлганлиги рус манбаларида қайд этилганлигига эътибор қаратиш керак. Улар Ўрта Осиё билан алоқаларни давом эттириб, Бухоро ва Тошкентда олий диний таълим олиб, кейин Қозон ва Уфада ўқиганлар. XVIII асрда Россияда яшовчи бухороликлардан бири Хива хони Абдулғозихоннинг “Шажараи турк” асарини рус тилига таржима қилди[5:62,67-69].

Россия империяси даври тарихий адабиётларида “Москва давлатининг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо муносабатлари икки томоннинг ҳам ҳаётий эҳтиёжларини қондирарди”, деб ҳисобланган. Биргина XVII асрда Бухоро ва Хива элчилари ўн олти марта Москва ва рус чегара шаҳарларига ташриф буюрган бўлса, рус элчилари бу даврда тўққиз марта Ўрта Осиёга келганлар. Бу элчилик миссияларининг барчаси, асосан, савдо мақсадларини кўзлаб амалга оширилган эди. Лекин Москва ҳукуматининг Ўрта Осиёга қурол-яроғ ва ҳарбий анжомларни чиқаришга рухсат бермаганликлари эътиборни тортади. Ўрта Осиёга металл чиқариш ҳукумат буйруғи билан кескин назорат остига олиниб, чеклаб қўйилган эди. Хусусан, Астраханда ўрта осиелик савдогарларга сотиш тақиқланган маҳсулотлар рўйхатида олтин, қумуш, темир, қалай, михлар ва болталар кўрсатилган[5:437]. Бу маълумотлардан Россия учун XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини ривожлантириш, айниқса, техник ва иқтисодий ютуқлар соҳасида маълумотлар алмашиш унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмаган деб хулоса чиқариш мумкин. Умуман олганда, бундай ҳолат то XIX асрнинг 40-60 йилларигача сақланиб турди. XVIII асрдаёқ Россия ҳукумати Ўрта Осиёга арзон хом ашё манбаи сифатида қарай бошлади. Бекович-Черкасский экспедицияси (1714-1717 йй.), Ф.Беневеннинг Бухорога элчилиги (1721 йй.) очик-ойдин ҳарбий разведка мақсадларини кўзлаб (олтин конларини аниқлаш, асосий қуруқлик ва сув йўлларини қайд этиш, картографик маълумотлар тўплаш ва бошқалар) амалга оширилган эди. Оренбург ва Сибирь мудофаа йўналишининг қурилиши Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган ҳарбий сиёсий мақсадларини аниқ кўрсатиб турарди. Бу интилиш Туркистоннинг истило этилиши ва мустамлакачилик тизимининг ўрнатилиши билан якунланди.

XVI-XVIII асрларда халқаро савдо-сотик алоқаларининг ривожланиши ўтган даврларга нисбатан ҳам кўпроқ Ўрта Осиёдаги ички ва ташқи сиёсий вазият билан белгиланар эди. Бу алоқаларнинг доимийлиги ва барқарорлигига сулолавий урушлар, тарқоқлик, учта хонликнинг мавжудлиги ва марказий давлат бошқарувининг издан чиққанлиги, хонликлар

ўртасидаги ўзаро низолар каби Ўрта Осиёдаги сиёсий жараёнларнинг характерли белгилари ва хусусиятлари таъсир этарди.

Шайбонийхоннинг Бобур билан бўлган кураши Ўрта Шарқнинг XVI асрдаги “Шайбонийнома” ва “Бобурнома” каби асарларда ўз аксини топган бўлиб, бу асарларни аниқ давр акс этган ва турли тарихий маълумотлар тўпланган манба сифатида қараш мумкин.

Ҳиндистонда Бобурийлар давлатининг ташкил топиши Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-сотик алоқаларининг янги босқичига асос солди. Бу даврда Ҳиндистонда ўрта осиелик савдогарлардан ташқари кўплаб олимлар, шоирлар, рассомлар (Муҳаммад Мурод, Саъидо, Юсуфий ва бошқалар) яшаб ижод қилдилар.

Шундай қилиб, иқтисодий алоқаларнинг ўрта асрлардаги ривожига хос хусусиятлар ҳамда характерли белгиларни ўрганишга яқун ясаб, кўриб чиқиладиган масаланинг баъзи умумий қонуниятларини очиб берадиган аниқ хулосалар чиқариш мумкин.

Турли вилоятлар, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро таъсирни ўрганиш ҳамкорлик эволюцияси хусусиятларини аниқлаштиришда муҳим ўрин тутди. Бу масалани ўрганишда унинг қатор ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш, унинг ечимини топишда холис ёндашувга амал қилиш муҳимдир.

Жаҳон тарихининг энг қадимги давриданок маълум қонуният кўзга ташланадики, унга кўра, агар маданият юксак ривожланган бўлса, бошқа маданиятларга хўжалик, техник, ғоявий ва диний жиҳатдан таъсир кўрсатиши мумкин, агар бу маданият даражаси паст бўлса, унга қўшни маданиятлар худди шундай таъсир кўрсатадилар.

Шу билан бирга, деярли бир хил ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий характерга эга бўлган турли вилоятлар моддий ва маънавий маданиятнинг у ёки бу соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва керакли маълумотларни ўзаро алмашган ҳолда мустақил ривожланиши мумкин. Ҳеч қайси қабила ва халқ четдан олиб келинган маданий-хўжалик ва технологик янгилликларни, агар улар бу янгилликларни қабул қилиш даражасида ривожланмаган бўлса, эгаллай олмасдилар.

Ушбу доирадаги алоқалар ва ўзаро алмашув ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, шунингдек, моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиб бориши билан янада жадаллашди. Ушбу жараёнда доимий алмашув, савдо ва транзит алоқа йўллариининг шаклланиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Илк ўрта асрларда ташқи савдо-сотик алоқалари Жанубий Сибирь, Хитой, Византия, Эрон, Ҳиндистонни ҳам қамраб олганлиги кузатилади. Ривожланган ўрта асрларда бу алоқалар тизими Кавказ, Қора денгиз, Волга бўйи ва Шарқий Европа ҳисобига янада кенгайди.

Халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожини ўрта асрлардаги сиёсий вазият барқарорлигига ҳам боғлиқ эди. Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва Амир Темур даврида марказлашган давлатларнинг ташкил этилиши ташқи иқтисодий алоқалар кучайишига, моддий ва маънавий маданият ютуқларининг ўзаро алмашувига ёрдам берди.

Савдо йўлларида хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланиб бориши ўз улов воситалари билан савдо қарвонларига хизмат кўрсатувчи кишилар гуруҳи қиракашлар тоифасининг шаклланишига олиб келди. Қиракашлар, одатда, савдо қарвони ўтадиган худудда яшовчи халқ вакиллари бўлган.

Ўрта асрларда қиракашлик аҳолининг айрим табақалари ва ҳатто кўчманчи туркман ва қозоқларнинг баъзи қабилалари учун ягона даромад манбаи бўлгани маълум. Мисол учун, сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг Россия шаҳарлари ва Каспий бўйидаги Эрон шаҳарлари билан савдо алоқаларида қозоқлар ва туркманлар йирик савдо қарвонларига йўл бошловчи ва қиракаш бўлиб ёлланган. Бухоро шаҳрида ва амирликнинг барча йирик савдо шаҳарларида ҳам арава ва туяларни ижарага олиш мумкинлигини рус манбалари махсус қайд этади. Туялар билан юк ташишда ижара хақи 8 версть, яъни 1 тош учун ўртача 25-29,5 рус рубли бўлган.

Қарши шаҳри ҳам савдо қарвонлари учун туялар қира қилинадиган марказлардан бири бўлиб, 1 тош масофага 1 кумуш танга ҳақ олиб қарвонларга хизмат кўрсатадиган қар-

пилик киракашларни хонликнинг барча ерларида кўриш мумкинлигига рус манбаларида алоҳида эътибор қаратилади. Қаршида, шунингдек, Бухоро ва Самарқандга юк олиб бориш учун туялар ва араваларни ҳам ёллаш мумкин бўлган. Умуман олганда, арава ва туяларни юк ташиш учун ижарага олиш минтақадаги барча йирик шаҳарларда бўлган. Масалан, Бухоро амирлигида XIX асрнинг иккинчи ярмида ўртача 1000 га яқин арава, 5000 га яқин туя юк ташиш учун йўловчилар ва савдогарлар хизматида бўлган. Арава 25 пудгача, туя 16 пуд, от 6 пуд ва эшак 4 пуд юк кўтара олган. Тоғли ҳудудларда, асосан, от ва эшакларда юк ташилган [6:3]. Бухоро-Қарши йўлида ҳам аравалардан фойдаланилиб, Қўқондан Қошғарга боровчи савдогарлар эса молларини ижарага олинган отларга (хар бир отга 8 пуддан) юклаб, хар бир от учун 2-4 тилла ҳақ тўлаганлар [7:109].

Катта карвонларда туялар 20 тадан 60 тагача бўлиниб, бир тўпни қўшин ташкил қилган. Савдо карвонларига карвонбоши етакчилик қилиб, карвон таркибини танлаш, йўналишни белгилаш, йўлда ҳаракатланиш тартиби ва вазифаларни аниқлаштириш, хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш унинг зиммасида бўлган. Карвонбошилар кўп ҳолларда тегишли мамлакат ҳукмдорининг махсус хати - ёрлиғига эга бўлиб, бу ҳужжат унинг ва карвонининг йўллардаги ҳуқуқларини таъминлашда, уларга тегишли хизмат, зарур бўлганда ёрдам кўрсатилишига асос ҳисобланган.

Карвонбошилар, одатда, жамиятнинг нуфузли ижтимоий табақаларига мансуб бўлиб, кўп ҳолларда юқори сиёсий ва катта иқтисодий нуфузга ҳам эга бўлган. Узоқ йиллар йирик савдо карвонларига бошчилик қилган карвонбошилар катта миқдорда бойлик тўплаган ҳамда жамиятнинг эътиборли ва таъсирли намоёндаларидан бўлишга эришганлар. Хусусан, Хуросондаги етакчи сиёсий кучлардан ҳисобланган Сомонхудодиннинг (Сомонийлар сулоласи асосчиси Исмоил Сомоний унинг эвараси бўлган) отаси халифа Умар даврида (634-644) Хуросондаги сиёсий мавқеидан ажралгач, карвонбоши бўлгани ва катта бойлик тўплаб, қайтадан сиёсий мавқеини тиклашга эришгани ҳам буни тасдиқлайди.

Ўрта асрларда туркий халқлар ҳам иқтисодий-савдо алоқаларида фаол қатнашганлар. Халқаро савдода иштирок этган савдогарлар ва савдо карвонлари туркий халқларда “арқиш” деб юритилган [8:440-441]. Арқиш (Arqis) атамаси хабар ёки хабарчи, элчи маъноларида бўлиб, у қадимги туркларнинг ички ва ташқи савдо алоқаларида кенг иштирок этган.

Тиббиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар карвон йўлларида тиббий хизмат кўрсатиш ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ўрта асрлар даврига келиб бу соҳада маълум ютуқлар қўлга киритилди. Йирик шаҳарлардан ташқари муҳим бекатларда ҳам савдо карвонлари, йўловчиларга тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган махсус табиблар гуруҳлари шаклланди. Тиббий билимлар ва тиббий хизмат кўрсатиш сирлари, одатда, авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, бу соҳада ном қозонган кўплаб табиблар сулоласи пайдо бўлишига олиб келарди. Бундай табиблар минтақанинг деярли барча йирик шаҳарлари ва вилоятларида азалдан мавжуд бўлиб келганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Хусусан, минтақанинг чекка ҳудудларида, асосан, карвон йўлларидан четда бўлган жойларда ҳам йўловчиларга ва улов воситаларига малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган маҳаллий табиблар бўлганлиги сўнгги даврларда рус саёҳатчилари ва ҳарбийлари асарларида ҳам қайд этилади.

Йирик савдо карвонлари таркибида махсус табиблар ҳам бўлган. Бу бир томондан, турли ҳудудлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қўшган бўлса, иккинчи томондан, тиббий билимларнинг савдо йўллари бўйлаб турли минтақаларга тарқалишига хизмат қилган. Махсус чопарлар ва давлат хизматидаги бошқа кишилар, одатда, энг зарур тиббий дори-дармонлар, турли гиёҳлар билан таъминланиб, улар ўзларига ва шерикларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсата олиш малакасига ҳам эга бўлишган.

Карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолиятида савдо марказлари, айрим йирик карвонсаройларда йўловчилар, савдогарлар учун турли маданий тадбирлар ҳам ташкил этилган. Хусусан, муסיқачилар, раққосалар ва шунга ўхшаш маданий тадбирлар фаолияти йўлга қўйилган[9:306].

Савдо йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолияти ҳақида фикр юритганда, карвон йўллари узунлигини аниқлаш, турли аҳоли пунктлари орасидаги масофани ўлчаш ва бу йўлни карвонлар ёки чопарлар қанча вақтда босиб ўта олишини белгилаш ҳам катта аҳамиятга эга масалалардан бўлганини қайд қилиб ўтишимиз керак. Бу масалани ҳал қилиш ва маълум тизимга келтириш марказлашган давлатлар ташкил топган, ички ва ташқи иқтисодий алоқалар ривожланган, карвон йўлларининг жамият ҳаётидаги аҳамияти ошиб борган даврлардаёқ бошланган.

Савдо алоқаларининг самарадорлигига карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва бошқа хизматлар кўрсатишдан ташқари, йўлларнинг сифати ҳам катта таъсир кўрсатар эди Марказий ва маҳаллий ҳукумат йўллар ва йўлбўйи иншоотларининг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлашга масъул ҳисобланса-да, йўлбўйи иншоотлари барпо этишга давлат хазинаси ҳамда хусусий шахслар маблағлари сарфланганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Шунга қарамасдан, XIX- XX аср бошларига тегишли манбаларда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида йўлларнинг ҳолати ёмон эканлиги қайд этилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б.

2. Гуламов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX в. – Ташкент: Фан, 2005. – 336 с.

3. Бабаходжаев, М.А. Русско-афганские торгово-экономические отношения во второй половине XVIII – начале XX в. / М.А. Бабаходжаев. Ташкент: Фан, 1965. – 132 с.

4. Научная библиотека диссертаций и авторефератов isserCat <http://www.dissercat.com/content/torgovo-ekonomicheskie-otnosheniya-rossiiskoi-imperii-s-sopredelnymi-stranami-vostoka-vo-vto#ixzz5-gzlpUte>

5. Юлдашев М. Ю. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI–XVII вв. / М. Ю. Юлдашев. – Ташкент, 1964. – 417 с.

6. Зияев Х. Узбеки Сибири. – Ташкент: Фан, 1968. – С. 77.

7. Матвеев. Краткий очерк Бухары. 1887 г. Генерального Штаба Полковника Матвеева // СМА. – СПб.: Военная типография, 1888. Вып. XXXLI. – С. 1-8.

8. Бабабеков Х. История Коканда. – Ташкент: Фан, 1996. – 243 с.

9. Ўзбекистан Миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистан Миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2000. 1-жилд. – 879 б.

10. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. – Т.: Akademiya, 2008. – 431 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада XVI-XIX асрлар савдо йўллари, уларнинг йўналишлари, хонликлар давридаги иқтисодий мунсабатлар, карвон йўлларидаги хизмат кўрсатиш тизими ва уларнинг ишлаш механизмлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манба ва адабиётлар воситасида таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе исторических источников и литературы анализируется информация о торговых путях XVI-XIX веков, их направлениях, экономических отношениях в период ханств, системе обслуживания на караванных путях и механизмах их функционирования.

SUMMARY

The article deals with the analyses of information on the trade routes of the 16th-19th centuries, their directions, economic relations during the period of khanates, the service system on the caravan routes and the mechanisms of their functioning based on the historical sources and literature.

Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган

КАСБИ ЎРТА АСРЛАРДА

Ҳасанов А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Касби, Истахри, Қасаба, Касба, Насаф, қишлоқ, работ, шаҳар, Казбион, Касбавий.*

Ключевые слова: *Касби, Истахри, Касаба, Касба, Насаф, село, рабат, город, Казбион, Касбавий.*

Key words: *Kasbi, Istahri, Kasaba, Kasba, Nasaf, selo, rabat, gorod, Kazbion, Kasbabi.*

“Касби” атамаси “Худуд ул-олам”да, Истахрий, ибн Хавқал асарларида Касба шаклида қайд этилган. Марқа қабиласи таркибига кирган кўй сўпи уруғининг бир тармоғи Касб деб аталган. Касб-Касби бўлиб кетган бўлиши мумкин. Қарши туманида Тожиккасби қишлоғи мавжуд. (1:184)

Ҳозирги Касбида ҳам Хўжа Касби қишлоғи жойлашган. Олимларнинг фикрича, Касби арабча “Қасаба” (Кичик шаҳар, катта қишлоқ) сўзининг ўзгарган шакли. Касбини шаҳар, катта қишлоқ, кўрғон деб изоҳлаш мумкин. О.Г.Большаков Касбини шаҳар деб атаган, чунки Касбининг работи ва кўхандизи бўлган.

Манбаларга кўра Касби Насафдан 4 фарсах узоқликда бўлиб, унда жомеъ масжиди жойлашган. Истахрий Касбани Насафдан Кешга борадиган карвон йўлидан куйида, Бухоро тарафида деб кўрсатади. Муқаддасий эса, Касбани Насафдан ҳажми жиҳатдан катта бўлганлигини қайд қилган. Арман манбаларида Касби Казбиён шаклида учрайди. Кейинги аср вақф ҳужжатларида ҳам бу жой номи қайд этилади (2:297-298). Бу ҳақда Бартольд, О.Г.Большаковлар ҳам ёзма манбалар асосида алоҳида тўхталиб ўтишган.

Куйи Қашқадарёдаги Касби–Жанубий Суғднинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган. Касби милоднинг V-VI асрларида Сосонийлар билан Суғд давлати чегарасидаги мустақкам истехкомга эга бўлган (3:92). Муаррих Ибн Хавқал унинг пойтахт Насафдан ҳам катталигини айтиб, бу шаҳарни “Касби қишлоғи” деб таърифлаган ва унда жомеъ масжиди мавжудлигини таъкидлаган.

Қашқадарё воҳасидаги Шуликтепадан 30 км, Қаршидан 35 км, жануби-ғарбда жойлашган қадимий Касби шаҳрининг бизнинг кунларгача етиб келган харобалари ўрни ҳозирги Қашқадарё вилояти Касби тумани Касби қишлоғи атрофида жойлашган эди. Айни кунда унинг улкан марказий арки сақланган, холос. Арк шаҳарнинг марказида жойлашган бўлиб, майдони 180 х 120 м, баландлиги 18 м. Аркнинг юзаси жуда нотекис. Унинг жануби-ғарбий қисмида томонлари 30х30 м. бўлган кенглик мавжуд. Арк худудидан милоднинг бошларига оид кулоллик буюмлари парчалари топилган. Аркнинг атрофини шаҳристон эгаллаган. Шаҳристон худуди деярли тўлалигича қабристонга айланиб кетган. Шаҳристоннинг чегаралари, унинг қандай кўринишда бўлганлиги, майдони ва бошқа жиҳатлари ҳозиргача номаълум.

Қадимшунос ва тарихчи олимлар С.К.Кабанов, Р.Х.Сулаймонов, Ш.С.Камолиддинов ва А.Раимкуловлар илк ўрта асрларга оид (V аср) арман манбаларида тилга олинган Казбион шаҳрини ўрта асрлардаги Касба шаҳри, ҳозирги Касбитепа билан локализация қиладилар (6:312). Айниқса Ш.Камолиддиновнинг китобидаги маълумотларда араб манбаларига таянган ҳолда Касби тарихи ёритилган (7:56-57). Э.В.Ртвеладзе эса Казбионни Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари чегарасидаги Темир Дарвоза ва Ғузор оралиғига жойлаштиради (8:48).

Тадқиқотчиларнинг фикрларича, Касба номи арман манбаларида (V аср) “Газаба-Казбион” (кучли қалъа) тарзида берилган (9:58). Газаба-Казбионнинг жойлашган ўрни ҳақида фанда турлича фикрлар мавжуд. Шуниси эътиборга лойиқки, арман манбаларидаги Казбион ва Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги Маймурғ тўғрисидаги маълумотларни биргаликда олиб қарасак, Казбионнинг ҳам, Маймурғнинг ҳам жойлашган ўринлари масаласи янада ойдинлашади.

Чунки Казбион (Касбитепа) ва Маймурғ (Майманоктепа) бир-бирларидан 13 км масофада жойлашган ва шу тариқа ушбу иккита алоҳида манба бир-бирларини тўлдиради ҳамда сосонийлар қўмондони Баҳром Чубиннинг туркларга зарба бериш учун бу ерларга келганлиги (589) тарихий ҳақиқат эканлигини исботлайди. Қадимшунос М.Е.Массон арман манбаларидаги бу маълумотдан Кушонлар давлатининг шимолий сарҳадлари чегараларини аниқлашда фойдаланиш лозимлигини кўрсатади (10:19).

Касби шахрининг илк ўрта асрларга оид моддий маданияти, шаҳар сифатидаги хусусияти тўғрисида бирон-бир маълумот йўқ, чунки Касбитепада археологик қазилмалар, археологик кидирув ва тозалаш ишлари умуман олиб борилмаган.

X-XII асрларга оид ёзма манбаларда Касбининг Насафдан ҳам катта эканлиги ёзилган ва бу шаҳар Сомонийлар давридан бошлаб, Бухоро – Балх (Насафга бормасдан) йўли устидаги энг йирик савдо марказларидан бири сифатида фаолият кўрсатган. Буни савдо йўли устида жойлашган сардобалар қолдиқлари ҳам тўла тасдиқлайди. (Майманок, Касби, Қамаш, Нишондаги Бўзачи, Бибичак, Яккасардоба, Бузругсардоба, Қамаш сардобаси ва бошқалар).

Касби худудида Ўрта Осиёдаги энг қадимий меъморий обидалардан бири, XI-XII асрларга оид Султон Мир Ҳайдар макбаралар мажмуаси сақланиб қолган ва бу мажмуа мўғуллар истилосигача бўлган давр Ўрта Осиё меъмортичилигининг ноёб намуналаридан бири сифатида тадқиқ этилган (11:86-90, 96-104). Бу шаҳарда “Сайидлар” авлодлари яшаган.

Ҳозирги Касбитепа ўрта асрлардаги шаҳармонанд манзилнинг – қасабанинг кўҳандизи ва айлана девори бўлган. Маймурғ Насаф ва Базда кўрғонларига ўхшайди. Девор кўтарма асосида шахристон харобаси бўлиб, чўкиб қолган. Сақланиб қолган жойларда унинг кенглиги 30x100 газгача боради, бу жойдан оқ жигарранг сопол буюмлар синиқлари топилган. Шахристондан ташқарида қолган бино работлар – шаҳарнинг кўҳандизидан қарийб бир чақиримга чўзилиб кетган қисми харобалари ястаниб ётади. Работнинг ғарбий қисмидан жуда кўп сонли сопол идишлар топилган бўлиб, улар X-XII асрларга тааллуқлидир. XIII аср бошларида содир бўлган мўғуллар босқини оқибатида қадимий Касби хувиллаб қолган. (2:366).

Мўғуллар босқинидан сўнг жуда кам ҳолларда вайрон этилган жойлар қайта тикланган. Қадимшунос С.К.Кабанов таъкидлаганидек, мўғуллар босқинидан сўнг Касби аввалги ўрнида қайта тикланган жуда кам манзиллардан биридир. Буни XIV-XVI асрларда вужудга келган дахмали меъмори мажмуаси далолат этади (4:67).

Кейинги асрларда ҳам Касби аҳолиси гавжум масканларидан бири сифатида фаолият юритганлигини XVI асрнинг сўнги чорагида Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида (1583-1598) Касби шахристонидан 1 км ғарбда маҳобатли намозгоҳ бунёд этилганлиги ҳам кўрсатади (11:31-32/ 11:52-53).

Намозгоҳ масжиди узун тўртбурчакли режага эга бўлиб, ҳажми 32,4x10 м, бир ўқда анфилада кўринишида жойлашган беш гумбазли уч томони очиқ айвон - галереялардан ташкил топган. Меҳроб ўртадаги айвонда жойлашган бўлиб у бошқа гумбазли айвонлардан каттароқ қилиб бунёд этилган. Унинг ичида минбар ва бинонинг орқа томонига туртиб чиққан, мураккаб қобирғали меҳроб тоқчаси мавжуд. Ғарбий деворда ёруғлик тушиши учун туйнуқлар қилинган. Шаҳардан намозгоҳ масжидига йўл борган. Бинонинг шарқ томонида томонлари тахминан 130x120 метрли бўлган, паҳса девор билан ўралган катта-кон ҳовли, унда иккита ҳовуз ҳам мавжуд эди.

Тахминимизча, Касбида мўғуллар истилосига қадар ҳам намозгоҳ фаолият кўрсатган бўлиши эҳтимолга яқин ва у ҳозир таърифланган намозгоҳ ўрнида ёки унга яқин жойда ўрнашган. Касбида 12 та масжид мавжуд бўлган. Чунки худуди жиҳатидан Насафдан ҳам катта бўлган бундай йирик шаҳарда намозгоҳнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Бу биринчи сабаб бўлса, тахминимизнинг иккинчи сабаби – бизнинг Касби намозгоҳидаги кузатишларимизда шу нарсага эътибор берилдики, ҳозирда қад кўтариб турган ва Абдуллахон II даврида қурилган, деб таърифланадиган намозгоҳ деворларининг аксарият қисми бу давр

учун эмас, балки асосан қорахонийлар даври учун хос бўлган йирик тўртбурчакли пишиқ ғиштлардан (чор ғишт) бунёд этилган.

Бундай йирик пишиқ чор ғиштлардан қурилган иморатлар қолдиқлари Шаҳрисабз шаҳри марказида олиб борилган археологик қазилмалар даврида қўшлаб қўлга киритилган. Мўғуллар ҳужуми даврида вайронага айланган намозгоҳ харобалари Абдуллахон II даврида яна қайтадан тикланган ёки унинг қолдиқларидаги пишиқ ғиштлар тўла кўчириб олиниб янгидан намозгоҳ қурилган.

Ушбу намозгоҳ масжиди нафақат Касби шаҳри ёки атрофдаги қишлоқлар аҳолиси учун, балки бу ерда кейинги асрларгача ҳам самарали фаолият кўрсатган гавжум савдо йўли устида қурилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, бу қарвон йўлининг устида, Касби аркидан 150 м масофада шимоли-шарқда Абдуллахон II даврида бунёд этилган улкан сардоба ҳам фикримизни тўла тасдиқлайди. Кейинги пайтда янги бир сардобанинг топилганлиги ҳам бунинг яққол исботидир. Маҳаллий кишиларнинг шохидлик беришлари, Бухородан келиб бир томони Қаршига, бир томони Амударё бўйидаги Келиф кечуви томонга кетган қарвон йўллари XX асрнинг 50-йилларида ҳам фаолият кўрсатган ва 1970-йиллардан бошлаб Қарши чўли ўзлаштирилиб турлича суғориш тармоқларининг қазилиши (Миришкор канали ва бошқалар) натижасида амалиётдан чиққан.

Кўринадики, Касби Насаф воҳасининг йирик илмий ва маданий марказларидан бири сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Тарих саҳифаларига диний ва дунёвий фанларда “Касбавий” тахаллуси билан ном қозонган қатор алломалар ва уламолар номлари муҳрланган. Чунончи Касбида Абу Бакр Муҳаммад ибн Қосим Имроний ал-Касбавий (ваф. 1120), Абу Аҳмад Исо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Касбавий, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Касбавий, Абул Ҳасан Али ибн Иброҳим ал-Касбавий, Абул Муаййад Мунир ибн Муҳаммад ал-Касбавий, Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ал-Касбавий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулмалик ал-Касбавий (ваф. 1019), Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Касбавий (1048-1102 йй.) каби илм-фан намояндалари яшаб ўтишган (5:240, 247-248).

Хуллас, Ўзбекистон жанубий сарҳадларидаги Қашқадарё воҳасининг куйи қисмида жойлашган, ўрта асрларда буюк ипак йўли чорраҳасидаги асрларга бўйлашган иқтисодиёт савдо-сотик ва илм-фан марказларидан бири Касби шаҳри тарихини янги манбалар асосида тўлақонли ўрганиш ҳамда ёш авлодга етказиш энг асосий вазифалардан бири бўлиб турибди.

Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор”.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қораев С. Ўзбекистон вилояти топонимлари изоҳли луғати. – Тошкент, Ўз МЭ ДИН, 2000. – Б. 184.
2. Равшанов П. Қарши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 297-298, 366.
3. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т., 1968. – Б. 92.
4. Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III–VII вв.). – Ташкент, 1977. – С. 66-67.
5. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Насабнома. (ал-Ансоб) – Бухоро: Бухоро, 2003. – Б. 240–248.
6. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000. – Б. 312.
7. Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX начала XIII вв. – Ташкент, 1996. – Б. 56-57.
8. Раимқулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 48.
9. Тер-Мкртчян, Армянские источники о Средней Азии V-VII вв. – М.: Наука, 1979. – С. 58.
10. Массон М.Е., Лунина С.Б. Пятый сезон археологических работ в Кашкадарье. ОНУ. 1968, – № 6. – С.19.
11. Маньковская Л.Ю. О типологии мемориального зодчества Средней Азии. Мавзолеи Фудины и Касби. Культура и искусство народов Средней Азии в древности и средневековье. – М., 1979. – С. 31–104.
12. Кочнев Б.Д. Исследования средневекового Несефа. Археологические открытия 1974 года. – Москва, 1975. – С. 52–53.

РЕЗЮМЕ

Қуйи Қашқадарёдаги Касби–Жанубий Сўғднинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган. Касби милоднинг V-VI асрларида Сосонийлар билан Сўғд давлати чегарасидаги мустақкам истеҳкомга эга бўлган. Муаррих Ибн Ҳавқал унинг пойтахт Насафдан ҳам катталигини айтиб, бу шаҳарни “Касби кишлоғи” деб таърифлаган ва унда жомеъ масжиди мавжудлигини таъкидлаган.

Қадимшунос ва тарихчи олимлар С.К.Кабанов, Р.Х.Сулаймонов, Ш.С.Камолиддинов ва А.Раимкуловлар илк ўрта асрларга оид (V аср) арман манбаларида тилга олинган Казбион шахрини ўрта асрлардаги Касба шахри, ҳозирги Касбитепа билан локализация қиладилар. Айниқса, Ш.Камолиддиновнинг китобида араб манбаларига таянган ҳолда Касби тарихи ёритилган. Э.В.Ртвеладзе эса Казбионни Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари чегарасидаги Темир Дарвоза ва Ғузор оралиғига жойлаштиради. Касби ҳудудида Ўрта Осиёдаги энг қадимий меъморий обидалардан бири, XI-XII асрларга оид Султон Мир Ҳайдар макбаралар мажмуаси сақланиб қолган ва бу мажмуа мўғуллар истилосигача бўлган давр Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб намуналаридан бири сифатида тадқиқ этилган. Бу шаҳарда “Саййидлар” авлодлари яшаган.

РЕЗЮМЕ

Касби - один из крупнейших городов Южного Согда в Кашкадарьинской области. В V-VI веках Касби был укрепленной крепостью между Сосаньянами и Согдийским государством. Историк Ибн Хавкал описывает его как столицу Насафа, называя город «древней Касби» и утверждая, что в нем есть мечеть.

Ученые-историки С.К.Кабанов, Р.Х. Сулаймонов, Ш.С. Камолиддинов и А.Раймкулов локализируют город Казбион, о котором говорится в армянских источниках раннего средневековья (V век), со средневековым городом Касба и с нынешней Касби-тепой. В книге Ш. Камолиддинова история Касби освещена на основе данных арабских источников. Э. В. Ртвеладзе размещает Казбион между Железными Воротами и Гузаром на границе Кашкадарьи и Сурхандарьи. На территории Касби сохранился один из древнейших архитектурных памятников Центральной Азии - мавзолей Султана Мир-Хайдара XI-XII веков, и этот комплекс был исследован как один из редких образцов среднеазиатской архитектуры домонгольского периода. В этом городе жили потомки сайидов.

SUMMARY

It is one of the largest towns of Kasbi-South Sogd in the Lower Kashkadarya region. Kasib was a fortified Sasoniy and Sogd fortress in the V-VI centuries BC. Merverian Ibn al-Hawkal described it as "Kasbi village", saying that it was larger than the capital of Nasaf, said.

Historians and historians S.K.Kabanov, R.H.Sulaymonov, Sh.S.Kamoliddinov and A.Raimkulov are localized with the medieval town of Kasba, nowadays Kasbitepa, in the early Middle Ages (V century) Armenian sources. Especially in Sh.Kamoliddinov's book, the sources of information are based on Arabic sources. EVVadvoradze places Kazbion between the Iron Gate and Guzar on the border of Kashkadarya and Surkhandarya Oasis. One of the oldest architectural monuments in Central Asia, XI- The 12th-century Sultan Mir-Haidar mausoleum has been preserved and this complex was explored as one of the rare examples of the Central Asian architecture before the invatsion of Mongolia. The Sayyid's descendants lived in this city.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИШИ ТАРИХИ (Жанубий вилоятлар мисолида)

Шаронова Н.А. (ҚарМШИ)

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон, вилоят, халқ таълими, вазирлик, мактаб, ўқитувчи, меҳнат, ўқувчи, ислоҳот, маънавият, тарбия, кадр.

Ключевые слова: Узбекистан, область, народное образование, министерство, школа, учитель, труд, ученик, реформа, духовность, воспитание, кадр.

Key words: Uzbekistan, region, national education, ministry, school, teacher, work, student, reform, spirituality, education, cadre.

Ўзбекистонда таълимга жамият ва давлат ривожига ҳал қилувчи соҳа сифатида қара-
либ, унинг барча бочқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича Фармон
ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2017 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.Мирзиёевнинг ПҚ-3304-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилиниб, унда таъ-
кидланишича, вазирлик халқ таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона дав-
лат сиёсатини амалга оширади. [4] Умумтаълим мактаблари ёшларда билим, дунёқараш ва
маънавият асосларини шакллантирувчи асосий маскан ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбе-
кистонда 9,7 минг мактабда 5,2 млн. ўқувчи таълим олиб, уларга 450 мингдан зиёд ўқитув-
чилар таълим-тарбия берди. [3]

Таълимда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси асосан кадрларга боғлиқ-
лиги ҳаётда кўп бора ўз исботини топган. Шу боис Ўзбекистонда ўқитувчилар обрўсини
кўтариш ва уларнинг малакасини ошириш, уларга қулай меҳнат ва яшаш шароитини
яратиш тадбирлари олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида таълим тизимида амалга
оширилган бир неча ислохотлар соҳани замон талабларига мос педагогик кадрлар билан
таъминлаш заруриятини келтириб чиқарди. Бу борада Ўзбекистонда, хусусан Қашқадарё
ва Сурхондарё вилоятларида ҳам катта ишлар амалга оширилди. 2003-2004 ўқув йилида
умумтаълим мактабларида Республика бўйича 472,8 минг ўқитувчи фаолият кўрсатган
бўлса, 2007-2008 ўқув йилида бу 463,3 минг нафарни ташкил этди, Қашқадарё вилоятида
эса шу йилларга тааллуқли равишда 55,0 минг нафардан 55,5 минг нафарга, Сурхондарё
вилоятида эса 37,8 мингдан 40,7 минг нафарга етди. [5]

Кейинги йилларда Республика бўйича ўқитувчилар сони камайиб бориши кузатила-
ди. Масалан, 2010-2011 ўқув йилида Республикада 419,8 минг нафардан, 2014-2015 ўқув
йилида улар сони 390,6 минг нафарни ташкил этди. Айниқса бу қишлоқ жойларда кучли
сезилади. 2005-2006 ўқув йилида Қашқадарё вилояти қишлоқ мактабларида жами 46,2
минг ўқитувчи фаолият олиб борган бўлса, 2006-2007 ўқув йилида бу кўрсаткич 44,9
мингга тушди. Сурхондарё вилоятида эса бу рақамлар 36,0 мингдан 35,1 минг бўлди. [5]

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари умумтаълим мактаблари масаласидаги энг
жиддий муаммо олий маълумотли педагоглар ва турли фанлар бўйича ўқитувчи кадрлар
танқислиги бўлди. Масалан, Сурхондарё вилоятида 1991-1992 ўқув йилида жами 18030
минг нафар олий маълумотли ўқитувчилар фаолият олиб борган бўлса, 2000-2001 ўқув
йилида уларнинг сони 22144 га етди. [6] Аммо кейинги йилларда ўқитувчилар орасида
олий маълумотлилар кўрсаткичи пасайиб борди. Масалан, 2004-2005 ўқув йилида Сурхон-
дарё вилоятида жами ўқитувчиларнинг 61,7 фоизини олий маълумотлилар ташкил этган
бўлса, 2007-2008 ўқув йилида бу кўрсаткич 56,2 га тўғри келди. [5]

Мактабларда ўзбек тили ва адабиёти, тарих, биология, кимё, физика ва математика
фани ўқитувчилари кўпчилиқни ташкил қилди. Масалан, 2005-2006 ўқув йилида Сурхон-
дарё вилоятида жами 18551 нафар ўқитувчидан 3049 тасини ўзбек тили ва адабиёт фани
ўқитувчилари, 2556 тасини математика фани ўқитувчилари ташкил этди. [6]

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларнинг таълим муассасаларида хорижий тил
ўқитувчиларга бўлган талаб катта бўлди. 2001-2002 ўқув йилида Қашқадарё вилоятдаги
1082 та мактабдан 98 тасида мутахассислар бўлмаганлиги сабабли чет тили ўқитилмади.
Умуман ўқув йилида вилоят таълим муассасаларига 689 та турли фан ўқитувчилари
етишмади. [7]

2013-2014 ўқув йилида чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж аниқланиб, масала
муаллимларнинг педагогик юкламаларни ошириш ва 1426 нафар олий таълим муассасала-
ри битирувчиларини ишга олиш ҳисобидан қопланди. Бундан ташқари, 300 га яқин педа-
гоглар учун эса қайта тайёрлов курслари ташкил этилиб, ўқитувчилар 4 ойлик курсларда
хорижий тил бўйича малака оширдилар. Шунингдек, чет тили ўқитувчиларининг меҳнати-
ни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қаро-
рига мувофиқ, чет тили ўқитувчиларининг ойлик тариф ставкаларига қишлоқ жойлардаги

таълим муассасаларида 30, бошқа таълим муассасаларида 15 фоизлик кўшимчалар тўлаш тартиби жорий қилинди.

2000 йил Қашқадарё вилоятида таълим муассасаларига математика, физика, чет тили, бошланғич таълим фанлари бўйича 13479 нафар педагог етишмаслиги вилоят фаоллар йиғилишида бир неча бор таъкидланди. Шулардан, Деҳқонобод туманига 159 нафар, Шахрисабз 91 нафар, Яккабоғ туманига 112 нафар ўқитувчи етишмади. [2]

Сурхондарё вилоятида ҳам шу ҳолат кўзга ташланади. Йил сайин таълим муассасаларининг ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжи ошиб борди. Агар 1997 йилда бу эҳтиёж 1276, 1998 йилда 1306 нафарни ташкил қилган бўлса, 1999 йилда эса бу кўрсаткич 1589 тага етди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Сурхондарё фаолларининг йиғилишида сўзлаган нутқида вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларига 1589 нафар ўқитувчи етишмаслигини таъкидлаган эди. [9]

Бу борада вилоят халқ таълими бўлимлари етарли чора-тадбирларни амалга оширмади. Хусусан, мактабдан кетиб қолган ўқитувчиларни қайтариш, четдан мутахассис кадрларни таклиф этиш чораларини кўриш, бунинг учун уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш, кўшимча имтиёзлар бериш йўллари излаб топишлари лозим эди.

Республикада ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатларини кадрлар билан таъминлаш бир мунча яхшиланиб борди. Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2004 йил 24 декабрдаги 224-сонли қарори билан ташкил этилган 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати 2005 йилда ўз иш фаолиятини бошлади. Ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати 2010 йилда 210 ўринли замонавий типда қурилган янги бинода ўз иш фаолиятини давом эттирди. 2013 йилда мактаб-интернатдаги 20 нафар педагог ходимдан 5 нафари “олий” тоифали, 11 нафари “биринчи” тоифали ўқитувчи бўлиб, тажрибали педагоглардан “Халқ таълими аълочиси” медалига сазовор бўлган М.Саттарова, Г.Мажидовалар ҳамда Р.Жавлиева ўзбек тили ва адабиёт фанидан, Т.Абдуллаева математика фанларидан ўқувчиларга таълим-тарбия берди. [10]

Педагог кадрлар танқислигини янги мутахассисларни ишга қабул қилиш эвазига қоплашга ҳаракат қилинди. 2001-2004 йилларда Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларига 2045 нафар олий маълумотли педагог ишга қабул қилинди. Айниқса, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Чироқчи ва Баҳористон туманида педагог кадрлар етишмади. Туманларга ёш ўқитувчилар йўлланма билан ишга юборилиб, уларни тура-жой, ер участкаси билан таъминлаш юзасидан қатъий чора-тадбирлар олиб борилди. Бундан ташқари уларнинг иш ҳақларига 50 фоизгача кўшимча иш ҳақи берилди. [7]

Таълим-тарбия ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчилар малакасини ҳозирги замон руҳида ошириш ишларига ҳам боғлиқ бўлди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам бу борада қатор чора-тадбирлар олиб борилди. Хусусан, Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти кўп йиллик иш тажрибаси ва ўз анъаналарига эга бўлган ўқув юртларидан биридир. 1995 йил институтда 2 та кафедра ва 13 та фан кабинетлари иш олиб борди. Институтда 24 та ихтисослик бўйича ходимлар малакасини оширди. Институт қошида 24 кунлик, 18 ва 12 кунлик ва бир ҳафталик қисқа муддатли мақсадли ёки муаллифлик курслари шаклида малака ошириш йўлга қўйилди. Шунингдек, шахсий режа асосида экстернат тарзда ва ёзги таълим кунлари бевосита шаҳар ва туманларнинг ўзларида курслар ташкил этилди.

Малака ошириш курсларида ўқитувчилар ўз мутахассислиги, услибияти назарияси ва амалиётидан ташқари бозор иқтисодиёти даврида халқ таълимини такомиллаштириш масалалари, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, компьютер технологияларидан фойдаланиш каби жами 13 соҳа бўйича билим олди. Кириш ва чиқиш тестлари орқали тингловчиларнинг билим даражаси аниқланиб, диагностик таҳлилдан ўтказилди. Институтда воҳанинг етук олимлари тингловчиларга ўқув машғулотларини олиб борди. Масалан, Қарши давлат университети профессорларидан Б.Аминов, Т.Нафасов, О.Давронов, доцентлардан И.Вардиашвили, Р.Канюк, А.Маматов, Х.Рўзиев, О.Бўриевлар институтда дарс

бердилар. Бундан ташқари вилоятнинг таниқли ижодкор ўқитувчилари ҳам малака ошириш институтига келиб, тингловчиларга дарс ўтди. Косондан Г.Эштурдиева, Касбидан Б.Пўлатова, Шахрисабдан Б.Хусайнов, Бешкентдан Ш.Бобоевалар шулар жумласидандир. [8]

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси борасида амалга оширилаётган ишлар давомида ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. [1]

Хуллас, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Таълим-тарбия ишини яхшилашнинг асосий шarti сифатида кадрлар сиёсати белгиланди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистонда, хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари таълим муассасаларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш иши яхшиланиб, мутахассислар сони йилдан-йилга ортиб борди. Аммо, таълим муассасаларида баъзи ихтисосликлар бўйича кадрлар танқислиги кучли сезилиб турди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ // «Қашқадарё» газетасининг 2017 йил 27 апрель сони.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Қашқадарё вилояти филиали, 846-фонди, 10-рўйхат, 98-иш, 14-варақ.

3.Ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш ўқувчи камолотининг бош омилидир / Халқ сўзи, 2018 йил 18 июль.

4. Халқ сўзи, 2017 йил 1 октябрь.

5.Образование Узбекистана 2008. Ст. сб. – Ташкент, 2008. – С. 47.

6.Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архиви материаллари.

7.Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви материаллари.

8.Саъдуллаев С., Норбоев Э. Малака ошириш изланиш демакдир / Қашқадарё ҳақиқати, 1995 йил, 22 май.

9.Сурхондарё тарих кўзгусида / Авт.: Турсунов С., Қобилов Э., ПардаевТ. ва бош. – Т.: Шарқ, 2001. – 384 б.

10.Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М., Шеробод тарихидан лавҳалар. – Т.: Yangi nashr, 2014. – 356 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон жанубий вилоятларида умумтаълим мактабларини кадрлар билан таъминлаш, фанлар бўйича ўқитувчилар етишмовчилиги, педагогик кадрлар малакасини ошириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари очиқ берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрываются проблемы кадрового обеспечения общеобразовательных школ в южных областях Узбекистана за годы независимости, нехватка учителей-предметников, проблемы повышения квалификации педагогических кадров и пути их решения.

SUMMARY

This article analyzes the provision of pedagogical cadres to general education schools in the southern region of Uzbekistan, the shortage of teachers in different subjects, the problems of improving the qualifications of teachers and their solutions.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА МУСИҚА ВА ТЕАТР САНЪАТИ

Тўраева М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Совет ҳокимияти, Шўро давлати, Халқ Маориф Комиссарлиги, Туркистон қўмитаси, коммунистик партия, Маданий инқилоб сиёсати, Бухоро Халқ совет Республикаси, халқ оғзаки ижоди, бахшичилик, дўмбира, қўбиз, миллий муסיқа, театр, оркестр.*

Ключевые слова: *Советская власть, суверенное государство, Народный комиссариат комиссариата, Туркистанский комитет, Коммунистическая партия, Политика культурной революции, Бухарская Народная Советская Республика, фольклор, бахши, барабан, кубиз, национальная музыка, театр, оркестр.*

Key words: *Soviet power, soviet state, People's Education Commissariat, Turkestan Committee, communist party, cultural revolution policy, Bukhara People's Soviet Republic, folklore, bakhshi, drum, kubiz, national music, theater, orchestra*

Ўзбек халқи муסיқа санъатининг ижод маҳсули бўлган миллий кўшиқчилигимиз анъана тарзида – оғзаки кўринишда асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, устоз-шогирд тизимида ривожланиб келмоқда. Совет тузумининг 20–30-йилларида ҳам миллий кўшиқчилик санъати хофизлар, муסיқачилар, бахшилар орқали куйланиб, халқимизга етказиб берилди. Ўзбек миллий кўшиқчилигининг Сурхондарё-Қашқадарё йўли ўзининг дostonчилиги билан фарқланади. Бахшилар дўмбира, дутор ёки қўбиз билан дostonлар, термалар куйлаб, халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг сақлаб қолиниши ва ривожланиши жараёнига катта ҳисса қўшдилар.

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси бахшилари устоз-шогирдлик анъанасини давом эттирган ҳолда, “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Рустамхон”, “Кунтуғмиш”, “Ҳасанхон”, “Авазхон” сингари дostonларни куйлаб авлоддан-авлодга етказиб, халққа маънавий озиқ бағишлаб келганлар. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасининг Шеробод, Бойсун, Қамаш, Чирокчи ва Ғузор ҳудудларида бахшичилик мактаблари фаолият кўрсатди. Ҳар бир дostonчилик мактаби вакилларининг ижро усули бир-бирларидан фарқ қилган. Жумладан, Қамаш (Қамаш) ижодкорларида китобийлик устун бўлса, Ғузор, Дехқонобод бахшилари ва Шеробод мактаби вакилларида қадимийликка асосланиб куйлаш юқори туради. Қашқадарё ва Сурхондарё бахши-шоирлари ижоди умумўзбек дostonчилигининг ажралмас бир қисмига айланди. [1] Шеробод, Қамаш, Чирокчи дostonчилик мактаблари халқимизга Хонназир, Искандар, Хидир, Абдукарим, Бобо шоир, Козим юзбоши, Эрназар гобон каби истъедодли сўз санъаткорларини етиштириб берди.

XX аср бошида Алим Юзбоши, Шерназар, Мардон, Ражаб, Бобоназар, Холиёр каби донгдор халқ бахшилари ижод қилганлар. 30–40-йилларда Абдулла шоир Нурали ўғли, Умир Сафар ўғли, Ражаб шоир, Тоғай шоир, Бозор шоир, Чори бахши Қўлдош ўғли, Мурод шоир Дониёр ўғли, Қўзи шоир, Тош шоир Чоршанби ўғли, Бозор Шерқул ўғли, Худойкул шоир Яхшибой ўғли, Ҳайдар Ҳофиз, талантли дўмбирачи Юсуф Тўраев, дostonчи Ҳазраткул Худойберди ўғли каби кўплаб бахши-шоирлар халққа хизмат қилдилар. [2] Шундай дostonчи шоирлардан бири Абдулла шоир Нурали ўғлидир. Қашқадарёлик Абдулла шоир Нурали ўғлига (1874-1957) 1936 йилда “Ўзбекистон халқ шоири” унвони берилган. [3] 1937–1938 йилларда фольклоршунос олимлар Абдулла шоир Нурали ўғлидан “Алпомиш”, “Хуш келди”, “Маликай айёр”, “Тули хиромон”, “Қиронхон”, “Сайдимхон”, “Кунтуғмиш” каби ўндан ортиқ дostonлар ёзиб олинган. [4] Абдулла шоир 1937 йилда Москвада ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида қатнашган эди.

Чироқчилик Тоғай шоир (1893–1976) “Гўрўгли” туркумидаги 100 дostonни ёд билган, “Алпомиш”, “Юсуф Аҳмад” дostonларини севиб куйлаган. Ижоди юксалиб, тобора халқ қалбига якинроқ бўлиб бораётган Тоғай шоир шўролар томонидан ноҳақ айбланиб, 1930 йилда Шимолий Қозоғистонга сургун қилинди. 1932 йилда ўз юртига қочиб келган шоир қўлга олиниб, бутун оила аъзолари билан Сибирга сургун қилинди. 50-йилларнинг охирларида Тоғай шоир бошқа кўплаб катағон қурбонлари сингари оқланди ва юртига қайтиб келди. Номи Ўзбекистон халқи тилига тушган бахшилар қаторида қамайлик Бозор бахши Омон ўғлининг ҳам (1908–1970) муносиб ўрни бор. У мингдан ортиқ терма ва ўланлар яратган ва халқ орасида “Маликаи айёр”, “Алпомиш”, “Ширин ва Шакар”, “Келиной” каби дostonларни иштиёқ билан куйлаган.

Халқ кўшиқларининг моҳир ижрочиси Ҳайдар ҳофиз 1874 йилда Бешкент туманида туғилди. У Навоий, Машраб, Муқимий каби мумтоз шоирларнинг ғазалларини, “Зайнул-араб” дostonини севиб куйлаган. 1937 йилда Ҳайдар ҳофиз “халқ душмани” сифатида қамалди ва дастлаб Қарши шаҳрида турмага айлантирилган Абдулазизхўжа мадрасаси биносига қамаб қўйилди, сўнг у Тошкентдаги Товоқсой қамоқхонасига жўнатилди, 1938 йилда ҳофиз 63 ёшида қамоқхонада оламдан ўтди.

Ўзига хос услубий йўналишга эга бўлган Шеробод дostonчилигида Шерна мактаби алоҳида ўрин тутди: бу мактаб Мардонқул Авлиёкул ўғли, Умир Сафаров, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Жўра Эшмирза ўғли, Нурали Боймат ўғли каби 20 га якин дostonчи-шоирларни етиштирди. [5] Шерна мактабининг энг иқтидорли вакили, шубҳасиз, Мардонқул Авлиёкул ўғлидир. Мардонқул бахши Авлиёкул ўғли 1886 йили Шеробод туманидаги Азон қишлоғида таваллуд топган бўлиб, у 1966 йилда вафот этган. 16 ёшга тўлганида вилоятдаги энг номдор бахши Шерна шоир назарига тушади. Мардонқул бахши Авлиёкул ўғли 20 дан ортиқ анъанавий дostonлар, юзлаб замонавий термалар яратди. “Сурхон булбули” деб ном олган бахши-шоир 1937 йилда халқ душмани сифатида қамоққа олинди. Бироқ шўролар унинг айбини исботлай олмагач, 1938 йилда қамоқдан озод этишга мажбур бўлдилар.

Шеробод дostonчилик мактаби бахшилари орасида алоҳида ўрин эгаллаганлардан бири Худойкул юзбошидир. У 1871–1964 йилларда яшаб ижод этган. Шўролар ҳукмронлиги йилларида бахшилар ижодида шўролар давлати мафкураси етакчи роль ўйнайди, чунки бу даврларда бахшилар томонидан ижро қилинган дostonларда шўро давлати сиёсатини бўрттириш ҳолатлари кўзга ташланади. Шўролар сиёсатини қўллаб-қувватламаган бахшилар фаолияти таъқиқланди. Уларга турли хил зуғумлар ўтказилди. Шу сабабдан бахшилар ижодида ҳам шўро давлатини улуғловчи термалар, ўланлар яратилди. Афсуски, биз ўрганаётган даврда яшаб халққа хизмат этган бахшилар ижоди мустақиллик давригача тўлиқ етиб келмаган. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида Ота Саид, Абдулла Гулшаний, (1898–1978), Пўлат Қурбонов (Кухий 1904–1996), 1913 йилда туғилган Бобомурод Даминов, Шамси Остон, Баҳром Шариф, Остон Ўрок, Жаббор Махсумов каби қаламкашлар адабиёт майдонида имкон қадар ижод қилдилар.

Собиқ шўролар давлати ўрнатилган дастлабки йиллардан бошлаб, Европа мусиқасига алоҳида аҳамият берилди. Туркистон Республикаси Халқ Маориф Комиссарлиги (1919) ихтиёрида санъат бўлими ташкил этилди. Унинг таркибида мусиқа, театр, тасвирий санъат тармоқлари киритилди. Санъат бўлими, махсус ва умумтаълим мусиқа мактабларига бошчилик қилиб, тубжой аҳоли болаларига мусиқа таълимини жорий этиш билан шуғулланди.

Шўролар ҳукуматининг сиёсати совет мусиқаси ижодкорларининг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратишга, янги совет тингловчиларини тарбиялашга, кўп овозли хор оркестрини яратишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб, миллий мусиқа маданиятининг ўрни ва ролини пасайтириш йўлини тутди.

Ўша йилларда ўзбек халқи ҳаётига катта қаршиликлар билан Европа мусиқаси кириб келди. Унга қарши чиққанлар миллий мусиқани сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар ва Европа мусиқаси асбобларининг миллий чолғу асбоблари тизимига қўшилишига қарши чиқдилар. Аммо шўролар зуғуми миллий мусиқашунослар қаршилигини синдириб, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам бир нечта совет мусиқа мактабларини ташкил этди.

1921–1922 йилларда Шеробод, Қарши ва Шаҳрисабзда мусиқа мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. [6] Мактабларда духовой оркестр ва миллий мусиқа тўғарақлари ташкил этилиб, вилоят ва туманларда концертлар уюштирилди. Шаҳрисабз шаҳридаги мусиқа мактабида 20 та ўқувчи, Қарши мусиқа мактабида 28 ўқувчи, Шеробод мусиқа мактабида 19 ўқувчи таълим олди. Ўқувчиларга хор ашуласи, ритмика ва шу сингари куй ва кўшиқлар ўргатилди. [7] Мазкур санъат масканларини битирганларнинг маълум қисми махсус мусиқа ўқув юртига бориб, ўз билимларини оширдилар. Турли хил бадиий тўғарақларда қатнашиб, халққа маънавий хизмат кўрсатдилар.

1924 йилда Китоб туманида марҳум санъаткор Қоризокир раҳбарлигида истеъдодли ёшлардан иборат груҳ ташкил этилди. Унга Турсунтош Самиева, Камол Бухориев, Икром Болтаева, Зайнаб Самиева ва педагог Саиджон Шукуров каби талантлар уюшган эдилар.

1928 йилда Қарши (Бехбудий) шаҳар маориф бўлими ҳузурида бадиий ҳаваскорлар тўғараги ташкил этилди. Тўғаракка танбурчи Абдулла Қодиров раҳбарлик қилди. [8] Шу йили Китоб ва Шаҳрисабз туманларида ҳам бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилди. Улар қизил чойхоналарда, клубларда концертлар кўрсатишарди, сахна томошалари эса ховлиларда намойиш қилинди.

1927–1928 йилларда Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Шеробод туманларида бадиий тўғарақлар фаолият кўрсатиб, халққа сахналаштирилган томошалар кўрсатди. 1932 йил 2 августда Қарши ва Шаҳрисабз бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари заминидан вилоят театри ташкил этилди. [9] Ўша вақтда Тошкент, Самарқанд театрлари фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлиб, чекка шаҳарлардаги театрларнинг ривожланишида талай қийинчиликлар мавжуд эди. Аввало профессионал таълим олган актёрлар етарли эмас эди. Қашқадарё вилоят театри репертуарларининг шаклланишида Тошкент театрларидан келган Бақо Азизов (бадиий раҳбар), режиссёрлардан Собир Воҳидовларнинг ижодий фаолияти самарали бўлди.

1935 йилда Термиз шаҳрида Жарқўрғон колхоз халқ театри асосида вилоят давлат театри ташкил этилди. [10] Театр дастлаб Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг “Ғолибият” спектакли билан очилди. А.Исмоилов, О.Фаёзова, Ҳ.Аъзамов, К.Муслимова, Р.Бобожонов, М.Ҳамидовалар театрнинг илк санъаткорлари эди. Театрнинг дастлабки репертуарларида 30-йиллардаги хотин-қизлар озодлиги, жамоалаштириш сиёсатини ифодаловчи асарлар ўрин олди. Қашқадарё вилоят театри 1936 йилда давлат маблағлари ҳисобидан таъминланадиган бўлди. Шу туфайли театрни мустаҳкамлаш, декорация – безак воситалари сотиб олиш учун имконият яратилди. 1936 йилда Қашқадарё вилоят театрида сахналаштирилган “Тор-мор”, “Ёндирамиз”, “Гулсара”, “Ғолиблик” асарлари декорация-безаклари учун давлат маблағлари ҳисобидан 12697 сўм ажратилди. Театрда соф драматик асарлар билан бир қаторда музикали спектакллар яратишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. 1938 йилда Муҳиддин Эрматов томонидан сахналаштирилган “Фарҳод ва Ширин” ана шундай асарлардан ҳисобланади. [11]

Хуллас, 20–30-йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари аҳолиси маънавий ҳаётида миллий мусиқа санъати, ўзбек халқи миллий кўшиқчилигида бахши-шоирлар ижоди қийинчиликлар ва тазйиқлар остида бўлса-да миллий анъаналар асосида давом эттирилди. Қарши, Термиз шаҳарларида вилоят театрлари фаолияти йўлга қўйилди. Театрларда намойиш этилган асарлар шўро давлати мафқурасини кенг ёйиш мақсадида намойиш этилган бўлса-да, кишилар маънавий ҳаётида ўзига хос ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Эргашев А. Буюк санъат яшашга ҳақли // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1999. – №3. – Б. 28-30.
- 2.Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиати. – Т., 1998. – 417 б.
- 3.Ўтаев У. Отаёр. Дунёга тенгдош хазина. – Т, 1993. – Б. 11.
- 4.Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Т.: Фан. 1979. – Б. 52.
- 5.Турсунов С., Қобилов Э ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2001. – 377 б.
- 6.Қашқадарё ВДА. 11-жамғарма, 1-рўйхат, 37-иш, 2-бет.
- 7.Ўзбекистон Ресепубликаси Марарказий Бош архиви, 56-жамғарма, 1-рўйхат, 404-иш, 15-бет.
- 8.Ашуrow Б. // Қашқадарё ҳақиқати. 1977 йил, 26 октябрь.
- 9.Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. – Т.: Ўқитувчи. 1981. – 92 б.
- 10.ЎзР МДА, 56-жамғарма, 1-рўйхат, 43-иш, 146-варақ.
- 11.Қашқадарё. ВДА. 11-жамғарма, 1-рўйхат. 37-иш, 1-бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ХХ асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистон жанубий ҳудудларида миллий мусиқа ва театр санъати соҳаси тараккиёда юз берган ўзгаришлар хусусида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассматриваются изменения в национальном музыкальном и театральном искусстве на юге Узбекистана в 20-30-е годы.

REZUME

This article discusses changes in national music and art in the southern regions of Uzbekistan in the 20-30 s.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ КОМИЛ ИНСОН ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИДА
ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Элбоева Ш.Б., Алланазаров М.Х. (ҚарМШИ)

Таянч сўз ва иборалар: *комил инсон, инсонпарварлик, мукаммал жамият, одил подшоҳ, тариқат, муҳаббат, раият.*

Ключевые слова: *совершенный человек, гуманизм, идеальное общество, праведный царь, тарикат, любовь, народ (в исламе).*

Key words: *perfect human, humanism, complicated society, righteous king, tariqat (way of living on Islamic rules), love, raiyat (Islamic naming of the words "public" and "people").*

Инсон ва уни тарбиялаш, етук шахсни камолга етказиш масаласи қадимдан Шарқ олимлари, мутафаккир ва донишмандларининг диққат-марказида бўлиб келган. Улар инсон зотини юксакликка кўтарганлар, уни тирик мавжудотлар орасида энг аълоси деб ҳисоблаганлар.

Инсон юксак фазилатлар ва қадриятларни эгалламасдан, ўзида инсонга муҳаббат туйғусини шакллантирмасдан, хулқли, одобли, инсонпарвар бўлмасдан туриб етук шахс, комил инсон бўлиб етишуви қийин.

Ўзбекистонда борган сари инсон омилига бўлган эътибор кучайди, унга ғамхўрлик қилиш, унинг манфаатлари тўғрисида қайғуриш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг устувор сиёсатида, кундалик фаолиятига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” [1]. Биргина 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола” йили деб эълон қилиниши республикамизда оилаларга, ёш авлодга, умуман инсонга бўлган эътиборнинг яққол далили бўлди. Модомики шундай экан, ҳозирги долзарб вазифа инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ёш авлодни етук шахс, замонамиз талабига жавоб берадиган, билимдон, юксак маънавиятли, эътиқоди мустақкам, иродаси кучли, халқ, Ватан учун қайғурадиган комил инсон қилиб тарбиялаш ва вояга етказишдир. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа “...миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат” [2]. Шунингдек, ушбу муаммоларнинг том маънодаги ечимини Ҳазрат Алишер Навоийнинг мукаммал жамият ва комил инсон ғояларига асосланган қарашларида кўришимиз мумкин.

Комил инсон “бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан, шу чўққига интилиб муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган” [3].

Мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг умуминсоний мазмунга эга бўлган гуманистик қарашлари ислоҳ фалсафасидан озикланган бўлиб, аллома ўзининг асарларида унинг диний ва дунёвий жиҳатлари, зоҳирий ва ботиний томонларини ҳар томонлама ривожлантирган.

Алломанинг инсон ва инсонпарварлик тўғрисидаги қарашларини таҳлил қилишдан аввал, унинг Худо ва табиатга муносабатига тўхталиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Унинг фикрича, Худо ҳамма мавжудотнинг ибтидоси, бошланғичини ташкил этади. Дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи, вақтинчалиқдир, Худо эса абадий, нимаики борликда содир

бўлса, унинг иродаси билан амалга ошади. Мутафаккирнинг фикр юритишича, “ақл ёрдамида инсон ҳамма нарсаларнинг сиру асрорини, дунёдаги ўзгаришларни, уларнинг моҳиятини чуқур идрок қилолмайди. Бунга ақл ожизлик қилади. Зероки, инсон билими, ақли чегараланган. У ҳақиқатни тўла англай олмайди” [4]. Шунга қарамасдан, Навоий инсонни ақлсиз тасаввур қилмайди. Инсон қандай иш билан шуғулланмасин ақлга, тафаккурга, унинг кучига ишониши керак, деган фикр мутафаккир асарларининг муҳим жиҳатини ташкил қилади.

Алишер Навоий кишиларга меҳр-мурувват кўрсатишга, солиҳ амалларни бажаришга, нафси тийишга, камбағалларга хайр-эҳсон қилишга, раҳмдил ва шафқатли бўлишга, доимо халқ ғамини ейишга, улар ташвишида яшашга инсонларни даъват қилди, одамийликни ҳар нарсадан юқори кўяди:

*Манга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур* [5].

Ҳазрат Навоий саҳийликни инсонпарварлик, комилликнинг муҳим хислати деб билади. Одамийлик инсонни инсон қиладиган, уни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган нодир фазилатдир. Саҳийлик эса одамийлик, инсонпарварликнинг таркибий қисмидир. Мутафаккирнинг таъбири билан айтганда:

*Мурувват борча бермақдур, емак йўқ,
Футувват борча қилмоқдур, демак йўқ* [6].

Мутафаккирнинг яна бир муҳим хусусияти, бизнинг фикримизча, шундан иборатки, ул зот ўзининг ғазал, рубоий ва дostonларида инсонпарварликка оид қарашларни баён қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки ўзи буюк инсонпарвар шоир деган ном қозонди, одамийликда бошқаларга ўрнак бўлди. У доимо оддий халқ ғам-ташвишига шерик бўлди, уларга ҳомийлик қилди.

Алишер Навоийнинг “Ҳамса”га кирган дostonларида ҳам инсонпарварлик ғоялари яққол намоён бўлади. Унинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” ва бошқа дostonларидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар, Суқрот, Афлотун тимсолларида ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ахлоқий фазилатлар, олижаноб қадриятлар жамланган. Бу образлар алломанинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва гуманистик қарашларига мос ҳолда баён қилинади. Ҳазрат Навоий одамийлик, вафодорлик, меҳр-оқибат, халқ ғамида яшаш, унинг фаровонлиги, бахт-саодати йўлида ҳатто жонини фидо қилиш, хайр-эҳсон, ўзгаларга саҳийлик қилиш каби фазилатларни ҳамма нарсадан юқори кўяди. Мутафаккир бу билан инсонни, унинг хислатларини улуғлайди, уни бошқа жонзотлардан аъло эканлигини ишонарли тарзда исботлаб беради.

Шундай қилиб, ҳазрат Навоийнинг ҳаётда қилган ишлари, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, халқнинг турмушини яхшилашга, оғир қисматини енгиллаштиришга қаратилган савобли ва хайрли ишлари, насрий ва назмий асарларининг мазмун-моҳияти умуминсоний ва гуманистик руҳ билан суғорилган. Мутафаккир инсонпарварлик тушунчасига ижтимоий мазмун беради. Унингча, камтарлик, вафодорлик, нафси тийиш, ростгўйлик, саҳийлик, донолик, муҳтож ва етим-есирларга ёрдам бериш, бағрикенглик, мулойимлик, ширинсуханлик, шижоаткорлик, эзгулик, меҳр-мурувват, раҳмдиллик, одамийлик – буларнинг ҳаммаси инсонпарварликнинг таркибий қисми бўлиб, инсонни камолот сари етаклайди. Шунингдек, Комил инсон ғояси ўрта асрларда нафақат таълим-тарбияда, кишиларни камолот сари етаклашда, балки мамлакатлар тараққиёти ва халқлар маънавиятининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улуғ алломанинг комил инсон ғояси баён қилинган боқий асарлари кейинги даврларда Мовароуннаҳр ва Хуросон халқини инсонпарварлаштиришда, уларнинг турмуш тарзи ва онгига умуминсоний қадриятларни сингдиришда катта хизмат қилиб келди.

Алишер Навоий асарлари, ўлмас дostonлари, ғазал ва рубоийларида комил инсонга оид қарашларни, қимматли ғояларни баён қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки ўзи буюк инсонпарвар шоир деган ном қозонди, инсонийликда бошқаларга ўрнак бўлди. У

доимо оддий халқ ғам-ташвишига шерик бўлди, уларга ҳомийлик қилди. Ушбу ҳолатлар Алишер Навоийнинг комил инсон ғоясига амалий жиҳатдан ёндашганлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда, бутун мусулмон Шарқи мамлакатлари халқи, айниқса, туркий ва форсий халқлар орасида унинг номи машҳур бўлиб, асарлари севиб ўқилмоқда. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳақли равишда айтганларидек, "... оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони дир" [7].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, **биринчидан**, ҳазрат Навоий мукаммал жамоа, одил подшоҳ ва комил инсон тушунчаларининг ўзаро уйғунлигини асарлари орқали тарғиб қилди. **Иккинчидан**, Алишер Навоий кучли марказлашган давлатни, мукаммал жамиятни тасвирлади, бундай давлат тузумини орзу қилди. Фақатгина орзу қилиб қолмасдан, ўзининг режаларини ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлди. **Учинчидан**, мутафаккир комил инсонни кенг маънода тушуниб, инсоннинг комиллиги ёки ноқислигини баҳолашда ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларини асосий мезон сифатида эътироф этди. **Тўртинчидан**, Навоий ўз идеалидаги мукаммал давлат ва одил шоҳнинг ҳаёлий образини "Ҳайратул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Саъбаи Сайёр", "Садди Искандарий" каби дostonларида яратибгина қолмасдан, ўша даврдаги ҳукмдорларни тўғри йўлга солишга, ҳаётда адолатли ва комил бўлишга чақирди.

Дарҳақиқат, буюк шоирнинг комил инсон ва инсонпарварлик тўғрисидаги ўлмас ғоялари, доно фикрлари жамиятимизнинг юксалишида, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда муҳим асос бўлмоқда. Комил инсон ғояси миллий мафкурамизнинг устувор ғояси ва тамойили бўлиб, у миллий ғояни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 5.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 75.
3. Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Movarounnahr - O`zbekiston, 2009. – Б. 138.
4. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. (Аликулов Х., Носиров Р., Шарипов А., ва б.). –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. –Б. 196.
5. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. Т.8. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 283.
6. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Асарлар. Т. 4. – Тошкент: 1965. – Б. 447.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 47.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ҳазрат Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларида Комил инсон ғоясининг ҳаёлий бир тимсол эмас, балки ўзида бутун зоҳирий ва ботиний билимларни, инсоний фазилатларни мужассам этган реал ҳаётда бор инсон эканлиги, жамият ҳақидаги қарашларида эса мукаммал жамоа, одил подшоҳ ва комил инсон тушунчаларининг ўзаро уйғунлиги борасида бадиий ижоди асосида фикрлар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идет о том, что совершенный человек в суфистических взглядах А.Навои - это не иллюзорный символ, а реальный человек, который воплощает в себе внутренние и внешние знания и подлинно человеческие качества, а также о его взглядах на общество, в которых на основе художественного творчества высказывались идеи о гармонии идеального общества, справедливого царя и совершенного человека

SUMMARY

This article describes that A. Navoi's mystic approaches about the notion of perfect human was not illusionary idea, but it was a real person including the whole humanitarian qualities such as inner and outer knowledge, and in his approaches on society, the notion of ideal team, righteous king, perfect person were expressed through artistic works.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

МАДАНИЙ МАКОН, УНИНГ МАЗМУНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Сунатов Д.Х. (ЎзМУ)

Таянч сўз ва иборалар: жой, макон, маданий макон, биосфера, атроф-муҳит, ижтимоий муҳит, предметли муҳит, табиий муҳит, сунъий муҳит, субкултуралар, шахс, жамият.

Ключевые слова: место, пространство, культурное пространство, биосфера, среда, социальная среда, природная среда, искусственная среда, субкультуры, личность, общество.

Key words: place, space, cultural space, biosphere, environment, social environment, natural environment, artificial environment, subcultures, personality, society.

Инсон пайдо бўлибдики, ўз атрофини, маданий маконини ўзгартириб, янгилаб, такомиллаштириб боришга ҳаракат қилади. Шу ўринда замон, макон, маданий макон, атроф-муҳит ва предметли муҳит тушунчаларини ойдинлаштириб олиш лозим. Фалсафада макон тушунчаси ҳар хил талқин қилинади. Айрим қарашларга кўра у нарсаларни идрок этиш тартиби ёки категорияси бўлиб, макон – материя борлигининг кўламлилиқ, таркибийлик каби хоссалари ва унинг ўзаро таъсирларини ифодаловчи шакл. “Жой – макон чегараси ва у камраб олувчи муайян ҳажмнинг бирлиги. Жумладан, макон кўламлилиқ, бир жинслилик ва кўп ўлчовлилиқ билан тавсифланадиган мавжудлик тартиби” [2]. Бу бир томонлама изоҳдир. Шунинг учун “макон” тушунчасини “вақт” тушунчаси билан ёнма-ён ҳолда таҳлил этишни тақозо этади. Фалсафа тарихида макон ва вақт моҳияти ҳақида одамлар ўз ривожланишининг дастлабки босқичларидаёқ фикр юритганлар ва ўтмишнинг аксарият мутафаккирлари уларнинг табиатини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Бу аввало, инсон амалиёти ва билишининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Зеро, улар кенгайиб ва такомиллашиб, мазкур категорияларни янада аниқроқ ва теранроқ тушунишни талаб қилган. Вақтга астрономик кузатишлар ҳамда коинотнинг боқийлиги ва инсон ҳаётининг тезоқарлиги ҳақидаги мулоҳазалар нуқтаи назаридан ҳам алоҳида эътибор қаратилган. “Макон” ва “замон” категорияларига қизиқиш ҳеч қачон сусаймаган. Улар билан боғлиқ кўп сонли масалалар юзага келган. Уларнинг энг муҳимларидан бири қуйидагича янграйди: макон ва вақт мустақил моҳиятларми, ёки улар фақат нимагадир боғлиқ ҳолда келадими? Шу муносабат билан фалсафа тарихида шаклланган икки муҳим ва бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган йўналиш – субстанционал ва релятивацион йўналишларни фарқлаш мумкин.

“Субстанционал йўналишда макон ва замон материя ва онга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида қаралган. Субстанционал концепция асосчилари Демокрит (макон муаммоси бўйича) ва Платон (замонга нисбатан ёндашувларда) макон ва замонни материяга ҳам, бир-бирига ҳам боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида талқин қилганлар.” [6]

Демокрит атомлар ҳаракатланувчи бўшлиқ амалда мавжудлиги ҳақидаги ёндашувни илгари сурган. Унинг фикрича, бўшлиқсиз атомлар ҳаракатланиш имкониятидан маҳрумдир. Демокрит ва Эпикур маконни атомлардан иборат жой деб тасаввур қилган ва уни бўшлиқ билан тенглаштирган. Макон мутлақ, бир жинсли ва ҳаракатсиз бўлади, вақт эса бир текис оқади, деб ҳисобланган. Демокрит, Эпикур ва Лукреций Кар таълимотига кўра, макон объектив, бир хил ва чексиз. У атомлар жойлашадиган жой. Вақт (замон)ни абадият билан тенглаштириш мумкин – у ўтмишдан келажак сари бир маромда кечувчи соф давомлилиқдан иборат. Вақт – воқеалар юз берувчи жой. Қадимги юнон файласуфлари материя, ҳаракат, макон ва вақтни мустақил субстанцияларга ажратувчи бу ғоялар кейинчалик Нютон классик механикасида ривожлантирилди. Аммо диалектик тафаккур соҳиби бўлган Ф.Гегел бундай ёндашувларни қатъий инкор этган. У макон мустақил бўлиши мумкин эмаслигини қайд этган.

“Иккинчи – релятивацион (лот. релативус – нисбий) йўналиш макон ва вақтни мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги

алоҳида муносабатлар сифатида тушуниш билан боғланади. Аристотелда макон ҳаракатсиз юлдузлар соҳаси билан чекланган, уларнинг ортида – макон ва вақтдан ташқарида ётувчи ва ҳамма нарсани ҳаракатга келтирувчи боқий, ҳаракатсиз, илоҳий осмон жойлашган.” [7]

Макон ва вақт талқинидаги бу икки концепция, яъни макон ва вақт борлиқнинг мустақил, объектив ҳамда моддий мазмунга боғлиқ бўлмаган асослари сифатида ёки ҳаракатланувчи материянинг ажралмас қисми сифатида талқин қилиш кейинчалик ўз ривожини топди. Биринчи субстанционал концепция айрим ўзгаришлар билан йигирма асрдан кўпроқ давр амал қилди. Нютоннинг материя жойлашадиган ҳаракатсиз, узлуксиз ва бир хил уч ўлчовли жой сифатидаги макон тўғрисидаги фикри ўз моҳиятига кўра, Демокритнинг макон ҳақидаги ғоялари билан бир эди. Нютон концепциясига кўра, макон абсолют бўлиб, чексиз кўламга эга. Шунинг учун у ўзида барча материяни сиғдира олади ва турли жараёнларга боғлиқ эмас. Ушбу концепцияга кўра, вақт ҳам абсолют бўлиб, турли ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда кечадиган тенг даврийликдир. Унда барча нарсалар пайдо ва йўқ бўлиб туради. Мухтасар қилиб айтганда, Нютон макон ва вақт бир-биридан ажралган ҳамда материя билан ҳаракатга боғлиқ бўлмаган мустақил нарса, деб тушунган.

А.Эйнштейн томонидан 1905 йилда таърифланган махсус нисбийлик назариясида макон ва вақтнинг геометрик хоссалари уларда гравитацион массаларнинг тақсимланишига боғлиқ эканлиги аниқланди. Унинг фикрича, оғир объектлар яқинида макон ва вақтнинг геометрик хоссалари Эвклид геометрияси тамойилларидан узоқлаша бошлади, вақтнинг ўтиш суръати эса сусаяди. А.Эйнштейн (1916 йилда) ўзининг умумий нисбийлик назарияси билан нафақат макон ва вақтнинг субстанционал концепциясига, балки макон ва вақт моҳиятининг субъективистик априористик талқинларига ҳам қақшатқич зарба берди. У макон ва вақт хоссалари моддий тизимлар ҳаракати ва ўзаро таъсирига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди. А.Эйнштейн ўз назариясининг моҳиятини тушунтирар экан, шундай деб қайд этди: “Илгари қандайдир мўжиза юз бериб, барча моддий нарсалар бирдан йўқ бўлиб қолса, макон ва вақт қолади, деб ҳисоблашган. Нисбийлик назариясига кўра эса, бу ҳолда нарсалар билан бирга макон ва вақт ҳам йўқ бўлиб кетган бўлади” [3].

Маконнинг янада мураккаброқ манзарасини ижтимоий тузилмаларда кўриш мумкин. Бунда инсоннинг дунёга муносабати билан белгиланган, фаолияти ва амалиётининг ўзига хос хусусиятларига тарихий боғлиқ бўлган маданий макон тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади. У алоҳида инсоний маъно касб этади ва биосфера, сайёра ва коинот даражасидан бир вақтда ўрин олади, шу билан бирга инсон яратган инфратузилма, ўзлаштирилган ҳудудлар, фойдаланилаётган сув ва фазо океанлари, жамулжам ҳолда инсон яшайдиган маконга айланган коинот кенгликлари кўринишида улардан ажралиб туради. Бунда кўламли структуралар ўз ҳолича, хаотик тарзда вужудга келмайди, балки жамият эволюцияси объектив жараёнларининг маҳсули ҳисобланади ва муайян халқларнинг турмуши ва маданиятини, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини, маълум вақт руҳини ўзида акс эттиради. Буларнинг барчаси пировардида “иккиламчи табиат”ни ташкил этадиган тегишли архитектура, ўзгартирилган ландшафт ва шу кабиларда ўз аксини топади.

Энди, маданий макон ва муҳит тушунчаларини фалсафий изоҳига тўхталсак: маданий макон кўплаб маданий ҳодисалар натижасида ҳосил бўладиган, ўзаро бир-бирига боғланган ва ўзаро таъсирлашадиган муҳитдир. Улар орасида маданий ҳодисалар ва бутун маданий олам – миллий маданиятлар, миллатлараро маданий жамоалар, цивилизациялар киради. Ижтимоий маълумотлар таркибидаги учта асосий маъно уч ўлчовни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- билим;
- қадриятлар;
- регуляторлар.

Бундай уч ўлчовли маданий макондан фойдаланиб, унда турли хил маданият шакллари эгаллаган таркибий “қатламлар”ни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- маънавий маданият;

- ижтимоий муносабатлар маданияти ёки ижтимоий маданият;
- технологик маданият.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳақиқий дунёда мавжуд бўлган маданиятнинг қёфаси энг мураккаб ва бир-бирига ўхшаш бирлаштирилган. Уларнинг орасидаги чегаралар ноаниқ ва нисбий.

Муҳит эса инсонни ўраб турган табиий ва ижтимоий олам, бу оламни инсон томонидан ҳиссий-эмоционал ва ақлий ўзлаштириши. Муҳит табиий ва ижтимоий муҳитлардан иборат бўлиб, “ижтимоий муҳит инсонни ўраб турган ва унинг шаклланиши ва яшаши ва фаолияти юз берадиган иқтисодий, маънавий ва ижтимоий шарт-шароит” [5]. Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ. Кишиларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва узоқ умр кўришига, соғлиғига, улар яшаётган ижтимоий муҳит катта таъсир кўрсатади. Инсон ана шу ижтимоий муҳитда ўзининг шахсий фазилати, хатти-ҳаракатини намоён этади. Бундай муҳит турар жойлар, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари, маданият ва истироҳат масканлари бўлиши мумкин.

Инсон бадиий-эстетик маданиятининг шаклланиши аввало инсон ҳаёти кечаётган маданий маконда амалга ошади. Аждодларимиз азалдан ўтроқ бўлиб яшагани ва ўзи истиқомат қилаётган маконнинг чиройли, кўркам ва шинам бўлишига қадимдан эътибор қаратгани ҳақида кўплаб маълумотларни келтириш мумкин. Бу ҳақида “Авесто”даёқ таъкидлаб ўтилган. “Замин ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги иккинчи жой қаер?” Ахура-Мазда жавоб берди: Бундай жой бир Ашаван тиклаган макондир” [1]. Яъни зардуштийликда уй-жой қуриш, ободонлаштириш, бунёдкорлик, фаровонликка катта эътибор қаратилади. Демак, уй-жой қуриш, меҳнат қилиш, яратувчанлик, обод ва фаровон яшаш, келажак авлод учун қайғуриш ҳар доим инсон ҳаётининг мазмуни бўлган.

Маданий макон шаклланишининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг муайян гуруҳлари интилишлари ва манфаатларини акс эттирадиган кўплаб субкултураларнинг мавжудлиги;
- муайян жамият маданиятини бирлаштирадиган умумий асосларнинг мавжудлиги;
- бир томондан, сақлаш тенденциялари мавжудлиги, этник маданияти ва уларнинг асослари ва бошқа томондан қарама-қарши тренд туфайли маданиятлар ўзаро яқинлашувига, унификациялашувига АКТ, оммавий маданият ва глобаллашув жараёнлари таъсири;
- маданий муҳитни нисбатан барқарор сақлашга имкон берадиган этник маданиятлар, субкултуралар ўртасидаги муҳим алоқаларнинг мавжудлиги.

Маданий маконда шахс ва жамиятнинг таъсири хусусида тўхталсак, аввало, бир қатор олимларнинг далилларига кўра, маданий маконни шартли универсал, умумий ва ноёб (ўзига хос) хусусиятларга бўлиш мумкин [4].

Маданий маконнинг универсал хусусиятлари бутун инсониятга хос.

Маданий маконнинг умумий хусусиятлари бир қатор жамиятга ва халқларга мансубдир. Бу хусусиятни ҳудудий маданий макон деб ҳам аташ мумкин.

Маданий маконнинг ноёб хусусиятлари – ғайриодатий (экзотик), кўпчилик томонидан қабул қилинмаган қадриятлар, меъёрлар, ғоялардир. Улар муайян маданий маконга такрорланмас ўзига хослик бағишлайди.

Шахс ва маданий маконнинг ўзаро муносабатлари қуйидаги соҳаларда намоён бўлади:

- биринчидан, шахс муайян маданий маконда шаклланади ва ўша маданиятни ўзлаштиради;
- иккинчидан, маданий қадриятларнинг эгаси ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданий маконда фаолият кўрсатади;
- учинчидан, маданий ижодиёт субъекти сифатида маданий маконни ривожлантиради.

Маданий макон тараққиётининг асосий хусусиятларини, мезон ва мазмунини жамиятнинг зиёлилар қатлами белгилайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш ўринлидир:

– биринчидан, маданий макон – жамият маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг муҳим таркиби ҳисобланади. Маданий маконсиз жамият бўлмаганидек, маданий макон ҳам жамиятдан айро мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида маданий маконнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсон аجدодларининг меҳнати, билимлари, дунёқарашини ўзида акс эттиради, уларни сақлаб мунтазам бойитиб боради. Маданий макон ижтимоий ҳаётнинг мавжудлик шакли ўлароқ кадриятларни тўплайди, уларни келгуси авлодларга етказиб беради.

– иккинчидан, маданий макон ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида жамиятдаги ҳодисанинг мазмун-моҳиятига ва таҳлил қилинаётган ижтимоий борлиқнинг хусусиятларига боғлиқдир. Инсонларнинг хатти-ҳаракати, яъни уларнинг ижтимоий фаолияти маданий кадриятларни, мезонларни қарор топтиришда асосий омил вазифасини, шунингдек, инсонларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатлари, шахслараро ва гуруҳлараро алоқалари шаклида ҳам ифодаланади;

– учинчидан, маданий маконни ташкил этган жамият маданияти ва инсон муносабатлари яхлит тушунча, бири иккинчисини талаб қилади. Инсон, жамият ва маданиятнинг ўзаро узвийлиги ва уйғунлиги маданий маконни юзага келтиради;

– тўртинчидан, предметли-маконий муҳитни шартли равишда маданий макон деб таърифлаш мумкин. Чунки у инсон яратган иккиламчи табиатни ташкил этади ва маданий маконнинг кўринишларига мос ва хос равишда предметли муҳит ташкил қилинади ва уни маданий макондан алоҳида олиб таҳлил этиб бўлмайди.

– бешинчидан, инсон ҳаёти, фаолияти ва уни ўраб турган моддий олам доим бир-бири билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, маданий маконни ташкил қилиш иқтисодий ва ижтимоий қонуниятларга ҳам боғлиқдир

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева Н. Дизайн ва бадиий-эстетик маданият. Монография. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2016. – Б. 78-79.
2. Абдуллаева Н. Дизайннинг маданий маконда тутган ўрни. Соғлом турмуш тарзи – маънавий баркамол авлод пойдевори: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2014. – Б. 156-158.
3. Эйнштейн А. Физика в жизни моего поколения. – М. 1963. – С. 53.
4. Kottak Conrad Philip. Anthropology: the Exploration of Human Diversity. – New York. 1994, – P. 46-47.
5. Нурматова М, Абдуллаева Н. Ахлоқий ва эстетик маданият. Услобий қўлланма. – Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2013. – Б. 122.
6. Шермухамедова Н. Фалсафа. ЎУМ. – Тошкент: Ношир, 2012. – Б. 255.
7. Шермухамедова Н. Фалсафа. ЎУМ. – Тошкент: Ношир, 2012. – Б. 256.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада маданий макон тушунчасининг моҳияти, предметли ва ижтимоий муҳит, табиий ва сунъий муҳит ҳамда маданий макон хусусиятлари илмий асосланганлиги, атрофлича таҳлил қилинган.

SUMMARY

In the article, the object and main point of the notion of cultural dwelling, social, natural and artificial surroundings as well as the peculiarities of cultural surrounding are analyzed in detail of scientific basis.

РЕЗЮМЕ

В настоящей статье обосновывается и всесторонне анализируется сущность понятий «культурное пространство, предметная и социальная среда, естественная и искусственная среда», а также особенности культурного пространства.

Наширға доц. А.Эркаев тавсия этган

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИ ВА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ МУШТАРАКЛИГИ

Ўрокова Н.С. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: демократия, демократик тамойиллар, миллий гоё, маънавият, маънавий тарбия, инсонпарварлик, умуминсонийлик, мутаассиблик, ёшлар.

Ключевые слова: демократия, демократические принципы, национальная идея, духовность, духовное воспитание, гуманизм, общечеловеческий, фанатизм, молодёжь.

Key words: democracy, democratic principles, national idea, spirituality, spiritual education, humanism, universal, fanaticism, youth.

Бугунги кунда дунё ҳар қачонгидан ҳам шиддатлироқ ўзгариб бормоқда. Ўзбекистон ҳам шунга ҳамоҳанг тарзда янгилинишлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Жамиятимиз ҳаётидаги ана шундай демократик ўзгаришлар ва янгилинишларнинг изчил тарзда давом этиши, аввало ёшларимиз дунёқараши, тафаккур тарзидаги ўзгаришларга, маънавияти ва ахлоқий камолотидаги юксалиш даражасига, қўйинги, халқимизнинг бу жараёнларни қўллаб - қувватлашига кўп жаҳатдан боғлиқдир.

Ёшларимиз онг, тафаккуридаги ижобий маънодаги ўзгаришлар, жамият ҳаётидаги сўз эркинлиги, танқидий фикр ва умуман демократик ўзгаришлар билан узвий ҳолда юзага келади. Мамлакатимизда жамият ривожига тўсиқ бўлаётган омиллар очик танқид қилиниб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Айниқса Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан кейин жамиятдаги ривожланиш жадаллашиб, ўзаро муносабатларда адолат ва қонун устуворлиги каби тамойиллар кундалик одатий ҳолга айланиб борапти.

Демократик, эркин фуқаролик жамиятида очик мулоқотлар, фикрлар хилма-хиллиги, адолатли муносабатлар қатъий ҳуқуқий асосга қўйилиб, ошқоралиқни, баҳс- мунозарани юзага келтиради, ижтимоий адолат қарор топишига ёрдам беради. Инсон ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш биринчи даражали аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, жамият ичидан фаоллашиб, мустаҳкамланиб боради, одамларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, дахлдорлиги ва маъсулияти ошади, ўз-ўзини бошқариш сари дадил қадамлар қўйилади.

Аммо бундан демократия шароитида давлатнинг бошқарувчилик, ташкилотчилик роли сусайиб кетар экан, деган хулоса чиқармаслик керак.

Айрим ғарб файласуфлари, чунончи, Карл Поппер ўзининг «Очик жамият ва унинг душманлари»¹ китобида мустаҳкам миллий давлат демократия тараққиётига тўсқинлик қилади, деган фикрни олға суради. Уларнинг назарида давлатнинг кучайиши «очик жамият» кишиларининг эркин фаолият кўрсатиши, фикри, иродасини ифодалаши, қобилятини ишга солишга ҳалақит беради. Унинг асосий сабаби давлат ҳукмрон мавқени эгаллаб, ҳокимият, мансаб идеаллаштирилади. Натижада давлат раҳбарининг фикри асосий фикр бўлиб, қолган фикрларни бўғади. Бу эса авторитаризмни юзага келтиради. Бинобарин, давлат чинакам демократияга амал қилмай қолади, дейди. Унинг назарида, миллий гоё ҳам охир-оқибатда миллатчиликка олиб боради ва тоталитаризм хавфини туғдиради. К.Поппер Платон, Аристотель ва айниқса Хегел фалсафий қарашларини танқид қилиб, шундай хулосага келади. Поппер фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди.

Том маънода демократия халқ иродасини, эркинлигини англатар экан, эркинлик, тенглик, қонун устуворлиги каби қадриятлар давлатнинг бошқарув шаклларида бўлган демократиянинг атрибутлари ҳисобланади, ҳақиқий эркинлик қонунларни билиш ва унга итоат этишда ҳам ўз ифодасини топади. Қадимги Римнинг буюк нотиғи Цицероннинг ибораси билан айтганда, “кишининг том маънодаги эркинлиги, унинг қонунларнинг қули бўлишига боғлиқ”. Шу маънода шахс маънавиятининг барқарорлиги, унинг юксак ахлоқ

¹ www.koob.ru

соҳиби эканлиги, унинг демократик қонун-қоидалари асосида яшай олиши ва унинг маҳсули бўлган ҳуқуқий имкониятлардан қай даражада фойдалана олишида намоён бўлади. Бинобарин, қонун устуворлигига асосланиб фаолият кўрсатадиган давлатда яшайдиган фуқаро ўзининг эртанги кунига ишонч билан яшайди.

Шу ўринда Шарқ ва Ғарб демократиясининг бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларини ҳам эътиборга олиш зарур. Баъзи бир жамиятшунос олимлар демократиянинг “шарқона” ва “ғарбона” тарзда талқин қилинишига қарши чиқиб, уларнинг мазмун моҳиятига бир андозада қараш зарур деб ҳисоблайдилар. Ғарб демократияси масаласида Ф. Мусаевнинг фикрига қисман қўшилиш мумкин. У шундай таъкидлайди: “ Ғарб демократиясида, уни ҳаракатга келтирувчи куч, пировард мақсад бўлган инсон ва унинг манфаатлари, ички маънавий олами эътибордан соқит қилинади. Натижада Ғарб демократияси ташқи оламни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни такомиллаштиришга аҳамият беради-ю, лекин асосий масала инсонни эсдан чиқаради”. Агар инсон ахлоқи назарда тутилса, бу тўғри. Аммо Ғарб демократияси инсоннинг ҳуқуқлари, ташқи эркинликлари, ўзлигини, ўз имкониятларини юзага чиқаришда шарқ мамлакатларига нисбатан кўпроқ қайғуради ва кўпроқ шарт-шароит яратади.

Дунё цивилизациясининг улкан ютуғи бўлган Ғарб демократиясида ўрганишга арзийдиган тажрибалар кўп. Шу билан бирга давлатчилик борасида қадимий анъана ва кадриятларга эга бўлган Шарқ дунёсининг демократия масаласида ўзига хос қараш ва тажрибалари, тараққиёт модели борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.¹ Албатта, демократия кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг барча халқларга бирдай мос келувчи ягона модели мавжуд эмас. Бу ҳақда турли туман, ҳатто бир-бирига зид мулоҳазалар мавжуд. Масалан, А.Эркаевнинг таъкидлашича: «Демократиянинг, ҳуқуқий давлатнинг умумэтироф этилган тамойиллари, меъёрлари мавжуд бўлса-да, ягона универсал шакли йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки ҳар бир халқнинг, мамлакатнинг ноёб такрорланмас ўтмиши, тарихи, ўзига хос табиати, яшаш шароити, маданияти, ижтимоий ҳаёти, турли-туман муаммолари бор».² XX асрнинг йирик давлат арбобларидан бири У.Черчилль шундай деган эди: “Демократия-бошқарувнинг жирканч шаклидир, аммо инсоният ундан яхшироғини ҳозирча ўйлаб тополган эмас”.³

Буюк қомусий олим, улкан назарийчи бобокалонимиз Абу Наср Форобий қарашларида демократиянинг зарурлиги инсоннинг жамоавий мавжудлигидан келиб чиқади. “Ҳар бир инсон, – деб таъкидлайди Форобий, ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади”.⁴ Шу сабабдан жамиятни, давлатни бошқариш ҳам биргаликда, одамларнинг фозил ҳукмдорни сайлаши орқали амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мутафаккирлар тамонидан асослаб берилган демократик тамойиллар ва улар асосида шакллантирилган миллий ва умуминсоний ғояларнинг барчаси ёшларимиз учун ҳаёт ва фаолият мезони, улар умрининг мазмунини белгилайдиган юксак маънавий омилдир. Ёшларимизни камол топтиришда умумбашарий демократик тажрибалар, инсоният эришган ютуқлар, миллий тарих, маданият, урф одатлар ва кадриятлар омилидан самарали фойдаланишга янада чуқурроқ эътибор бериш зарур.

Ёшларимизнинг бугунги жамиятдаги ўз ўрнини белгилаши, мақсад ва орзуларини аниқлашида миллий ва умуминсоний кадриятлар мезони муҳим аҳамият касб этади. Бу борада уларнинг мақсад ва орзуларини тўғри белгилаб олишга ёрдам бериш, бу жараёни илмий ва режали ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

¹ Мусаев Ф. Шарқона демократия – тажриба ва анъаналар тажассуми. Тафаккур // 2006 йил 4-сон. – Б. 12-13.

² Эркаев А. Маънавиятшунослик. – Т.: Маънавият, 2018. – 207 б.

³ <http://persons-afarism.ru>

⁴ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 186 б.

Демократик тамойиллар асосида тарбияланган ёшларнинг маънавий тараққиёт мезонлари нималарда акс этади? Ушбу мезонларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Демократик тамойилларга содиқлик, умумжаҳон амал қилаётган ҳуқуқ нормалари ва ахлоқий қоидаларга риоя қилиш,
- Сиёсий, маданий ва диний толерантликни шакллантириш,
- Мутаасибликдан холилик, танқидни қабул қила олиш кўникмаларини ривожлантириш,
- Ёшларни сиёсий фаоллик ва мафқуравий плюрализм руҳида тарбиялаш,
- Илм-фан, маърифат, таълим-тарбия соҳаларида жаҳон аҳли эришган ютуқларни жорий этишга интилишдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги демократик ислохотлар амалга оширилаётган шароитда, дунё ҳамжамияти билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг янги сифат босқичига кўтарилган бир шароитда жамиятда ёшлар орасида ўзликни англаш ҳолатлари кучайиб, ватанга садоқат ҳисси ривожланиб, улар онгида ватанни ҳимоя қилишга тайёрлик ҳисси ўсиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Ёшлар тафаккурида демократик ва миллий тараққиёт ривожига ҳос ва мос дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришга эришиш бугунги кунда долзарбдир. Бунинг учун маънавий, маориф соҳаларининг устуворлигини таъминлаш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар орасида миллий онгнинг ўсишини таъминлаб, жамият аъзолари руҳиятида миллий ва умуминсоний кадриятлар такомилга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2018, – 592 б.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 186 б.
3. Эрқаев А. Маънавиятшунослик. – Т.: Маънавият, 2018. – 207 б.
4. Мусаев Ф. Шарқона демократия – тажриба ва анъаналар тажассуми // Тафаккур, 2006 йил 4-сон. – Б. 12-13.
5. www.koob.ru
6. <https://persons-afrism.ru>

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшлар маънавий тарбияси демократик тамойиллар билан уйғунлиги масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы соответствия духовного воспитания молодежи демократическим принципам.

RESUME

The article deals with the issues of conformity of the spiritual education of young people with democratic principles.

Наишга доц. А.Эркаев тавсия этган

АХБОРОТ ЖАМИЯТИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Бекмуродова Г. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *ахборот жамияти, оммавий ахборот воситалари, матбуот, телевидение, радио, Интернет-нашр, оммавий ахборот воситаларининг функциялари, ахборот бериш функцияси, маърифат тарқатиш функцияси, тарбиялаш функцияси, бошқарув функцияси, гедонистик функция.*

Ключевые слова: *информационное общество, средства массовой информации, печать, телевидение, радио, Интернет-издание, функции средств массовой информации, функция информирования, просветительская функция, воспитательная функция, функция управления, гедонистическая функция.*

Key words: *Informational society, Mass Media, printing television, radio, Internet edition, functions of mass Media, enlighten function ,educational function, the function of control ,hedonistic function*

XX аср охирига келиб жаҳонда ахборот жамияти қарор топа бошлади. Бу жамиятнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлмоқда:

- замонавий ахборот технологияларининг ишлаб чиқарилаётгани, фаолият кўрсатаётгани ва ҳаммабоплиги;
- жамият аъзолари ва ижтимоий гуруҳлар учун исталган вақтда ва исталган жойда зарурий ахборот ва билимларни олиш имкониятларининг мавжудлиги;
- тараққий этган, миллий ахборот ресурсларини яратишга қодир бўлган инфраструктураларнинг, илмий-технологик ва ижтимоий-тарихий жараёнларни жадаллаштириш учун зарур бўлган ҳажмдаги ахборотларнинг тўпланганлиги;
- бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳаларининг жадаллик билан автоматлаштирилаётгани ва роботлаштирилаётгани;
- ижтимоий таркибларнинг кескин ўзгараётгани ва бунинг оқибатида ахборот уза-тиш фаолияти ва хизматларининг кенгаяётгани;
- меҳнат самарадорлиги ошиб бораётган бир шароитда ишлаб чиқаришнинг анъанавий тармоқларида банд бўлган кишилар сонининг камаяётгани.

Ахборот жамиятининг қарор топа бошлагани оммавий ахборот воситалари фаолиятининг характерини тубдан ўзгартирди. Бугунги кун талаби матбуот, радио, телевидение, Интернет-нашр имкониятларини янги ижтимоий вазибаларни бажаришга сафарбар этишни тақозо қилмоқда. Бунинг учун эса энг аввало, оммавий ахборот воситаларининг асосий функциялари ҳақидаги назарий билимларни умумлаштириш зарур бўлади.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари – маълум мувофиқлаштирувчи ваколатли орган раҳбарлигида ижтимоий жараёнларни бошқаришда иштирок этадиган, ижтимоий ахборотларни оммага ёядиган ва шунинг билан кишилар онги ва фаолиятига таъсир ўтказадиган ижтимоий институтдир. Бугунги кунда бу ижтимоий институт шу қадар такомиллашдики, эндиликда оммавий ахборот воситалари ўз таъсирини ўтказмайдиган бирор соҳа қолмади. Бунинг устига, улар аллақачон ижтимоий гуруҳ, синф ёки миллат миқёсидан чиқиб, умуминсоний характер касб этган.

Янги асрда оммавий ахборот воситалари шахс онги ва фаолиятига қудратли таъсир кўрсатишга қодир энг асосий институтга айлангани боис уларнинг асосий функциялари ҳақида муфассал мулоҳаза юритиш, бу мулоҳазалар асосида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари хусусида бош қотириш зарурияти туғилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари беш асосий функцияни бажаради:

1. Ахборот бериш функцияси мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий тараққиёти, жаҳонда содир бўлаётган воқеалар ҳақида маълумот ва хабарлар тайёрлаш жараёни билан боғлиқ. Матбуот, радио ва телевидение, Интернет-нашр оммага нафақат сиёсий, балки бадиий, табиий-илмий ва бошқа ахборотларни ҳам етказиб туради. Ахборотлар турли техника воситалари ёрдамида қайд қилинади ва ўқиладиган, кўриладиган ёки эшитиладиган тарзда аудиторияга узатилади. Тақдим этилаётган матн (материал) турли жанрга (хроника, ҳисобот, репортаж, баҳс ва ҳоказо) мансуб бўлади. Фелъетон, радио-очерк, телевизион фильм ҳам ахборот ташувчиси бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларининг мазкур функцияси анча самарали рўёбга чиқарила бошланди. Лекин ошкоралик принциплари эътироф этилишига, оммавий ахборот воситаларининг миқдорий ўсишига қарамасдан уларнинг ахборот бериш функцияси ҳанузгача тўлиқ бажарилмаяпти. Хусусан, мамлакатимизда содир бўлган воқеаларни тўлиқроқ ёритиш зарурияти мавжуд. Шунингдек, хорихда юз берган воқеаларни ўзга юртларнинг ахборот агентликлари маълумотлари асосида баён қилиниши ҳоллари ҳам

сақланиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот бериш билан боғлиқ функциясини замон талаблари асосида бажариш учун мазкур муаммоларга алоҳида эътибор бермоқ даркор.

2. Маърифат тарқатиш функцияси орқали оммавий ахборот воситаларида фан ва техника, маданият ва санъатнинг турли соҳаларига доир билимлар тарғиб этилади. Натижада шахс дунёқарашини кенгайтириш, маданий савиясини юксалтириш учун замин хо- зирланади. Бир қарашда, оммавий ахборот воситалари мустақиллик йилларида мазкур функцияни тўлақонли амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлдилар. Цензура- нинг бекор қилиниши, мафкуравий назоратнинг йўқолиши, арзимас маълумотларни ҳам давлат сирига айлантириш тажрибасидан воз кечилиши маънавий-маърифий аҳамиятга молик маълумотларни кенгроқ тарқатиш учун пойдевор яратди. Бироқ амалда аксарият оммавий ахборот воситаларида ушбу функциянинг фан, маданият ва санъат оламига доир шов-шувлар, сохта маълумотлар, мишмишлар тарқатиш билан алмаштирилиши кузатил- моқда. Оммавий ахборот воситаларини мазкур функцияни астойдил бажарувчи институтга айлантириш масалалари хусусида мулоҳаза юритиш учун ҳам фурсат етди.

3. Тарбиялаш функцияси аудиториянинг илмий дунёқарашини, ғоявий эътиқодини, жамоатчилик фикрини шакллантириш, шунингдек, омма кайфиятига таъсир кўрсатишга қаратилган бўлади. Матбуот, радио ва телевидение, Интернет-нашрнинг тарбиявий функ- цияси давлат ва жамоат ташкилотлари, ижтимоий институтларнинг тарбиявий-мафкура- вий фаолиятини ёритиш мақсадида амалга оширилаётган тарғибот ва ташвиқотда ўз ифодасини топади. Бундай йўналишдаги ишлар самараси мазмунан бир-бирига узвий боғ- лик бўлган мақолалар, эшиттиришлар ва кўрсатувлар уюштириш, маълум соҳага ёки муам- мога тааллуқли рисоалар сериясини чоп этириб боришга боғлиқ. Ана шундагина омма- вий ахборот воситалари ижтимоий тарбиянинг энг таъсирчан қуролларидан бирига айланади.

4. Бошқарув функцияси ёрдамида фуқароларнинг имкониятлари жамият олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар этилади. Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш жа- раёнида фаол қатнашиб бораётган шахснинг сиёсий маданияти юксалиб, сиёсий етуқлиги ривожланиб боради. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларининг фаолияти давлат томо- нидан ишлаб чиқилган қонунчилик, маъмурий, молиявий-иқтисодий ва техник қондалар асосида фаолият кўрсатадиган аппарат ёрдамида мувофиқлаштириб борилиши шарт.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар- нинг асосий вазифаларидан бири «ахборот танқислигининг» олдини олишдан иборат бўл- моғи даркор. Акс ҳолда ахборот олувчи объектнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маъ- навий-маданий маълумотларга бўлган эҳтиёжи ошиб кетади. Бу эса уни ўзга каналлардан ахборот олишга ундайди. Ваҳоланки, шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, мафкуравий кураш кучайиб кетган бугунги шароитда ўзга каналлардан олинган маълумот ҳар доим ҳам мил- лат манфаатлари, турмуш тарзи, урф-одатлари ва маданиятига мос тушавермайди.

Бироқ мазкур фикрдан мамлакат ташқарисида чоп этилаётган хорижий газета ва журналлар оқимини камайтириш, хорижий радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар трансля- циясини чеклаш лозим, деган фикр келиб чиқмайди. Хорижий ахборот воситалари ҳам мамлакатимиз информатсион маконида муҳим ўрин тутади. Шу боисдан, хорижий газета ва журналлар, радиотўлқин ва телеканаллардан фойдаланиш имкониятини чекламаган ҳолда ўз оммавий ахборот воситаларимизнинг рақобатбардошлигини таъминламоғимиз керак.

Бунинг учун оммавий ахборот воситаларининг зарурий ахборотлар олиш имконият- ларини мутгасил кенгайтириб бориш зарур. Мазкур вазифа оммавий ахборот воситалари- нинг эркин бўлишини талаб этади. Зеро, мамлакатимизда бунинг учун реал шарт-шароит- лар яратилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг

тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди», – дейилган. Ушбу муаммони амалда ҳал этиш учун ЮНЕСКО томонидан белгиланган информацион минимумни (ҳар 1000 кишига 100 нусха газета ва 80 радиоприёмник) вужудга келтириш зарур.

5. Оммавий ахборот воситаларининг гедонистик (юнонча «лаззатланиш», «қониқиш» сўзларидан) функцияси аудиториянинг ахборотлардан қониқиш ҳосил қилишига, лаззатланишига мўлжалланган бўлади. Бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу йўл билан фуқароларни маънавий ривожлантириш усуллари ва услублари белгилаб борилади, эҳтиёжлари аниқланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, янги давр тенденциялари, хусусан жаҳонда ахборот жамиятининг қарор топа бошлагани оммавий ахборот воситалари фаолияти характерини тубдан ўзгартирди. Аини пайтда матбуот, радио, телевидение, Интернет-нашр имкониятларини янги ижтимоий вазифаларни бажаришга сафарбар этиш вазифаси кун тартибда турибди. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларининг ахборот бериш, маърифат тарқатиш, тарбиялаш, бошқариш ва гедонистик функциялари ҳақидаги назарий билимлардан воқиф бўлмоқ даркор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 56 б.
3. Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. // Халқ сўзи, 2017, 1 июль.
4. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
5. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
6. Султонова Э. Оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларига доир // Фуқаролик жамияти, 2016, – №4.
7. Чориев С. Ахборот жамиятининг қарор топиши ва ахборот оламидаги ўзгаришлар // ҚарДУ хабарлари, 2013, – №2. – Б. 53-55.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX аср охирида шакллана бошлаган ахборот жамиятининг ўзига хос хусусиятлари қайд қилинган. Муаллифнинг фикрига кўра, мазкур тенденция оммавий ахборот воситалари бажарадиган функцияларни янги назарий позициядан тадқиқ этишни тақозо қилмоқда. Мақолада замонавий оммавий ахборот воситаларининг асосий функциялари, бу борадаги айрим муаммолар таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье определяются своеобразные особенности начавшегося формироваться в конце XX века информационного общества. По мнению автора, данная тенденция требует с новой теоретической позиции исследовать функции средств массовой информации. В статье проанализированы основные функции современных средств массовой информации, существующие в этой сфере проблемы.

SUMMARY

In the article is defined the identities of informational society which were begun to form at the end of XX century. The author considers this tendency needs to analyze the functions of mass media with a new theoretical position. In the article are analyzed the main function of modern media which are existed in the field.

Нашрга фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган

ШАХС СИЁСИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИГА ҒОЯ ВА МАФКУРАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Байматов Р. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *миллат мафқураси, юрт тақдири, миллат тараққиёти, миллий манфаатлар, инсон руҳияти, шахс сиёсий ижтимоийлашуви.*

Ключевые слова: *национальная идеология, судьба родины, прогресс нации, национальные интересы, духовность человека, политическая социализация личности.*

Key words: *national ideology, the fate of the motherland, the progress of the nation, national interest, human spirituality, political socialization of the individual.*

Ҳар бир одам муақян орзу, ҳавас, мақсадсиз яшай олмаганидек, жамият ҳам ғоялардан холи, мафқурасиз яшай олмайди. Жамият ҳаётида амалга ошириладиган барча ишлар, қилинадиган ўзгариш ва янгиланишлар маълум мақсад, мафқурага асосланади. Мафқура нафақат бугунги кун таянчи, балки эртанги кун маёғидир. Мафқурага таянибгина келажакка кадам қўйилади. Анъанага айланиб қолган эскича ғоялар, қарашлар, муносабатларни ўзгартирмасдан, янгича мафқурага асосланмасдан янги даврга ўтиб бўлмайди. Мафқура ҳар қандай кишилик жамиятининг атрибутив хоссасидир. Жамият яхлит бир организм бўлса, унинг руҳияти – мафқурадан иборат. Инсонни унинг руҳияти, мақсади намоён қилганидек жамиятни ҳам унинг мафқураси ифода этади. Шу сабаб мафқура қанчалик покиза, ҳаётий, мустаҳкам ва қудратли бўлса – жамият шу қадар барқарор бўлади ва ривожланади. Мафқура оммани, халқни янги жамият қуришга йўналтиради, уюштиради. Жамият аъзоларини уюштирувчи ва жипслаштирувчи энг буюк омил мафқурадир.

Мафқура жамият манфаатларини ифода этувчи ҳуқуқий-фалсафий ғоялар, ахлоқий-диний қарашлардир. Мафқура – ғоялар мажмуаси бўлиб, эл-юрт ҳамиша ғояларга ишониб, ғояларга суяниб яшайди. Инсоният тарихи – ғоялар тарихидир, ғоялар курашидан иборатдир, деб бежизга айтилмаган. Ҳар бир одамнинг ўз мақсади бўлади ва шундай бўлиши керак. Ўз олдида катта мақсадларни қўйган ва шу мақсадга эришиш учун тинимсиз изланган, интилган, турли машаққатларни сабот билан енгиб ўтган иродали инсонгина муваффақиятга эришади, муроди ҳосил бўлади. Қолаверса, ўз ютуғи билан элига, юртига наф келтиради.

Одамнинг кимлиги унинг кўзлаган маслағида намоён бўлади, дейишади. Эзгу мақсадли одамгина эзгу амалларни адо этади. Жамиятда ана шундай эзгу ниятли кишилар қанча кўп бўлса, бу жамият барқарорлиги учун, унинг тараққиёти учун шунчалик мустаҳкам замин бўлади. Шу каби олижаноб, пок ниятли инсонларнинг мақсадлари, ғоялари умумлашиб, уйғунлашиб инсонпарвар мафқурада намоён бўлади. Бундай мафқурада улуғ ниятлар, улкан режалар акс этади. Мухтасар айтганда, мафқура инсон ҳаётига мазмун бахш этади, жамиятни тўғри йўлга бошлайди. Шунинг учун Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов: “Мафқура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар”¹, дея таъкидлаган эди. Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам “...олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур”² лиги асосий вазифалардан бири эканлигини эътироф этди.

Шундай қилиб, мафқура ҳамиша одамларни, элатларни, миллат ва халқни бир мақсад йўлида уюштирадиган қудратли куч вазифасини ўтаган экан, бугун ҳам миллий мафқура миз Ўзбекистон халқини буюк келажакка илҳомлантира олади, бошлай олади. Зеро, миллий мафқурада халқимизнинг энг улуғ орзулари, армонлари, умидлари, тилаклари, мақсадлари ўз ифодасини топиши, шубҳасиз. Ана шуларни ифодалайдиган мафқуранигина

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 84 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан. “Qishloq hayoti” газетасининг 2018 йил 29 декабрь сони.

миллат мафкуриси деймиз. Яъниким, “миллатимиз мафкуриси – ўзбеклар ижтимоий-этник бирлигининг ҳаётий эҳтиёжлари ва заруриятларини идрок қилиш жараёнида вужудга келган манфаатларга таянмоғи керак”¹.

Миллий ўзликни англаш, миллий ғурурни уйғотиш, ўз кучи ва салоҳиятига ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш миллий мафкурамизнинг асл моҳиятини ташкил этмоқда. Зеро, биз дунёда ўз ўрнига эга бўлган буюк маданиятнинг вориси эканлигимизни, барча соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритган буюк алломаларнинг авлоди эканлигимизни ҳар дақиқа эсда сақлаб, шунга муносиб бўлишга интилишимиз керак. Қолаверса, миллий ғурури уйғоқ бўлмаган миллат миллий давлатчилигига эга бўлолмайди. Миллий ғурурга эга бўлмаган, аввало ўзини ўз ҳурмат қилмаган, ўз миллатининг ўтмишдаги, қолаверса бугунги кундаги буюкларининг иззатини жойига қўймаган миллатга бошқа бировларнинг эҳтиром кўрсатиши дарғумон.

Эркин фикрлайдиган, қатъиятли, шижоатли ва заковатли мустақил шахсни тарбиялаш миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларидан биридир. Бу бежизга эмас, албатта. Ҳар жиҳатдан мустақил бўлган шахсгина дадил ҳаракат қила олади, ўз хатти-ҳаракатлари билан жамиятга, юртига наф келтира олади. Ўз мустақил фикрига эга инсонгина ўзининг, яқинларининг тақдирини юрт тақдири билан уйғунликда кўради, унинг эртанги куни олдида масъулиятни ҳис қилиб яшайди.

Шахсни чинакам яратувчанликка рағбатлантирадиган, ҳаракатлантирадиган, фикрлашга ундайдиган ғоя ва мафкурагина улғайтиради, уни жамиятда кечаётган жараёнлар, давлат сиёсатининг моҳиятини тобора теранроқ тушунадиган қилади. Бошқача айтганда, унинг сиёсий онги ва маданияти ҳам юксалиб, сиёсий ижтимоийлаша боради. Ҳолбуки, мафкура сўзининг ўзагини “фикр” деган сўз ташкил этади. “Демак, чинакам мафкура тафаккурга таянади, фикр эгаси бўлишни тақозо этади”². Одамлари фикрлайдиган жамиятнинг мафкуриси қудратли бўлади, аҳолиси тафаккур қилишдан тўхтамаган миллатгина юксалади. Айниқса бундай миллат ёшларига аввал бошданок дунёни илмий, фалсафий мушоҳада қилишга одатлантиради, воқеликка теран кўз билан нигоҳ ташлаш кўникмасини шакллантира боради.

Одамнинг, шахснинг моҳияти фикрда мужассамдир. Одамнинг ўзлиги, ўзига хослиги, мавжудлиги фикр орқали намоён бўлади. Фикрлаётган одам – ўзининг мавжудлигини исботлашга уринаётган одамдир. Бежизга, Р.Декарт “Фикрлапманми, демек мавжудман”, дея қатъий тўхтамга келмаган.

Кўриниб турибдики, инсоннинг моҳияти, буюк яратувчилик қудрати фикр туфайлидир. Унинг томонидан яратилган барча маданият намуналари, аввало фикр маҳсулидир. Фикр тўхтаган ва ҳамма бир хил фикрлай бошлаган жойда тараққиёт ҳам тўхтайдди. “Дунё фикр қилиб бугунги тараққиётга эришди. Дунё фикр қилса, эртага тараққиётга эришади. Фикр тўхтаган жамиятда ботиний таназзул бошланади”³. Сўнгги йилларда китобхонликка, китоб мутолаасига ҳукумат даражасида алоҳида эътибор қаратилаётгани бежизга эмас, албатта. Кенг дунёқараш, теран фикрлашга эга бўлишнинг энг самарали воситаси, “тафаккурнинг толмас қанотлари” – айнан китоб эканлиги исботланган ҳақиқат. Шу боис мулоҳазага, мушоҳадага йўл мутолаадан бошланади.

Шунингдек, шахснинг мафкурани англаши, тафаккур қилиши, ўзлаштириши натижасида шахснинг сиёсий эътиқоди шаклланади. Мустаҳкам сиёсий эътиқодга эга бўлган шахсгина сиёсий етукликка эришиши, жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга ҳолисона баҳо бера олади, бир сўз билан айтганда, ўзининг мустақил сиёсий позициясига

¹ Пўлатов Ҳ. Ўзбек мафкуриси. Мулоқот // 1991, – №6. – Б. 12.

² Гафуров И. Яшашнинг таянч нуқтаси. Маънавият гулистони. – Тошкент, 2002, – Б. 26..

³ Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б. 14.

эга бўлади. Сиёсий эътиқодли шахсина юрт келажаги учун қайғуриши, курашиши, миллат орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш учун ўз кучи, ғайратини аямайди.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб қуйидагича хулосаларни билдириш мумкин:

- мақсадсиз одам бўлмаганидек, мафқурасиз жамият ҳам бўлмайди. Мақсад инсон ҳаётига қанчалик фойда бағишласа, мафқура ҳам жамият ҳаётига мазмун ато этади;

- инсон камолоти билими, тафаккурининг юксалиб боришига қанчалик боғлиқ бўлса, жамият ҳам ранг-баранг фикрлар, ғоялар тараққиётига асосланади. Фикрлашдан тўхтаган, эркин фикрларга йўл қўйилмайдиган жамият таназулга учраши тайин;

- мафқурадан воз кечган жамият ҳалокатга юз тутади, чунки бундай жамият ўзини химоя қилишдан воз кечган бўлади. Мафқурасиз жамият бўлмас экан, ўз мафқурасини йўқотган жамиятда ўзгалар мафқураси ҳукмрон бўлади;

- ғоя ва мафқура сиёсий етук шахсни шакллантиришда муҳим омил вазифасини ўтайди. Чунки, миллий ғоя шахсни жамият тараққиётининг стратегияси ва тактикасидан, ижтимоий тараққиёт мўлжалларидан бохабар қилади. Ваҳоланки, ана шундай билимларга эга шахсинаги сиёсий жиҳатдан етук дейиш мумкин;

- миллий ғоя ва мафқура жамият тараққиёти ҳамда сиёсий барқарорликни таъминловчи кучдир. Сиёсий барқарорлик эса шахс сиёсий ижтимоийлашуви учун муҳим шарт-шароитдир.

Кўриниб турибдики, шахс камолоти, жамиятнинг барқарорлиги ва тараққиётини ғоя ва мафқура билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, ёшларнинг ҳар тарафлама етук бўлишини, айниқса, уларнинг сиёсий онги ва маданиятининг юксак бўлишини, инсонпарвар демократик жамият барпо этишни кўзлаган мамлакатда улуғвор, халқпарвар ғоя ҳамда мафқуралар ривожига алоҳида аҳамият қаратиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 381 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан. “Qishloq hayoti” газетасининг 2018 йил 29 декабрь сони.

3. Пўлатов Х. Ўзбек мафқураси. Мулоқот // 1991, – №6. – Б. 12.

4. Фафуров И. Яшашнинг таянч нуқтаси. Маънавият гулистони. – Тошкент, 2002, – 158 б.

5. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 505 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ғоя ҳамда мафқуранинг жамият ва инсон ҳаётидаги аҳамияти тадқиқ қилинади. Айниқса жамият барқарорлиги, тараққиёти ғоялар ва мафқура билан бевосита боғлиқлиги атрофлича таҳлил қилинган. Қолаверса, шахснинг сиёсий эътиқодлари, қадриятларининг шаклланишида, умуман шахснинг сиёсий ижтимоийлашувида ҳам ғоя ва мафқуралар муҳим аҳамият касб этиши кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируется роль идеи и идеологии в жизни человека и общества. Всесторонне исследованы проблемы непосредственной связи устойчивости и прогресса общества с его идеями и идеологией. Кроме того, в ней указывается на особо важную значимость идеи и идеологии при формировании политических убеждений, ценностей личности и, в целом, ее политической социализации.

SUMMARY

This article is analyzed the main role of idea and ideology in peoples life and society. Especially, the stability of the society, its development, and ideas connected with ideology was analyzed. Besides, in this article was shown special important meaning idea and ideology in forming political ideology and value of personality in the whole political socialized personality.

Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОТИДА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Сохибова Л.Ж. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *глобал, глобаллашув, диалектика, синергетика, маданий стандартизация, маданият, маданий ҳаёт трансформацияси.*

Ключевые слова и фразы: *глобальный, глобализация, диалектика, синергетика, культурная стандартизация, культура, трансформация культурной жизни.*

Base words and phrases: *global, globalisation, dialectics, synergetics, cultural standardization, culture, transformation of cultural life.*

“Глобал” атамаси француз тилида global-“умумий”, лотин тилида globus-“шар” деган маъноларни англатади. Яъни, глобаллашув “ҳаммасини тўлиқ қамраб олувчи” атама сифатида шарҳланиши мумкин. Глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши глобаллашув концепцияларининг шаклланишига олиб келди. Ҳатто бу жараён натижасида умуминсоний муаммоларни ўргатувчи фан – глобаллашув (global studies) вужудга келди. Бу фан марказида экологик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммолар туради.

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг “Гарвард бизнес ревью” журналининг 1983 йилги сонларидан бирида тилга олинган¹. Бу атамага кейинчалик мутахассислар турлича таъриф бердилар. “Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изохламоқда”.² Лекин шуниси муҳимки, замон мураккаблашиб бормоқда, ундаги воқеа-ҳодисалар ривож кескин тарзда тез-тез ўзгариб, кўп қутбли дунёда муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилаётган кучларни башарият фойдаси учун бир бўлиб ҳаракат қилишларига йўл очилмоқда, аммо умумжаҳоний ахлоқий муҳит мезонларига зид бўлган қарашларнинг ёйилишига тўсқинлик қилишга ожизлик қилмоқдалар. Бу ҳодисалар глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида эътироф этилмоқда. М.Ю.Чернавскийнинг фикрича, ушбу феномен уч хил маънода тушунилиши мумкин. Биринчидан, кишилар, давлатлар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳудудининг кенгайиб бориши сифатидаги тарихий жараён сифатида. Иккинчидан, дунёнинг сиёсий-иқтисодий ва маданий бир хилликка томон ҳаракати сифатидаги умумийлик ва гомогенизация жараёнларининг кучайиши натижасида рўй берадиган дунёнинг универсаллашуви сифатида. Учинчидан, ўзаро иқтисодий муносабатлар соҳасида миллий чегараларнинг шаффофлашиб бориши сифатида.³

Шу ўринда, изохлаш учун хилма-хил ёндашувлар, назариялар, парадигмалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳаммасини шарҳлаб қуйидаги хулосага келиш мумкин: глобаллашув халқлар, мамлакатлар трансформацияси, инсониятнинг бир бутунликка интеграциясини келтириб чиқаради. Шу маънода, муайян жамият ўзидан етук деб ҳисоблаган бошқа жамиятнинг мафкура, қарашлар, илмий-техникавий, маданий ютуқларни ўзлаштириши глобаллашув таъсири остида бўлади. Шу борада, кимдир буни жаҳоннинг янги таркиби шаклланишида халқларнинг яқинлашувига, иқтисодий фаровонликка ижобий таъсир этади, деб (К.Омаэ, П.Дракер, Т.Питерс, С.Рейсмит, С.Хантингтон ва б.) ҳисобласа, бошқалар (З.Бауман, Н.В.Загладин, Ф.Фукуямо, Г.П.Мартин, Х.Шуман, М.Г.Делягин, В.И.Добреньков ва б.) глобаллашув миллийликнинг йўқолиши, бир мамлакатнинг бошқа йирик илмий салоҳиятга эга бўлган давлатларга қарамлигини оширади деб қарайдилар.

Глобаллашув жараёнида бизнинг маданиятимиз, кадриятларимиз ва ўзларини “Учинчи дунё мамлакатлари” деб атовчи Ғарб маданияти билан тўқнашади. Натижада хослашиш ва танланиш жараёни бошланади. Муаммо эса бу танланишда миллий характе-

¹ Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлар мулоқоти. – Т.: Академия, 2008. – Б. 9.

² Каримов И. Юксак маънавият энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 110.

³ Чернавский М.Ю. кандидат философских наук, доцент кафедры философии Российского заочного института текстильной и легкой промышленности. Модернизация и глобализация. – Москва, 2009. – С. 18.

римиз глобаллашув жараёнларининг синовларига бардош бериш ёки бермаслигидадир. Бизнинг жамиятда ва аҳволи руҳиятимизда содир бўлаётган глобаллашув бўҳронларининг зиддиятларини изоҳлашда Тоффлер назарда тутган ортодоксал муносабат эмас, балки синергетик таҳлил қўл келади. Чунки моддий тараққиёт эврилишлари оламий тамаддунинг синергетик манзарасини яратди. Яъни Редьярд Киплинг замонидан буён Шарқ билан Ғарб бошқа-бошқа оламлар деган ақидалар барҳам топиб “ягона олам” тушунчаси пайдо бўлади. Албатта, Шарқ ва Ғарб сиёсий мафқуралари ўртасида ўзига хос тафовутлар мавжуд. Биз улар орасига Киплинг сингари диалектик “Буюк Хитой девори”ни қўйишдан йироқмиз. Қолаверса қадриятлар ва сиёсий мафқураларнинг глобаллашув жараёнлари муаммога синергетик нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади. Аввало кейинги йилларда фалсафий тафаккуримиздан жой олаётган “синергетика” тушунчасига аниқлик киритсак. Файласуф И.Раҳимов диалектик ва синергетик тафаккур муносабатлари ҳақида шундай фикрларни билдиради: “Агар диалектика тараққиёт сабаби қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкорни инкор этиш каби қонунлар деб изоҳласа, синергетика уларни тараққиётнинг ягона доимий (универсал) қонунлари деб билмайди. Бундан ташқари, синергетика бугунги тамаддун (цивилизация) тараққиётига хос тамойил – узлуксизлик (эволюция), босқичма-босқич ривожланиш (коэволюция), мувозанатсизлик, беқарорликнинг барқарор сифат касб этиши, инкирозлар каби қонуниятларни шарҳлаб берадики, улар фан, ижтимоий ҳаёт ривожига борган сари исботини топмоқда”¹. Шундан кўринадики, синергетика тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат, мувозанатсизлик билан мувозанат ўртасидаги муносабат қонунига таянади.

Моддий ва маънавий ҳаётдаги синергетик мувозанатни Япония мисолида кўрсатишимиз мумкин. Шарқ тамаддунига мансуб бу мамлакатга ўтган асрнинг ўрталарида шиддат билан кириб келган Ғарбча тараққиёт ва маданият асрлар давомида шаклланган япон маданияти билан тўқнашди. Аммо Япония Ғарб тараққиётининг ютуқларини ўзлаштирди, лекин миллий қадриятлари ва анъаналарига содиқ қолди. Бу эса Японияни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшди. Албатта, кейинги йилларда япон ёшларида Ғарб маданиятига мойилликнинг кучайиши япон зиёлиларини ҳам ташвишлантирмоқда. Лекин шундай бўлса-да, кўпгина Ғарб экспертлари ҳам япон жамиятидаги синергетик уйғунликни эътироф этишади. Бунинг акси сифатида Туркияни мисол қилишимиз мумкин. XX асрнинг йигирманчи йилларида ғарбона тараққиёт йўлини ихтиёр қилган бу қардошларимиз йўлбошчиси Отатурк туркларнинг бош кийими ҳожи дўппи кийишни ҳам тақиқлаб ва тарикат хонақохларини ёпиб ташлаганди. Оқибатда эса туркларнинг аросатда қолишига замин яратди ва жамият маънавий ҳаётини синергетик хаос ҳолатига олиб келди. Албатта глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатларидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, унинг маданий стандартизация, информатизация ва қадриятий универсализация жараёнлари миллий идентификация кризисини келтириб чиқаради. Аммо бундай салбий ҳолатларни олдини олишнинг самарали йўли бу – ушбу жараённинг фақатгина таъсир объекти эмас, балки субъекти ҳам бўлишидир. Бугунги кунда айрим давлатларни ҳисобга олмаганда дунёнинг деярли барча мамлакатлари глобаллашувнинг объекти ҳисобланади. Масалан, Япония ушбу жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти. У глобаллашувнинг объекти сифатида Ғарб қадриятларини ўзлаштириб, субъект сифатида уларни адаптациялашган кўринишда Осиёнинг бошқа мамлакатларига тақдим этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, глобаллашув “оммавий маданият”ни ёймоқда. У ўзбекларнинг тафаккурига, мусиқаси, кийиниши, ўзаро муомаласи, оиласи, оилавий муносабатларига, ҳатто орзуларига ҳам чанг солмоқда. Бизга қарши маънавий қўпоровчилик олиб бораётган мафкура полигонлари ўз мақсадига эришиш учун ҳеч нарсани аямапти, ҳамма воситаларни ишга солмоқда, кўплаб маблаг сарфламоқда, энг замонавий усул-услугларни

¹ Раҳимов И. Мураса фалсафаси ёхуд янгича тафаккур услуги. “Тафаккур” журнали. 1996, – № 4. – Б.17.

кўллаган ҳолда, ёшларни ўзига ром этадиган турли томошалар, кўнгилочар кўрсатувлар, мусиқий каналлар ташкил этмоқда. Бундай манбалар орқали бузғунчи ғоялар тарғиб этил-япти, энг ёмони, уларни ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган, ишонувчан, таъсирга берилувчан ёшларимиз кўряпти, томоша қиляпти. Бу эса "оммавий маданият" тизими, маҳсулотлари, ёшларимизни аврашнинг ўзига хос усули шаклланиши, демак, уларга қарши кураш ҳар биримизнинг кундалик амалий ишимизга айланиши зарурлигини тақозо этмоқда. Шундай экан, ёшлар ўз дунёқарашда миллий-маънавий қадриятларга таянмаса, уларнинг онги ва тафаккуридан мутлақо бегона қадриятлар жой олади. Ўзининг миллий-маънавий қадриятларига нисбатан беписандлик билан қараш шаклланади. Ёшлар билан ишлаш жараёнида бундай ҳолатларни алоҳида ҳисобга олиш керак. Ёшларнинг миллий-маданий қадриятларга бўлган муносабатининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, уларнинг амалий фаолиятларида кўпроқ қайси қадриятлар устувор бўлиб бораётганини аниқлашга ёрдам беради. Бундан кўзланган асосий мақсад уларнинг миллий-маданий мерос ва қадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлашдан иборат. Шунинг учун ҳам ёшлар дунёқарашда, уларнинг миллий-маънавий қадриятларига муносабатида аниқ позициянинг шаклланиши бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кундаги бизнинг жамиятимиздаги сиёсий мафкуралар ва қадриятларнинг глобаллашув жараёнлари ҳам синергетик беқарор ҳолат касб этади. Бунга мисол сифатида бугунги ёшларимизнинг Ғарб маданиятига мойиллигининг кучлилигини кўришимиз мумкин. Масалан, кейинги йилларда Ғарбдан кириб келган ёшларимиз учун урфга айланган ўн тўртинчи февралда "Валентин куни"нинг байрам қилиниши сизу бизни ажаблантирмасдан иложи йўқ. Бу ҳол бизнинг миллий иммунитетимизнинг ожизлигини яққол кўрсатиб турганлигининг исботидир. Бугун Ғарб афкор оммаси ахлоқий муҳит яратамиз деб ўз фожеаларининг олдини ололмай гаранг, аммо биз уларнинг ахлоқсиз турмушини "замонавийлик" ёхуд "маданият" тушунчалари ҳимоясида кўр-кўрона қабул қилсак, бизнинг маънавиятимизнинг фожеасини келтириб чиқармайдими? Хўш, бу каби синергетик хаос ҳолатидан нима халос қила олади? Биз миллий ўзига хослигимизни ва руҳиятимизни ҳар бир жамиятнинг руҳиятини ифода этадиган адабиётимиз ва санъатимиздан излашимиз керак. Бир пайтлар ҳатто Бальзак ҳам ижодкорларга қарата: "Эҳтиёт бўлинг, сизлар даврнинг руҳиятини яратасизлар"¹, деганди. Зеро, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор"²дир.

Умуман олганда, глобаллашув жараёни замонавий феномен сифатида ўз вазифасини қандай йўл билан бўлса ҳам адо этмоқда. Албатта, бунда баъзи маълум ва номаълум (глобаллашув байроқдорлари ҳам дейиш мумкин) кучлар бу жараённи сунъий тезлаштирсалар ҳам ёки манфаат кўрсалар ҳам, юқорида келтирилгандек, миллатлар маънавияти, менталитети, ўзгариши ёки мустаҳкамланиши, ўзига хослигини сақлаб қолиши қайсидир маънода мамлакатнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, бундан бир юз йигирма йил олдин айтилган улуғ маърифатпарвар жадид зиёлиси Исмоил Гаспиралининг: "Оврўпо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир. Улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини такрорламаймиз.... Оврўпода нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эсли-хушли инсонлардек "Бу нимадир? Оқибати нима бўлади?" Виждон ва ҳаққониятга уйғунми? дея ақл тарозисига тортиб оламиз"³ каби сўзлари бизнинг бугунги кунимизга тааллуқлидир. Бунинг учун эса биз жамиятимизда рўй бераётган глобаллашув жараёнларини онгли равишда

¹ «Тафаккур» журналининг 2006 йил 4-сони. – Б.

² Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий юксалишининг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

³ Қосимов Б.. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2002. – Б.33.

англаб етишимиз ва идрок этиб, тўғри хулоса чиқаришимиз лозим бўлади. Шундагина биз бу каби муаммоларни ижобий ҳал қила оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлар мулоқоти. – Т.: Академия, 2008. – Б. 9.
2. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 110.
3. Чернавский М.Ю. кандидат философских наук, доцент кафедры философии Российского заочного института текстильной и легкой промышленности. Модернизация и глобализация. – М. 2009. – 165. с
4. Раҳимов И. Муроса фалсафаси ёхуд янгича тафаккур услуби // Тафаккур, 1996, – № 4. –Б.17.
5. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий юксалишининг мустаҳкам пойдеворидир // «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 4 августдаги сони..
6. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2002. – Б.33.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф янги аср бошларида ижтимоий-маданий ҳаёт трансформацияси содир бўлаётганини таҳлил қилади. Муаллифнинг фикрига кўра, глобаллашув тенденцияси ушбу жараёнларнинг янада жадаллашувига сабаб бўлмоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье автор анализирует процессы трансформации социально-культурной жизни общества в начале нового века. По мнению автора, современные тенденции глобализации способствуют ускорению данных процессов.

РЕЗЮМЕ

In the article, the author analyzes the transformation processes socially. The cultural life of society at the beginning of the new century. According to the author, the current trends of globalization contribute to the acceleration of these processes.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

МАСЪУЛИЯТ – ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ КАТЕГОРИЯ

Жўрақобилова Х. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: масъулият, ижтимоий масъулият, шахс масъулияти, ижтимоий-сиёсий категория, масъулият субъекти, шахс эркинлиги, ижтимоий муносабатлар.

Ключевые слова: ответственность, социальная ответственность, ответственность личности, социально-политическая категория, субъект ответственности, свобода личности, социальные отношения.

Key words: responsibility, social responsibility, personal responsibility, socio-political category, matter of respect, freedom of person, social relations.

“Масъулият” ижтимоий-сиёсий категория сифатида муҳим назарий-методологик жиҳатларини ёритишни тақозо этадиган ижтимоий ҳодисадир. Чунки «масъулият» комплекс ва кўп даражали тушунча бўлиб, у маънавий, ижтимоий ва маъмурий-ҳуқуқий соҳаларда кенг қўлланилади. Маънавий нуқтаи назардан ёндашилганда, масъулият бурч, ижтимоий маънода жамият олдидаги маънавий қарздорлик, маъмурий жиҳатдан ижтимоий тартибга солишнинг турли меъёрларини амалга оширишни назарда тутувчи жамоатчилик назоратининг намоён бўлишидир. Ҳуқуқий ёндашувда эса юридик жавобгарликни англатадиган серкирра ва кенг маъноли категориядир. Шунингдек, бу тушунчанинг маъноси уни талқин қилувчи илмий билим тармоғининг ўзига хос хусусияти, масъулият субъекти, объекти ва мазкур субъект бўйсунувчи идоранинг ўзаро алоқа ва муносабатлари хусусияти билан ҳам белгиланади.

Шу сабабли, «масъулият» тушунчаси узил-кесил ечимга эга бўлиши мумкин эмас. Бу фалсафий, ахлоқий, психологик, юридик, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мураккаб боғлиқлигидан иборат бўлиб, инсон ва ижтимоий борлик моҳиятининг мураккаблиги ва ранг-баранглиги билан белгиланади [7:510].

Ўрганилаётган муаммога фалсафий нуқтаи назардан ёндашсак, тизимнинг ҳар бир элементи ўртасида қатъий белгиланган ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсирлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. «Масъулият»нинг мазмуни мазкур ўзаро алоқалар ўртасида мувозанат ўрнатишдан иборат бўлиб, бу пировард натижада куч ва йўналиш жиҳатидан турли ҳаракатларни яхлит тузилма манфаатларида мувофиқлаштириш имконини беради. Шундай қилиб, «масъулият» бошқарув тизимларининг ташкил топиш ва амал қилиш жараёнини тартибга солувчи омил вазифасини бажаради [8:40].

Фанда «масъулият» тушунчасига эркинлик ва зарурат категорияларининг ўзаро нисбати, шахс эркинлиги, ҳуқ-атвори ва фаолиятининг муҳим жиҳати, деб қаралади. Ижтимоий амалиётда эса маъмурий ва юридик нуқтаи назардан, ижтимоий тартибга солишнинг турли ҳуқуқий меъёрларини назарда тутувчи ижтимоий назоратни амалга оширишда масъуллик сифатида ёндашиб келинган.

Масъулият, ғоявий-маънавий нуқтаи назардан, ходимнинг ватан олдидаги, халқ олдидаги, миллат ва ҳар бир фуқаро олдидаги, давлат ва мамлакатнинг келажаги олдидаги, ўзи меҳнат қилаётган ҳудуднинг истиқболи олдидаги фаолияти билан боғлиқ.

Шахс масъулияти, унинг ўзликни англаши бошқа фанлар томонидан ўрганилувчи кўплаб тушунча ва категориялар билан узвий боғлиқ. Бу ўринда «масъулият» тушунчасининг «эркинлик» категорияси билан ўзаро алоқаси алоҳида аҳамият касб этади. Чунки эркин шахс ўз масъулиятини англашда ижтимоий талабларни мустақил идрок этиши ва бажариши, қарорлар қабул қилиши, жамият, фуқаролар ва ўзи учун яшаш қоидаларини яратиши, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳолисона баҳо бериши мумкин.

«Масъулият» тушунчасининг муҳимлик даражаси унинг инсон фаолиятининг ҳар қандай турига, айниқса, инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжлари кесишувчи ижтимоий фаолиятига баҳо беришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Тарихий тажриба жамиятнинг тубдан ўзгариши даврларида прогрессив ривожланишнинг ижтимоий мақсадга мувофиқлиги талабларининг, айниқса, адолат, инсонийлик, эркинлик ва масъулият мезонлари билан ўзаро боғлиқлигида ёрқин намоён бўлишини кўрсатади.

Бироқ ҳар бир инсон ўзи учун муҳим муайян мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилиш усулини танлашда, ўз табиатига кўра, эркин эканлигига қарамай, унинг шахсий ҳаёти жамият ҳаёти билан узвий бўлиб, жамият ўз-ўзини асраши ва ривожланиши учун муайян ички тартибни шакллантириб, индивиднинг ўзи учун номақбул хатти-ҳаракатини чеклашга мажбур. Эркинлик тартиб бор жойда мавжуд, тартиб эса ҳокимият, қабул қилинган қонун-қоидалар, муайян ахлоқ қоидалари ва кадриятлар тизими орқали амалга оширилади [9:10]. Шундай қилиб, одамларнинг мақбул хулқ-атвори меъёрларини ўрнатиш йўли билан масъулият ҳолати деб номланган алоҳида ҳолатни шакллантириш амалга оширилади. Бу ҳолат жамиятнинг барча аъзолари бир-бири ва жамият олдидан маълум мажбуриятларни онгли ёки онгсиз равишда қабул қилиши, шунингдек, зарур ҳолларда уларни рўёбга чиқаришга тайёрлигида намоён бўлади.

Умуман олганда, ижтимоий жараёнларни бошқариш тизимида масъулият масалалари XVII-XIX асрларда янги ижтимоий муносабатлар шаклланиши билан муҳим аҳамият касб эта бошлади. Натижада янги давр сиёсий ҳаётидаги муаммоларнинг муайян қисмига айланди. Улар демократик ўзгаришлар даврида янада муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки масъулият ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлиб, жамиятдаги ўзгаришларга ўта таъсирчандир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, масъулият муайян ижтимоий- сиёсий категория бўлиб, уни амалга ошириш шакллари жамиятнинг амалдаги ҳолати, унда ҳукм сурувчи ижтимоий муносабатларнинг турлари, тарихий анъаналар, ахлоқ қоидалари, маънавий ва маданий кадриятлар билан боғлиқ. Бу давримизнинг турли ижтимоий тизимларини таққослаш даражасида ҳам, айрим жамиятларнинг ривожланишини сиёсий таҳлил қилишда ҳам намоён бўлади.

Масъулият, ижтимоий маънода, жамият ва давлат муносабатлари амалиётида фалсафий-ахлоқий нуқтаи назардан антик даврдаёқ Платон томонидан таҳлил қилиниб, «адолат» тушунчаси билан боғланган: «...адолатсизлик, агар у аниқланса, жазоланади ва шармандаи шармисорлик пардаси билан қопланади». Платоннинг: «...қонунларнинг бузилиши шундай бир зарар етказадикки, у аста-секин одамлар феъл-атворидан ўрин олади ва у ердан йирикрок ҳажмларда фуқароларнинг иш юзасидан ўзаро муносабатларига тарқалиб, ҳатто қонунларнинг ўзига ва давлат тизимига тажовуз қилади, ...охир-оқибатда шахсий ҳаётни ҳам, жамият ҳаётини ҳам ағдар-тўнтар қилиб ташлайди», - деган сўзлари ҳозир ҳам катта аҳамият касб этади. [5:57, 151]

Қадимги юнон файласуфи Афлотуннинг фикрича, масъулият тушунчаси шахснинг иш, фаолият жараёни натижасига нисбатан жавобгарлигини англатади. Томас Гоббс мазкур тушунчани ижтимоий шартномага мувофиқ, уюшган фуқароларнинг давлат вазифаси учун мавҳум жавобгарлиги маъносида ишлатган [2:79]. И.Кант шахс масъуллигини унинг бурчи билан, Гегель эса шахс муайян хулқ-атвор тарзининг зарурлигини оқилона англаши билан тенглаштирган [3:342].

Ғарбда XIX-XX асрларда чоп этилган фалсафий асарларда масъулият муаммоси сиёсий, ахлоқий-маънавий ҳодиса сифатида қаралган, бу ғарб мамлакатларидаги протестантча анъана ҳамда ижтимоий жараёнлар, ҳодисалар маъно-моҳиятини англашга нисбатан фалсафий-диний ёндашув билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётидаги масъулият муаммоларини тадқиқ этишнинг миллий фалсафа, сиёсатшунослик фанида ишлаб чиқилган методологик асос сифатида шуни қайд этиш лозимки, масъулият ижтимоий-фалсафий, сиёсий категория сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг орасида мазкур тушунчанинг инсон фаолияти

жабҳалари ҳамда ижтимоий ва индивидуал онгнинг барча шаклларида уйғун ўрин олганлигини белгилувчи хусусият, айниқса, муҳимдир.

Бугунги кунда масъулият муаммосини янгича англаш жараёни юз бермоқда. Ҳозирги муаллифларнинг асарларида шахс масъулиятини оширишнинг жамият ҳаётидаги тангликлар ва бошқарилувчи муҳитнинг зиддиятлиги билан белгиланувчи субъектив омилига асосий эътибор қаратилмоқда.

Баъзи олимлар масъулиятга ўзаро боғланган тарафларнинг манфаатлари ва эркинлигини таъминловчи, давлат ва жамият томонидан кафолатланган муносабат сифатида ёндашмоқда [1:302]. Уларнинг фикрича, бошқарувда масъулиятни ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва ахлоқий хусусиятга эга чора-тадбирлар мажмуи зарур.

Баъзан масъулиятга ахлоқ ва ҳуқуқ категорияси сифатида таъриф беришади. Бу ўринда у шахснинг жамиятга нисбатан ўз маънавий бурчи ва ҳуқуқий меъёрларни бажариши билан тавсифланувчи алоҳида ижтимоий ҳамда ахлоқий-ҳуқуқий муносабат акс эттирилади. Шу маънода, масъулият бошқарув қарорлари қабул қилишда давлат ҳамда жамият манфаатларининг англаниш даражасидир, дейиш мумкин.

Баъзи асарларда масъулият шахс хулқ-атвори устидан ижтимоий назоратни амалга ошириш шакли сифатида, пировард натижанинг кўзланган мақсадга, бошқарув субъектининг сиёсий, юридик, ижтимоий ва бошқа муносабатларининг объект билан мувофиқлиги мезонлари сифатида, бажарилган иш учун ташкилот, давлат ва жамият олдида жавоб бериш қобилияти сифатида, раҳбарнинг касбий, шахсий ва ишбилармонлик фазилатлари омили сифатида, унинг фаолият услуби хусусияти сифатида, бошқарувни рағбатлантириш ва унинг самарадорлиги омили сифатида таърифланади [6:316].

Масъулият категорияси устида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, *масъулият* ҳар бир кишининг касбий, шахсий ва ишчанлик фазилатлари, унинг фаолият услуби хусусияти, меҳнатининг рағбатлантирувчи ва самарадорлик омилidir.

Масъулият шахс мақомининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, у ўз навбатида, инсоннинг давлат ва жамиятдаги ўрни ва ролини тавсифлайди, унинг давлат ва жамият билан ўзаро муносабатларини белгилайди. Бунда шахс фаолиятининг самарадорлиги ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва масъулиятнинг аниқ ва тўлиқ белгиланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Айни вақтда, *масъулият* – бу фаолият натижалари учун шахснинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари, унинг ҳаракатлари самарадорлигига баҳо бериш мезонларининг белгиланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи омилдир. Буларнинг барчаси масъулият инсоннинг бурч ва ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқлигидан далолат беради. Улар бир-бирини тақозо этади ва жамулжам ҳолда ҳар бир инсоннинг жамиятдаги ўрни ва мақомини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Атаманчук Г. В. Теория государственного управления. Курс лекций. – М., 1997. – С. 302.
2. Гоббс Т. Сочинения. Т. 2. – М., 1989. – С. 79.
3. Гегель Г. Сочинения. Т.6. –М., 1958. – С. 123.
4. Кант И. Собрание сочинений. Т.4. –М., 1994. – С. 342.
5. Платон. Диалоги. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2001. – Б. 57, 151.
6. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. -Т.:ЎзР ИИВ Академияси, 1998. – Б.316.
7. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: Шарқ, 2003. – 510 б.
8. Шермухаммедов С. Биз қандай жамият қурмоқдамиз? – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 40.
9. Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Т.: Akademiya, 2002. – Б. 10.

РЕЗЮМЕ

Мақолада масъулиятнинг ижтимоий-сиёсий категория сифатидаги муҳим назарий-методологик жиҳатлари ёритиб берилган. Шунингдек, ижтимоий масъулият шахс мақомининг асосий кўрсаткичи, унинг давлат ва жамиятдаги ўрни ва ролини тавсифловчи муҳим омил сифатида тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье автор раскрывает важные теоретические и методологические черты ответственности как социально-политической категории. Социальная ответственность исследована как основной указатель статуса личности и важный фактор, характеризующий ее место и роль в обществе.

SUMMARY

The article outlines the major theoretical aspects of the public-political category of responsibility. As well as, the main indicator of the social responsibility status of the person has been studied as an important element characterizing his role and role in the state and society.

Наирига фалс. Ф. Д. С. Чориев тавсия этган

РЕКЛАМАНИНГ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Маллаева Ф. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *реклама, телеролик, маданият, артефакт, конформизм, рокер, хиппи, панки, битник, феномен, манипуляция, архетиплар, дизайнер.*

Ключевые слова: *реклама, телеролик, культура, артефакт, конформизм, рокер, хиппи, панк, битник, феномен, манипуляция, архетип, дизайнер.*

Key words: *announcement, telervlik, cultura, artifact, conformism, rocker, hippie, pankil, beatnik, phenomenon, manipulation, architypl, designer.*

Реклама кундалик ҳаётнинг таркибий қисмига айланиб улгурган ижтимоий соҳадир. Унинг ёрдамида жамият субъектлари ўз мақсад-муддаоларига эришади. У турли эҳтиёжларни, истеъмолчилик психологиясини шакллантириш, ижтимоий-маънавий, ахлоқий ва эстетик стереотип меъёрларни тарқатиш, янгиларини ёйиш, ўзгартириш орқали замонавий жамият ҳаётига кучли таъсир қилмоқда. Реклама ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ўзи мансуб давр маданиятини ифодаловчи кўргазмали воситадир. Рекламани маданиятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, унинг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеи ва инсон маънавий дунёсига таъсирини илмий ўрганиш бугунги кунда айниқса долзарблик касб этмоқда.

Реклама ўзида нафақат замонавий маданиятни намоён этади. Айни чоқда, янги маданий меъёрларни ҳам шакллантиради. Маданият феномени сифатида реклама истеъмолчи онгига муайян хатти-ҳаракатлар андозаси, моддий ва маънавий маҳсулотлар, хизматларнинг истеъмол меъёрларини сингдиради. Кенг аудиторияни қамраб олиш ва унга тез таъсир ўтказиш салоҳияти боис реклама шаклан ва мазмунан ранг-баранглашиб бораётир. Масалан, товарлар ва хизматлар рекламаси қаторида ижтимоий ҳамда сиёсий рекламанинг турли кўринишлари вужудга келди. Табиатни муҳофаза қилишга, ёнғин хавфидан сақлашга, йўл қоидаларига, соғлиқни сақлаш, санитария-гигиена қоидаларига, тозалikka риоя қилишга, коммунал тўловларни, болалар ва кексаларни, ногиронларни муҳофаза қилишга, солиқларни вақтида тўлаш ва ш.к. ларга чорловчи рекламалар ижтимоий рекламалар дейилади. Сиёсий рекламалар эса аввало турли партияларнинг сайловолди ташвиқот-тарғиботи, варақалари, теле- ва радиороликларидир. Бундан ташқари огоҳликка даъват, диний-экстремизм ва терроризмдан, одам савдоси хавфидан огоҳ этувчи, ватанпарварликка чорловчи рекламалар эса ижтимоий-сиёсий мазмунга эга. Лекин реклама мазмунан жуда зиддиятли ҳодисадир. Чунки ундан нафақат ижобий кучлар, шунингдек, ғаразли салбий кучлар ҳам фойдаланиши мумкин. Айниқса ижтимоий ва сиёсий рекламадан. Масалан, турли сохта табиблар, сохта фолбинлар, экстрасенслар ҳамда диний-экстремистик ғояларни тарқатувчи гуруҳлар. Масалан, “Ичимлик сувини тежанг” каби матнли ижтимоий реклама намуналарини учратамиз. Мазкур рекламалар воситасида юртимизда долзарблик касб этган ер ва сув ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга аҳолининг диққатини жалб этиш, уларда масъулият ҳиссини ошириш кўзда тутилган. Демак, реклама айни макон ва

замонда долзарб эҳтиёж бўлган зиддиятли муаммо, қараш ва тушунчаларни омма онгига етказилади.

Оммавий реклама маданият ривожига кучли таъсир кўрсатади. Бир томондан, унинг таъсирида маданиятнинг демократлашуви юз беради. Маданият соҳасига демократик принципларнинг кириб келиши турли хулқ-атвор моделлари, артефактлар, қадриятларнинг имкон қадар кенгроқ аудитория эътиборига етказиш учун имкон яратди. Иккинчи томондан, реклама воситасида оммавий маданиятнинг кўп ҳолларда саёз ғоялари тез тарқалиб, омма онгини эгаллаб олаётир. Бу ҳол ривожланган мамлакатлар фуқароларининг дунёқараши ва хулқ-атворини ҳам ўзгартирди.

Кишилар жамиятда мавжуд маданият типига, унинг маҳсулотларига мослашувчан бўлиб қоладилар. Мослашувчанлик кайфияти ёки индивид дунёқараши ва хулқ-атворининг жамиятда мавжуд норма ва принципларга мос ва мутаносиб равишда ўзгариши юзага келди. Бу кайфиятнинг ўзига хос хусусиятларини Эрих Фромм айниқса ёрқин ифодалаб берган¹. Унинг фикрига кўра, конформизм бугунги кун кишиси хулқ-атворининг, замонавий жамиятдаги фаолиятининг муҳим шаклидир. Ижтимоий конформизмга берилган киши ўзлигини батамом йўқотиб, мавжуд реклама модели таклиф қилаётган шахс типини тугал ўзлаштиради. У ўзгаларга ўхшашга, ўзгалардек яшашга, ўзгалардек фикрлашга одатланади. Фроммнинг фикрига кўра, бундай фаолият уни ёлғизлик ва ташвишларидан халос қилади, бироқ бунинг эвазига у ўз “Мен”идан жудо бўлади. Конформистик кайфият бутун бошли авлодни лоқайдликка, бефарқликка ўргатди. Ўтган асрнинг реклама рокерлари, хиппилар, панклар ёки битниклар тарзида мавжуд маданият типига норозилик билдиришни одат қилган бўлса, 2010-йилларда шаклланган авлод жамиятдан ажралмасликка, турли маданият типларига бефарқ муносабатда бўлишга одатланди.

Реклама одамларда хилма-хил ҳам ижобий, ҳам салбий муносабат уйғотиши сўнгги йилларда кўп бор исботланди. Бир тоифа кишилар фикрича, реклама “инсонни аҳмоқ қилувчи восита” ҳисобланади ва бирор маҳсулотни гўё гиёҳванд моддага айлантириб, яъни шу товарга кучли хоҳиш-истакни шакллантириб уни харид қилган ва истеъмол этган одам дарҳол енгиллик, қониқиш ва ҳатто эйфория туйишига ишонтириш мақсадини кўзда тутди. Масалан, бундай уринишларни турли ичимликлар “Sitro” ва озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳар хил гаджитлар, смартфонлар, бренд товарлар рекламасида учратиш мумкин. Бундай реклама истеъмолчи онгида юқорида зикр этилган хаёлий бойиш ҳисларни уйғотиб, беихтиёр уни ўзига сеҳрлайди. “Sitro ол, лаззатини ҳис эт ва қимматбаҳо “Спарк” автомобилга эга бўл” матни эса тасвирий ечим таъсирчанлигини янада оширади.

Реклама инсон ижодий салоҳияти намоён бўлишининг ўзига хос шаклидир. Мазкур ижод тури реклама ғоясининг туғилишидан бошлаб, шу ғоя бадий гавдалангунгача бўлган жараённи қамраб олади ва унда реклама яратувчисининг субъектик хусусиятлари, барчаникидан фарқли ўзига хос услуби, барчаникидан фарқли ўз аксини топади. Бундан ташқари, ҳар бир реклама асари ўз даври маданияти, дунёқараши ва ижодий услубларини ҳам намоён этади.

Реклама асарларини яратувчилар баъзан ўзлари ва замондошлари ўртасида муайян боғлиқлик борлигини пайқамаслиги ҳам мумкин. Жамиятдаги маданий феноменларнинг кўп қисми бир қанча инсон фаолиятининг маҳсули ўлароқ юзага келади. Мазкур ҳодисаларнинг барчаси турли мақсад, истак, ғоя ҳамда бирор гуруҳ ёки шахснинг ўй-фикр, ҳистуйғулари мужассамидир. Бир сўз билан айтганда, реклама замон билан ҳамнафас юриб, ундаги ўзгариш, тамойил ва янгиликларни акс эттиради. Замонавий рекламанинг барча турлари ва шакллари оммавий маданиятнинг ёрқин намуналаридир.

Нафақат жаҳон бозоридаги, етакчи биржалардаги аҳвол, товарлар ва хизматлар тўғрисида ҳам телероликлар, ТВ ва матбуотда материаллар, ахборотлар берилади, плакатлар, буклетлар, баннерлар чиқарилади, оммавий тадбирлар, акциялар, дастурлар презентация

¹. Қаранг: Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: АСТ, 2011.

ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, реклама ёрдамида иқтисодий рақобат сиёсий кураш олиб борилади. Одамларнинг онги авваламбор тарғибот-ташвиқот, реклама, кўнгилочар оммавий тадбирлар шоулар орқали бошқарилади. Реклама санъати янги маиший эстетик билим, ахборот бермаслиги баробарида мавжуд ахборотдан, далиллардан ўзига кераклиларини танлаб, уларни муайян иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий манфаатларни кўзлаб ноҳолис, бирёқлама талқин қилади. Зарур ҳолларда, ҳақиқатга зид хулосалар чиқаради. Ҳатто окни қора, қорани оқ, деб кўрсатиш учраб туради.

XXI аср телевизор рекламаси Ўзбекистон аҳолиси ҳам ялпи руҳий таъсирга жалб этди. Турли алоқа йўллари орқали ғарб телеканалларига уланган хонадон вакиллари ўзбек миллатининг менталитетига, тарбиявий меъёрларига зид, агрессив, мантиксиз образ ва сюжетларни кўришга мажбур бўлдики, бу эса маҳаллий аҳолида телерекламага салбий муносабатни шакллантирди. Масалан, эркакларбоп дезодорант рекламаси, яхна ичимлиги рекламаларининг ғоясию сюжети миллий маънавиятимиз ва ахлоқий қадриятларимизга унчалик тўғри келмайди.

Ғарб ва шарқ истеъмол аудиторияси турлича маданият ва дунёқарашга эга. Уларнинг ҳаёт тарзию ахлоқий қадриятлари ҳам тубдан фарқли. Шундай экан, ғарб аудиториясида муваффақият қозонган реклама асари шарқ аудиториясида муваффақиятсизликка учраши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар реклама яратиш жараёнида истеъмолчи мансуб бўлган жамиятнинг маданий ва миллий ўзига хослигини, албатта, инобатга олиши лозим. Республика телевидениесида, ёзма ва кўргазмали плакатлар, баннерларда умумэтироф этилган нормаларга тўғри келмайдиган рекламалар миқдорининг ошиб бораётгани ташвишлидир. Ачинарлиси шундаки, турли маҳсулотлар рекламаси айтайлик, “йулбарс” конфети, “sitro” ичимлиги рекламасини TV орқали узатиш частотаси соғлиқни ҳам емириб юбориши ҳеч гап эмас.

Хуллас, реклама қадимги замонларданоқ содда шаклда мавжуд бўлган мулоқот воситаси саналиб, ҳозирги кунгача моҳият ва мавқеини сақлаб келмоқда. У ҳар доим тарихий давр ва ижтимоий муҳит руҳини акс эттиради. Шундай экан, рекламани илмий жиҳатдан тадқиқ этиб, унинг имкониятларини аниқлаш, бу санъатни янада ривожлантириш, унинг муаммоларини ечиш билан чамбарчас боғлиқдир. Реклама ижодкорлари жамиятда кечаётган жараёнларга фаол муносабат билдирмоғи ва аҳоли талаб-эҳтиёжларидаги ўзгаришларни нозик ҳис этмоғи шарт. Ғаразли иқтисодий, ижтимоий-сиёсий манфаатларни реклама қилишдан бош тортишлари керак. Рекламачилар ўзларининг тор қўллайдиган фойда тушунчасидан, объектив ахборотни, эл-юрт тинчлигини, ҳаллоликни, ҳақиқатни устун қўйишлари лозим. Ҳар бир реклама асари бадиий юксак савияли ва аҳолининг барча қатламларига бирдек тушунарли бўлиши, асосан бугунги инсоннинг фикрлаш доираси ва ижодий қобилиятини нечоғли билишга, дизайнернинг касбий лаёқатига боғлиқдир. Реклама билан шуғулланаётган ижодкорлар ўз фаолиятида ана шу талабларга риоя этишса, жамиятнинг барча аъзоларида бу санъат турига ижобий муносабатни шакллантириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.:Ўзбекистон. 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон. 2017.
3. Эркаев А. Маънавиятшунослик. 1-китоб. – Т.: Маънавият, 2018. – 244 б.
4. Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – 457 б.
5. Одилхонова Ш. Оммавий маданият таҳдиди. – Т.: Мухаррир, 2010. – 46 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жамият тараққиёти ва ёш авлод тарбиясида реклама роликларининг аҳамияти масалалари таҳлил этилган. Реклама ижодкорларига жамиятда кечаётган жараёнларга фаол ва маъсулиятли муносабат билдириши, аҳолининг холис ахборотга нисбатан эҳтиёжларидаги ўзгаришларни ҳис этиши лозимлиги кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье были проанализированы вопросы, связанные с ролью рекламы в развитии общества и в воспитании молодого поколения. Показана необходимость активного и ответственного отношения создателей рекламных роликов к процессам, происходящим в обществе, быстрого реагирования на изменение потребностей населения в отношении объективной информации.

SUMMARY

The role and importance of advertisements in the development of society and the education of young generation, are analyzed in this article. It is also stated the authors of advertisements should be engaged in the procedures undergoing in the society, and take the need and demand of people into consideration.

Наишга доц. А.Эркаев тавсия этган

ТОЛЕРАНТЛИК ФЕНОМЕНИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИАТИ

Саманова Ш.Б. (Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиаллари)

Таянч сўз ва иборалар: *толерантлик, толерантлик феномени, ҳулқ-атвор, қадриятлар, ҳиссиёт, фикр, интеграция, сабр, чидам, борлик, ижтимоий онг, ретроспектив илдишлар, тенгсизлик, эксплуатация, жамоа, ҳудуд, уруғ, қабила.*

Ключевые слова: *толерантность, феномен толерантности, поведение, ценности, эмоции, мысль, интеграция, терпимость, выносливость, существование, общественное сознание, ретроспективные корни, неравенство, эксплуатация, сообщество, территория, род, племя.*

Key words: *tolerance, tolerance phenomenon, behavior, values, emotion, thought, integration, tolerance, endurance, existence, social consciousness, retrospective roots, inequality, exploitation, community, territory, genus, tribes.*

Инсоният тафаккури яратган барча маънавий бойликларнинг мазмун-моҳияти, жамият ижтимоий муносабатларини инсонпарварлаштириш учун яратилган шарт-шароити ва имконияти толерантлик тамойилига у ёки бу даражада, бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, бу ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини, функционал аҳамиятини англаш – жамият фалсафий онги ривожланиш даражасини, инсон фалсафий тафаккури салоҳияти кўламини белгилайдиган муҳим мезон даражасига кўтарилган. Зеро, толерантлик – латин тилида – *tolerantia* – ўзгалар ҳаёт тарзи, нуқтаи назарлари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан: сабрлилик, тоқатлилик, бағрикенглик муносабатини ифодаловчи фалсафий тушунчадир. [4: 89]

Ибтидоий жамиятда турли уруғ-қабилалар, кейинчалик тарихий шаклланган халқлар, элат-миллатлар, мамлакатлар, давлатлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар трансформацияси, уларнинг минг йиллар давомида таркиб топган маънавий қадриятлари, амалий ҳаёт тарзи эволюцияси, ижтимоий бирликларнинг ўзаро муносабатларида толерантлиги (примитив-соддалиги ёки стихияли-фрагментарлигидан қатъи назар), тарихий ҳаёти атрибути ва уларнинг характерини белгиловчи мезон ҳисобланган.

Шарқнинг машҳур файласуфи, дунёда “иккинчи муаллим” деб ном олган Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” номли асарида толерантлик ҳодисасининг ретроспектив асослари ва генезиси, ҳаракатлантирувчи мотивлари ва механизмлари хусусида: “Баъзилар, одамлар ўртасида табиий ёки ихтиёрий боғланишлар йўқ, ҳар бир одам ўз манфаати учун бошқаларнинг манфаатига зарар етказиши, бири бошқасига бегона бўлиши зарур, мабодо улар бирлашсалар ҳам, зарурат, мажбурият туфайли бирлашадилар, ўзаро муросага келишсалар ҳам, фақат бири ғолиб чиқиб, бошқалари мағлуб бўлганда келишадилар, деб ўйлайдилар. Бунда улар ташқаридан таъсир этувчи бир куч таъйиқида ўзаро келишувга мажбур бўладилар, агар ана шу куч йўқолса, келишув ҳам йўқолади, яна бегоналашув пайдо бўлади ва улар тарқалиб кетадилар. Инсониятга хос ҳайвоний ақидалардан бири,

мана шу ақидадир” [1: 171], деб ёзади. Мутафаккирнинг мулоҳазаларида ижтимоий ҳодисалар, хусусан, толерантлик ҳодисасининг объективлиги, абсолютлиги, нисбийлиги, конкретлиги, умуминсонийлиги ва универсаллиги фалсафий мужассамлашган ҳолда ифодаланганлигини кўрамиз.

Джон Локкнинг фикрича, эркин жамият алоҳида аъзоларининг муайян диний эътиқодларига боғлиқ бўлиши, яъни сизни отиб ташлашни истовчи киши билан тўлақонли баҳс-мунозарани олиб бориш мумкин эмас. Чунки толерантликка нисбатан оқилона муносабатларнинг ўз чегаралари борлигини айтиш адолатлидир, яъни барча тоқатсизликларга толерантлик тамойили асосида муносабат жоиз эмас. Агар сиз шу талабга риоя қилмансангиз, нафақат ўзингизни, балки толерантлик муносабатини ҳам барбод қиласиз. [4: 89] Лекин Ж.Локкнинг инсоннинг толерантлик муносабати ҳуқуқи давлат тинчлигига хавф солувчи воқеликка тааллуқли эмас деган фикри, бу ҳодисага дифференциал ёндашиш намунаси, яъни давлат қонунлари билан барча фуқаролар учун тақиқланган ҳодисалар жамиятнинг муайян аъзолари ёки бирор ижтимоий тоифа учун бардошлилик объекти бўла олмайди. Бошқача қилиб айтганда, бир сиёсий жамиятда турли ахлоқий меъёрларга риоя қилувчи фуқаролар ҳамкор бўлиш мумкин эмас, чунки улар ишончга сазовор эмаслар. Ваҳоланки, толерантлик феноменининг тарихий меросига ворислик ва ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий жараёнлари ўртасидаги муносабатлар уйғунлиги, унинг илмий-амалий парадигмалари ўзгаришини ҳам, маънавий-ахлоқий қадриятлари янгиланишини ҳам белгилаб берган. [5: 5-8]

Россияда нашр этилган социологик луғатда толерантлик ҳодисасига муносабатли ёндашувлар муқобиллигига эътибор берилиб: а) ёт одамларнинг турмуш тарзи, ҳуқ-атвори, урф-одати, ҳиссиёти, фикри, ғояси, эътиқодига чидамлилик билан ёндашув; б) салбий омиллар таъсири натижасида содир бўлган ҳодисаларга бағрикенглик билан ёндашув; в) ноқулай, номақбул ҳиссий омиллар таъсирига чидам билан ёндашув каби қатор таърифлар берилганлигини кузатиш мумкин. [3: 278]

Ўзбек олимларидан З.Р.Қодирова, А.Ж.Шарипов, В.А.Алимасов, Э.Г.Каримова, Ш.О.Мадаева ҳаммуаллифлигида ёзилган “Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари” асарида толерантликнинг: сиёсий, миллатлараро, глобал, маҳалла, оила ва бошқа шакллари тўғрисида фикр юритилади. [7: 220]

Э.Каримова толерантликни миллатлар, фуқаролар, аҳоли ёш қатламлари, давлатлар, маданиятлар, партиялар, қадриятлар, конфессиялараро, ҳудудлар, уруғ-қабилалар, жамоалараро муносабатларда намоён бўлиш шакллари мавжудлигини кўрсатиб берган. [6: 67]

М.Т.Вахидова ва Н.В.Тоҳироваларнинг “Ёшларни толерантлик контекстида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг концептуал-методологик муаммолари” номли мақоласида ёшларнинг толерантлик фазилати тарбиясига маънавий-ахлоқий ёндашув, ҳар қандай “сиёсий технология”нинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашни шакллантирувчи асоси сифатида эътироф этилган. [8: 563-566]

Толерантлик ҳодисаси, бир томондан, ижтимоий онг шакллари ва маънавий-ахлоқий амалий қадриятлар синтези, симбиози, интеграцияси натижасида вужудга келиб, инсониятнинг тарихий шаклланган мавжудлик ҳолатига адекватдир. Иккинчи томондан, жамиятни ташкил қилган ижтимоий-сиёсий субъектлар (социал-демографик қатламлар ва фуқаролик институтлари)нинг индивидуал-алоҳида ва махсус эҳтиёжларини қондириш, манфаатларини ҳимоя қилиш заруриятини намоён қилади.

Толерантлик ҳодисасининг муайян давлат миқёсида, халқаро ҳамжамият аъзолари, ижтимоий-сиёсий институтлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилишда ўзаро муросани, консенсусни таъминлашда субъектив омил ролини бажариши – асосий функцияси ҳисобланади. Лекин бу вазифани бажариш самарадорлиги қуйидаги икки муҳим шарт-шароитга боғлиқ, яъни:

биринчиси – инсониятнинг ўзини-ўзи сақлаб қолишга интиладиган индивидлари, ижтимоий бирликлари фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш институтларининг функционал бирлиги;

иккинчиси – уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаб боришини, келажак истиқболини таъминлаши учун оптимал: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва экологик макон мавжуд бўлиши лозим.

Толерантлик ҳодисасини муайян нарса ва ҳодисаларга нисбатан шахс, ижтимоий бирликларнинг индифферент-конформистик, флегматик-меланхолик муносабати билан аралаштириб, шахсий манфаатлардан воз кечиш деб тушуниш ғализ хулосадир. Чунки “толерантлик, **бир томондан**, инсоннинг шахсий позициясини ифодалаш қобилияти турғунлиги бўлса, **иккинчи томондан**, бошқа кишилар позициялари ва қадриятларига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш қобилиятидир. [8. 563-566] Бошқача қилиб айтганда, толерантлик ҳодисаси ижтимоий муносабат субъектларининг ўзаро рақобатини ҳам, ўз манфаатини муҳофаза қилишини ҳам, шахсий нуктаи назарида турғун қолишини ҳам истисно қилмайди.

Толерантлик – ҳар қандай жамият ижтимоий муносабатларининг асосий тамойиллари императивлиги, трансценденталлигини эътироф этиш натижасида ҳақиқатга айланади ва унинг ижтимоий мўлжалларини аниқлашга ёрдам беради. Чунки бу тамойиллар инсонларнинг табиий яшаш шароити, моддий ҳаёт тарзи, ижтимоий фаолият шакллари, тарихий шаклланган анъаналардан келиб чиққан ўзига хос этник ва миллий хусусиятлари, дунёқарашдаги муқобиллик, уларнинг воқеа-ҳодисаларга толерантлик муносабатидаги фарқларни ҳамда умумийлигини белгилаб беради.

Толерантлик ҳодисаси – **бир томондан**, жамият ижтимоий тараққиёт стратегияси умумийлигининг оқибати бўлса, **иккинчи томондан**, моддий ва маънавий маданият ривожланишининг натижасидир. Бироқ улар анъанавий жамиятларда инсоннинг эмоционал ҳиссиётларини, туйғуларини, кечинмаларини ва манфаатларини трансцендентал ижтимоий тамойилларга бўйсундириш зарурлиги муаммосини юзага келтиради. [2: 17]

Юқоридаги илмий мулоҳазалар умумлаштирилганда қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

- толерантлик феномени ҳар қандай тарихий даврда ва ижтимоий маконда жамият ҳаётининг атрибути сифатида, примитив-содаллиги ёки стихияли-фрагментарлигидан қатъи назар, ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг шакллари ривожланиш даражасини, уларнинг характерини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланган;

- толерантликнинг тарихий генезиси, ретроспектив илдизлари, жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлари тизимида мулк ва меҳнат тақсимоотида тенгсизлик, кишини киши томонидан эксплуатация қилиш, ҳудудий ва этник зиддиятларни бартараф қилиш заруриятини англашига, умуминсоний эҳтиёжига бориб тақалади;

- жамият ижтимоий муносабатлари ривожланишининг объективлиги, императивлиги, трансценденталлиги, перманентлиги тамойиллари унинг толерантликлигида намоён бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг стратегик мўлжалларни аниқлашга, натижалари ижобийлигини таъминлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Фан. 1993. – 171 б.
2. Скворцов Л.В. Абсолютная истина и толерантность. Человек: образ и сущность. – М.: Акад. наук, 1998. – С. 17.
3. Российская социологическая энциклопедия. – М.: Наука. 1998. – С. 278.
4. Ноттурино Марк. Толерантность, свобода и истина: фаллибализм и открытие и закрытие “закрываемых обществ” // Ижтимоий фикр. 1998, – №2. – С. 89.
5. Ширинов Т. Ш. Ўзбекистон цивилизациявий тарихий тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари // Ҳозирги давр цивилизацияси ва ижтимоий интеграция муаммолари мавзусига бағишланган Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд, 2006. – Б. 5-8.

6. Каримова Э. Ўзбек толерантлиги. – Т.: Aloqachi, 2005. – Б. 67.

7. Қодирова.З. Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э. Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. – 220 б.

8. Вахидова М.Т., Тагирова Н.В. Концептуально-методологические аспекты проблемы духовно-нравственного воспитания молодежи в контексте толерантности // Молодой ученый. – 2017, – №1. – С. 563-566. URL <https://moluch.ru/archive/135/35160/>.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада, толерантлик ва унинг мазмун-моҳияти, толерантлик тушунчасига муносабатли ёндашувлар, толерантлик ҳақида ўзбек файласуф олимларининг фикрлари, жамият тараққиётида толерантлик ҳодисасининг роли, функционал аҳамияти хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы толерантности и ее содержание, подходы к понятию толерантности, взгляды узбекских философов на толерантность, роль и функциональное значение толерантности в развитии общества.

SUMMARY

This article discusses tolerance and its content, approaches to the concept of tolerance, views of Uzbek philosophers about tolerance, the role and functional significance of tolerance in the development of society.

Наишга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ДИНИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Хажиева М.С. (УрДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *тасаввуф таълимоти, зулм ўтказиш, зўравонлик, ахлоқ, гамхўрлик.*

Ключевые слова: *суфизм, угнетение, тирания, нарвственность, заботливость.*

Key words: *sufism, oppression, tyranny, narvstvennost, care.*

Халқимизнинг маънавий-ахлоқий меросини ўрганиш кўрсатадики, “инсонпарварлик, одамийлик, бағрикенглик, меҳр ва мурувват ўзбек халқи менталитетининг таркибий қисми бўлиб келган, қадимдан одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган”(1:19). Х.Алиқулов ўлкамиз халқларидаги маънавий-ахлоқий меросни махсус тадқиқ этиб келатган олим сифатида қайд этадики, “ижтимоий- фалсафий, сиёсий ва ахлоқий фикрлар ривожининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, улар диалектик равишда , зиддият ва тўсиқларга учраб тараққий қилган. Ҳар бир даврда шу замонга мос янги фалсафий фикрлар пайдо бўлган. Замонлар ўтиши, тузумлар ўзгариши билан янгидан янги фалсафий таълимотлар, ғоялар вужудга келган”(2-3). Файласуф олимларимиз томонидан белгиланган масъулиятли вазифани бажариш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда, миллий фалсафий тафаккур тарихининг турли давр ва босқичлари тадқиқ қилинди ва бу жараён самарали давом эттирилмоқда. Назаримизда, фалсафа тарихини ўрганиш соҳасида ҳали ўз ечимини, илмий таҳлил ва объектив баҳосини кутаётган масалалар кўп. Жумладан, Ўрта Осиё хонликларида яшаб ижод этган Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Комил Хоразмий каби мутафаккирлар қарашларини ўрганиш, ўша давр воқелигидан фалсафий хулосалар чиқариш лозим.

Халқимизнинг диний-ирфоний меросини ўрганиш шуни кўрсатадики, “инсонпарварлик, одамийлик, бағрикенглик, меҳр ва мурувват ўзбек халқи менталитетининг таркибий қисми бўлиб келган, қадимдан одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Комил Хоразмийнинг дунё ва унинг тузилиши, табиат ва ҳайвонот олами, инсоннинг у борлиқдаги ўрни ҳақидаги маснавийси ҳам диққатга сазовордир. Шоир Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида мазкур масалалар юзасидан 17-мақолотда билдирган мулоҳазаларини давом эттирмоқчи бўлиб, шу соҳада янги бир фалсафий фикр баён қилишга

уринади. Мутафаккир оламини учта “боғ”га бўлиб тушунтиради. Улардан биринчиси «боғи ҳаёт», иккинчиси «боғи набот», учинчиси «боғи жамод»дир. Бу атамаларни ҳозирги тилимизга ўгирсак, уларни «ҳаёт боғи», «ўсимликлар боғи», «тошлар боғи» дейиш мумкин.

Тасаввуфдаги “ваҳдат ал-вужуд” таълимоти ўзбек мумтоз адабиёти вакиллариининг кўпчилигига хос бўлган дунёқарашдир. Комил Хоразмий ҳам сўфиёна ишқни куйлаган. Унинг талқинига кўра, инсон ҳам Аллоҳ жамолининг зуҳури экан, унга бўлган муҳаббат – Аллоҳга бўлган муҳаббатдир:

Хусни кўзгуси бордур мазҳари жамолиллоҳ,

Манға ишқим этманглар, эй, гуруҳи нодонлар.

Бошқа бир ғазалида у мазкур қарашини янада ойдинлаштирган:

Не нав санга ошиқи зор ўлмайин, эй шўҳ,

Кўрдим юзунг ойинасида нури Аллоҳни.(3-61).

Бу сатрлар Мансур Халложнинг «Анал ҳақ» - «мен Ҳақман», деган ҳайкиригини эсга солади. Мансур Халлож «мен Ҳақман», яъни “Худоман”, деган бўлса, Комил Хоразмийнинг юқоридаги шеърларида «инсон Ҳақ зуҳури» ёки инсон ҳам Аллоҳдай севилишга лойиқ, деган фикр келиб чиқади. Бу фикрни Комил Хоразмий дунёқарашидagi инсонпарварлик ғояларининг чўққиси десак бўлади.

Ўз даврининг илғор зиёлиларидан бири бўлган Комил Хоразмий ҳам тасаввуф фалсафасини яхши ўзлаштирган. Маълумотларга қараганда, унинг шахсий кутубхонаси Хива хонлигидаги энг бой кутубхоналардан эди. Унда ўзбек ва араб, форс адабиёти классиклари асарлари, тарихий китоблар қаторида тасаввуф фалсафасига доир рисолалар ҳам сақланган.

Комил Хоразмийни тасаввуфга алоқадор кўпчилик классик адиблар – масалан, Жомий ва Навоий сингари зоҳидлик ва дарвешлик қизиқтирмас эди. У тасаввуф ғоялари орқали инсон зотига бўлган ҳурмат ва эҳтиромни ифода этди. Тенгликни, инсон бахт-саодатини куйлади.(4-206). Бу ҳақда унинг ўзи бир ғазалида сўфий, дарвешларга муносабатини куйдагича ифодалайди:

Самоъи жазб киму, сен ким, ўкусанг Комил,

Кифоя масжиди жомеъ аро салоти панж.

Яъни Аллоҳ висолига эришаман, деб ўзига ром қилувчи кўшиқ айтиб, рақс тушаётган, жазаваси тутган дарвешга ўхшама Комил. Сенга ушбу масжиди жомеъ ичида беш вақт намоз ҳам кифоя, сен аввало, инсонлик бурчингни бажар.

Комил Хоразмий кишилардаги жоҳиллик, риёкорлик, порахўрлик сингари иллатларни қоралаган, улар жамиятни таназулга олиб боради, деб ҳисоблаган. У шеърларида дин пешволарининг нотўғри йўлга кириб кетганини, шайх ва зоҳидларнинг ёлғончилигини, уламоларнинг порахўрлигини фош қилган.

Бундан ташқари, Комил Хоразмийнинг шайх ва зоҳидларга бўлган муносабатини янада ёрқинроқ ифода этувчи, шайх ва зоҳидларнинг кирдикорларини, хулқ атворини фош қилувчи сатирага бой шеърлари ҳам борки, булар биз юқорида айтган фикрларни тўла тасдиқлайди.

Дарвешлардек “зикру самоъ” тушишдан кўра, Комил Хоразмий бадиий ижод ва мусиқа билан шуғулланишни афзал кўрган. У мусиқа илоҳий ишқни ифода этувчи, кишини ғам-қайғулардан халос қилувчи санъат эканига ишонган.

Бўлурман ғам саҳилидин сабукбар,

Аён қилса гар ишқил-лоҳ танбур.(5-66)

Комил Хоразмий дунёқарашидa ислом дини, тасаввуф таълимоти, шарқ фалсафаси таъсири яққол сезилиб туради. У катта оламини (макрокосм) англаш кичик оламини (микрососм) англашдан бошланади, инсонни оламнинг шоҳқори, олам яратилишининг бош мақсади ҳисоблади. Маънавий, ахлоқий, ақлий комилликка интилиш фақат инсонга лойиқ, деб билди. Комил Хоразмий ижтимоий-маънавий ҳаётда муҳим ўрин тутган ислом сиёсий мафкурасига мувофиқ фикр юритган. Унинг фикрича, инсоннинг тақдирини Аллоҳ белгилайди. Ҳукмдор бўлиш Аллоҳнинг инояти, шу жумладан, фуқаролик ҳам. Шоҳ Аллоҳнинг ихтиёри билан мамлакат ва жамиятни бошқаради, лекин подшоҳга ҳокимият халққа жабр

қилиш, зулм ўтказиш, зўравонлик қилиб, уни талаш учун берилмаган. Подшоҳнинг вази-фаси райиятга ғамхўрлик қилиб, мамлакат тинчлиги, осойишталигини таъминлашдан иборат. Шоҳ халқ ўртасида адолат ва инсонпарварлик қоидаларига асосланган муносабатларни ўрнатиши, давлат ҳокимиятини мустақкамлаши, умумманфаатларини кўзлаб, барчага тенг муносабатда бўлиши лозим.

Комил Хоразмий дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари қанчалик илоҳиёт билан боғланмасин, у ахлоқ инсондаги энг олий қадрият, ақлий зукколик эса инсоннинг энг муҳим инсоний фазилати эканлигини яқдиллик билан маъқуллади. Унинг фикрича, инсондаги энг юксак бойлик юксак ахлоқий фазилатдир. Шунингдек, у ҳақиқат ва адолатни, қонун ва тартибни, ижод ва эркинликни, шафқат ва мурувватни ҳам юқори баҳолаган. Комил Хоразмийнинг дунёқарашидаги гуманистик ғояларнинг моҳияти куйидагиларда акс этади.

Биринчидан, Комил Хоразмийнинг инсонпарварлик одамзотга ҳайвоний хусусиятлардан - зулм, зўравонлик, зуғум, адолатсизлик, инсофсизлик каби қатор иллатлардан қутулишига юксак инсоний фазилатлар билан яшашга, маънавий етишишига ёрдам беради, деб ҳисоблаганлар.

Иккинчидан, улар ўзларидан олдин яшаган Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Шерозий, ва Муҳаммадниёз Нишотийлар каби ижтимоий-ахлоқий масалаларни фақат илоҳий нуқтаи назардан таҳлил этиб қолмадилар. Улар кишилардаги иллатларни дадил танқид қилдилар, инсонни улуғловчи ғояларни илгари сурдилар.

Учинчидан, Комил Хоразмийнинг давом қилдириш билан бирга ўзларининг реал ҳаётдан олган тажрибаларини фалсафий мушоҳада қилиш орқали Аллоҳ ва борлик, инсон ва воқелик, оламнинг турфа кўринишлари, тарихий тараққиёт, инсон ва унинг тақдири, яшашдан мақсади каби масалаларга ўз муносабатини билдирдилар. Ўша даврдаги шарт-шароит, воқеа ва ҳодисалар, халқнинг аянчли аҳволи мутафаккирлар дунёқараши ва гуманистик ғоялари тақомилида муҳим рол ўйнади.

Тўртинчидан, Комил Хоразмийнинг дунёқарашида ислом дини, тасаввуф таълимоти, Шарқ фалсафаси таъсири яққол сезилиб туради. Улар катта олам (макрокосм)ни англаш кичик олам (микрососм)ни англашдан бошланади, инсонни оламнинг шоҳқори, олам яратилишининг бош мақсади ҳисобладилар. Маънавий, ахлоқий, ақлий комилликка интилиш фақат инсонга лойиқ деб билдилар.

Бешинчидан, Комил Хоразмийнинг дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари қанчалик илоҳиёт билан боғланмасин, улар ахлоқ инсондаги энг олий қадрият, ақлий зукколик эса инсоннинг энг муҳим инсоний фазилати эканлигини яқдиллик билан маъқулладилар. Уларнинг фикрича, инсондаги энг юксак бойлик юксак ахлоқий фазилатдир. Шунингдек, улар ҳақиқат ва адолатни, қонун ва тартибни, ижод ва эркинликни, шафқат ва мурувватни ҳам юқори баҳолаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аликулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривожини. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ инст. Нашр., 2009. – Б. 3–19.
2. Комил. Девон. (Нашрга тайёрловчилар А.Ҳайитметов, В.Мўминова). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 61.
3. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 66–206.

РАЗИОМЕ

Ушбу мақолада, Комил Хоразмий дунёқарашида ислом дини, тасаввуф таълимоти, шарқ фалсафаси тўғрисидаги фикрлар акс этирилган.

РАЗИОМЕ

В данной статье рассмотрен вопрос об исламской религии, суфизме, восточной философии в мировоззрении Камиля Хорезми

SUMMARY

In this article the question of religion Islam, Sufism, east philosophy in Kamil Horezmi's outlook is considered.

Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Камалов О.А., Бердикулов С.Н. (ЎзР ИИВ Академияси)

Таянч сўз ва иборалар: қонун, ҳуқуқий давлат, сиёсий партия, коррупция, жамоатчилик назорати, қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, мансабдор шахс.

Ключевые слова: закон, правовое государство, политическая партия, коррупция, общественный контроль, верховенство закона, государственная власть, органы управления, правоохранительные органы, должностное лицо.

Key words: law, constitutional state, political party, corruption, public control, supremacy of law, state power, government bodies, law enforcement agencies, official person.

Фуқаролик жамияти институтларидан бири – сиёсий партиялар ҳам жамият тараққиётида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва тафаккурини юксалтиришда, коррупция ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда кўппартиявийлик тизими қарор топган мамлакатларда сиёсий партиялар томонидан амалга оширилаётган фаол демократик жараёнларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳақиқатан ҳам, сиёсий партиялар давлат ҳокимияти ва бошқарувини ислоҳ этиш, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органларини шакллантириш, мамлакатни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксалтириш, жамиятнинг энг жирканч иллатлари – коррупция ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим масалаларни ҳал этмоқда. Айниқса, сиёсий партияларнинг коррупция ва жиноятчиликни олдини олишда бевосита ва билвосита иштирок этаётганлиги объектив ижтимоий ҳодисадир. Чунки демократик инсонпарвар давлат қарор топтириш, фикрлар плюрализмига асосланган кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, ўз навбатида, жамият ривожланишини тўхта-тиб қўядиган иллатларни бартараф этиш орқали амалга оширилиши маълум. Бу эса сиёсий партиялардан фаолликни, мамлакат тақдири ва келажагига дахлдорликдек масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишни талаб қилади.

Сир эмаски, ҳозирда сиёсий партиялар жамоатчилик назорати субъекти сифатида жамиятнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Жумладан, сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракцияларига давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилмоқда. Дарҳақиқат, жамиятда уларнинг “Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасимсиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт”¹.

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлган сайловларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ўз сайловолди дастурида коррупция жиноятига қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича бир қатор илғор фикрларни эълон қилган эди. Хусусан, «Партия коррупцияга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор беради. Партия мансабдор шахслар томонидан иқтисодий ислоҳотларни олиб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш бўйича қонунда кўзда

¹ Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL - <https://president.uz/uz/lists/view/2180> - 8.12.2018

тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда қонунчилик талаблари бузилгани учун жавобгарликни ошириш ҳамда уларнинг фаолиятида бюрократизм, расмийчилик ва коррупция кўринишларининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўриш зарур, деб ҳисоблайди»¹. Бу эса амалда ўз исботини топди, яъни партия фракцияси аъзолари коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 2017 йил 3 январда қабул қилинишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Натижада бу мамлакатимиз тараққиётига ижобий таъсир қилиб, турли нопок йўллар орқали жиноятчилик олами билан ҳам-товоқ бўлган амалпараст, ҳокимиятпараст кучларнинг ўз мақсадларини амалга оширишида жиддий тўсиқ бўлмоқда.

“Адолат” социал-демократик партияси ҳам сайловолди дастурида “Партия давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш, қонунчилик меъёрларини бузишга, уларни нотўғри ва эркин талқин этишга, тўрачилик, расмийчилик, коррупцияга йўл қўймаслик тарафдори”² эканлиги баён этилган. Дарҳақиқат, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мансабдор шахслари томонидан коррупцияга кескин тарзда берилиб кетиш жамиятни охир-оқибатда инқирозга олиб келади, давлатни таназзулга юз тутдиради. Мансабдор шахс фақат ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиши, умуммиллий, умумхалқ манфаати иккинчи даражага суриб қўйилиши, лоқайдлик ва бепарволик сифатида кўрилиши, жамият ва миллат бардавомлигига хиёнат сифатида баҳоланиши лозим. Шу сабабли ҳам, партия бу борадаги ижобий тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

“Адолат” СДП амалиётда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб бориш тартибини жорий қилиш, бу ишга оммавий ахборот воситалари вакилларини кенг жалб этиш тарафдори. Бундай тартиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг, суд-ҳуқуқ соҳасида расмийчиликка ва коррупцияга қарши кураш олиб боришнинг муҳим қафолати ва зарур шартидир. Партия, жумладан, қуйидаги соҳада қонунчиликни такомиллаштиришни таклиф этади: ички ишлар органларининг қонунийликни таъминлашга доир фаолияти; коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фаолият³. Партиянинг сайловолди дастурида келтирилган ушбу вазифалар бугунги кунда амалда ўз ифодасини топиб бормоқда. Бу борада 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун фикримизнинг далилидир.

Сиёсий партиянинг ўзи ҳам сиёсий тизимнинг субъекти сифатида коррупция “доми”га тушиб қолмаслиги учун мамлакатимизда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Масалан, 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун шунинг жумласидандир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, мамлакатда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, партиялар ўртасида ўзаро конструктив рақобатни юзага келтириш билан бирга, коррупциянинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда давлат томонидан сиёсий партияларнинг уставларида белгиланган фаолиятини молиялаштириш учун Қонунчилик палатасида ўзининг фракциясига эга бўлиши лозим. Бунинг учун мавжуд сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайлов якуни бўйича 9 нафардан кам бўлмаган депутатлик ўрнини эгаллаши зарур.

¹ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг сайловолди дастури (платформаси). Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VI Съезида (2014 йил 31 октябрь) тасдиқланган //URL – <http://www.uzlidep.uz/uzc/about/partiya-saylovoldi-dasturi> - 10.06.2015.

² Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони, адолат – ҳар бир инсон учун // “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастури //URL - <http://adolat.uz/wp-content/uploads/2014/12/saylovoldi-dastur.pdf> -15.06.2015.

³ Ўша манба.

Сиёсий партиялар ўзларининг молиявий аҳволини, бюджетларини очик, ошкора эълон қиладилар. Улар фаолиятларини молиялаштириш манбалари тўғрисида Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга ҳар йили ҳисобот тақдим этадилар.

Жаҳон тажрибаси мисолида оладиган бўлсак, бугунги кунда бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларидаги сиёсий партияларнинг 80 фоизи давлат томонидан молиялаштирилишига боғлиқ. Масалан, Германияда ҳар йили партияларга 500–600 млн евро ажратилади¹. Францияда рўйхатга олинган сиёсий партияларга давлат бюджетидан ҳар йили 80 миллион евро ажратилади².

Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун (2007 йил 11.04.) ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг кучга кириши (2011 йил 18.04.) сиёсий партияларнинг жамоатчилик назорати олиб боришдаги фаолиятини кенгайтириб, коррупциянинг олдини олишга ҳам қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш, ҳоким лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи институтларининг қонунчиликда ўз аксини топиши жамият либераллашувини таъминлайди, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олади. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун устуворлигини қарор топтириб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг шаффофлигини келтириб чиқаради.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар юртимиз, жамоатчилик орасида муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Сиёсий партиялар халқимиз орасида ўзининг ғоя ва дастурларини тарғиб ва ташвиқ қилиш, фаолликни ошириш ҳамда электоратини кўпайтириш мақсадида жамиятимиз ҳаётида ўз таъсирини кучайтириши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 94.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL – <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлмиш сиёсий партияларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти амалга оширилаётган сиёсатнинг муҳим йўналиши эканлигини, шунингдек, бу борадаги хориж тажрибаси илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается деятельность политических партий по противодействию коррупции как одного из институтов гражданского общества, который является важным аспектом проводимой политики, а также научно исследован международный опыт в этой области.

SUMMARY

This article deals with the activity of fighting against corruption of political parties as one of the institutions of civil society which is an important aspect of conducting policy and scientifically studied the international experience in this field.

Наишга доц. А.Эркаев тавсия этган

¹ Как финансируются партии за рубежом // URL – <http://www.politjournal.ru/index.php?action=articles&dirid=69&tek=3652&issue=106> – 01.11.2014

¹ Финансирование партий //URL – http://forexaw.com/TERMs/Society/Politics/1100_%D0%9F%D0%BE%D0%BB%D0%B8%D1%82%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F_%D0%BF%D0%B0%D1%80%D1%82%D0%B8%D1%8F_Political_party_%D1%8D%D1%82%D0%BE.

² Финансирование партий //URL – http://forexaw.com/TERMs/Society/Politics/1100_%D0%9F%D0%BE%D0%BB%D0%B8%D1%82%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F_%D0%BF%D0%B0%D1%80%D1%82%D0%B8%D1%8F_Political_party_%D1%8D%D1%82%D0%B

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ГРАММАТИК ШАКЛЛАРИ ТАСНИФИГА ДОИР

Бахриддинова Б., Рахимова Ш. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *грамматик категория, грамматик шакл, семантика, морфология, синтаксис, сўз ўзгартирувчи қўшимча, форма ясовчи қўшимча, семантика, интензивлик.*

Ключевые слова: *грамматическая форма, семантика, морфология, синтаксис, модифицирующее слово дополнение, формулы, семантика, интенсивность.*

Key words: *grammatical form, semantics, morphology, syntax, word-modifying supplement, formulas, semantics, intensity.*

Грамматик категория ва грамматик шакл масалалари ҳар доим грамматиканинг долзарб ва муаммоли масаласи бўлиб келган. “Категория” асли фалсафий термин бўлиб, манбаларда “...объектив борлиқ ва билишдаги моҳиятан кўпроқ қонуний алоқа ва муносабатларни акс эттирувчи умумий тушунча” деб изоҳланади. Фалсафада ҳам, тилшуносликда ҳам категория бир хил нарсани атайди, яъни категория учун жуфтлик ва яккалик бўлиши шарт ва зарур. Фалсафада жуфтликни сабаб-натига, моҳият-ҳодиса, бутун-қисм; яккаликни борлиқ, миқдор, макон ташкил этса, тилшуносликда категория атамаси остида қатъий зидланган ва ўзига хусусий белгиларга эга бўлган шакллар тизими бирлаштирилади. Демак, грамматик категория деганда муайян маъно умумийлиги асосида бирлашган ва ўзаро зидланувчи шакллар системаси тушунилади. Грамматик категория шаклларнинг оддий арифметик йиғиндиси эмас, балки маълум турдаги шаклларнинг барқарор муносабатлари тизмасидан иборат бўлган янги бир бутунликдир.

Грамматик категорияларни таснифлашда у ўз остида бирлаштирган грамматик шаклларнинг семантик, морфологик, синтактик табиатига асосланилади. Грамматик шакллар таснифи нафақат тилшунослик, жумладан, ўрта ва олий таълим грамматик тизимининг муҳим тушунчаларидан бири бўлганлиги сабабли, ҳамма даврнинг долзарб мавзуси бўлиб келган. Ўтган давр мобайнида ўзбек тили морфологик кўрсаткичларининг таснифи яратилди, аммо хулосалар аввалига араб, кейинчалик рус тили грамматик меъёрларига асосланган ҳолда бериб келинди. Ўзбек тилида морфологик қўшимчаларга нисбатан форма ҳосил қилувчилар деб қаралиб, у иккига – сўз ўзгартирувчи ва шакл ҳосил қилувчиларга бўлинарди. Сўз ўзгартирувчилар сифатида сўзларни бир-бири билан боғлаш вазифасини бажарувчи эгалик, келишик ва шахс-сон қўшимчалари ажратилса, шакл ҳосил қилувчиларга сўз маъносига бироз таъсир этадиган, аммо янги маъноли сўз ҳосил қилмайдиган деб таърифланадиган кўрсаткичлар киритиларди. Дикқат қилинса, бу қўшимчаларнинг бири синтактик вазифа билан, иккинчиси луғавий маъно билан боғлиқ.

Сўз ўзгартирувчи, форма ясовчи атамалари тилшунослигимизга ички флекцияга асосланган рус тили грамматик меъёрлари асосида кириб келган бўлиб, ўзбек тилининг туркона табиатини ёритиб бермас, танланган атама ва тушунча ўртасида номувофиқлик мавжуд эди. Аниқроғи, сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи сифатида ажратилган морфологик воситалар ўзбек тилида сўз шаклига ҳеч қандай ўзгартириш ёки яшаш даражасида таъсир этмайди. Бу шаклларнинг бири сўз луғавий маъносига бироз таъсир этиши билан, иккинчиси сўзларга синтактик имконият (боғлаш, бириктирувчанлик, муайян вазифада келиш) бериши билангина характерланади.

Ўзбек тилшунослиги 50–90-йилларда сўз шакли, сўз шакл, сўз формаси каби атамалардан фойдаланиб келди. (1, 2, 3, 4) Луғавий шакл атамаси истиқлолдан кейин амалиётга киритилиб, кўп ҳолларда сўз формаси ёки сўз шакли каби анъанавий атамаларнинг янги кўриниши сифатида қабул қилинди. Аслида эса бу икки давр атамаси ўртасида жиддий фарқлар мавжуд.

Сўз формаси тушунчаси ўзбек тилшунослигига XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб кириб кела бошлаган. Бунда Европа тилшунослиги ва ўзбек (сарт, чигатой) тили бўйича европаликлар томонидан яратилган дарсликлар туртки бўлган. (5) Араб тилшунослиги ички флекцияга эга араб тили қоидалари асосида иш тутганлиги сабабли (6), бу асосда туркий тилларнинг агглютинатив табиатини тўғри баҳолаб бўлмас ва мазкур дарсликларда сўзнинг ўзагига тизилиб келувчи кўшимчалар (улар араб тили юкламалари – (харфлари)га ўхшаш бўлганлиги сабабли) харфлар деб баҳоланар эди. Ҳатто туркийшунос Маҳмуд Кошғарий ҳам *-ган, -дан, -гани, -га* каби кўшимчаларни харфлар деб баҳолаган. Ўрта аср тилшуносларидан Мирзо Маҳдихон ҳам туркча кўшимчаларга харфлар сифатида қарайди ва бир сўзнинг турли шакллари парадигма – қаторларга бирлаштирмайди.

Сўз шакллари ва уларнинг парадигмаларини ажратиш Н.Остроумов, Г.Вамбери ва бошқалар тадқиқотларидан бошланади. Й.Д.Поливанов асарлари (6), хусусан, А.Фитратнинг “Сарф” ва “Нахв” дарсликларидан кейин сўз шакли тушунчаси ўзбек тилшунослигида оммалаша бошлади.

Бу даврда сўз шакли деганда ўзакка кўшилиб келган ҳар қандай кўшимча тушуни-либ, китоблар ҳам, китобча ҳам, ёздик ҳам, ёзди ҳам сўзнинг шакли деб талкин этиларди. 40-йилларда, юқорида айтилганидек, С.Бархударов дарслиги намунаси асосида янги турдаги ўзбек тили дарсликлари яратила бошлагач, тилшунослигимизга Ф.Ф.Фортунатов асос солган Москва лингвистик мактабининг форма яшаш, сўз ўзгартириш (8), форма ясовчи кўшимчалар, сўз ўзгартирувчи кўшимчалар ва негиз атамалари кириб кела бошлади. 70-йилларга қадар мактаб грамматикаларида форма ясовчи ва сўз ўзгартирувчи кўшимчалар фарқланмай, барчаси сўз формаси деб атаб келинди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, олий мактаб дарсликларида ва морфология бўйича илмий тадқиқотларда форма яшаш ва сўз ўзгартиришни фарқлаш 50-йиллардаёқ бошланган бўлиб, мисол тариқасида 1965 йилда нашр этилган У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» қўлланмасидан қуйидаги жумлаларни келтириш мумкин: “...аффикслар маъно ва вазибаларига қараб 3 хил бўлади: сўз ясовчилар, форма ясовчилар ва сўз ўзгартирувчилар” (9). Форма ясовчиларга қуйидагича таъриф берилади. “Сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмай, унга ҳар хил семантик-грамматик оттенкалар, кўшимча маънолар киритадиган аффикс форма ясовчи аффикс дейилади. Форма ясовчилар янги сўз ясамайди, шу билан бирга, сўзларнинг ўзаро муносабатини кўрсатиш учун ҳам хизмат қилмайди” (10). Сўз ўзгартириш эса: “Грамматик маъно ифодалаб, ўзи кўшилиб келган сўзнинг бошқа сўзлар билан муносабатини билдирадиган аффикс сўз ўзгартирувчи аффикс дейилади. Сўз ўзгартирувчи аффикслар турловчи ва тусловчи аффиксларга бўлинади” деб таърифланади. Шу билан ўзбек тилшунослигида форма яшаш (респ. форма ясовчи кўшимчалар) ва сўз ўзгартириш (респ. сўз ўзгартирувчи кўшимчалар) тушунчалари мустаҳкам ўрнашди. 70-йиллардан кейин “мактабни фан билан боғлаш”, “фан янгиликларини мактабга киритиш” шиори остида она тили таълимига дастлаб сўз ўзгартирувчи кўшимчалар киритилиб, улар турловчи ва тусловчилар билан чегараланди. Форма ясовчилар эса шарҳланмади. Кейинчалик “форма яшаш” тушунчаси ҳам мактаб дастурларидан жой олди.

Ўзбек тили академик грамматикасида форма яшаш ва сўз ўзгартирувчи кўшимчалар қуйидагича умумлаштирилади: “Форма ясовчи аффикслар янги сўз ҳосил қилмайди, маънони кескин равишда бошқа қилиб юбормайди, балки ҳар хил оттенкалар орттиради, модификация қилади. Ясовчилар лексик маъно билан боғланса, улар грамматик маънога эга бўлади. Булар кичрайтириш, эркалалаш, чегаралаш, камлик, ошириш, кўпайтириш, гумон, тахмин, эмоционаллик кабиларни билдириш - асосий маънога шуларни кўшиш билан характерланади. Булар орттирган кўшимча маъно ясовчи даражасидаги айрим маъно эмас. Англашиладики, форма ясовчилар, сўз ўзгартирувчилардан ҳам фарқланади: лексик маънога кўшимча оттенка бериш, синтактик характерга эга эмаслик, парадигма ҳосил қилмаслик ва бошқалар. Форма ясовчи аффикслар: от туркумида (кенг маънода); кичрайтириш, эркалалаш, ачиниш, камайитириш, тахмин, гумон каби маънолар билдирадиган аффикслар

(қизча, бўталоқ, қўзичоқ, онажон, болагина, семизроқ, оқиш, қорамтир, қисқача ва б.); отлардаги (олмошда ҳам) кўплик кўрсаткичи (болаларни, нималарни), сонларнинг турли кўринишларини ҳосил қиладиган аффикслар (-та, -инчи, -ала, -ча, -тача), гумон олмоши ҳосил қилувчи -дир (кимдир, нимадир) аффикси, феъл туркумида; бўлишсизлик кўрсаткичи (ма, феълнинг «кенгайтирувчи» - интенсивлик билдирувчи, кучайтирувчи, вид-тус, ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиши ва кучсизланишини билдирадиган аффикслари (-қи, -қа, -ги, -зи, -ла, -инқира, -и, -а кабилар; бур-бура, чай-чайқа, тўз-тўзги, қўзи-қўзга, юл-юлқи, теп-тепкила, оқарди-оқаринқиради, кулди-кулимсиради ва бошқалар. Қиёсланг: терлади-терчилади, терди-термачалади); буйруқ-истак майлининг “кучайтирувчилари” (-гил, -ин; -боргил, -билайин), замон, майл кўрсаткичлари; феъл функционал формасини ҳосил қилувчи аффикслар (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) даража кўрсаткичлари, таклид сўзларнинг кенгайган формасини ҳосил қиладиган -ир каби аффикслар ҳам форма ясовчига киради: тақ-туқ, тақир-туқир).

Сўз ўзгартирувчи аффикслар сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Улар эгалик, келишик, феъллардаги шахс ва сон кўрсаткичларидир.

Сўз ўзгартирувчиларнинг маъноси соф грамматик характердадир. Форма ясовчилар билан сўз ўзгартирувчиларнинг иккаласи ҳам фақат бир туркум доирасида бўлади” (1, 83). Шу билан ўзбек тилшунослигида форма яшаш ва сўз ўзгартириш қатъий ажратилди ва шундай изчилликда ўрганиб ва ўргатиб борилди.

Форма яшаш ва сўз ўзгартириш ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳодиса эмас. Ҳар икки тушунча ҳам табиатан флектив бўлган рус тили меъёрлари асосида ишлаб чиқилган. Чунки флектив тилларда “окончание” (тугалланма) мавжуд бўлиб, у сўзнинг маълум бир шаклига қўшилади. Сўз ўзгартирувчи кўшимча сифатида фақат “окончание” танланади, ундан бошқа кўшимчалар форма ясовчилар сирасига киритилади. Масалан:

Они узнали

Она узнала

Они узнавали

Она узнавала

Бу икки феълда (л ўтган замон формасини ясайди, -и, -а “окончание”лари эса бу форм-аларни сон ва род бўйича ўзгартиради. Ўзбек тилига “окончание” хос эмас ва сўзга рус тили учун хос бўлган ва основа деб аталадиган “окончание”сиз қисм ҳам аҳамиятсиз. Шунинг учун форма ясалиши ва сўз ўзгартиришни ажратишга кескин зарурат йўқ. Лекин ўзбек тилида ҳам ўзакка қўшиладиган кўшимчаларни сўз ясовчи ва сўзнинг айрим шакллари ясовчиларга ажратиш хосдир. Бу ўринда сўз ясовчиларнинг сўзнинг ҳар хил шакллари ясовчи кўшимчалардан фарқи хусусида тўхталинмайди. Фақат шуни айтиш мумкинки, сўз ясовчи кўшимчалар сўз маъносини тамоман ўзгартиради. Масалан, китоб-китобхон. Сўз шаклини ясовчи кўшимчаларнинг эса сўз маъносига таъсир этадигани ҳам, таъсир этмайдигани ҳам бор. Кўринадики, айрим шакллар сўзларнинг нутқий боғланишларини таъминласа, баъзилари уларнинг бирикувчанлик имкониятига таъсир қилади. Демак, улар дастлаб “луғавий маънога таъсир қилиш”, “синтактик алоқани таъминлаш” белгилари асосида мутаносиб зиддиятда турувчи икки гуруҳга ажралади.

Луғавий шакл ясовчилар сифатида сўз маъносини қисман ўзгартирувчи, аниқлаштирувчи, муайянлаштирувчи кўшимчалар ажратилади. Масалан, китоб сўзида бирлик маъноси ҳам (Бу китоб жуда қизиқарли), кўплик маъноси ҳам (Дўконга китоб келди) мужассамланган. Нутқ шароити, матн, контекст китоб сўзида бирлик ёки кўплик маъноси воқеланишини ажратиб беради. Шу сўзга -лар кўплик кўшимчаси қўшилса, у китоб сўзида мужассамланган кўплик маъносини бирлик маъносидан чегаралайди, яъни луғавий маънони муайянлаштиради – торайтиради. Шунинг учун китоблар [китоб] лексемасининг бир луғавий шакли сифатида воқеланади. Китоб-китобча сўзларида ҳам шу ҳолатни кўрамайди. Китоб сўзида катта маъноси ҳам (минг саҳифали китоб), кичик маъноси ҳам (10-15 саҳифадаги китоб) мавжуд. Китобча сўзида эса шу икки луғавий маънодан бири иккинчисидан чегараланган. Худди шундай феълларда нисбат, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шунингдек, ҳаракат тарзи шакллари ҳам феълнинг луғавий маъносида мужассамланган белгиларни у ёки бу даражада муайянлаштиради. Масалан, ёзмоқ феълда ҳаракат бажарув-

чиси бу ҳаракатни бировнинг илтимоси ёки тазйиқи билан бажарганлиги ёки бажармаслиги маъноси йўқ. *Комилжон хатни ёзди* гапни олиб кўрайлик. У қуйидаги бирикмаларда кела олиши мумкин:

ўз хоҳиши билан
Комилжон — акаси илтимос қилгани учун — хатни ёзди
менинг қистовим билан

Лекин *Мен хатни ёздирдим* гапида ҳаракат, яъни ёзиш кимнингдир сабабчилиги на-тижасида содир бўлгани англашилиб турибди. Демак, орттирма нисбат шакли феъл ифода-лаган ҳаракат кимнингдир таъсири остида бажаришини ифодалаб, феълнинг луғавий маъ-носини муайянлаштириб келади. Шунингдек, муайянлаштириш лексик воситалар билан ҳам амалга оширилиши мумкин эди. Масалан: *Онаси Моҳинурга уйни супуртирди*. Бу мазмунни қуйидаги гаплар билан ҳам бериш мумкин. *Онасининг илтимосига кўра / гапига кўра/тазйиқи остида/ сабабчилигида/ ундаши билан Моҳинур уйни супурди*.

Луғавий шакллар ҳамиша сўзларнинг луғавий маъносига таъсир этади, шунинг учун жаҳон тилшунослигида луғавий шакллар сифатида ажратилган сон, нисбат, бўлишли-бў-лишсизлик, сонларнинг, олмошларнинг маъновий турлари, сифат даражалари сўз ясалиши ва форма ясалиши орасидаги мунозара бўлиб келмоқда.

Нисбат шакллари, тартиб сонлар, отларнинг кичрайтириш шакли, шунингдек, сифат даражаларининг сўз ўзгартириш ва сўз ясашга муносабати тилшуносликнинг азалий муам-моларидан биридир. Бу масалани ҳеч қачон узил-кесил ҳал этиб бўлмайди. Том моҳияти билан луғавий шакллар тилшуносликнинг сўз ясалиши ва сўз ўзгартириш тизимлари орасидаги оралиқ учинчидир. (11)

Морфологик шакллар бўйича замонавий тилшунослигимизнинг сўнгги ютуқлари асосида амалга оширилган муҳим тадқиқотлар сифатида Б.Менглиев, Ш.Шаҳобиддинова ва Б.Баҳриддиновалар ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ш.Шаҳобиддинова грамматик шаклларнинг эмпирик таҳлил усуллари асосида ўрганилган ва бевосита кузатишда берилган хусусий грамматик маноларини босқичли мавҳумлаштириш асосида умумлашти-риш йўли билан умумий грамматик маносини тиклаш усулини тавсия этди ва сон кате-горияси шакллари мисолида уни амалда синаб, ҳар шакл ва категория умумий грамматик маъноси зиддиятли иккиланган, яни маъновий ва синтактик жиҳатларнинг диалектик бу-тунлигидан иборат эканлиги ҳақидаги қарашларни илгари сурди. (15) Б.Менглиев эса диа-лектик зиддиятли моҳияти асосида тилшуносликдаги шаклларнинг синтактик-носинтак-тиклик белгиси асосида бўлиниши, ҳамда ҳар бир МШ маъновий жиҳати билан бирга син-тактик имкониятга ҳам эгаллигини илмий асослади. Бунда тадқиқотчи синтактик хусусият тушунчасини анъанадагидан кенгроқ, лексемаларнинг валентлик имкониятларига таъсир қилиши, мустақил содда гапларнинг бирин-кетинлик муносабатларини ифодалаш даража-сига кенгайтди (16) ва бундай қарашларини кейинги тадқиқотларида тўла асослаб берди. Б.Баҳриддинова унинг ишларини давом эттириб грамматик шаклларнинг барчаси семан-тик табиат ва синтактик имкониятга эгаллиги, уларнинг айримларида луғавий маънони мо-дификациялаш, айримларида гап қурилишида иштирок этиш хусусияти моҳиятни белги-лаш даражасида бўлиши, айримларида эса ҳар икки жиҳат муштараклигини илгари суриб, ўз фикрларини сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шакллари мисолида исботлаб, ўзбек тили грамматик шаклларини уч гуруҳга – луғавий шакллар, синтактик шакллар, луғавий-синтактик шаклларга бўлиб таснифлаш мақсадга мувофиқлигини асослаб берди. (17)

Равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари тизимини кузатишлар шуни кўрсат-дики, мазкур шакллардаги луғавий ва синтактик имконият бирдек мутаносибликда эмас. Шаклнинг луғавий маънога таъсири кучайиши билан унда синтактик қобилят (турлаш) кучсизланиб боради. Равишдош шаклларида феълни феълга тобелантириш имкони кучли, бироқ аташ семасига таъсир нисбатан кучсиз. Сифатдошлар ҳар икки жиҳатнинг бирлиги билан “оралиқ учинчи” мақомига эга бўлади. Ҳаракат номи шаклларида аташ семасига таъ-сир анча жиддий, айрим ўринларда у от ясалиши сифатида қаралади, аммо феълни бошқа сўзлар билан алоқага киритиш имконияти тамоман сўниб боради.

Семантика, хусусан, сўз семантикаси бўйича қўлга киритилган ютуқлар бевосита яхлит система сифатида амал қилувчи тилнинг узвий қисми бўлган морфологик шакллар талқини бўйича ҳам муайян вазифаларни адо этишни зарур қилиб қўймоқда. Луғавий шакл ҳосил қилувчи сифатида талқин этилган ўзгаловчи категорияси шакллари, юқорида таъкидланганидек, ўзига хос мураккаб табиатга эга бўлиб, уларнинг серқирра моҳияти луғавий шаклларга ҳам, синтактик шаклларга ҳам берилган таърифларни гўё чигаллаштириб юборади. Чунки у ҳар икки сирага хос бўлган хусусиятни ўзида сақлайди ва шу хусусияти билан бу икки қарама-қарши сатҳлар орасида туташтириш – узлуксизлик мавжуд эканини исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мах. мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. – Т.: Фан, 1972.-610 б. – Б. 66-67.
2. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юрлари учун. 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 399 б.
3. Усмонов С. Морфологические особенности слова в современном узбекском языке: Автореф. дисс. док. филол. наук. – Т., 1964. – 50 с.
4. Ғуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. – Т.: Фан, 1953. – 28 б.
5. Vamberu H. Das Dschagotaischi Spach studiev. 1869.
6. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. М., 1958. – 80 с.
7. Поливанов Е.Д. Краткая грамматика узбекского языка. – Т., – М.: Туркпечать, 1926. – 124 с.
8. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Лексикология. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – 180 б.
9. Нигматов Х.Г. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков // Сов.тюркология. 1976. – №3. – С. 31-36.
10. Назарова С. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент 1997, – 21 б.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada o'zbek tili grammatik kategoriyalarining mohiyatan morfologik, sintaktik va morfologik-sintaktik tabiatga ega ekanligi xususida so'z yuritilib, morfologik-sintaktik kategoriya – fe'lning o'zgalovchi kategoriyasining ichki paradigmalari ochib beriladi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье идет речь о том, что грамматические категории узбекского языка имеют по своей сути морфологический, синтаксический и морфолого-синтаксический характер, раскрываются внутренние парадигмы морфолого-синтаксических категорий глагола.

SUMMARY

This article deals with the fact that the grammatical categories of the Uzbek language are inherently morphological, syntactic and morphological and syntactic in nature, the internal paradigms of the morphological and syntactic categories of the verb are revealed.

Наширға проф. Б.Менглиев тавсия этган

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ ТИЛИ ЛИНГВОПОЭТИК ТАЛҚИНДА

Шодмонова Д.Э. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *шеърий нутқ, сўзларнинг маъновий, ифодавий, тарихий/замонавий даражаланиши, лисоний ва нутқий кўчма маъно, сўзнинг семантик ва эмоционал даражаланиши, коннотатив даражаланиши, поэтик бўёқдорлик.*

Ключевые слова: *поэтическая речь, семантическая, эмоционально-экспрессивная, историческая окраска слов, языковое и речевое переносное значение, коннотативная окраска, поэтическая окраска.*

Key words: *poetic speech, semantic, emotionally expressive, historical coloring of words, linguistic and speech figurative meaning, connotative coloring, poetic coloring.*

Ҳар қандай шеърӣ асар матни ҳам, аввало, индивидуал нутқий системадир. Шеърӣ нутқ индивидуаллиги шунда яққол кўзга ташланадики, унда жамият ижтимоӣ психологиясининг шахсий инъикоси, ижтимоӣ тафаккурнинг “кичрайган” кўриниши шоирнинг иқтидори, кайфияти, жамият идеалларига муносабати, тил лисоний имкониятларидан фойдаланиш малакаси (тил билими), ҳаёт тажрибаси ва нутқ шароити билан яхлитлик касб этади. Бу эса шоир феноменининг бетакрорлигини таъминлайди. Бу яхлитлик ва унинг ҳар бир узви Абдулла Орипов шеъриятида айрича хусусияти билан ажралиб туради. Улардан бири ҳақида сўз юритишга тўғри келганда, албатта, қолганлари ҳам таҳлилга тортилади. Зеро, система унсурлари, аввало, ажралмас, диалектик боғлиқликда яшайди.

Инсонни ҳайвондан фарқлаб (Алишер Навоӣ), уни айрича мақом мартабасига кўтарган тил нафақат кишилар учун алоқа-аралашув воситаси, шоир Абдулла Орипов таъбирича, ўткир маънавий қуроли ҳамдир. Абдулла Орипов шеърларини ўқир экансиз, гоҳ ипакдай майин, гоҳ мушки анбардек ифорли, гоҳ ханжардек кескир сўз ва маъно уйғунлиги ҳамда сўзнинг синтактик ва мантӣқий позицияси ўзгачалигига амин бўласиз. Шу маънода шоир “Эҳтиёж фарзанди” китобида “дарҳақиқат, маълум дид ва савияга эга бўлмаган ижодкор адабиётнинг биринчи элементи бўлган тилнинг ўзидаёқ кимлигини билдириб кўяди”, деб ёзади.

Шоир она тили имкониятларидан фойдаланиш ва баъзан уни кенгайтиришда дақиқона изланади. Инжулар тизмасидек жилоланган она тили луғат бойлигини ботиний кўз билан кўра олган шоир “кўзлари қамашган ҳолда” ҳар бир сўзни чертиб-чертиб танлайди, тафаккур тарозусида ўлчайди. Сўз танлашдек оғир жараёндаги машаққатлари ҳақидаги ижодкорнинг бир фикрини келтириш ўринли: “Она сайёра” шеъримда “*Бир зумлик безовта ўйлар сўнгида, яна рухсоринга термуламан жим*” деган сатрлар бор. Унинг дастлабки нусхаларида *безовта* сўзи ўрнига *ташвишли*, *гамгин* ва шунга ўхшаш сўзларни ишлатгандим. Аммо назаримда, улар жойига тушмагандек туюлаверди. “Қанақа сўз топсам экан? деб анча бош қотирдим...”

Шоир Абдулла Орипов шеърияти ўзининг қатор хусусияти билан ажралиб туради. Ифода усулларининг оригиналлиги, бадий ташбеҳларга асосланувчи образли, таъсирчан ифоданинг замирида залворли мантӣқ ётиши, бу мантӣқнинг лўнда, ҳар қандай сунъий безакдан холи, ихчам шаклда юзага чиқиши кабиларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу шаклнинг воқе бўлишида, албатта, аввало, шоирнинг диди, тафаккури ва ўткир нигоҳининг уйғун мутаносиблигини кўраимиз. Бу сўзларнинг маъновий, ифодавий, тарихий/замонавий даражаланиши, лисоний ва нутқий кўчма маънода ишлатилиши, бадий образга мувофиқ ифода танланишида яққол кўзга ташланади. Шоир, айниқса, ҳар қандай бадий ифодада сўзнинг семантик ва эмоционал даражаланишини теран ҳис этади. Масалан, *шамол*, *шабада*, *ел*, *сабо* градуонимик қаторида *ел* ва *сабо* сўзлари бадий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Кўринадики, қаторда семантик ва коннотатив даражаланиш кузатилади. *Шабада* сўзи эса *шабада*, *шаббода* вариантыда фақат коннотатив даражаланиш хусусиятга эга бўлиб, уларнинг денотатив қиймати бир хилдир. Шоир сўзлардаги бу имкониятдан зукколик билан фойдаланади.

*Шовуллади тун бўйи шамол,
Қалдироқлар кўчди ларзакор.
Шивирладинг ёнимда хушҳол:
«Яна келди, дўстгинам, баҳор».*

(Яна келди, дўстгинам, баҳор)

Мисраларда *шамол* сўзи *шовулламоқ*, *қалдироқ*, *кўчмоқ*, *ларзакор* сўзи билан семантик уйғунлик касб этган. Аслида *шамол*, *шовулламоқ*, *кўчмоқ* сўзлари умумистеъмол бўлиб, поэтик қиймат жиҳатидан бетараф. Аввало матндаги гап бўлаклари инверсияси, қолаверса, *қалдироқ*, *ларзакор* сўзларининг эмоционал бўёқдорлиги мазкур сўзларга шундай хусусият берган. Кўринадики, бадий бетараф сўз бадий эмоционал бўёқдор сўз билан

синтактик-синтагматик муносабатда бўёқдорлик касб этган. Буни нутқий поэтик бўёқдорлик дейиш мумкин.

Шоирнинг “Куз хаёллари” шеърида ел сўзи ана шундай хусусият касб этган:

*Қорайганда узоқ тоғларнинг қори,
Боғларга чўкканда оқшомги туман,
Совуқ куз елидан жунжусиб, нари
Очиқ айвон остин этганда маскан,
Дўстгинам, хаёлан қучаман сени,
Хазон даврасида кутаман сени.*

(Куз хаёллари)

Шаббода сўзи тонг чоғи, латиф, ёввош, нашъу намо сўзи билан “таносуб” қўлланган. Бу сўзлар ёрдамида ундаги бадийлик янада бўрттирилган:

*Тонг чоғи шаббода кўтаради бош,
Оҳ, нечоғ латифу нечоғлик ёввош,
Асли қаҳратоннинг набираси у,
Нашъу намолари ҳозирча эзгу.*

(Баҳор тилаклари)

Шаббода сўзи аслида луғавий маъносига кўра қаҳратон сўзи билан антонимик эмас, балки нисбий даражаланиш касб этади. *Эпкин - насим - ел - сабо - шабада - шамол - бўрон – тўфон* даражаланиш қаторидаги сўзлар икки белги асосида зидланади. Биринчиси “оқим тезлигининг кучига кўра” бўлса, иккинчиси “совуқлик хусусиятининг ошиб бориши” дир. Иккинчи белги асосида қаторга қаҳратон сўзини ҳам киритиш мумкин. Демак, маълум бўладики, шоир қаҳратон сўзини *шаббода* сўзига зид қўйишда (тазод ҳосил қилишда) уларнинг нисбий семантик даражаланишига таянади.

Шаббода ва *шамол* сўзларидаги семантик (оқим кучи) ва ифодавий (бўёқдорлик) даражаланишдан эса ружуъ санъати ҳосил қилишда фойдаланади.

*Баҳор бу – энг тоза шаббодадир бу,
Баҳор бу – энг тоза шамолдир демек.
Кенгликлар бағрига ураман ўзни,
Кўзимга кўрингай дилбар диёрим.*

(Баҳор шамоли)

Абдулла Орипов “Юзма-юз” шеърида *меҳнаткаш, заҳматкаш, ишпараст* сўзларининг коннотатив даражаланишидан унумли фойдаланади. Қуйида ушбу шеърдан олинган парчаларга диққат қилайлик:

*Юлдузлар, билмайсиз менинг халқимни,
Бундайин заҳматкаш ер юзида кам.
Елда тиним бордир, унда йўқ тиним,
Шундай ишпарастдир у мунисганам.*

Шоир мазкур учала сўзни қўллаган ҳолда, китобий услубга хос *меҳнатсевар* сўзини қўлламайди. Адиб ижодида қўлланган *ишпараст* сўзига тўхталар экан, тадқиқотчилар И.Ғаниев ва Н.Афоқовалар шундай фикрни билдиришади: “Ахир дунёда тенгсиз меҳнаткаш халқимиз бор...” деб фахр этган шоир, елда тиним бўлса-ю, халқида тиним бўлмаса, уни шунчаки *меҳнаткаш* деса, *заҳматкаш* сўзидаги оғир, машаққатли меҳнатни бажарувчи маъноси англашилмай қоларди-да. Шунингдек, *меҳнатсевар* сўзида *ишпараст* сўзидаги маънони ифодалаб бўлмайди: сўзнинг *-параст* қисмида нарсага, ҳолатга ўта берилганлик, унга эътиқод қилиш маъноси ҳам бор. Шуни назарда тутиб адиб барча неъматлар манбаи – МЕҲНАТга ниҳоятда фидойи халқини мадҳ этувчи сўз ижод қилади. *Ишпараст*дан олдин келтирилган *шундай* сўзи (шу қадар, шунчалик, шу даражада маъноларида) мантиқий урғу олиб, фикрни янада кучайтиради.”¹

¹Ғаниев И., Афоқова Н. Тил фидойиси / Озод рух фалсафаси. – Т.: Фан, 2006. – Б. 132.

*Йўқ, рангпар бўлмасин ҳеч ким ҳам, йўқ, йўқ!
Сингиллар полвондай юрсинлар бардам.
Ва лекин табиат бермайди ҳуқуқ
Полвон деб уларни унутмоққа ҳам...
Сенинг қаторингда она халқ бордир:
Сен каби **меҳнаткаш**, сен каби суюк.*

Даражаланиш нуқтаи назаридан (“ифодавийликнинг ортишига кўра”) бу уч бирлик қуйидаги муносабатда бўлади: *меҳнаткаш – захматкаш – ишпараст*. Шоир *меҳнаткаш* сўзига ҳам *ишпараст* сўзидаги қимматни бериш учун матнда *суюк* сўзи билан синтактик-синтагматик муносабатга қўяди. Бу билан умумистеъмол сўзи қўлланиб, *ишпараст* окказионал сўзининг қайтарилмаслиги, пировардида, унинг матндаги поэтик куввати заифлашмаслигига эришилади.

Тил қурилишининг анъанавий талқини кўп ҳолда уни ташкил этувчи бирликнинг шартли ажратилишига асосланган. Хусусан, нутқни товуш, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси ва гапга ажратиш, тилни эса фонетика, морфемика, лексика, синтаксис каби сатҳга бўлиб ўрганиш ва ўргатиш - бунинг ёрқин далили. Бироқ тилшунослик тараққиётининг муайян бир даврида бундай йўл тутиш зарур бўлиб, бу босқич ютуғи кейинги тараққиёт пилла-поеси учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Бугун ўзбек тилшунослиги ўз тарихида улкан ютуқни қўлга киритиб, ўзининг “шартли ажратиш” босқичидан “систем яхлитлик” поғонасига кўтарилди. Тилни бир бутун яхлитликда олиш, “шартли ажратилган” сатҳнинг нутқда аслида бир-бирига сингиб, қоришиб, чирмашиб кетганлигидан келиб чиққан ҳолда уни боғлаб ўрганиш, тадқиқ қилиш, сатҳнинг воқеланишида бир-бирига таъсир даражаси ва қамровини аниқ далил билан ифода-далаш, тилнинг системавийлиги ҳақидаги декларатив эътирофдан асосли далилга ўтиш – давр талаби. Бу нафақат тилшунослик фанининг, балки унинг амалий аҳамиятини яққол намоён қиладиган она тили таълимининг ҳам муҳим концептуал асосидан бири.

Бугунги кун ўқувчиси тилнинг ички имкониятини статик мавжудлик сифатида мукамал эгаллаш имкониятига эга. Зеро, она тили дастури ва унга мувофиқ келадиган дарслик ва қўлланманинг ҳам мақсаду вазифаси шунга қаратилган.

Тилни “воқеланган имконият”, “имкониятли воқелик” сифатида ўрганиш она тили таълими тамойилидан бири бўлмоғи лозим. Бу кўп ҳолда тилнинг бадий асардаги нутқий воқеланиши, яъни лингвопоэтик хусусияти сифатида юзага чиқади. Зеро, ўқувчи тилнинг бой имкониятини унинг бошқа услубидан кўра бадий услубда кўпроқ кўриш ва таҳлил қилиш имкониятига эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 2000.
2. Ғаниев И., Афоқова Н. Тил фидойиси / Озод рух фалсафаси. – Т.: Фан, 2006. – Б. 132.

РЕЗЮМЕ

Абдулла Орипов шеърининг ўзининг қатор хусусияти билан ажралиб туради. Ифода усуллари-нинг оригиналлиги, бадий ташбеҳларга асосланувчи образли, таъсирчан ифоданинг замирида залворли мантиқ ётиши, бу мантикнинг лўнда, ҳар қандай сунъий безакдан холи, ихчам шаклда юзага чиқиши кўрсатилган ва бунда шоир маҳорати очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

Поэзия Абдуллы Арипова характеризуется рядом особенностей. Оригинальность методов выражения, рациональная логика образного, впечатляющего выражения, основанного на художественной метафоре, проявление этой логики в компактной, без каких-либо искусственных приукрашиваний, форме – в этом проявляется мастерство поэта.

RESUME

The poetry of Abdullah Aripov is characterized by a number of features. The originality of the methods of expression, the rational logic of a figurative, impressive expression based on an artistic metaphor, the manifestation of this logic in a compact form, without any artificial embellishment, form - this is the skill of the poet.

Наширға проф. Б.Менглиев тавсия этган

РАЗГОВОРНАЯ И ПРОСТОРЕЧНАЯ ЛЕКСИКА В ТВОРЧЕСТВЕ В.М.ШУКШИНА КАК СРЕДСТВО ХАРАКТЕРИСТИКИ ПЕРСОНАЖЕЙ

Шомурадова О. (КарГУ)

Ключевые слова: Интернет, персонаж, разговорная речь, диалект, словообразование, говоры, язык, экзотика, лексика, стилистика, метафора, литературные слова.

Таянч сўз ва иборалар: Интернет, характер, сўзлашув нутқи, диалект, сўз ясалиши, диалект, тил, экзотика, лугавий бирлик, услуб, метафора, адабий тилга оид сўз.

Key words: Internet, character, colloquial speech, dialect, word formation, dialects, language, exotic, vocabulary, style, metaphor, literary words.

В XXI веке современное общество живет в быстром темпе. Сейчас всем хочется как можно быстрее получить нужную для себя информацию. Самым доступным источником является Интернет. В наше время мало кто читает книги, в особенности художественную литературу. «Война и мир», «Отцы и дети», «Преступление и наказание» – все эти произведения стоят на книжных полках, покрытые толстым слоем пыли. Все считают классическую литературу нудной и скучной. Но ведь люди не подозревают, что классика – это захватывающий мир образов, чувств и переживаний. Каждый писатель привнес в мировую литературу свой вклад. Каждый из них описывал свою эпоху, пользовался разными литературными приёмами. Например, советские писатели обогащали свои произведения разговорными словами для того, чтобы передать атмосферу того времени и той жизни. Именно поэтому автор данной работы решил выявить многообразие использования разговорных слов в творчестве В.М. Шукшина как средства характеристики персонажей, ведь именно Василий Макарович Шукшин является одним из известнейших писателей, который не боялся просторечных выражений и очень ярко и доступно описывал жизнь русского народа. Просторечные слова характерны для разговорной речи. Они служат характеристиками явления в кругу бытовых отношений; не выходят за пределы нормы литературного словоупотребления, но придают речи непринужденный характер. Просторечие свойственно нелитературной городской разговорной речи, содержащей в себе немало недавних диалектных слов, слов разговорного происхождения, новообразований, возникающих для характеристики разнообразных бытовых явлений, словообразовательных вариантов нейтральной лексики. Просторечное слово используется в литературном языке как стилистическое средство для придания речи оттенка шутливого, пренебрежительного, иронического, грубоватого и т.д. Часто эти слова являются выразительными, экспрессивными синонимами слов нейтральной лексики.

Просторечие – одна из форм национального языка, наряду с диалектной, жаргонной речью и литературным языком. В 60-е годы в критике появились высказывания, что язык Шукшина страдает чрезмерной употребительностью нелитературной лексики. Это мнение легко опровергнуть, выявив достоверное количество просторечно-диалектных слов в полном словаре активной лексики писателя.

В подходах к использованию народно-разговорного слова Шукшиным можно усматривать продолжение на новом этапе пушкинской традиции повышения статуса элементов разговорного языка, а неповторимый шукшинский стиль может служить свидетельством изменений речевой стихии последней трети XX века, что доказывается автором данной работы по материалам исследования. Исследования, проведенные автором работы, можно использовать на уроках литературы при изучении творчества В.М. Шукшина.

В процессе наблюдения над языком писателя можно увидеть, что В.М. Шукшин в своих работах неоднократно обращался к проблемам языка художественной литературы. Одной из составляющих в теории языка художественной литературы он выделял «живой» язык, который предполагает использование запасов народной речи. Именно с народной языковой культурой тесно связано искусство слова Шукшина. Для него народно-разго-

ворное слово - не экзотика, а во многих случаях единственно верное, «правдивое» слово, составляющее как бы плоть и кровь персонажа; «лучше, чем сказал народ, ... не скажешь».

Народно-разговорный язык является основной особенностью произведений В.М. Шукшина. Живительным источником творчества для него стала алтайская деревня, а говор села Сротки отразился во многих его произведениях. По воспоминаниям односельчанки Василия Макаровича, учительницы Надежды Алексеевны Ядыкиной, «слова, характерные для сибирского говора, были из уст матери, с ними он вырос»

В составе народно-разговорной лексики выделяются, кроме разговорных, просторечные и диалектные слова. Просторечная лексика в прозе Шукшина занимает значительное место (около 1200 единиц по подсчетам исследователя). Писатель использует ее как яркое оценочное средство. Такие слова употребляются для наименования лиц, их характеристики, оценки другими персонажами: *бестолочь, бугай, вертихвостка, горлопан, лоботряс, побирушка, трепач, оглоед, верзила, дубина*. Нередко такие слова выносятся в название рассказов, что сразу привлекает внимание читателя: «Дебил», «Залетный», «Чудик», «Алеша Бесконвойный». Такую же функцию выполняют прилагательные, подчеркивающие какую-либо черту характера персонажа: *баиковитый, непутевый, незанозистый, шебутной* и др.; «да знаю я тебя, *тугоносого*, как ты просил» («В профиль и анфас»). *Тугоносый* – робкий, неразговорчивый. «Они все так, *запойники*-то: месяц не пьют, два, три, а потом все до нитки с себя спустят» («Мастер»). Самую большую группу среди просторечий составляют глаголы (около 700 единиц). Они называют физические действия (*сварганить, звездануть, дроболознуть, жогнуть*), состояния (*хорохориться вздрючиваться, загнуться, очокуриться*), характер речи (*долдонить, вякать, тараторить, орать*) и другие значения.

Просторечное слово отличается от литературного большей выразительностью, эмоциональностью, поэтому оно ярче характеризует человека, его поведение, отношение к людям и отношение к нему окружающих.

С такой же стилистической целью используется в художественном тексте диалектная лексика. Она к тому же является средством социальной характеристики, отражает особенности быта, образа жизни и деятельности персонажей. Без этого пласта лексики невозможно представить так называемую «деревенскую прозу», поэтому и встречаются диалектизмы в произведениях, отражающих жизнь сельчан. Одна из характерных черт повествовательной манеры писателя - умение кратко ввести читателя в события, погрузить его в самую суть дела. Так, он включает диалектное слово или выражение в название рассказа: «Сураз», «Халхаль», «Как помирал старик», «Космос, нервная система и шмат сала» и др.

Отражая быт старого сибирского села, в романе «Любавины» В.М. Шукшин употребляет такие диалектизмы: *крестовый дом, пятистенок, клуня, завозня, горница, куть*. Одежда, обувь, пища тоже характеризуют село: *лопотина, пимы, вытяжки* (сапоги с длинными голенищами), *опояска, лохматушки* (меховые рукавицы), *щерба, шаньги, блинцы, медовуха* и др.

В рассказе «Охота жить» диалектная лексика при описании жизни охотника отмечена в авторской речи и в речи персонажа. Среди диалектной лексики в прозе Шукшина тоже преобладают глаголы. Это объясняется их ведущей текстообразующей ролью в динамическом повествовании: *базланить, заполошничать, изладить, наторкать, навяливать, расхлобыстнуть* и др. Повышенную частотность имеют глаголы с суффиксом -ся, что характерно для сибирских говоров: *выгинаться, выкобениваться, глянуться, гуртоваться, разболокаться, пластаться, хорохориться*. Диалектная лексика, как и просторечная, обладает яркой экспрессией, эмоциональностью. Она выражает разные оттенки: пренебрежительности (*шашлычишко, людишки*), восторженности (красотень), увеличительности (*земледав*). Исследователи языка и стиля В.М. Шукшина отмечают, что грубовато-экспрессивная и бранная лексика занимает в его произведениях незначительное место. Герои его рассказов употребляют бранные слова только в минуты наивысшего эмоционального возбуждения («Волки», «Мой зять украл машину дров»). Дело в том, что в прозе Шукшина

почти нет плохих людей. Какие бы они ни были, ни к одному он не испытывает ненависти или неприязни - только любовь. Будучи среди сельчан с самого рождения, он сумел разглядеть такие черты русского народа, как глубокая культура, врожденная интеллигентность. Иное дело, когда создается персонаж с явно отрицательными чертами характера. Так, главные герои романа «Любавины» наделены самобытной, эмоционально яркой речевой характеристикой, изобилующей грубой и бранной лексикой. В самом начале романа автор подчеркивает отношение к ним односельчан: «Любавиных в деревне не любили».

Глава семьи Емельян Спиридонович «уважал в человеке только силу», его «лицо не выражало ничего, кроме презрения». Под стать ему и сыновья. Отношения между собой и с окружающими у них редко выходят за рамки грубовато-экспрессивных диалогов. Емельян называет детей не иначе, как *балда, боров, лоботряс, оболтус, образина, паразит, убивец, ублюдок*. Снохи – такие же: Фекла – *дура набитая, кобыла, толстомясяя*, Марья – *гадина, вишвота*.

Еще презрительнее и оскорбительнее его отношение к чужим людям: *змееныш, недоносок, слюнтяй* - Закревский, *гнида, козявка* – С.Ф. Попов, *паразит, туша сырого мяса* – Ф. Байкалов, *собака, гад ползучий* - Кузьма.

Региональная и просторечная лексика создает своеобразную достоверность, неповторимость, и Шукшин как истинно народный писатель, уроженец сибирской деревни стремился и в языке к максимальному сближению со своими героями. Сам он так говорит о своей манере письма: «Как будто пером вытаскиваю из бумаги живые голоса людей».

Однако неверно утверждать, что только просторечная и диалектная лексика делает речь народной. В.М. Шукшин употребляет для характеристики персонажей и литературные слова, но с переносным, метафорическим значением. В этом случае он использует название предметов (*сибирский валенок, ботало коровье, пень дремучий, дупло, шляпа, скважина*), что создает яркий образ: «Сундук плетеный – не баба» (жадность). «Скважина ты кривоносая» (болтливость). Используется с этой целью и зоосемная лексика (название животных, птиц, насекомых): *баран, бугай, жеребец, журавль, жук навозный, козявка, козел* и т.п.

Таким образом, Василий Макарович Шукшин – великий писатель. О нем нельзя говорить в прошедшем времени, потому что память о писателе живет в сердцах людей. Его произведения актуальны и по сей день. Герои его рассказов и повестей – обычные люди. И сейчас, читая произведения писателя, каждый может разглядеть в его персонажах себя, потому что В.М. Шукшин использует разговорные слова как средство характеристики героев. И именно этот народный язык дает им возможность высказаться.

Использованная литература

1. Василий Макарович Шукшин, Мгновения жизни / В.М.Шукшин, Г.Кострова, А.Быков. – М.: Молодая гвардия, 1989. – 108 с.
2. Василий Макарович Шукшин, Калина красная. Киноповести и рассказы / В.М. Шукшин. – М.: Эксмо, 2010. – 624 с.
3. Даль В.И. Толковый словарь Русского языка. Современная версия / В.И. Даль, Е. Грушко, И. Сауков. – М.: Эксмо, 2007. – 736 с.

РЕЗЮМЕ

Маколада атокли рус ёзувчиси В.М.Шукшин ижодида персонажлар характерини очишда унинг сўз кўллаш маҳоратининг моҳияти очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье подчеркивается роль диалектных и просторечных слов в характеристике персонажей известного русского писателя В. М.Шукшина.

SUMMARY

The article emphasizes the importance of dialect words of the famous Russian writer V.M. Shukshin in his work.

Рекомендовано к печати проф. Б.Менглиевым

НУТҚДА ЛИСОНИЙ ВА НОЛИСОНИЙ ОМИЛЛАР МУШТАРАКЛИГИ МАСАЛАСИ

Раҳматуллаева Ш. (ҚарДУ),
Жўраева М.А. (Қарши шаҳар 36-мактаб)

Таянч сўз ва иборалар: *социал омил, психик омил, прагматик омил, диффуз бирикма, нутқий система, лисоний ва нолисоний унсурлар, нутқнинг таъсирчанлиги, прагматик мулоқот.*

Ключевые слова: *социальный фактор, психический фактор, прагматический фактор, диффузное сочетание, речевая система, языковые и нелинейные элементы, чувствительность речи, прагматическое общение.*

Key words: *social factor, mental factor, pragmatic factor, diffuse combination, speech system, linguistic and non-linear elements, speech sensitivity, pragmatic communication.*

Нутқ жараёнида лисоний ҳодисалар бир қатор – этник, миллий, социал, тарихий, этик, эстетик, фалсафий, маданий, психик омиллар билан бирикиб, мураккаб динамик системани ҳосил қилади.

Лисоний бирликларни нутқий қўллаш ҳар доим нолисоний – социал-психик ва прагматик омиллар билан бевосита ва узвий боғлиқ бўлганлиги учун тилни жамият билан диалектик яхлитликда ўрганувчи социал лингвистика ўз ўрнини лисоний бирликларнинг нутқда қўлланиш хусусиятлари ва уни воқелантирувчи омилларни ўрганувчи махсус фан – социолингвистикани вужудга келтирди.¹ Лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш эҳтиёжи кучайиши билан ўтган асрнинг 70-йилларидан эътиборан социолингвистика ғарб тилшунослигида фаннинг янги ва илғор парадигмаси сифатида етакчи ўринга чиқди.

Социолингвистик тадқиқотлар лисоний бирликларни амалда қўллаш нутқ шароити, воситаси ва ҳоказо каби прагматик ҳодисалар билан, балки ҳар бир халқ, миллат, хатто, социумнинг ўзлари учун одатга айланган маданияти, урф-одатлари, этикетлари, расм-русумлари узвий боғлиқ эканлигини, нутқ ана шу прагматик ва социал омиллар яхлитлигидан иборат алоҳида ва қайтарилмас жонли система эканлигини кўрсатмоқда.

Тил лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши мураккаб ва кўп қиррали жараён, у барча инсоний фаолиятлар каби гетероген ҳодисаларнинг диффуз бирикмаси сифатида намоён бўлади. Унинг бундай сифати Арасту давридан бери барча тилшунослар томонидан эътироф этиб келинаётган бўлса-да², ҳар бир давр тилшунослиги зиммасида ўзига хос ижтимоий вазифалар турганлиги боис, фанимиз тараққиётининг олдинги асрларида асосан эътибордан четда қолиб келди. Айрим фанлар, хусусан, психология, тилшунослик ва психология туташувида шаклланган нутқ фаолияти назарияси фанларида нутқнинг ҳосил бўлишидан олдинги психик жараёнларга кўпроқ эътибор қаратилиб, бевосита нутқий фаолият жараёнининг ўзигача “этиб келинмади.”³ Барибир, нутқий фаолият жараёнида лисоний ҳодисаларга ҳамроҳлик қиладиган нолисоний – социал, ментал, психик ҳодисаларнинг роли ва ўрни вазифаларини тадқиқ қилиш лингвистлар эътиборини кутиб қолаверди.

Умумий психологияда нутқ кишиларнинг тил воситасида моддий қайта ишлаш фаолияти натижасида тарихан шаклланган мулоқот шакли сифатида қайд этилади. У ўз ичига мулоқот мақсадида ёки (айрим ҳолларда) ўз фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш мақсадида ахборот узатиш ёки қабул қилиш (таҳлил) жараёнини англатади. Нутқ икки субъектнинг нутқий ифодани шакллантирувчи ва уни қабул қилувчи универсал мулоқот воситаси, яъни мураккаб ва ўзига хос ташкил этилган онгли фаолият шакли сифатида қаралади.

¹Лингвистический энциклопедический словарь. Гл.ред. В.Н.Ярцева. – Москва: Сов. Энциклопедия. – С. 481-482.

²Готт В.С., Семенюк Э.Д., Урсул А.Д. Категории современной науки (становление и развитие). -М.: Мысль, 1984., -268 с.; Каган М.С.Человеческая деятельность. -М.: Наука. 1974. – С. 4-5.

³Готт В.С., Семенюк Э.Д., Урсул А.Д. Категории современной науки. -М.:Мысль, 1984. – С. 17.

Ҳар қандай фаолият муайян мақсадни кўзлашга, бунинг учун муайян ҳаракат ва ҳаракат воситаларини танлашга, шароитни ҳисобга олишга йўналтирилади. Фаолият жараёнида олинган натижани мўлжалланган режа билан қиёслаш, кези келганда, уни ўзгартириш имконини берадиган назорат ва тузатиш механизмлари қўлланадиган ҳаракат режасини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бу нутқий фаолиятда лисоний ва нолисоний омиллар мувофиқлиги талаби билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, нутқий фаолият дастлаб нутқий интенциянинг англаниши ва уни амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш босқичини босиб ўтади. Фаолият кечими бошдан-оёқ кутилган натижани қўлга киритишга қаратилган бўлади. Бу уни амалга оширишни режалаштириш ва назорат қилишни талаб қилади.

Ҳар қандай инсоний фаолият амалий аҳамияти ва самараси билан эътиборга молик. Нутқий жараён ҳам инсоний фаолият бўлганлиги учун мулоқот нутқи самараси ҳам нутқнинг таъсирчанлиги, маълум бир мақсадга эришганлиги билан белгиланади. Азал-азалдан нутқ адресантни ва унинг мақсадини адресатга таништирувчи асосий омил эканлиги таъкидлаб келинади. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”нинг “Сўзлаш авломи гапирими?” деб номланган махсус бобида “Киши сўзламаса, унинг ўзлигини ҳеч ким ҳам таниёлмас эди”¹ деган ғояни илгари суриши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун мулоқот жараёнида адресант адресатга ўз нутқи ёки мулоқот жараёни орқали ўзини ва ўз мақсадини танитади. Мулоқот жараёнидан, албатта, маълум бир мақсад кўзланади. Мақсад эса прагматик ва социал омилларнинг лисоний ҳодисалар билан уйғунлашуви натижасида рўёбга чиқади.²

Нутқий система бошқа моддий ёки номоддий системаларда бўлгани каби марказ ва қуршов воситаларидан иборат бўлиб, ҳар доим марказий унсурлар қуршов унсурларини уюштиради³. Нутқий система ҳам лисоний ва нолисоний унсурлардан иборат прагматик система бўлиб, унинг марказий унсурлари сифатида лисоний вербал восита намоён бўлади.⁴

Олима Г.Тоирова прагматик системанинг марказ ва қуршов унсурлари ҳақида гапирар экан, эътиборини қуйидаги лавҳага қаратади:

- *Мавлоно, бир кимса хузурингизга кирмоқчи.*

- *Ким?*

- *Кийми увада, ўзи баҳайбат бир йигит. “Жиянлари бўламан”- деди, аммо мен сиздан берухсат киргизмадим.*

- *Жияним? Шошманг-чи! – деб мавлоно ўрнидан турди. Яланг оёғига чарм ковуш кийиб, ярим очиқ дарвозанинг олдига борди.*

Олча тўни ҳам, оёғидаги чанг босган чориги ҳам йиртилиб кетган новча бир йигит кўзлари ялтираб, кулимсираб унга қараб юрди. Қадам олишиши, қараши жуда таниш. Йигит:

- *Мулла тоға! Ассалому алайкум!, - деб кучоқ очганда, мавлоно унинг овозини таниди-ю:*

- *Тоҳир! Тоҳиржон- деб, у билан қучоқлашиб кетди.*⁵

“Бу мисолдан кўриниб турибдики, мулоқот жараёнининг ядровий марказий унсури лисоний омил бўлиб, шу тизимнинг бошқа элементларига нисбатан асосий хусусиятла-

¹Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. 2-нашр. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.196-197.

²Тоирова Г.И. Нутқий мулоқот ситуатив прагматик система сифатида: Филол.фанлари номз. ...дисс. –Бухоро, 2010. 101. –Б.

³Юнусова З.Ўзбек тилида луғавий микросистема ва унинг тараққиёти: Филол.фанлари номз. дисс. ...автореф. – Т., 2004. – 25 б.

⁴Тоирова Г.И. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Филол.фанлари фалсафа доктори (PhD) ...дисс. –Тошкент. 2017.– Б. 101.

⁵Қодиров П. Сайланма. Уч жилдик. Учинчи жилд. Юлдузли тунлар. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.3.

рини ўзида яширган имплицит шаклда мужассамлашган. Мулоқот лисоний бирлигини танлаш эса ўша коммуникант, аниқроғи, адресант сўзловчининг шахсияти, руҳияти, савияси, ёши, жинси ва ҳоказолар билан боғлиқ. Демак, прагматик мулоқот тизимининг тавсифида биз шахс коммуникантнинг мулоқот учун аҳамиятли томонларига таянсақ, бу тизимни тўғри тавсифлай оламиз. Нутқий мулоқотнинг прагматик системаси марказини лисоний вербал воситалар ташкил қилса, новербал – лисоний, этик, эстетик, этнографик ва бошқа таркибий қисмлар лисоний вербал ҳодиса информатив қийматини мустаҳкамлаб, шарҳлаб, тўлдириб, такомиллаштириб, қисман такрорлаб келади.”¹

Нутқий прагматик системада аксарият ҳолларда лисоний вербал ҳодисалар нолисоний ҳодисаларга нисбатан устувор аҳамиятга эга бўлади. Бироқ айрим ҳолларда прагматик системада вазият талаби, коммуникантлар ўзаро мулоқотининг сифат ва хусусиятига боғлиқ равишда нолисоний ҳодисалар устуворлашиши мумкин. Қуйидаги матнда адиб новербал воситанинг қанчалик кудрат касб этишини, муайян бир вазиятда уларнинг вербал воситадан устуворликка эга бўлишини социал ва миллий-ментал омиллар билан боғлаган ҳолда тасвирлайди:

БХШР (Бухоро халқ шўро республикаси) нозири тадбири билан тоғ қишлоқда аксилнқилобчилар ва ҳукумат қўшинлари орасида ёлгон битим маросими – ҳукумат аскарларини гафлатга солиш ва кўққисдан уларга ҳужум қилиш мақсадида – ярашиш зиёфати ўтказилади. Маросимни ташкил этган шахс уйида Санжар ботир, унинг комиссарлари, шу ҳудуддаги аксилнқилобчиларнинг қўрбошилари иштирокида катта зиёфат уюштирилади. Зиёфатда дастурхон беҳад тўкин-сочин ва бой бўлади. Зиёфатдан чиққач, Санжарнинг маҳаллий шароит ва удумларни яхши билган ҳамроҳи командирга шу кечанинг ўзидаёқ марказдан ёрдам сўраш ва кучли ҳужумни қайтаришига тайёрланиш лозимлигини айтади. “Нимага?” деган саволга у шундай жавоб беради: “Эътибор бердингизми, дастурхон беҳад тўкин-сочин ва бой эди. Лекин дастурхонда нон йўқ эди. Ўзбек олдида нон қўйган одамга хиёнат қилмайди – зиёфатчиларда нонни ўртага қўйиш нияти йўқ. Аксилнқилобчиларнинг олдимизга нон қўймаганлиги уларнинг бизга ҳақиқий дўст эмасликларидан гувоҳлик беради. Иккинчидан, биз уйга кирганда, уй эгаси қўлларини қовуштириб ерга эгилиб таъзим қилган бўлса ҳам, “Ассалому алайкум” ёки “Валайкум” демади. Демак, у дўстлик ва садоқатга қасам ичмади”. (М.Шевердин)

Дастурхонга нон қўйилмаслиги ҳам салом берилмаслигидан иборат икки нолисоний омил коммуникантларнинг бир-бирига муносабатини аён ифодалайди. Нолисоний омилларнинг бундай “тилга кириши” лисоний омиллар мавқеининг вақтинча сусайиши эвазига таъминланган.

Кўринадики, нутқий системада лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорликда “иш кўради”. Лисоний омилларнинг кучайиши нолисоний омилларнинг сусайишига, нолисоний омилларнинг устуворлашуви эса лисоний воситаларнинг “исроф бўлиши”га йўл қўймайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тоирова Г.И. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Филол.фанлари фалсафа доктори (PhD) ...дисс. –Тошкент, 2017.– Б. 157.
2. Юнусова З. Ўзбек тилида луғавий микросистема ва унинг тараққиёти: Филол.фанлари номз. дисс. ...автореф. – Т., 2004. – 25 б.
3. Қодиров П. Сайланма. Уч жилдлик. Учинчи жилд. Юлдузли тунлар. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 3.

РЕЗЮМЕ

Мақолада лисоний ва нолисоний омиллар муштараклиги илмий далиллар асосида ёритиб берилган.

¹Тоирова Г.И. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Филол.фанлари фалсафа доктори (PhD) ...дисс. –Тошкент, 2017.– Б. 101.

РЕЗЮМЕ

В статье дается обзор сочетания лингвистических и нелинейных факторов на основе научных данных.

SUMMARY

The article provides an overview of a combination of linguistic and non-linear factors based on scientific evidence.

Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган

«МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН» – ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ГУЛТОЖИ

Жумаев Т. (ҚарДУ), Жумаева К. (Қарши шаҳар 30-мактаб)

Таянч сўз ва иборалар: *араб тили, форс тили, туркий тил, синоним, омоним, парадигма, сўз қўллаш маҳорати.*

Ключевые слова: *арабский язык, персидский язык, турецкий язык, синонимы, гармония, парадигма, речевые навыки.*

Key words: *arabic writing, persidian writing, turkic writing, synonyms, harmony, paradigm, rechevye navyki.*

Ўзбек адабий тилининг юзага келиши, гуллаб-яшнаши, равнақ топиши ва унинг барча имкониятларини юзага чиқиши учун беқиёс хизмат қилган буюк “асадайн” Мир Алишер Навоий ўз саъй-ҳаракатларини «Муҳокама тул-луғатайн» асарида жамлади, асарни ёзар экан, икки тилни: туркий ва форс тилларини чоғиштириб, ўз халқига ва бошқа халқларга туркий тилнинг олий даражадаги тиллардан бири эканлигини, унда ҳам гўзал асарлар битиш мумкинлигини исботлаб берди.

Адиб бу асарида инсонни улуғлар экан, унинг бошқа мавжудотлардан фарқи сўз эканлигини ва унинг кимлиги каломи орқали намоён бўлишини қуйидаги мисраларида келтириб ўтади:

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,

Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Навоий мазкур асарида сўзнинг жони маъно эканлигини, унинг ифодаси учун тилга сўз келиши ва ундан мантиқ фаҳм этилишини таъкидлаб, араб, туркий ва ҳиндий асл тилларнинг манбаи эканлигини уқтиради ҳамда уларнинг келиб чиқиш тарихини келтиради:

Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлғай, бу ушовнинг авлод ва атбои орасида шойиъ бўлди... Чун арабий тил ва мақол била калом ва ҳиндий алфоз била музахрафоти нофаржом, бири гояти шараф ва улви манзиладин ва бири ниҳояти наҳусат ва дунуви мартабадин орадин чиқтилар. Қолди туркий алфоз била мақсуд адоси ва форсий иборат била калом маъноси¹.

Бу уч тилдан араб тилини мўъжиза жилвалантирувчи тил деб билади, чунки Аллоҳнинг мўъжизалар каломи – Қуръони Карим шу тилда битилган. Ҳиндий тилни синиқ қалам тили деб, ҳиндча сўз билан оқибати хайрли бўлмаган қалбаки нарсалар битилганлигини айтиб ўтади.

Навоий туркийлар ҳақида тўхталар экан, улар форслардан тезфаҳмроқ, софроқ ва покроқ яратилганлигини, бу икки тилни қиёслагандагина камол ва нуқсон хусусиятларига кўра тафовутлари кўзга ташланишини алоҳида мисоллар ёрдамида далиллайди:

Андоқ малум бўлурки, турк сортдин тез фаҳмроқ ва баланд идрокроқ; ва хилқати софроқ ва покроқ махлуқ бўлбтур ва сорт туркдин таакқул ва илмда дақиқроқ ва камол ва

¹ Алишер Навоий. Муҳокама тул-луғатайн. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев ва Ойбек. – Б. 114.

*фазл фикратида амийқроқ зуҳур қилибдур ва бу ҳол туркларнинг сидқ ва сафо ва туз ниятидин ва сортларнинг илм ва фунун ва ҳикматидин зоҳир дурур.*¹

Алишер Навоий даврида кишиларни юксак эзгу мақсадлар сари чорловчи асарлар асосан форсий тилда ёзилар ва фақат бу тилни билган кишиларгина ундан баҳраманд бўлар эдилар. Туркий тилда сўзлашувчи оддий халқ эса ундан бебаҳра қолаверар эди. Ўша даврда ўзбек шоирларининг форс тилида ижод қилишларининг бир нечта сабаблари бор: биринчидан, бу даврга қадар ўзбек тилининг назарий асослари ишлаб чиқилмаган, қонуниятлари яратилмаган эди, иккинчидан, шу туфайли аксарият ижодкорлар ўзбек тилининг ички имкониятлардан беҳабар эдилар, учинчидан, форслар ўзбек тилига ноқис тил деб қарар эдилар. Шунинг учун буюк мутафаккиримиз ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва маданий талабларидан келиб чиқиб, ўзбек тилининг ҳам жуда бой тил эканлигини, унда ҳам гўзал байтлар ёзиш мумкинлигини исботлаб «Муҳокаматул-луғатайн» асарини битди.

Алишер Навоий мазкур асарида ўзбек ва форс тилларини қиёслар экан, ўзбек тилининг имкониятлари форс тилиниқига қараганда анча кенглигини, ўзбек тилида мавжуд сўз ва қўшимчалар форс тилида йўқлигини ва аксарият форслар ҳам баъзи сўз ва қўшимчаларни ўзбеклардан олишини айтиб ўтади. Масалан: келишик шакллари ўзбек тилида бор, форс тилида эса йўқ. Ёки «-ч», «-чи» унсури ҳақида сўз борар экан, бу қўшимча сўз охирида келиб ё мансабнинг, ё ҳунарнинг, ё касб эгаларининг отини ясайди², дейилади:

Яна бир адалари борки, баъзи алфознинг сўнгида «ч, и» ки, «чи» лафзидур, ортурлар, ё мансабнинг ё ҳунарнинг ё пешанинг изҳори учун; форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар.

*Ҳунар ва пешада андоқки, қушчи ва борсчи ва қўруқчи ва тамгачи ва жибачи ва йўргачи ва ҳалвочи ва кемачи ва қўйчи. Андоқки, қуш ҳунарида доғи бу истилоҳ бордур, андоқки, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушқончики, сорт лафзида йўқтур. Ва алар мазкур бўлгонларнинг кўпин туркча айтурлар*³.

Шунингдек, баъзи сўзларнинг, яъни феълларнинг охирида «-ч» ҳарфининг орттирилиши натижасида иш-ҳаракат тезлиги ёки яқунланганлигини билдиришини айтиб, бундай сўзлар ҳам форсларда йўқлигини кўйидаги мисоллар орқали далиллайди: *Ва баъзи алфознинг охирида бир «чим» ҳарфи васл қилурлар*⁷ *ва анинг била ул фильда суърат йўсунлуқ ирода қилурлар. Андоқки, тегач ва айтгач ва боргач ва ёргоч ва топқач ва сотқач...*⁴

Шунингдек, сифатнинг орттирма даражасини ифодалаш учун сўзнинг бошида «п» ёки «м» ҳарфи орттирилади: *оп-оқ, қап-қаро, қип-қизил, сап-сариг, юп-юмалоқ, яп-ясса, оп-очуг, чуп-чуқур*, бу навъ хили ҳам топилур, „мим“ мисоли: *кўм-кўк, ям-ямил, бўм-бўз*; баъзи сўзларга «вов» ва «лом» ҳарфини қўшиш орқали ҳарбий соҳага оид сўзлар яшаш мумкин: *ҳировул, қаровулу чингдовул ва янковулу сўзовул ва патовулу китповул ва ясовулу баковул ва шиговулу дақавул* ким, алар мундин улвийдурлар, яъни бундай сўз яшаш усуллари форсларда йўқдур.

Адиб бу асарида туркийларда ажиб мақсадлар ифодаси учун ишлатиладиган юзта феълни келтириб, буларнинг ҳеч қайсиси форсларда сўз ясамаслигини, ҳар бир туркий сўзни форс тилида ифодалаш учун бир нечта сўз ёки сўз бирикмасидан фойдаланишга тўғри келишини «ичмоқ» ва «йиғламоқ» феъллари ва уларнинг синонимлари орқали тушунтириб беради⁵.

¹ Ўша ерда.

² Бу ясовчининг Алишер Навоий асарларида маҳсулдорлигини Ғ.Абдурахмонов А.Рустамовлар ҳам қайд этишади, қаранг: Абдурахмонов Ғ. Рустамов А. Алишер Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. – Б. 78-79.

³ Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев ва Ойбек. – Б. 126.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Бафоев Б. Алишер Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент, 1983. – Б. 126.

«Муҳокаматул-луғатайн»да бевосита туркий адабиётда юзага келган, форсийларда учрамайдиган туюқ жанри ва унда қўлланувчи тажнис санъати ҳақида, шунингдек, тажнисни юзага келтирувчи омоним ва пароним сўзлар ҳақида тўхталиниб, *от* сўзининг тўрт маъносини:

*Чун парию ҳурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.*

келтирса, *ит, туш, ён, ёқ* сўзларининг уч, *бор* сўзнинг тўрт, *согин, туз, кўк* сўзларининг беш хил маъноси изоҳланади. Буюк “маликул-калом”, айниқса, *кўк* лафзининг маъноларини янада ёрқин ва равшан ифода этади:

“... Ва *кўк* лафзин ҳам неча маъни била истиъмол қилурлар. Бири *кук* – осмонни дерлар. Яна *кўк* оҳангдур. Яна *кўк* теграда *кўк*ламдур. Яна *кўк* қадоғни ҳам дерлар. Яна *кўк* сабза ва ўлангни доғи дерлар”¹.

Навоий мазкур асари орқали туркий тилнинг чексиз имкониятларини жуда кўп далиллар билан исбот қилдики, адибнинг беҳисоб тухфалари бунинг далилидир. Ҳазрат Навоийнинг бу асари ўз тили билан айтганда, «...*дали фидойилиги учун бу ерни ташлаб ўтиб кетишига қўймади ва томошасига кўзларим тўймади. Туркий тил олами фазосида истеъдодим лашкари мардона ҳужумлар уюштирди; у осмон ҳавосида хаёл қуши баландпарвозликлар кўрсатди ва у хазина жавоҳирларидан замирим заршуноси бебаҳо лаъл ва қимматбаҳо тоза гавҳарлар олди. Ва у гулиан чаманзорларидан кўнгил гул терувчиси беҳад ва ниҳоятсиз хушбўй ифор таратиб турган гул ва ёсуманни қўйнига солди*».²

Фойдаланлган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев ва Ойбек. – 188 б.
2. Абдурахмонов Ғ. Рустамов А. Алишер Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. – 154 б.
3. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев ва Ойбек. – 192 б.
4. Бафоев Б. Алишер Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент, 1983. – 174 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада «Муҳокаматул-луғатайн» асарининг тил хусусиятлари ҳамда Алишер Навоийнинг эски ўзбек тили имкониятларига бўлган муносабати баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются лингвистические особенности книги «Муҳокаматул-луғатайн» и отношение Алишера Навои к возможностям староузбекского языка.

SUMMARY

The article discusses the linguistic features of the book “Mukhokamatul-Lugatayn” and the attitude of Alisher Navoi to the possibilities of the old Uzbek language.

¹ Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев ва Ойбек. – Б. 129.

² Ўша жойда.

**ТИПИЧНЫЕ ЗАТРУДНЕНИЯ УЧАЩИХСЯ-УЗБЕКОВ В ПРОЦЕССЕ
ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ**

Базарова Н.Ш. (КарГУ), Шодиева Ш.Д. (АЛКИЭИ)

Ключевые слова: сопоставительный анализ, обучение, типичные ошибки, грамматические категории, окончание, существительное, прилагательное, глагол, времена глагола.

Таянч сўз ва иборалар: қиёсий таҳлил, ўқитиш, типик хатолар, грамматик категория, сўз ўзгартирувчи қўшимча, от, сифат, сон, феъл замонлари.

Keywords: a comparative analyses of, mtraining, typical erros, grammatical categories, the end of the, noun, the adjective, verb, verb tenses.

Знания о системообразующих факторах различных языков и, прежде всего, своего родного обогащают человека. Все познается в сравнении, действительно, понять и оценить свое культурное языковое наследие легче при сопоставлении с другими языковыми системами.

Особое внимание следует обращать на упражнения, дающие учащимся правильные зрительные образы орфограмм, так как, в отличие от русского школьника, нерусский ребенок в большинстве случаев «идет» от зрительного образа к слуховому. Однако при этом следует избегать механического заучивания образов отдельных слов, так как орфографический навык является наиболее прочным лишь тогда, когда он выработан на сознательной основе.

Перейдем к характеристике типичных затруднений учащихся-узбеков в процессе обучения русскому языку. Русский и узбекский языки относятся к типологическим различным группам, но, несмотря на это, между ними можно отметить и общие черты, облегчающие изучение и освоение русского языка. Например, наличие ряда общих гласных и согласных фонем, а также значительное количество слов с одинаковыми корнями, прочно вошедших в словарный фонд обоих языков.

В этих сопоставляемых языках слово состоит из двух значимых частей: из корня и аффикса. По своей морфологической структуре узбекский язык, как и все тюркские, относится к агглютинативному типу языков. В языках этой типологии, и в узбекском языке, словообразование, формообразование и словоизменение производятся путем агглютинации, то есть присоединения к корню словообразующих, формообразующих и словоизменяющих аффиксов.

Сравнивая алфавит, мы видим, что узбекский алфавит отличается количественно от русского наличием пяти букв, которых нет в русском алфавите.

В русском языке ударение не только свободное, но и подвижное. При словопроизводстве и словоизменении оно может переходить с одного слога на другой. В коренных узбекских словах ударение падает на последний слог.

Изменение по временам – одна их характерных грамматических категорий, как в русском, так и в узбекском языке, отличающая глагол от других частей речи. В русском языке эта категория присуща только глаголам изъявительного наклонения, тогда как в узбекском языке временные различия в соответствующих им формах мы находим и в сослагательном наклонении. Между категориями времени русского и узбекского глагола много общего и близкого. Это значительно облегчает учащимся усвоение времен русского глагола и, при умелом преподнесении и закреплении их, дает учителю возможность отводить больше времени на выработку навыков практического пользования пройденным материалом, употребления изученных форм учащимися в своей речи.

В начальных классах учащиеся приобретают навыки составления связных рассказов. При выполнении уже этой работы учащиеся будут учиться ставить глагол в прошедшем и

настоящем времени, в единственном и множественном числе. На первых уроках, посвященных общему понятию о глаголе как части речи, следует давать такие упражнения, которые будут способствовать различению форм одного времени от другого времени. При этом такие практические навыки целесообразно прививать путем наблюдений. Объекты наблюдения могут быть разные:

- в первую очередь, это – правильная речь учителя, который четко и ясно произносит формы всех времен, лиц и числа глагола;
- чтение текста, нахождение в нем глаголов и определение их времени (устно, а при списывании – подчеркивание и объяснение их);
- упражнение на списывание данных текстов с изменением времени (из прошедшего времени – в будущее, или из будущего – в настоящее);
- вопросы и ответы, например: «Что ты делал вчера?», «Что ты делал сегодня?», «Что ты будешь делать завтра?»;
- составление небольших параллельных связных текстов на различные темы.

Особенного внимания требуют к себе родовые окончания глаголов прошедшего времени. Как известно, в узбекском языке нет категории рода, поэтому ученику, привыкшему и про отца и про мать говорить «писал», и в голову не приходит дифференцировать слова «писал-писала».

С категорией рода учащиеся знакомятся при изучении имени существительного, а затем они получают практические навыки употребления глаголов прошедшего времени с именами существительными всех трех родов. Это во многом облегчает работу над усвоением родовых окончаний глагола. Однако со стороны учителя еще требуется очень большая работа для выработки у учащихся твердых навыков согласования глаголов прошедшего времени с существительными разных родов. Поэтому работу по привитию навыков согласования надо начать уже с того урока, когда дается общее понятие об изменемости глагола, а особенно углубленно проводить ее в дальнейшем на тех уроках, которые будут посвящены специально прошедшему времени.

Путем разнообразных устных и письменных упражнений, учитель должен добиваться полного осмысления учащимися трех времен русского глагола и знания их форм, а также приобретения ими некоторых практических навыков, на что особенно нужно будет обращать внимание при изучении каждого времени в отдельности.

Учащиеся-узбеки особенно хорошо запоминают глагольные окончания, правильно пишут их, когда слышат ударные окончания, но затруднения для них представляет правильное написание безударных окончаний. Дело в том, что определение спряжения глагола по окончанию III лица множественного числа, не всегда эффективное и для русских ребят, мало приемлемо для узбеков, особенно на первых порах.

Для узбека безразлично написать «хвалят» или «хваляют», «держат» или «держут», поэтому необходимо ориентировать учеников на определение спряжения по неопределенной форме. Кроме того, целесообразно заучить глаголы I и II спряжений. При этом необходимо различными путями облегчить запоминание этих глаголов. Здесь большую помощь может оказать наглядность.

При изучении глаголов прошедшего времени большого внимания к себе требует выработка твердых навыков правописания гласного перед суффиксом «-л»: *видел, готовил, белел, белил*. Ошибки среди учащихся-узбеков на эти орфограммы встречаются довольно часто.

Для того, чтобы облегчить учащимся усвоение этой орфограммы, полезно указать на некоторое сходство форм прошедшего времени с формами инфинитива, на то, что какой гласный стоит в инфинитиве перед суффиксом «-ть», такой же остается и у формы прошедшего времени перед «-л», а инфинитив многих глаголов учащимися усваивается при заучивании глаголов I и II спряжений. Проведение параллели между инфинитивом и формой прошедшего времени в данном случае дает эффективные результаты.

Наблюдая за русской речью учащихся узбекской национальности, можно заметить, с одной стороны, употребление в речи вместо будущего времени – формы настоящего времени («завтра читаю») и, с другой стороны, почти полное отсутствие форм будущего простого времени.

Первое явление, несомненно, объясняется влиянием родного языка. В узбекском языке формы настоящего времени (*бораяпман – иду*, *қайтаяпман – возвращаюсь*) в значении будущего времени употребляются гораздо чаще, нежели в значении настоящего времени, а в значении настоящего времени более употребительны деепричастные сочетания, обозначающие настоящее данного момента: (*ўқиб туриб*, буквально – *читая, нахожусь*). На усвоение правописания личных окончаний настоящего и будущего простого времени следует давать большое количество тренировочных упражнений, примерно такого характера: наблюдение над личными окончаниями глаголов в тексте, а при списывании – подчеркивание их; дописывание нужных окончаний; разнообразные диктанты, закрепляющие личные окончания глаголов; глаголы, данные в тексте в одном лице, поставить в другом лице. Эти виды работ дают благоприятный материал и для развития речи.

Как при прохождении любого раздела глагола, так и настоящего времени можно вести разнообразную словарную работу: разбор глаголов в читаемом тексте, выписывание из текста глаголов I и II спряжений в два столбика; подбор глаголов-синонимов или глаголов, по значению объединяемых в одну группу, например, глаголов движения (*иду, бегу, ползу, лечу, мчусь*), глаголов речи (*говорю, рассказываю, беседую*); подбор глаголов, обозначающих действия людей, животных и составление с ними предложений; рассказы устные и письменные по картинкам, о себе, других народах, о городе.

При обучении учащихся русскому произношению путем бессознательного подражания правильной речи учителя далеко не всегда можно достигнуть необходимых результатов. Подобный метод приводит к хорошим результатам только в том случае, если ребенок обладает хорошим слухом и достаточным языковым чутьем. Но чаще всего при этом методе происходит замена русских звуков звуками родного языка. Из гласных наиболее своеобразным является звук [э], напоминающий гласный во втором слоге русского слова «*нужен*». Однако в отличие от русского он может быть ударным.

Долгота и краткость гласных довольно сложным образом связаны с некоторыми качественными их различиями; и то, и другое сильно видоизменяется по диалектам и крайне непоследовательно отражается на письме.

подавляющее большинство слов состоит из одного, двух или трех слогов; в трехсложных словах ударение падает на первый или второй слог; в двухсложных – всегда на первый.

Таким образом обучение русскому языку нерусских учащихся на сегодняшний день является одним из важнейших и актуальных проблем. Этой теме посвящена довольно много работ по разным тюркским языкам, в частности и в узбекском языкознании. Эти языки относятся к различным типам языков, т.е. русский к флективному, а узбекский к агглютинативному. И поэтому у учащихся-узбеков возникают типичные ошибки в процессе обучения русскому языку. В этой статье мы рассмотрели некоторые из них. Результаты работы свидетельствуют, что обучение русскому языку нерусских, продолжает оставаться необходимым и актуальным.

Литература

1. Абсаматов, С.Б. Структурно-семантические особенности синтаксических единиц со значением сравнения: Дисс. канд. филол. Наук. – Ташкент, 1996. – 23 с.
2. Бабенко Л.Г. Филологический анализ текста. Основы теории, принципы и аспекты анализа: учебник для вузов. – М.: Екатеринбург: Академический Проект; Деловая книга, 2004. – 463 с.
3. Валгина, Н.С. Теория текста: учебное пособие для студентов вузов. – М.: Логос, 2003. – 279 с.
4. Карпов А.К. Современный русский язык. Морфология. – М., 2002. – 119 с.
5. Щербак А.М. Введение в сравнительное изучение тюркских языков.–СПб.: Наука, 1994.– 92 с.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются типичные затруднения учащихся-узбеков в процессе сопоставительного анализа грамматики русского и узбекского языков, а также некоторые их сходства и различия.

РЕЗЮМЕ

Мақолада рус ва ўзбек тилларининг қиёсий таҳлили жараёнидаги типик қийинчиликлар ҳамда уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида фикр юритилади.

SUMMARY

This article discusses common difficulties students-uzbeks during comparative analysis of Russian and Uzbek language grammars as well as some of their similarities and differences.

Рекомендовано к печати д.п.н. Р.Шадиевым

ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ В ВУЗЕ

Элмурадова Л.Н. (КарГУ)

Ключевые слова: *активные методы, интерактивные методы, инновации, обучение, высшая школа, высшее учебное заведение.*

Таянч сўз ва иборалар: *фаол метод, интерфаол метод, инновация, ўқитиш, олий мактаб, олий таълим.*

Key words: *active methods, interactive methods, innovations, training, higher school, higher educational institution.*

Происходящие в стране процессы на современном этапе обуславливают подготовку высококвалифицированных специалистов различного профиля. Применение активных форм обучения в преподавании гуманитарных дисциплин обусловлено рядом причин: во-первых, студенты должны не только получить определенные знания, но и уметь применять их в конкретной практической ситуации. Такие формы учебного процесса, как «кейс-метод», «деловые игры», «круглые столы» значительно активизируют учебный процесс. Они способствуют активному взаимодействию студентов и преподавателей. Для совершенствования и активизации учебного процесса в высшей школе большое значение имеет знание и учёт тех особенностей вузовского обучения, которые обуславливают необходимость перестройки у студентов сложившихся в школе стереотипов учебной работы и вооружение их новыми умениями и навыками учебно-познавательной деятельности.

Формирование активного обучения студентов одно из средств развития познавательной деятельности. Применение на практике проблемного и развивающего обучения привело к возникновению методов, получивших название «активные». Свой вклад в развитие активных методов обучения внесли А.М. Матюшкин, Т.В. Кудрявцев, М.И. Махмутов, И.Я. Лернер, М.М. Леви. Но в связи с тем, что данные исследования по активным методам проводились в основном на материале школьного обучения, что затруднило внедрение активных методов в вузе, так как требовалась определенная адаптация для теории активных методов к вузовскому дидактическому процессу. Надо отметить, что А.М. Матюшкин в своих работах не только обосновал необходимость использования активных методов во всех видах учебной работы студентов, но и ввел понятие диалогического проблемного обучения как наиболее полно передающего сущность процессов совместной деятельности преподавателей и студентов, а также их взаимной активности в рамках «субъект-субъективных» отношений [2, с.129]. Активные методы обучения побуждают студентов к активной мыслительной и практической деятельности в процессе овладения учебным материалом. Предполагается использование такой системы методов, которая направлена главным образом не на изложение преподавателем готовых знаний, их запоминание и вос-

произведение, а на самостоятельное овладение студентами знаниями и умениями в процессе активной мыслительной и практической деятельности. Особенности активных методов обучения состоят в том, что в их основе заложено побуждение к практической и мыслительной деятельности, без которой нет движения вперед в овладении знаниями. Появление и развитие активных методов обусловлено тем, что перед обучением встали новые задачи: не только дать студентам знания, но и обеспечить формирование и развитие познавательных интересов и способностей, творческого мышления, умений и навыков самостоятельного умственного труда. Активное обучение отличается от обычного обучения рядом особенностей, к которым, прежде всего, относится активизация мыследеятельности студентов путем формирования специальных условий, которые способствуют этой активизации независимо от их желания. Активное обучение - представляет собой такую организацию и ведение учебного процесса, которая направлена на всемерную активизацию учебно-познавательной деятельности обучающихся посредством широкого, желательного комплексного, использования как педагогических (дидактических), так и организационно. Эти методы программированного обучения, проблемного обучения, интерактивного (коммуникативного) обучения. Следует лишь подготовить, что во время занятия от преподавателя требуется гораздо больше активности и творчества, чем тогда, когда оно проходит пассивно, в форме пересказа вычитанных в книгах или давно известных истин. Интерактивные методы будут иметь наибольший эффект не только обучающийся, но и воспитательный, когда преподаватель будет влиять на обсуждение не только высказываний научно-аргументированной точки зрения, но и выражением своего личного отношения к проблеме, своей мировоззренческой и нравственной позиции. Формы участия преподавателя в дискуссии студентов могут быть самыми разнообразными, но ни в коем случае не навязыванием своего мнения. Лучше всего это делать путем тонко рассчитанного управления ходом дискуссии, через постановку проблемных вопросов, требующих продуктивного мышления, творческого поиска истины. Это, как показывает практика, возможно тогда, когда преподаватель высказывает свою точку зрения лишь в порядке извлечения выводов из высказываний студентов и аргументированного опровержения ошибочных суждений. Разумеется, его позиция может совпадать с мнениями студентов, поскольку они появились в результате наводящих вопросов преподавателя. Активных методов обучения в педагогике существует множество. Одним из таких является интерактивный метод.

Хотелось бы уточнить само понятие интерактивных методов обучения. Слово «интерактив» от английского слова «interact». «Inter» – это «взаимный», «act» – действовать. Интерактивный – означает способность взаимодействовать или находится в режиме беседы, диалога с чем-либо (например, компьютером) или кем-либо (человеком). Интерактивное обучение – это, прежде всего, диалоговое обучение, в ходе которого осуществляется взаимодействие преподавателя и студента. Суть интерактивного обучения состоит в том, что учебный процесс организован таким образом, что практически все студенты учебной группы оказываются не только вовлеченными в процесс познания, но они имеют возможность понимать и рефлексировать по поводу того, что они знают и думают.

Таким образом, к методам интерактивного обучения могут быть отнесены: эвристическая беседа, метод дискуссии, мозговая атака, метод круглого стола, метод деловой игры, кейс-метод, конкурсы практических работ с их обсуждением и некоторые другие, применяемые отдельными преподавателями-энтузиастами активных методов обучения. Разумеется, каждый из них имеет не только ценность, но и свои особенности. Например, эвристическая беседа представляет собой метод, который получил название от восходящего к Сократу методу обучения «эвристика» (нахожу, открываю, отыскиваю). Поскольку по своей психологической природе эвристическая беседа принимается в основе своей за коллективное мышление или беседа (как поиск ответа на проблему), то в педагогике этот метод принято считать методом проблемного обучения.

Дискуссия, как метод обучения, стала применяться в последние годы, когда была провозглашена гласность и сняты запреты на плюрализм мнений не только по вопросам житейским, но и по проблемам теорий, политики, идеологии. Таким образом, названный выше метод представляет собой специально запрограммированное свободное обсуждение теоретических вопросов учебной программы, которые обычно начинаются с постановки вопроса. Причем, он используется на групповых формах занятий, семинарах, семинарах-практикумах, собеседованиях по обсуждению итогов выполнения заданий, на практических и лабораторных занятиях, когда студентам нужно высказаться. Иногда практикуются и лекции-дискуссии, когда лектор по ходу изложения материала обращается к аудитории с отдельными вопросами, требующими коротких и быстрых ответов. Дискуссия в полном смысле на лекции развернуться не может, но вопрос, вызвавший сразу несколько разных ответов из аудитории, уже создает психологическую атмосферу коллективного размышления и готовности внимательно слушать рассуждения лектора, отвечающего на дискуссионный вопрос с учетом сложившейся ситуации.

Метод «мозговой атаки» как метод обучения широко не применяется в практике вузовского преподавания. Хотя, его название родилось в системе управления и в сфере научных исследований. Этот метод широко применяется в экономической управленческой деятельности. Суть метода в поиске ответа специалистов на любую сложную проблему посредством интенсивных высказываний всевозможных приходящих в голову идей, догадок, предложений. Кроме того, «Золотым правилом» мозговой атаки является одно – ничего из произнесенного участниками разговора не подвергать сомнению, не критиковать, а обеспечить полную свободу высказываниям любых идей.

Особое внимание заслуживает, метод «деловой игры», который первоначально появился, как ни странно не в системе образования, а в практической сфере управления. Сейчас деловые игры применяются в исследовательской работе, в процессе проективных разработок, при коллективной выработке решений и в военном деле. В вузовской подготовке специалистов разного профиля деловая игра применяется чаще всего для обучения управленческой деятельности. Метод деловой игры как метод обучения заключается в учебном моделировании ситуации той деятельности, которой предстоит обучить студентов, чтобы на моделях, а не на реальных объектах обучать будущих специалистов выполнять соответствующие профессиональные функции [2;133].

Интерактивная деятельность на занятиях по менеджменту предполагает организацию и развитие диалогового общения, которое ведет не только к взаимопониманию, взаимодействию, к совместному решению общих, но и значимых для каждого участника задач. Дело в том, что в ходе диалогового обучения студенты не только критически мыслят, решать сложные проблемы на основе анализа обстоятельств и соответствующей информации, но и взвешивать альтернативные мнения, принимать продуманные решения, участвовать в дискуссиях и общаться с другими людьми. При применении интерактивных методов сильнее всего действует на интеллектуальную активность дух состязательности, соперничества, который проявляется, особенно тогда, когда люди коллективно ищут истину.

Таким образом, с развитием научно-технического прогресса, увеличивается объем информации, обязательной для усвоения. Информация быстро устаревает и нуждается в постоянном обновлении. Отсюда следует, что обучение, которое ориентировано главным образом на запоминание и сохранение материала в памяти, уже только отчасти сможет удовлетворять современным требованиям. Значит, выступает проблема формирования таких качеств мышления, которые позволили бы студенту самостоятельно усваивать постоянный поток новой информации, развитие таких способностей, которые, сохранившись и после завершения образования, обеспечивали человеку возможность не отставать от ускользающего научно-технического прогресса. Нужны новые методы и подходы в обучении,

которые могли научить студентов учиться, т.е. самостоятельно находить и усваивать нужную информацию. Роль преподавателя направлять и подводить итог проделанной работе студента, указывать на ошибки в процессе выполнения заданий.

Литература

1. Газизова Г. М. Использование методов интерактивного обучения как фактор успешного овладения студентами профессиональными компетенциями // Труды МЭЛИ: электронный журнал, – 2008, – №7. – С. 8. (<http://www.meli.ru/e-magazine/vipusk7.htm>).

2. Огольцова Е.Г., Хмельницкая О.М. Формирование активного обучения как средство развития познавательной деятельности студентов // Развитие качества высшего профессионального образования в современных условиях. Материалы региональной научно-практической Интернет-конференции, 2009. – С. 129-133.

3. Педагогика / Под ред. П.И.Пидкасистого. – М., 1995. – 320 с.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрена необходимость использования активных методов обучения в вузе. Была определена роль преподавателя и студента в учебном процессе. Предложены рекомендации по внедрению активных методов в учебный процесс.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий ўқув юртларида интерфаол методлари қўллаш тасниф этилган, шунингдек, ўқув жараёнида ўқитувчи, талаба орасидаги узвий фаолият таҳлил қилинган ва интерактив методларнинг самарали қўлланиши таклиф этилган.

SUMMARY

The article discusses the need to use active learning methods in high school. The role of the teacher and the student in the educational process was determined. Recommendations on the implementation of active methods in the educational process are proposed.

Рекомендовано к печати д.п.н. Р.Шадиевым

ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Раджабов М.Р., Нурманова М.С., Боймуратов Ф.Х. (ҚарМИИ)

Таянч сўз ва иборалар: *фазовий тафаккур, фазовий тасаввур, объектни таниш, фазовий белгилар, конструктив, фазовий образ, кўникмалар, ақлий ёндашув,*

Ключевые слова: *пространственное мышление, пространственное представление, распознавание объектов, пространственные обозначения, конструктив, пространственный образ, умение, интеллектуальный подход,*

Key words: *spatial thinking, spatial imagination be familiar with the objet, space characters constructive spatial image, skills, and mental approach.*

Юқори даражадаги фазовий тафаккурнинг ривожланиши умумтаълим фанларини ва махсус техника предметларини ўзлаштиришда энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Фазовий тафаккурнинг кенглиги кўпгина мутахассисликларга амалий фаолият учун тайёргарлик кўришда ҳам зарурдир.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ўқувчи-талабаларда фазовий тафаккур борасидаги кўникмаларнинг етишмаслиги мактабдан бошлаб ҳаттоки олий ўқув юртларини тугатгунга қадар ҳам давом этар экан. Бундан ташқари, ўрта мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиларининг ҳамда психолог, ўқитувчи-тадқиқотчиларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, талабалар мантиқий ва фазовий тафаккурга таяниб ечиладиган масалаларни ҳал этишни уддалай олмасликлари кузатилади.

Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, умумтаълим мактабларида фазовий тафаккурнинг оширилишига етарлича эътибор берилмаётгани холда, кўпроқ сўз-мантиқий фикрлашни кенгайтиришга қаратилган таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда. Шубҳа-

сиз, бу яхши, лекин ҳар иккаласини бирга олиб борилса, бола интеллектининг янада ошишига ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда, айтиш мумкинки, фазовий тафаккурни ривожлантириш жараёнини амалга ошириш тўлиқлигича ўрганилмаган. Мактаб ёшидаги болаларда уни тўлақонли шакллантириш шартлари етарлича маълум эмас. Ўқув фаолиятининг харктеридан келиб чиққан ҳолда фазовий тафаккурни ривожлантириш даражасини ҳар хил ёшдаги босқичларда таққословчи тадқиқотлар ҳанузгача етарлича ўтказилмаган.

Фазовий тафаккур ақлий фаолиятнинг кўриниши бўлиб, амалий ва назарий масалаларни ечишда фазовий образларни яратишни ҳамда улар билан ишлашни таъминловчи омилдир. Бу мураккаб жараёнда нафақат мантикий (сўз билан тушунтириладиган) амалиётлар, балки кейинги ҳаракатлар тафаккур асосида қурилади, объектни таниш, унинг шаклини ўзгартириш сўз-мунозара усулидан фарқли ўлароқ осон кечади.

Бу образлар системасида фикрлашга эришиш фазовий тафаккурнинг ўзига хослигини кўрсатади, унда образли тафаккурнинг асосий хусусиятлари намоён бўлади. Хусусан, фазовий образларни яратишда ва уларга таянган ҳолда, масалаларни (амалий, касбий, график) ечиш жараёнида фазовий саноқ системасини танлаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Фазовий тафаккур, жойни аниқлаш, нарсалар ва табиат ҳодисалари дунёсига оид амалий масалаларни ечишда асосий таркибий қисм бўлиб, образли тафаккурга нисбатан олдинроқ шаклланади, деб айтиш мумкин.

Ўқувчиларда фазовий тафаккур, фазовий тасаввурнинг шаклланишидаги муаммолар, юқорида зикр этилган жараёнларнинг маҳсули бўлиб, фазовий кўз олдида келтириш ҳисобланади, уларсиз эса чизмачилик фанини ўзлаштириш мумкин эмас.

Тасаввурнинг ривожланиши – чизмани ўқий ва туза олиш кўникмасига эга бўлишнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг билан бирга, чизмачиликни ўқитиш жараёни тасаввурни ривожлантиришнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу ерда етук мутахассисларнинг ижодий фикрни узатишда чизма энг қулай воситадир,¹ деб айтган фикрларини эслаш ўринли деб ўйлаймиз.

Узоқ назарий ва эксперименталь тадқиқотлар асосида, ўқувчиларда фазовий тасаввур, мукамаллик, англаб олганликлари, воқелик ҳамда илмийлик кўникмалари шаклланганлигини аниқлашда қуйидаги мезонларга амал қилинади:

- а) мавжуд воқеликда объектлар орасида берилган объектни англамоқ;
- б) тасвирлар орасида объектни англамоқ;
- в) мавжуд воқеликда сўз, тасаввур, тасвир ва объект орасидаги боғлиқликни ўрнатмоқ;
- г) объектни хаёлда тасаввур этиш (хотира тасаввури);
- д) хотирада тасаввур этишни амалга ошириш (сўз орқали, график, моделлар кўринишида);
- е) янги объектларни хаёлда яратиш (хаёлда тасаввур этиш);
- ё) хаёлда тасаввур этишни амалга ошириш (сўз орқали, график, моделлар кўринишида).

Бу кўникмалар асосида ўқувчилардаги фазовий тасаввурнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мумкин.

I даража (тўплаш). Фазовий белгилар ва нисбатларнинг тўпланиши ҳамда билиб, англаб олиниши. Ўқувчилар турли-туман фазовий тасаввурларни жамлайдилар, турли кўринишдаги фазовий объектларнинг алоҳида белги ва нисбатларини англашни ўрганадилар. Улар объектга ном бера оладилар, мавжуд воқеликдаги предметларни расмдан топа оладилар (1-4-кўникмалар).

II даража (эсда қолган нарсаларни тасвирлаш). Хотирада тасаввур этишни амалга ошириш. Ўқувчиларда уларга маълум бўлган фазовий белги ва нисбатларни тасвирлаш қобилияти (тасаввур қилишда, сўз орқали, расмда, моделлар кўринишида) ўсади. Уларда

¹ Қирғизбоев Ю. Чизма геометрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – Б. 3-5.

фазовий терминлар захираси сезиларли даражада кенгаяди. Сўз энди сигнал қийматига эга бўлиб, ўқувчиларда мувофиқлик тасаввурини чақиради (1–5-кўникмалар).

III даража (конструктив). Фазовий образни мустақил конструкциялаш-лойиҳалаш. Ўқувчилар шаклланган фазовий тасаввурлар асосида, сўзлар орқали таъриф бериш, сонлар ва расмлардан фойдаланган ҳолда янги тасаввурлар яратишади (1–5- кўникмалар, қисман 6-,7-кўникмалар).

IV даража (интеллектуал). Фазовий тасаввурга ақлий ёндашув. Ўқувчилар фазовий тасаввурнинг ва терминларнинг бой захирасига эга бўладилар, фазовий белгилар, нисбатларни англашда осонгина табақалашдилар. Улар бу даражага етишганларида, фазовий объектни хаёлан ҳаракатлантириш (симметрия, кўчириш, буриш) кўникмасига эга бўлиб, расмда уларнинг ҳаракатдан кейинги ҳолатини аниқлай оладилар(1–7-кўникмалар).

“Чизмачилик” курсининг асосий мақсади ўқувчиларни график саводхонликка ўргатишдан иборат. VIII – IX синф ўқувчилари мазкур курсни ўзлаштиришгач, мураккаб бўлмаган деталларнинг комплекс чизмаларини (эскизларини), яққол тасвирларини бажара олишлари, содда архитектура-қурилиш чизмаларини, оддий буюмларнинг кинематик ва электр схемаларини тушиниб, ўқий олиш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Курснинг муҳим вазифалари – ўқувчининг образли тафаккурини ривожлантириб, график воситалар ёрдамида амалга ошириладиган лойиҳалаш жараёнлари билан ҳам таънаштиришдан иборатдир.

Умумтаълим фани ҳисобланган “Чизмачилик” ижтимоий жараёнларга боғлиқ равишда ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Мактаб ўқувчиларини информацион ва маданий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда график саводхонликка тайёрлаш мукамаллаштирилиб, янгиланиб ва қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Чизмаларни ўқиш, фазовий тасаввур ва фазовий фикрлаш узвий боғланиб, кўриниш (проекция)ларга кўз югуртириб жисм (деталь)нинг қиёфасини кўз олдимиғизга келтиришга ҳаракат қилинади, яъни деталь кўринишларини синтез қилиб, барча кўринишлар бир ерга (яққол тасвир каби) йиғилади. Шундагина детални тўлиқ идрок қилиб, у тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлинади. Ҳар қандай жисм (деталь)нинг шакли геометрик жисмларнинг йиғиндисидан тузилган бўлади. Шу боис ҳар бир деталнинг шакли геометрик тушунчалар билан характерланади. Деталнинг шакли ҳақида аниқ бир фикрга келиш учун геометрик жисмлар ва уларнинг ўзаро боғланишлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Деталнинг кўринишлар чизмасини ўқиш жараёнида уни айрим геометрик жисмларга ажратиб, уларнинг ўзаро боғланишларини текшириш натижасида деталнинг ҳажми, қиёфаси онгимизда пайдо бўлади.

Чизмада барча кўринишларни таҳлил қилиш натижасида деталнинг фазовий қиёфаси гавдаланади. Деталнинг чизмада тасвирланган кўринишларига қараб унинг яққол тасвирини кўз олдига келтириш чизмаларни ўқиш дейилади. Чизмани ўқишни оддий геометрик жисмларнинг кўринишлари ўқишдан бошланади.

Шундай қилиб, чизмачиликни ўқитишдан мақсад, график маданиятга ундашдан иборат бўлиб қолмоқда:

- график тилни ўрганиш – мулоқот қилишни, буюмлар ҳақидаги информацияларни узатиш ва сақлашни турли хил методлар ҳамда уларни текисликда тасвирлаш усуллари ёрдамида амалга оширилади;

- турли хил мақсадларга мўлжалланган чизмаларни бажариш ва ўқиш қоидалари ҳамда усуллари ўзлаштириш;

- мантиқий ва фазовий тафаккур, статик, динамик фазовий тасаввур ривожлантириш;

- ижодий тафаккурни ва нарсаларнинг шакллари қайта тузишнинг элементар кўникмаларининг шаклланишини, уларнинг фазодаги ҳолати ҳамда жойини ўзгартириш кўникмаларини ривожлантириш.

Айтиб ўтилган қарашлар ўзаро боғлиқ ва бир бирини тақозо этадиган омиллар бўлиб, мактаб ўқувчиларини график саводхонликка тайёрлашда замонавий тасаввурларни очиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фролов С.А., Покровская М.В. В поисках начала. Рассказы о начертательной геометрии. – М.: Высшая школа, 1985. – 200 б.
2. Раҳмонов И. Чизмаларни чизиш ва ўқиш. – Т.: Ўқитувчи. 1992. – 294 б.
3. www.Ziyonet.uz
4. www.edu.uz

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактаб ўқувчиларининг график маҳорати муҳокама қилинади ва мактаб ўқувчиларининг график саводхонлигини яхшилаш ва оширишга қаратилган тавсиялар берилди.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждаются методы улучшения графических навыков школьников, а также предложены способы раскрытия современных идей, направленных на повышение графической грамотности школьников.

SUMMARY

This article discusses how to improve the spatial imagination of schoolchildren in graphic arts, and suggest ways to expose modern ideas in preparing graphics for schoolchildren.

Наиurga н. ф. д. Р.Шодиев тавсия этган

ОРГАНИЗАЦИЯ ВНЕКЛАССНОЙ РАБОТЫ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ В 6-8-КЛАССАХ УЗБЕКСКОЙ ШКОЛЫ

Каримов Б.П., Муратов Б. (КарГУ)

Ключевые слова: *внеклассная работа, индивидуальный подход, занимательность, межпредметная связь, познавательный интерес, мероприятие, коммуникативная культура школьника, упражнение.*

Таянч сўз ва иборалар: *дарсдан ташқари иш, индивидуал ёндашув, қизиқарли, интизомларро мулоқот, билимга қизиқиш, воқеа, талабаларнинг мулоқот маданияти, машқ.*

Key words: *extracurricular work, individual approach, entertaining, interdisciplinary communication, cognitive interest, event, student's communicative culture, exercise.*

В Госстандарте общего среднего образования отмечено: «Свободное владение русским языком должно стать нормой для молодежи, оканчивающей средние учебные заведения»¹. Такой уровень владения русским языком может быть достигнут лишь при комплексном использовании различных организационных форм учебной работы по русскому языку – различного типа уроков, факультативных занятий, внеклассной работы, индивидуальных самостоятельных занятий по самообразованию².

К специфическим принципам внеклассной работы в методической литературе относят принципы: взаимосвязи классных и внеклассных занятий, научной углубленности, практической направленности, занимательности, добровольности и равного права как сильных, так и слабых учащихся на участие во внеклассной работе, индивидуального подхода к каждому и развития творческих способностей, связи с внеклассной работой по родному языку.

¹. Госстандарт общего среднего образования. №5. Объяснительная записка. – С. 221.

² Там же.

Повышению интереса к внеклассной работе способствует занимательность. «Занимательность (но ни в коем случае не развлекательность) внеклассных занятий, – пишет Н. М. Шанский, – должна быть лишь педагогическим средством, но не целью работы»¹.

Занимательность внеклассной работы связана с формой ее проведения, выбором методов и приемов работы, с использованием ТСО и наглядности, интересных заданий, лингвистических игр, с привлечением интересных фактов.

Принцип равного права на участие во внеклассной работе всех учащихся требует сугубо индивидуального подхода к каждому ученику, оказания максимальной помощи, подбора специальных заданий, упражнений, форм работы для слабо владеющих русской речью.

Во внеклассных занятиях должны широко использоваться межпредметные связи. Такие связи осуществляются между русским и родным языками, русской и родной литературой. Можно использовать также знания, полученные на уроках иностранного языка, истории, географии. Например, учащиеся могут подготовить сообщение о порядке слов в предложении русского и изучаемого иностранного языка, о роде заимствованных существительных и т. д. Знания по истории могут быть использованы в сообщениях о происхождении письменности, книгопечатания, о заимствованных словах. Межпредметные связи способствуют как более прочному усвоению знаний и умений, так и активизации естественной речевой деятельности школьников.

Для стимулирования речевой активности учащихся и обогащения их речи весьма полезно посещение кино, театра, прослушивание радио- и телепередач, чтение газет и журналов на русском языке.

Содержание внеклассной работы определяется школьной программой по русскому языку с учетом лингвистических интересов и уровня развития речевых умений и навыков учащихся. Обычно их интересуют такие вопросы, как возникновение русского языка, его развитие и роль в современном мире, языки мира, образование слов и их этимология.

В школьной практике сложились определенные формы внеклассной работы, которые успешно используются и в работе с нерусскими учащимися. Они делятся на индивидуальные, групповые и массовые. Одни из них являются постоянно действующими, другие – эпизодическими².

Интерес, по мнению методистов, – это «такое эмоциональное отношение учащихся к предмету, которое вызывает у детей желание познать изучаемое и стимулирует увлечение этим предметом. Внешне это отношение выражается в пытливости, в любознательности учащихся, в их внимании и активности на уроке»³. У учащихся одного и того же класса познавательный интерес часто проявляется по-разному. Выделяются три уровня познавательного интереса. Элементарным уровнем принято считать «открытый, непосредственный интерес к новым фактам, к занимательным явлениям, которые фигурируют в информации, получаемой на уроке»⁴. Более высоким считается интерес к познанию существенных свойств предметов и явлений. Этот уровень требует поиска, оперирует имеющимися знаниями, догадками. Наиболее высокий уровень познавательного интереса составляет интерес школьника к причинно-следственным связям, к выявлению закономерностей, установлению общих принципов явлений, действующих в разных условиях.

Опытный учитель всегда может установить, на каком уровне в настоящий момент находится познавательный интерес каждого ученика. Уровень познавательного интереса выражается прежде всего в характере познавательной деятельности, с которой справляется

¹ Шанский Н. М. Педагогическое содержание и лингводидактический характер внеклассной работы по русскому языку в нерусской школе/Н.М.Шанский // Русский язык за рубежом 2002. – № 2. – С. 66-68.

² Виды внеклассной работы по русскому языку/ Сост. М. М. Морозова – М.: Просвещение, 1998 – С. 23.

³ Напольнова Т.В. Активизация мыслительной деятельности учащихся на уроках русского языка. – М., 1993. – С. 25.

⁴ Щукина Г.И. Активизация познавательной деятельности в учебном процессе / Щукина Г.И. – М.: Просвещение, 1996. – С. 97.

и к которой стремится ученик: репродуктивно-фактологической, описательно-поисковой или творческой. Ведя ученика по ступеням от одного вида деятельности к другому, учитель развивает познавательный интерес школьника.

Исходя из основной цели внеклассной работы по русскому языку, можно выделить частные задачи, которые решаются учителем в процессе такой деятельности:

- 1) воспитание коммуникативной культуры школьников;
- 2) расширение и углубление запаса знаний учеников и формирование лингвистической компетенции;
- 3) выявление и поддержка лингвистически одаренных учащихся;
- 4) поддержка и воспитание веры в свои силы у учеников, слабоуспевающих по русскому языку;
- 5) развитие и совершенствование психологических качеств личности школьников: любознательности, инициативности, трудолюбия, воли, настойчивости, самостоятельности в приобретении знаний¹.

Являясь важной составной частью методики обучения русскому языку, внеклассная работа не может не основываться на методических принципах: внимания к материи языка, понимания языковых значений, оценки выразительности речи и т. д. Общеизвестно, что существуют некоторые принципы, которые лежат в основе именно внеклассной работы по предмету. Это принцип добровольного участия школьников во внеклассных занятиях, принцип самостоятельности, предполагающий самостоятельность учащихся в подготовке и проведении мероприятий, принцип равноправного участия школьников.

Методы, которые используются во внеклассной работе по предмету, отличаются от основных методов обучения не столько содержанием, сколько формой. Так, широко используется во внеклассной работе и слово учителя, и беседа, и самостоятельная работа ученика. Однако все эти методы используются в непринужденной обстановке, что создает атмосферу большой заинтересованности в работе.

Вопрос об организации внеклассной работы в школе решается на методическом объединении учителей-словесников, где и выбирается тема, по которой будет вестись работа в учебном году, составляется план, в котором перечисляются планируемые мероприятия по классам, сроки их проведения и ответственные за выполнение.

Традиционными стали в школах Дни, Недели и Декады русского языка. Такие мероприятия являются итогом внеклассной работы, проведенной за год. Подготовка Недели (Декады) ведется в течение длительного времени, ее тема и содержание обсуждаются и утверждаются на заседании методического объединения учителей. Важным этапом подготовки Недели русского языка является избрание оргкомитета, в который входят, кроме ведущих учителей-словесников, учащиеся, проявляющие большой интерес и активность во внеклассной работе по языку. В оргкомитет могут входить по 1-2 ученика от каждого класса. Тогда будет обеспечена гласность при подготовке к Неделе и при ее проведении.

Успешно проходят в школе смотр лингвистических газет и лингвистический КВН. Эти мероприятия включаются обычно в программу Недели русского языка по желанию самих учащихся.

Открывается Неделя русского языка каждый год по-разному. Это может быть устный журнал, научно-практическая конференция, викторина, утренник, конкурс. Выбор мероприятия зависит от темы Недели. Так, Неделю орфографии уместно начать с конкурсного диктанта повышенной трудности с шуточным содержанием или с конкурса грамотеев. Неделю русской диалектологии можно открыть утренником, на котором будут инсценированы фрагменты русских народных сказок, прочитаны отрывки былин, другие фольклорные и местные диалектологические материалы. Неделю этимологии можно открыть

¹ Самарин Ю. А. Очерки психологии ума. – М., 1997. – С. 21.

конференцией о происхождении русских слов или викториной, в которую включить забавные истории о происхождении слов, лингвистические казусы и парадоксы. Желательно не повторять темы Недели в течение нескольких лет, чтобы одни и те же учащиеся, переходя из класса в класс, изучали новые разделы языка. Тематика Недель очень обширна. Даже примерный перечень может быть значительным: фонетика, лексика (топонимика, ономастика, терминология, этимология и др.), фразеология, орфография, пунктуация, грамматика (морфология, синтаксис), культура речи, стилистика, лингвистика текста и т. д.

Систематически и планомерно осуществляемая внеклассная работа по русскому языку имеет большое образовательно-воспитательное значение и способствует овладению русским языком как средством общения.

Литература

1. Госсандарт общего среднего образования. – №5. Объяснительная записка, 2002. – 356 с.
2. Шанский Н. М. Педагогическое содержание и лингводидактический характер внеклассной работы по русскому языку в нерусской школе / Н.М.Шанский // Русский язык за рубежом, 2002. – № 2. – С. 66-68.
3. Щукина Г.И. Активизация познавательной деятельности в учебном процессе / Г.И.Щукина.- М.: Просвещение, 1996. – 215 с.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается проблема внеклассной работы в 6-8 классах узбекской школы. Дана логически последовательная система организации и активизации внеклассной работы учащихся 6-8 классов.

РЕЗЮМЕ

Мақолада 6–8–ўзбек синфларида рус тилидан синфдан ташқари ишлар ташкил этиш муаммоси кўриб чиқилган ва уларнинг синфдан ташқари ишларини фаоллаштириш буйича мантиқий ишлар тизими кўриб чиқилган.

SUMMARY

In the following article are mentioned extracurricular lessons in the forms of 6-8 in Uzbek schools. In the following logic system works in forming and activating extracurricular lessons for the forms of 6-8 grades.

Рекомендовано к печати д.п.н.. Р.Шадиевым

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ПСИХОЛОГИК УРУШЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ, ЙЎНАЛГАНЛИГИ ВА МОҲИАТИ

Облоқулов Ж.Ж., Жабборов А.М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: ахборот, глобаллашув, психологик уруш, стратегия, дунёқараиш, иқтисодий, сиёсий ва маънавий хусусиятлар, онг, жанговар ҳаракат шакллари, манипуляция.

Ключевые слова: информация, глобализация, психологическая война, стратегия, мировоззрение, экономические, политические и духовные особенности, сознание, боевые движения, манипулирование.

Key words: information, globalization, psychological warfare, strategy, outlook, economic, political and spiritual features, consciousness, combat movements, manipulation.

Машҳур америкалик футуролог Элвин Тоффлер (5;18) фикрига кўра, фан ва техника ривожланиши бир меъёрда эмас, балки – тўлқинсимон кўринишда амалга ошган. Биринчи тўлқинни у “қишлоқ хўжалик цивилизацияси” деб атаган, бу тўлқин 10000 йил аввал бўлиб ўтган ва у ўзини-ўзи ташкиллаштирган ибтидоий жамиятнинг шакллари синдириб, меҳнат тақсимотига олиб келган ҳамда иерархик тарзда ташкиллаштирилган тузилмаларни барпо этган.

Иккинчи тўлқин 3000 йил аввал бошланган “саноат цивилизацияси”, дунёда ҳали бўлмаган, тенги йўқ, энг қудратли, жипслашган ва экспансионистик социал тизимдир.

Учинчи тўлқин ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида бошланиб “ахборот портлаши” номи билан боғлиқ бўлган, яъни ахборотнинг шиддат билан тўхтовсиз, тобора тез ўсиши натижасида инсон унинг ҳажмини янги ахборот технологияларисиз удалашга қурби етмай қолган. Шунга кўра, инсоният шиддат билан ривожланган учинчи тўлқинни технологик цивилизация деб атаган.¹

Ҳар бир тўлқин ўзининг иқтисодий тараққиётига, ўз социал ва сиёсий институтларига, маданияти ва ўз коммуникация воситаларига эга бўлиб, жамият тараққиётида кескин бурилишлар ва кучли ўзгаришларни юзага келтирган. Буларнинг асосида ўзига хос ва ўша давр билан боғлиқ “психологик урушлар” ётганлиги табиий. Шу боис, тўлқинлар алмашинувини уруш алмашинувига таққослаб, Т.Червинский (5;19) куйидагиларни таъкидлайди: “Биринчи тўлқин урушлари ер учун олиб борилган, иккинчи тўлқин урушлари – жисмоний унумдорлик қобилиятлари учун олиб борилган; пайдо бўлаётган учинчи тўлқин урушлари илм ҳуқуқига эга бўлиш ва улар устидан ҳукмронлик қилиш учун олиб борилмоқда. Ҳар қандай жамиятни “жанговар ҳаракат шакллари” шу жамиятнинг фаровонлик шакллари барпо этишдан кейин бўлганлиги туфайли, келажак урушлари асосан фақатгина ахборот урушлари сифатида намоён бўлади.

Ахборот уруши – ҳукмронлик, бошқарув ва сиёсат муаммоларини ҳал қилишда ахборотнинг муҳим ўрин тутиши, аҳамиятлилиги ва қадриятларни тобора ўсиши билан боғлиқ бўлган, кенг қамровли яхлит стратегиядир. Шу нуқтаи назардан, одамларга ахборот таъсирини ўтказишда инсон психикаси хусусиятларидан ўринли фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Иш самарали ва кенг қамровли бўлиши учун жамоа фикрини аниқлайдиган ва баҳолайдиган одамлар қатламига психологик таъсир ўтказиш лозим. Бу ҳозирги кунда инсонлар манипуляцияси (инсонлар онги ва қалбини эгаллаб, уни бошқариш) деб аталади. (5; 22-23)

Психологик уруш кўп нарсани ўз измига қайтарди, – деб ёзади А.Морозов – жисмоний таъсир (бошқа урушлар) иккинчи даражали бўлиб қолди ва охири далил бўлиб, узоқдан кўриниб турибди. Оддий босқинчилик мураккаб фойда олиш механизмига айланди.

¹ Тоффлер Э. Третья волна. – М., 1999. – С. 54.

Хавфли дағдағалар нозик психологик манипуляциялашган ўйинларга айланди. Урушларнинг ташқи шакллари ўзгарди, аммо урушнинг психологик мазмун-моҳияти ҳамон аввалгидек қолаётганлигини яққол англашимиз мумкин.(5; 137-138)

Кенг қамровли психологик уруш олиб бориш имконияти тўғридан-тўғри ахборот-тарғибот машинаси ривожини даражасига (сатҳига) боғлиқдир. Фақатгина ХХІ аср бошларига келиб, оммавий ахборот воситалари дунёдаги барча иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ажралмас, кенг тарқалган ва кундалик ҳаётининг энг муҳим қисмига айланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Буюк Британия олиб борган психологик урушнинг раҳбарларидан бири профессор Ричард Гроссман (5;153) психологик урушнинг мақсади қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатиб ўтади: 1. Рақибни интизомсизликка олиб келиш. 2. Унинг ўз дунёқарашини барбод қилиш. 3. Олган илмининг барқарорлигига ишончини йўқотиш (пугур етказиш). 4. Унга ўз ғояларининг мажбуран қабул қилдирмоқ.

Ана шундай ғоявий тизим ХХ асрнинг охирида социалистик дунёқарашни барбод қилишга, кейинчалик бу ғоя Шарқий Европа малакатларида социализмни йўқ қилишга олиб келганлиги реал мисоллар билан изоҳланган.(5; 153)

Шундай қилиб психологик уруш таърифининг йиғиндиси қуйидагиларга олиб келди: 1. Психологик уруш нафақат тарғиботни, балки кўпгина бошқа тадбирларни режали амалга оширишдан иборатдир. Поль Лайнбарджер психологик урушга қуйидагича таъриф беради: “Психологик уруш рақиб билан курашишда ўз қамровига тезкор чоралар билан бир қаторда бошқа ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, маънавий хусусиятга эга бўлган курашлардан фойдаланишни қўлга киритди, улар зарур тарғиботни тўлдириш, бойитиш ва таъсирчанлигини ошириш учун муҳимдир.(5; 153)

Д. Беллнинг ҳулосаларига кўра билим-янгилик ва хабарлардан фарқ қилади. Ахборот, хабар, янгиликлар ва фактлар инсоннинг билим ҳамда тажрибасига таянилган ҳолда фикрий-ақлий таҳлиллари асосида янги моҳият касб этиб билимга айланади. Шунинг учун билимсиз одамларга психологик таъсир ўтказиш анча осон бўлади (2; 2).

Принстон университети профессорлари Ф.Махлапа ва Д.Белл билимнинг қуйидаги типларини фарқлайдилар: 1. Амалий; 2. Ақлий; 3. Фойдасиз, чалғитувчи; 4. Диний; 5. Тасодифий (хоҳламаган ҳолда) (2; 2).

Е.С. Кожевникова олий таълим муассасалари кутубхоналарида интернетдан фойдаланувчилар (ўспирин ёшлар мисолида) устида илмий изланишлар олиб борган. Унинг кузатишлари ва илмий таҳлилларига кўра, интернет ҳозирги пайтда инсон ақлий тараққиётини таъминлайдиган универсал ва чексиз имконият манбаи сифатида шаклланган кибернетик технология модели бўлиб, унинг инсон учун ижобий ва салбий таъсирлари жуда кўп:

1. Ижтимоий-тарихий тажриба, билим, малака ва маҳоратларга хос ахборотларни энг қулай ҳолатда сақлаш ва узатиш имкониятига эга;

2. Инсонни жалб қила олиш хусусияти билан уни исталган йўналишда бошқариш ва тарбиялаш қудратига эга;

3. Реал тасаввурлар билан бирга янглиш тасаввурларни ҳам шакллантира олиш имкониятлари мавжуд;

4. Компьютер технологиясидан сурункали фойдаланиб бориш инсоннинг ички функционал органларига (сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл марказларида юзага келади-ган) салбий ўзгариш ва зўриқишларни юзага келтиради.

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, студент ва аспирантларнинг интернетдан фойдаланиш фаолиятларида қуйидаги мотивлар устунлик қилган: 1. Билиш (94 фоиз); 2. Алоқа-мулоқот ўрнатиш (74 фоиз); 3. Ўйин (27 фоиз); 4. Иш билан боғлиқ (12 фоиз); 5. Ўзини кўрсатиш ва намоиш қилиш (3 фоиз).

Бу мотивлар ўспиринлар дунёқарашини салбий ўзгаришлар юзага келиши учун ҳам хизмат қилиш эҳтимоли мавжудлиги аниқланган. (64;36.)

Р.Панги бошчилигида Токио метрополитенида террористик акт жабрланувчилари (641 нафар одамлар) билан ўтказилган психологик тадқиқотлардан шу нарса маълум

бўлдики, уларнинг 32 – фоизи метрополитен олдида борганларида, уларни қаттиқ кўрқув ҳисси босишини, 29 фоизи – яхши ухлолмай, уйқусизликдан жабрланаётганликларини, 16 фоизи – воқеани эслаб, хотираларидан чиқаролмай, кўрқаётганликларини, 16 фоизи – депрессив-тушқунлик ҳолатида юрганликларини, 11 фоизи – агрессив бўлиб қолганликларини қайд этадилар, 10 фоизи – хаёлпараст ва ваҳималардан кўрқаётганликларини, яна 10 фоизи – таъсирчан, инжик бўлиб қолганликларини айтиб, ўксинадилар. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси уларнинг онгли ҳаёт тарзида кучли психологик ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатиб турибди. (4; 77)

Кўпуровчиликнинг ушбу тури психологик ва социологик қарашлар нуқтаи назаридан одамлар ва жамият учун кечириб бўлмайдиган психологик ва социологик ҳалокатдир.

Психология соҳасидаги айнан ушбу аспектда олиб борилаётган тадқиқотлар терроризм ва экстремизмни ўрганишдаги бугунги кун учун жуда ҳам зарур, фавқулоддаги долзарб муаммолардир. Фанда шундай долзарб муаммоларни кечиктирмай ўрганиш, уларнинг шаклланиши билан боғлиқ психологик омилларни аниқлаш, уларнинг мақсад-муддаоларини ва йўналганлигини асослаш психолог олимлар олдида ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди. (4; 79)

К.А.Абулханованинг(1) фикрича, ҳаётий стратегиянинг ривожланиши ва уни эгаллаш инсоннинг камол топишида, ўз тақдирини ва ҳаётини ўзи белгилашида энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Муаллифлар психологик таълимотларнинг тарихий шаклланган асосларига таяниб, ҳаётий стратегия инсоннинг ҳаётий мақсадлари тизими, бу тизим кундалик ва келажак ҳаёт учун психологик йўлланмани (ҳаётий дастурни) ташкил этади деб изоҳлайдилар.

Муаллифлар ўспиринларнинг (16-18 ёшлилар) ҳаётий стратегияларини ўрганганда қуйидаги омиллар етакчилик қилганлигини қайд этганлар:

1. Ватани учун, халқи учун хизмат қилиш (15,4 фоиз)
2. Ўз мақсад ва манфаатлари учун яхши яшашга интилиш (13,5 фоиз)
3. Ўз-ўзини фаоллаштириш ва тараққий эттириш учун (10,5 фоиз)

4. Ўзи севган касбини эгаллаш, билими, қобилияти ва тажрибаси билан жамиятга ва Ватанига хизмат қилиш (10,4 фоиз)

5. Ҳаётда, фаолиятида катта ютуқларга эришиб обрӯ-эътибор топиш, бой-бадавлат бўлиш, таниқли-машҳур бўлиш (10 фоиз)

Мазкур тадқиқот натижаларига қараб, турли хил ҳаётий стратегияга эга ёшларни кўриш мумкин, ҳар бирида ҳар хил мотив етакчилик қилган. Бугунги ёшларнинг ҳаётий стратегиялари ўрганилганда ҳам шунга ўхшаш (яқин) манзаранинг гувоҳи бўламиз. Бу ҳолат ёшлар билан янада кўпроқ ва тизимли, муайян мақсадга интилиб ишлашни тақозо этади. (7; 146-150)

Л.К.Болотова (3) шахсда ўзини-ўзи англашнинг ривожланиши муаммосини ўрганиб, бу соҳада психологиянинг умумназарий ва методологик йўналишда Л.И.Божович, Б.Г.Ананьев, Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейнлар кенг қамровли илмий изланишлар олиб борганликларини эътироф этади.

Ўзини-ўзи англашнинг тузилиши ва унинг муҳим таркибий қисмлари ҳақида О.Н.Молчанова, В.С.Мухина, Л.В.Бороздиналар (жумладан ўзига-ўзи баҳо бериш, ўзини-ўзи назорат қилиш ва бошқ.) шахснинг ривожланиши ва амалий фаолиятида ўзини-ўзи англашини ижтимоий психологик ва фалсафий муаммо сифатида И.С.Кон, Б.Б.Столин, А.Г.Сперкин, И.И.Чесноковалар ўрганганликларига юқори баҳо берилган.(30;116) Жумладан, Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейнлар нуқтаи назарича, онгнинг қуйи чегараси бўлиб, боланинг ўзини-ўзи англай бошлаши бола онгининг тараққиёти учун муҳим ва дастлабки босқич ҳисобланади, бу унинг нутқи, ихтиёрий ҳаракатлари ва мустақиллиги ўсиши учун таянч ҳисобланади.

Агар унинг онги объектив оламни акс эттирса, ўша объектив олам шахснинг ўзини-ўзи англаши орқали унинг индивидуаллигига (индивидуал мазмунига) айланади.

Психологик нуқтаи назардан таҳлил қилинганда ўзини-ўзи англаш мураккаб психологик жараён бўлиб, уни ташкил этувчилар шахс томонидан ташқи оламдаги кўплаб образларнинг идрок этилиши, хулқ-атвор ва фаолиятнинг турли вазиятларда турлича шаклланиб бориши ва одамлар билан турли шаклларда ўзаро муносабатларга киришиб бориши натижасида юзага келган тасаввур ва тушунчаларнинг бирикиб бир бутун – “Мен” тушунчасининг шаклланишидан иборатдир. (3; 116)

Таниқли психолог олимларнинг таҳлилий хулосаларига кўра, шахснинг ўзини-ўзи англаши ва психик тараққиёти доимий ривожланиб, мураккаблашиб, такомиллашиб борадиган юксак ақлий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, у доимо “Ҳозирги (реал) – Мен”, “келажакдаги- Мен” билан белгиланади (С.Л.Рубинштен, Л.С.Выготский, Б.Г.Ананиев, И.С.Кон, К.Роджерс). (3; 123)

Шахснинг психологик функционал тузилишини ташкил этувчилар (унинг қадриятлари, мақсади, идеали, дунёқараши, мен образи, ўзаро боғлиқлиги, ўзига баҳо бериши) унинг хулқ-атвори ва фаолиятини мустақил бошқарувчи мезонлар ҳисобланмаса-да, улар умумий ҳолатда ўзини-ўзи англашнинг ва шахс ривожланишининг функционал тузилишига хос моделини ташкил этади.

Шундай қилиб, ўзини-ўзи англашнинг ривожланиши, ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи такомиллаштириш шахснинг ўзини англаши ва ҳаёт тарзининг доимий ўзгариб бориши билан узвий боғлиқ ҳолда ўзгариб боради (3; 124-125).

О.А.Конопкин ўз-ўзини онгли бошқариш субъектнинг энг муҳим белгиси (критерийси) эканлигини илмий изланишларида ўрганган.

Ўз-ўзини онгли бошқариш ихтиёрий фаоллик асосида юзага келиши, инсон шахсини ҳаракатга келтирувчи ички регуляция – эҳтиёжлар, мотивлар, қизиқишлар, установка анланган бўлиши, онгли мақсад асосида, ақлий назорат билан бошқарилиши, бунда субъект билими, тажрибаси, малака ва маҳоратига таяниши билан бир қаторда ижтимоий тажриба ва меъёрларга қатъий амал қилишига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши илмий асосланган. (6; 22-23 бет) Илк ўспиринлик ёши давридан бошлаб ўзини-ўзи онгли бошқариш, кўпроқ ихтиёрий фаолликка таяниш ва унга ёшларни одатлантириб бориш муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилган.

Хорижий мамлакатлар психолог олимларининг мавзуга доир илмий позицияларида ўспиринлар дунёқарашининг шаклланиши ёки унда юзага келадиган ўзгаришлар асосан ўспирин шахсининг психологик ҳимоя механизми, ҳаётий стратегияси, ижтимоийлашув даражаси, етакчи фаолият тури, ўзини- ўзи онгли бошқариш ва эмоционал барқарорлик, хулқ-атворнинг барқарор хусусиятлари, таълим ва тарбияда устувор методологик тамойилларга таяниш ҳамда инсоннинг жисмоний ва психологик камолоти учун оптимал шарт-шароитлар каби муҳим омиллар билан узвий боғлиқ ҳолда кечиши далилланган. Ахборот глобал моҳият касб этган бўлиб, у инсон тафаккури, онги-шуури ва дунёқарашига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, яхлит инсон ҳаётини, унинг тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий моҳият касб этувчи қудратли ғоявий куч эканлиги асосланган.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Абульханова-Славская К.А. Стратегия жизни. – М.: Мысль, 1991. – С. 125-156.
- 2.Белл. Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. – М., 1999. – С. 2.
- 3.Болотова А.К. Развитие самосознания личности: временной аспект. Вопросы психологии, – №2, 2006. – С. 116-125.
- 4.Ениколопов С.Н. Мкртычян А.А. Психологические последствия терроризма. Вопросы психологии. – №3, 2008. – С. 71-80.
- 5.Информационно-психологическая и психотропная война. Хрестоматия под.ред. Е. А. Тараса – Минск: Харвест, 2003. – 432 с.

6. Конопкин О.А. Участие эмоций в осознанной регуляции целенаправленной активности человека. Вопросы психологии, – №3, 2006. – С. 38-49.

7. Мдивани М.О., Кодесс П.Б. Методика исследования жизненных стратегий личности. Вопросы психологии, – №4, 2006. – С. 146-149.

8. Соколова Е.Т. Феномен психологической защиты. Вопросы психологии, – №4, 2007. – С. 66-79.

9. Bandura A. Social cognitive theory of mass communication // Bryant J., Zillman D. Media effects: advances and research. Mahwah, N. J.: Lawrence Erlbaum, 2002. – P.121–153.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ахборот глобаллашуви жараёнида психологик урушларнинг юзага келиши, йўналиши ва моҳияти ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идет о возникновении, направленности и сути психологических войн в процессе информационной глобализации.

SUMMARY

In this, the occurrence, direction, and desiccation of psychological warfare in the process of informational globalization are memorable.

РАҲБАР МУЛОҚОТМАНДЛИГИНИНГ ПСИХОЛОГИК КОМПОНЕНТЛАРИ

Ўзиев Э. (ҚарДУ), Мейлиева Г., Холмуродова М. (Қарши шаҳар 24-мактаб)

Таянч сўз ва иборалар: *меҳнат жамоаси, бошқарув, раҳбар, ходим, шахслараро муносабат, мулоқот, мулоқотмандлик, низо, зиддият, характер, темперамент, қобилият.*

Key words: *work team, management, leader, employee, interpersonal relationship, communication, communication, conflict, conflict, character, temperament, ability.*

Ключевые слова: *рабочая команда, менеджмент, лидер, работник, межличностные отношения, общение, общительность, конфликт, противоречие, характер, темперамент, способность.*

Меҳнат жамоасида ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан раҳбарнинг ходимлар билан муомала одоби ва раҳбарлик қилиш маҳоратига боғлиқ бўлади. Мулоқот – кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатилиши ва ривожланиши жараёни бўлиб, бу жараён уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишга нисбатан эҳтиёжлари асосида вужудга келади ва қуйидагиларни ўз ичига олади: ўзаро тушуниш, англаш; ўзаро бир-бирини идрок қилиш; ўзаро ахборот алмашиш; ўзаро ҳаракат қилишнинг ягона услубини ишлаб чиқиш ва ҳоказо. Унинг муваффақияти эса шахснинг руҳий дунёси, эҳтиёжи, қизиқиши, майли, характери, темпераменти, қобилияти, эътиқоди ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Жамоани шакллантириш ва бошқаришда одамлар билан яхши муомала қилиш санъати раҳбар учун ундаги бўлган бошқа қобилиятлардан устун ва зарурроқ туради. Мулоқотмандлик раҳбарнинг муомалага киришувчанлиги, жамоани самарали бошқаришдаги таъсирининг моҳиятини ифодалаб, унинг ҳар бир ходимни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб муомала ўрнатиши корхонада шахслараро муносабатларни иликлаштиради, ўзаро ишонч ва яқинлик туйғусини уйғотади. Раҳбарларда муомала маданияти, тинглаш ва буюриш маҳорати, ўзини тия билиш, ошкоралик, самимийлик, хушмуомалалик, тўғрисиқлик, жавобгарлик, масъулият ва бошқа инсоний фазилатларнинг бўлишлиги унинг атрофида аҳил, иноқ, ҳамжиҳат, ишчан ва ижодкор меҳнат жамоасининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Афсуски, ҳали ҳам раҳбарлар орасида ўзининг дағал ва қўпол муомаласи билан ходимларнинг кўнгилни ишдан совитиб, дилини ўринсиз ранжитадиганлар учраб туради. Бундай муомала жамиятда қабул қилинган умуминсоний ва миллий-ахлоқий меъёрларга тўғри келмайди. Аксинча раҳбарларни ҳақли равишда жамоа ўртасида обрўсизланишига олиб келади. Бу каби раҳбарларнинг буйруғи ҳам доимо мураккаб ички кечинмаларни

юзага келтириб, раҳбарга бўлган ишончсизлик, унинг қарорларига бўлган эътиборсизликни ҳам келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда раҳбарнинг мулоқотмандлик қобилиятини ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш бошқарув психологияси фани олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда психология фанининг бошқарув соҳасида раҳбарнинг мулоқотмандлик қобилиятини ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Масалан, В.М.Каримова ва унинг шогирдлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда жамоадаги шахслараро муносабатлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, раҳбарнинг ходимлар билан бўладиган муносабатлардаги меъёрий одоб қоидалари, можароли вазиятларни осойишталик билан бартараф этиш усуллари, бу жараёнда раҳбарнинг мулоқот, хотиржам ва сокин хулқи хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Корхонада қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш, ходимлар ва жамоа фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш, ходимлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга ғайрат бағишлаш каби ташкилий вазифалар ҳам малакали мулоқот орқали таъминланиши муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз исботини топган. Чиндан ҳам раҳбарнинг ҳар хил характерли инсонлар билан ўзаро муносабатларда муомала одобининг қонуниятлари, тамойиллари, нормалари ва талабларига қатъий амал қилиши жамоада шахслараро муносабатларни яхшиланишига сабабчи бўлади.

Э.Ғ.Ғозиев ўз илмий изланишларида жамоа раҳбарининг нуфузи (авторитети) ва мулоқотмандлик қобилияти масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Раҳбар авторитетининг бошқарув самарадорлигига таъсири, авторитетли раҳбарнинг шахсий қиёфаси, юксак обрўга эга бўлган раҳбарнинг намунаси, авторитетни шакллантиришнинг йўллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлили ва улардан келиб чиқадиган хулосалар муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф томонидан инсонлар билан самарали муомалага киришишда мулоқот техникасини эгаллаш жуда муҳим эканлиги, бунда, айниқса, сўзнинг таъсир қудратидан фойдаланган ҳолда суҳбатдошни ўзига мойил қилиш, ўрни келганда комплимент (хушомад) кўрсатиш муҳим ўрин тутиши эътироф этилади.

Махсус тадқиқотларимизда раҳбарнинг мулоқотмандлик қобилиятини ўрганиш мақсадида Қарши шаҳар ҳокимлигига қарашли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ва ишчи-ходимлари устида тажриба-синов ишларини амалга оширдик. Мазкур тажриба-синов ишларининг натижалари шундан далолат берадики, раҳбар ва эксперт (ходим)лар тасаввурларида раҳбарнинг мулоқотмандлик қобилиятини баҳолашда айрим ўринларда раҳбар фикри билан эксперт (ходим)ларнинг қарашлари ўртасида сезиларли фарқлар кузатилганлиги ойдинлашди. Олиб борган тажрибаларимизда раҳбарлар ишчи-ходимлар билан бўладиган муносабатларда деярли идеал раҳбардаги каби тимсолларга эгаллигини намоён қилган бўлсалар-да, бироқ эксперт (ходим)лар хулосаси билан танишиш натижасида улар айрим вазиятларда ўзларини бироз “бўрттириброк” баҳолашганлигини гувоҳи бўлдик. Жумладан, раҳбарнинг мулоқотмандлик қобилиятини ўрганиш билан боғлиқ айрим саволларга улар томонидан объектив жавоб қайтарилмаганлиги эксперт (ходим)лар жавобларидан маълум бўлди. Масалан, “Суҳбатдошни тушуниш ва унинг ҳолатига кира олиш маҳорати”, “Бошқалар ишини ва фикрини ҳурмат қилиш”, “Ўзаро мулоқотда доим хушмуомала”, “Ҳар бир одамнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб муомала қилади”, “У билан осонроқ мулоқотга киришиш учун имкон яратади”, “Ҳиссиётга берилган ҳолатларда ҳам ўзини тута олади” каби саволлар шулар жумласидандир. Шуниси характерлики, бундай муомала жамиятда қабул қилинган умуминсоний ва миллий-ахлоқий меъёрларга тўғри келмайди ҳамда раҳбарни ҳақли равишда жамоа ўртасида обрўсизланишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, корхона раҳбари қўл остидаги ходимлар билан ўзаро муомалада куйидаги ахлоқий нормаларга амал қилиши зарур:

- бошқарув фаолияти жараёнида раҳбар ҳар бир ходимнинг кадр-қимматини инсон сифатида ҳурмат қилиши, обрўсини сақлаши ва мустаҳкамлаши, унга ишонч билдириши;

- бошқариш фақат раҳбарнинг иши бўлмай, меҳнат жамоаси ҳам раҳбар билан бирга умумий вазифани бажараётганини англаши;
- ходимларнинг кайфияти, руҳиятини сеза билиши, жамоада ишчанлик вазиятини ярата олиши;
- ҳар бир ходимнинг меҳнатини қадрлаш, одилона баҳолаш, ишдаги ютуқларини маъқуллаш ва яхши тажрибаларини оммалаштириб бориш;
- бўйсунувчиларга дўстона мурожаат қила билиш, бир-бирларининг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглай олиш;
- раҳбар ҳар бир ходимга меҳрибон, ғамхўр бўлиши, уларнинг шодлигига ҳам, ташвишларига ҳам шерик бўлиш;
- ходим мушкул вазиятга тушуб қолганда унга кўмаклашиш, бунда унинг ёрдами ҳолис, беғараз ва беминнат бўлиши;
- раҳбар қаттиққўл, талабчан бўлиши, лекин унинг замирида адолат ётиши, талаблари асосли ва маслаҳат шаклида бўлиши;
- ходимларга нисбатан талабчанликни унга бўлган ҳурмат билан бирга олиб бориш;
- ходимнинг иши ва хулқини баҳолашда адолатли бўлиш, қўйиладиган талаблар унинг кучи, қобилияти ва имкониятларига мос бўлиши;
- бошқарув жараёнида содир бўлиб турадиган зиддиятлар, низоларни маъмурий йўл билан эмас, балки ахлоқий мезонлар асосида муросага келиш йўли билан ҳал этиш;
- ходимда ютуқлар билан бирга камчиликлари ҳам бўлиши мумкинлиги табиий ҳол эканлигини тушуниш, уни бирор хато хатти-ҳаракати учун ёмон кўриб қолмаслик;
- ходимнинг ишончини суиистеъмол қилмаслик, унинг қалб “сир”ларини ошкор этмаслик, олдин йўл қўйган хатоларини таъна қилмаслик;
- ходим билан муомалада насихатгўйликка ортиқ даражада берилмаслик ва ҳоказо.

Умуман олганда, мазкур тавсияларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш барча раҳбарлар учун зарур бўлиб, бу жамоада дўстлик, ўзаро мослик, аҳиллик, тотувлик, ўзаро тушунув ва симпатия каби ҳис-туйғуларнинг барқарорлашувига олиб келади. Юқоридаги шартларнинг бажарилиши раҳбарлик мартабасининг юксалиши ва жамоа ичида ижтимоий-психологик иқлимнинг яхшиланишига олиб келади. Бундай раҳбар эса ўз жамоасида шахслараро муносабатларда расмий-маъмурий тарзда эмас, жамоанинг ҳақиқий лидери сифатида қабул қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримова В. ва бошқ. Бошқарув психологияси. – Тошкент: Фан ва технология. 2008 й. – 208 б.
2. Ғозиев Э., Тошимов Р. Менежмент психологияси. – Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2001. – 144 б.
3. Ёзиев Э. Социально-психологический портрет современного руководителя Республики Узбекистан // Мир образования – образование в мире. – Москва, 2013. – № 4. – С. 87–94.

Р Е З Ю М Е

Мақолада бошқарув фаолиятида мулоқотмандлик қобилиятининг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Р Е З Ю М Е

В статье освещена роль и значение коммуникативных способностей в управленческой деятельности.

SUMMARY

Importance of the communication abilities is broadly described in article in management activity.

Наишга проф. А.Жабборов тавсия этган

SOME PECULIARITIES OF STRUCTURAL COMPOSITION OF OASIS SOILS IN
THE CENTRAL AND SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN

Parpiev G.T. (Uzbek State Research and Design Institute for Land Management
“O’ZDAVYERLOYIHA), Diyorova M.X. (KarSU)

Key words: *region, serozem-oasis, serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils, mechanical structure, macro aggregates, formation, agroirrigation horizons.*

Ключевые слова: *регион, серозем-оазис, сероземно-лугово-оазисные и лугово-оазисные почвы, механическая структура, макроагрегаты, формации, агроирригационные горизонты.*

Калит сўзлар: *регион, бўз воҳа ва ўтлоқи воҳа, механик таркиб, макроагрегат, шаклланиш, агроирригацион қатламлар.*

Introduction. Oasis – are special desert ecosystems that are formed under the influence of additional moisture-natural, associated with the inflow of fresh groundwater or surface water, or artificial, associated with irrigation [2].

Justification and purpose of the research. Irrigation in oasis conditions, several times exceeding atmospheric humidification, radically alters the whole course of soil formation: mineralization of organic matter, accumulation of humus, salt migration, silt and clay formation, microbiological activity. The fertility of these soils is largely determined by human production. In the general physical, agrochemical properties, biological potential, as well as meliorative states and other properties, it surpasses the natural parameters of fertility oasis soils as the main parameters of fertility [7].

It should be noted that the fertility of serozem-oasis soils has an uneven differentiation in different regions of the Republic of Uzbekistan.

Many researchers [1, 3, 4, 5, 7] substantiate that the fertility of oasis soils is associated with the diversity of lithological-geomorphological, hydrochemical and other features of the natural environment.

The main goal of the research is to characterize regional features of serozem-oasis soils and the processes of their fertility formation, taking into account their mechanical and aggregate composition. The task was set to study the basics that make up the serozem-oasis soil formation and its manifestation in modern conditions, as well as to identify the significance of regional features in the Republic of Uzbekistan.

Methods and object of research. As the object of the research the central region (Mirzachul oasis) and the southern region (Surkhan-Sherabad valley) were selected. These regions are quite different in natural conditions, nature and age of the process of natural anthropogenic soil formation. Field and laboratory analyzes were carried out according to generally accepted methods [8, 9] for soil physics. Granulometric properties by the method of N.A.Kachinsky, dry screening by N.I.Savinov, water-resistant aggregates by G.I.Pavlov.

The research results. The Republic of Uzbekistan, stretching from north to south and from west to east for many hundreds of kilometers, covers the entire diversity of landscapes found on its territory. According to the orography and hydrothermal regime, it is divided into a system of high-altitude belts and a latitudinal desert zone, within which the basic soil-geographical patterns are clearly manifested [4].

The southeastern part of the territory of Uzbekistan is occupied by mountain systems, represented mainly by the spurs of the Tien Shan and Pamir-Alay. Within the mountains and plains, to the mountains, a number of vertical soil belts are distinguished, differing in the natural and climatic conditions of soil formation. The lower limit of the vertical belt is in absolute elevations from 200-250 m in the north of the mountain systems to 400-450 m in the south. This transition from vertical belts to the latitudinal desert zone reveals profound differences in the formation and distribution of soils in these natural and geographical areas [4, 5].

In the central region (Mirzachul oasis) temperature varies accordingly – 11.2-15.6 °C, and in the southern region (Surkhan-Sherabad valley) ranges from 14.1 to 18.8 °C.

Serozem-oasis soils occupy the middle part in the serozem zone, forming in a semi-arid climate of foothills and low mountains. Studied serozem-oasis soils have different mechanical composition, their characteristics in the structure of the lithological profile are mostly homogeneous, in some cases differ in many multi-layered texture (Table). For example: in terms of granulometric composition, the serozem-oasis soils of the southern region are mainly represented by coarse silt-light, medium, and heavy-loamy varieties. The content of physical clay is varied (<0.01 mm) in light loamy from 23.8 to 29.3%, medium loamy from 33.1 to 44.0% and heavy loamy differences from 47.8 to 48.7%, respectively, the content of particles of physical sand (>0.01 mm) is from 50.9 to 76.2%. These soils are characterized by the enrichment of their large (0.05-0.01 mm) and medium dust (0.01-0.005 mm) particles, the content of coarse dust is 17-44%, average dust 9-27% and sludge particles (<0.001 mm) 8-18%. Within the upper one meter layer, the content of fine sand fractions (0.25-0.05 mm) is not high and it ranges from 1.3-11.6 to 25.4-35.1%.

Table.

Some features of the oasis soils of the regions of Uzbekistan on the content of physical clay and macro aggregates (arithmetic average indicators)

Soils	Mirzachul oasis		Surkhan-Sherabad valley
	Jizzakh region	Syrdarya region	
Content of physical clay and their boundaries in particle size analysis			
serozem-oasis	22,9-54,3	-	23,8-49,1
serozem-meadow-oasis	21,4-56,8	8,5-44,8	17,0-48,1
meadow-oasis	39,2-57,3	12,0-58,0	1,9-53,1
Content of macro aggregates of size 0.25-10 mm with dry sifting by Savinov			
serozem-oasis	61,9-70,5	-	46,7-59,0
serozem-meadow-oasis	42,1-71,9	45,3-59,0	46,9-66,7
meadow-oasis	51,6-72,2	39,7-46,2	48,1-58,8
Content of water-resistant macro aggregates of size 2-3 mm with wet sifting			
serozem-oasis	3,6-7,9	-	2,7-7,3
serozem-meadow-oasis	3,0-7,8	0,6-3,9	2,6-4,4
meadow-oasis	5,4-8,3	4,6-8,2	0,6-6,1
Content of water-resistant macro aggregates of size 5-3 mm with wet sifting			
serozem-oasis	3,8-8,6	-	3,3-8,5
serozem-meadow-oasis	3,1-8,2	0,9-5,2	2,6-4,9
meadow-oasis	5,4-9,1	4,9-9,0	1,0-6,9

In the Mirzachul oasis (Jizzakh and Syrdarya regions), serozem-oasis, serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils of the clay fraction are found in wide limits – 4.8-12.8% and 0.6-12.5%. The amount of physical clay, respectively, is 22.9-54.3 and 8.5-56.8%.

In serozem-meadow-oasis soils, the agro-irrigation horizons are distinguished by a rather light grain size distribution; they are observed in the Mirzachul oasis (Syrdarya region) – 9-45 and the Surkhan-Sherabad valley – 17-48%.

According to literature data, the loess is assumed to have a large microaggregation [6]. Soil horizons contain a smaller percentage of microaggregates. B.V.Gorbunov [3] explained that these are the results of loess disaggregation in soil formation. It should be noted that soils with a more developed profile have less microaggregates. With irrigation there is a further decrease in agro-irrigation. In the upper horizons, the gray-oasis soils of microaggregates are smaller than in the rock.

In studies of the studied soils, it was revealed that, in the Mirzachul oasis (Syrdarya region), serozem-oasis soils practically do not occur. And in general, the territory of this region formed serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils. It can be said that the main cause of such a process of soil formation was formed by intensive irrigated agriculture.

The number of agronomic valuable aggregates (diameter from 0.25 mm to 10 mm) on the profile of serozem-oasis soils ranges from 46.7 to 70.5%, on serozem-meadow-oasis soils – 42.1-71.9%, and meadow-oasis – 39.7-72.2%. It should be noted that with the formation of the agroirrigation horizon, “very high” (>30%) structural soils belonging to the group were formed. This provision still confirms, even the lower horizons of the profiles of oasis soils, which are processed by worms and other earth-moving animals and their traces, including excreta. When comparing the macro aggregate composition of serozem-oasis, serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils, characteristic features in Mirzachul (Jizzakh region) than in other regions were revealed. The maximum number of macro-units is 61-69 and 70-72%.

Water-resistant aggregates are correlatively related to the particle size distribution and humus content of soils. It must be emphasized that the units with a diameter of 3-5 mm are relatively higher than the units with a size of 2-3 mm. In addition, when comparing water-resistant aggregates with sizes of 2-3 and 3-5 mm in meadow-oasis soils of Surkhandarya and Jizzakh regions, the dominant aggregates are 5-3 mm in size and their content is serozem-oasis – 3.3-8.5 and 3.8-8.6%; serozem-meadow-oasis – 2.6-4.9 and 3.1-8.2%; meadow-oasis – 1.0-6.9 and 5.4-9.1%, respectively, aggregates of 3-2 mm in size are 2.7-7.3 and 3.6-7.9%; 2.6-4.4 and 3.0-7.8%; 0.6-6.1 and 5.4-8.3%. The smallest indicators of aggregates of 5-3 and 3-2 mm in size are observed on serozem-meadow-oasis soils in the Mirzachul oasis (Syrdarya region – 0.9-5.2 and 0.6-3.9%). Such a sharp difference is observed especially in sandy and sandy horizons. In general, serozem-oasis, serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils are characterized with high amounts of water-resistant aggregates. It is also necessary to emphasize that in the presence of alkalinity in some horizons very small amounts of water-resistant aggregates are noted.

Conclusions

1. Serozem-oasis soils occupy the middle part of the serozem zone, forming in a semi-arid climate of foothills and low mountains. In the central region of the Mirzachul oasis, especially on the territory of the Syrdarya region, serozem oasis soils are practically not found. And in the whole territory of the region, owing to intensive irrigated agriculture, serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils were formed.

2. The studied soils have different granulometric composition, their characteristic on the structure of the lithological profile is mostly homogeneous, in some cases there are different multi-layered texture.

3. Characteristic features are large amounts of macroaggregate composition in the Mirzachul oasis (Jizzakh region – 70-72%) of serozem-oasis, serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils. The number of agronomic valuable aggregates on the profile of serozem-oasis soils ranges from 46.7 to 70.5%, on serozem-meadow-oasis soils – 42.1-71.9%, and on meadow-oasis soils – 39.7-72.2%. It is estimated that with the formation of agroirrigation horizons, structurally “very high” (>30%) structural soils were formed.

4. Water-resistant aggregates are closely related to the mechanical composition and soil humus content. Mirzachul oasis, especially in the territory of Jizzakh region, is dominated by aggregates of 5-3 mm in size. The smallest indicators of aggregates of 5-3 and 3-2 mm in size are observed on serozem-meadow-oasis soils in the Syrdarya region, including serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils of the Surkhan-Sherabad valley.

References

1. Genusov A.Z. Soils and land resources of Central Asia. - Tashkent: Fan, 1983. P. 34-127. (in Russian).
2. Golovanov D.L. Oasis soil formation in the extremely arid deserts of Mongolia (on the example of the Ekhiyn-Gol oasis). Author. diss. Cand. geogr. sciences. – Moscow, 2006. – 25 p. (in Russian).
3. Gorbunov B.V. Irrigated soils of Central Asia // Geography and classification of soils in Asia. – M: Science, 1965. – P. 39-49. (in Russian).
4. Kuziev R.K. Serozem-oasis Soils, their evolution and fertility / Monograph. Research Institute of Soil Science and Agrochemistry - Tashkent, 1996. – 138 p. (in Uzbek).

5. Kuziev R.K., V.E.Sektimenko. Soils of Uzbekistan. Tashkent: "EXTREMUM PRESS", 2009. – 352 p. (in Russian).
6. Kurvantaev R., Turgunov M., Urazbayev I., Musurmonov A. Morphological characteristics of the soils of the Hungry steppe oasis // Journal "Bulletin of the South Kazakhstan Pedagogical University". – Shymkent, 2011. – P. 177-180. (in Russian).
7. Orlov M.A. On serozems and oasis-agricultural soils // Collection dedicated. 25-year-old activity of A.L.Brodsky. Works of SAGU, no. 6. – Tashkent, 1937. – Pp. 37-52. (in Russian).
8. Guidelines for carrying out chemical and agrophysical analyzes of soils during land monitoring. – Tashkent: GosNIIPA, 2004. – 260 p. (in Russian).
9. Theory and methods of soil physics // Collective monography, ed. E.V.Sheina and L.O.Karpachevsky. – M.: Grif and K, 2007. – 616 p. (in Russian).

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий регионларида шаклланган бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларининг структуралик ҳолати қиёсий тавсифланган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приведена сравнительная характеристика структурного состава сформированных сероземно-оазисных, сероземно-лугово-оазисных и лугово-оазисных почв центральных и южных регионов Узбекистана.

SUMMARY

In this article presents structural composition characteristics of the formation of serozem-oasis, serozem-meadow-oasis and meadow-oasis soils in the central and south regions of Uzbekistan.

Recommended dok. M.Hakimova

ДАҒАЛ ОЗУҚАЛАР КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИНГ ТЎЙИМЛИ МОДДАЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИГА ВА ҲАЗМЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Кузиев М.С. (СамДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *қуруқ модда, тўйимли моддалар, хом протеин, дағал озуқа, ўзлаштирилиши, ҳазмланиши, катта қорин суюқлиги, қон, қон зардоби, плазма оқсиллари, микрофлора ва бошқалар.*

Ключевые слова: *сухое вещество, питательные вещества, сырой протеин, грубые корма, потребленный, переваренный, рубцовая жидкость, кровь, сыворотка крови, сывороточные белки, микрофлора и др.*

Keywords: *dry matter, nutrients, crude protein, roughage, consumed, digested, cicatricial fluid, blood, serum, serum proteins, and other microorganisms.*

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда бугунги кунда яйлов ва пичанзорларнинг умумий майдони мамлакат ер майдонининг 46,5 фоизини ташкил этади. Аммо кейинги 35-40 йил давомида кўчма чорвачиликда яйловлардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш, молларни яйловларда ортиқча боқиш, табиий иқлим шароитининг нисбатан исиб бориши ҳамда бошқа антропоген таъсирлар натижасида чорва озукаси ҳажми камайиб, яйлов ерлари инқирозга юз тутмоқда. Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунга келиб мамлакатдаги яйлов майдонларидан 78 фоизи инқирозга учраган, 20 фоиздан ортиқ майдондаги яйлов ва пичанзорда ўсимликлар сони ҳамда турлари камайиб, маҳсулдорлик 2 баробарга қисқарган (8).

Адабиётлардаги маълумотларнинг кўрсатишича, ўсимлик ривожланиш фазалари, ёши ва турли экологик омилларнинг таъсирига боғлиқ ҳолда таркибидаги протеин, АЭМ ва хом ёғнинг миқдори камайса, аксинча хом клетчатка, структурали углевод фракциялари миқдори вегетациянинг бошланиш даврига нисбатан кескин ортиши аниқланди (2,6,7)

Мамлакатимизда кўчма чорвачиликда чорва моллари учун озукабоп бўлган ўсимлик турларидан озуқа сифатида самарали фойдаланиш ва чорва молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳамда сақлаб қолиш бугунги кун биология ва қишлоқ хўжалиги

соҳаларининг олдида турган долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Шу боис, кўйилган муаммони нисбатан ижобий ечимини топиш учун кўчма чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар имкониятида бўлган дағал озуқалардан самарали фойдаланиш ҳисобига эчкилар маҳсулдорлигини ошириш имкониятларини топишга ҳаракат қилдик.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотимизнинг мақсади мамлакатимиз кўчма яйлов чорвачилигида куз-қиш мавсумида эчкиларни озиқлантиришда кўп фойдаланиладиган дағал озуқалар (каррак, янтоқ, шувок ва кузги буғдой сомони) ни эчкилар томонидан истеъмол қилиниши ва ҳазмланишини ўрганишдан иборат бўлди.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилди: Дағал озуқалардан иборат озуқа рационини шакллантириш; рационнинг ботаник ва кимёвий таркибини ўрганиш; дағал озуқаларнинг истеъмол қилинишини, ҳазмланиши ва ҳазмланиш коэффициенти ўрганилди.

Материаллар ва усуллар. Куз-қиш мавсумида кўчма яйлов чорвачилигида жайдари эчкиларни озиқлантиришда кенг фойдаланиладиган дағал озуқаларнинг кимёвий таркибини аниқлаш учун – каррак (*Cousinia resinosa*), янтоқ (*Alhagi pseudalhagi*), шувок (*Artemisia diffusa*), кузги юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum*) сомонидан ҳамда дағал озуқаларнинг истеъмол қилинишини ва ҳазмланиш коэффициенти аниқлашда эчкилардан объект сифатида фойдаланилди. Тадқиқот предмети қилиб эса дағал озуқалар таркибидаги қуруқ модда, ҳазмланган ва ҳазмланмасдан тезак билан ажралиб чиқадиган тўйимли моддалар белгилаб олинди.

Дағал озуқаларнинг кимёвий ва зоотехник таҳлили умум қабул қилинган усуллар бўйича (1,3), дағал озуқалардан озуқа рацион тузиш эса А.П. Калашников (4) бўйича амалга оширилди. Тажриба эчкиларидан мувозанат тажрибалари 7 кун давомида олиб борилди (5, 6).

Олинган натижаларнинг мулоҳазаси: Тадқиқотларимизда Самарқанд вилояти Каттакўрғон ва Нуробод туманлари ҳудудидаги кўчма яйлов чорвачилигига ихтисослашган фермер хўжаликларидан боқилаётган қўй ва эчкиларни куз-қиш мавсумида озиқлантиришда кенг фойдаланиладиган, маҳаллий ҳудудларимиз учун хос бўлган дағал озуқаларнинг ботаник ва кимёвий таркиби ҳамда уларнинг таркибидаги ҳазмланиши қийин бўлган ва тўйимли моддаларнинг эчкилар томонидан истеъмол қилинишига, ҳазмланишига таъсир қилувчи структуралар углевод фракциялари целлюлоза, гемицеллюлоза, лигнин яъни НДК ва КДК (нейтрал-детергентли ва кислота-детергентли клетчаткалар) лар миқдори аниқланиб, натижалар қуйидагича кўриниш олди (1-жадвал).

1-жадв.

Қиш мавсумида қавшовчи ҳайвонларни озиқлантиришда фойдаланиладиган дағал озуқаларнинг кимёвий таркиби (M±m; n=5)

т/р	Кўрсаткичлар	Дағал озуқа турлари			
		Каррак	Янтоқ пичани	Шувок	Буғдой сомони
1	Қуруқ модда	84,50±0,35	85,40±0,71*	84,30±0,71*	87,80±0,30*
2	Сув	15,50±0,4	14,60±0,35*	15,70±0,41*	12,20±0,40**
3	Протеин	7,90±0,12	7,20±0,06*	4,90±0,07**	4,0±0,10**
4	Ёғ	3,20±0,1	1,80±0,06**	3,60±0,06*	1,30±0,06**
5	Клетчатка	31,20±0,3	33,70±0,06*	34,70±0,20*	39,70±0,20*
6	Шу жумладан: НДК, фоиз	68,40±0,95	79,80±0,88*	71,05±0,89*	77,80±0,97*
7	КДК, фоиз	40,70±0,63	47,60±0,69*	56,50±0,77*	58,10±0,74*
8	АЭМ	36,80±0,6	35,90±0,18*	37,70±0,31*	34,60±0,20*
9	Органик моддалар	79,10±0,4	78,60±1,01*	80,90±0,17*	79,60±0,61*
10	Кул	5,41±0,06	6,80±0,06*	3,40±0,06**	8,20±0,06*
11	Калций, г	3,20±0,22	4,20±0,06*	5,50±0,06*	2,80±0,06
12	Фосфор, г	2,0±0,06	3,20±0,06*	1,30±0,03*	0,80±0,1
13	Олтингугурт, г	1,60±0,05	1,80±0,11*	1,20±0,09*	0,80±0,1

Изоҳ: *-ишончилилик даражаси карракга нисбатан олинган

1-жадвалда келтирилганлардан кўриниб турибдики, ўрганилган дағал озуқалар ичида тўйимлилик қиймати жиҳатидан энг паст кўрсаткичга эга бўлгани ва озуқа сифатида кенг қўлланиладигани ҳам буғдой сомони ҳисобланади, таркибида протеин миқдори нисбатан кўп бўлгани каррак ҳисобланиб, сомонга нисбатан 97,5 фоиз кўп, клетчатка эса 22,4 фоизга камлиги, шувоқда эса 22,5 фоиз кўп, клетчатка 12,6 фоизга камлиги, янтоқда 80 фоиз кўп, клетчатка эса 15,2 фоизга камлиги аниқланди. Бу ерда протеин ва клетчатканинг солиштирилишидан мақсад, бу моддалар тўйимли моддаларнинг истеъмол қилиниши ва ҳазмланишини белгиловчи омил ҳисобланади. Ўрганилган дағал озуқалар ичида каррак билан шувоқ озуқавийлик қиймати жиҳатидан яхшироқ эканлиги олинган натижалардан кўриниб турибди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, эчкилар томонидан истеъмол қилинган рацион таркибидаги қуруқ модданинг миқдори ва унинг ҳазмланиш коэффициенти озуқалар турига ва унинг таркибидаги тўйимли моддаларнинг, жумладан протеин ва клетчатка миқдорига мос ҳолда турлича, яъни бир-биридан фарқ қилиши аниқланди.

2-жадв.

Таркибига мос ҳолда дағал озуқанинг истеъмол қилиниши ($M \pm m$; $n=3$)

т/р	Кўрсаткичлар	Озуқалар			
		Каррак	Янтоқ	Яувоқ	Буғдой сомони
1	Рациондаги озуқа миқдори, кг	4,0	4,0	4,0	4,0
2	Истеъмол қилинган озуқа миқдори, кг	3,48±0,08	1,49±0,04*	3,12±0,08*	2,02±0,05*
3	Истеъмол қилинган қуруқ модда, кг	2,84±0,04	1,29±0,03**	2,67±0,03*	1,77±0,03*
4	Протеин, фоиз	8,10±0,16	3,30±0,07**	5,60±0,11*	4,30±0,08**
5	Клетчатка, фоиз	30,0±0,39	35,10±0,48*	33,60±0,63*	39,70±0,57*
6	Истеъмол қилиниш даражаси, фоиз	87,05±1,89	37,25±0,91*	78,10±1,89*	50,50±1,15*

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, каррак ва шувоқ таркибида протеин миқдорининг кўплиги ва хом клетчатка нисбатан камлиги дағал озуқаларнинг истеъмол қилиниш даражасини 87,0 ва 78,0 фоизни, буғдой сомони ва янтоқда мос ҳолда 50,5 ва 37,25 фоизни ташкил қилди. Бу ерда карракга нисбатан оладиган бўлсак, янтоқда протеиннинг миқдори 59,26 фоизга, шувоқда 30,1 фоизга, буғдой сомонида 46,9 фоизга камлиги ва клетчатканинг миқдори эса янтоқда 16,66 фоизга, шувоқда 12,0 фоизга, сомонда 32,33 фоизга юқори бўлиши аниқланди.

Истеъмол қилинган каррак таркибидаги қуруқ модданинг миқдори ўртача 2,841 кг ни ташкил қилди, янтоқда 1,288, ва сомонда 1,774 ёки мос ҳолда карракга нисбатан 55,65 фоизга ва 37,54 фоизга кам истеъмол қилганлиги аниқланди. Аммо каррак билан шувоқ пичани орасида жиддий аҳамиятга эга бўлган фарқ аниқланмади.

Каррак ва шувоқнинг истеъмол қилинишини юқори даражада бўлиши бизнинг назаримизда, уларнинг юмшоқ ва таркибининг бошқа озуқаларга нисбатан протеинга бой бўлганлиги билан тушунтирамиз, янтоқ ва буғдой сомонининг нисбатан кам истеъмол қилинишини, аввало, янтоқнинг тиканли шохларининг озикланиш пайтида оғиз бўшлиғига олинишини қийинлиги билан буғдой сомонининг эса йўғон толали клетчаткасининг катта қорин бўшлиғида узоқ муддат сақланиб қолиши билан тушунтирамиз.

Тадқиқот натижаларига кўра, куз-қиш мавсумида маҳаллий жайдари эчкиларни озиклантиришда кенг фойдаланиладиган дағал озуқаларнинг кимёвий таркибига мос ҳолда яъни таркибидаги тўйимли моддалардан протеин ва ҳазмланиши қийин бўлган структурали углевод фракцияларига мос ҳолда рациондаги озуқалар эчкилар томонидан истеъмол қилиниши ва ҳазмланиши мумкин экан.

Дағал озуқаларнинг ҳазмланиш коэффициенти ($M \pm m$; $n=5$)

т/р	Кўрсаткичлар	Дағал озуқа турлари			
		Каррак	Янтоқ пи-чани	Шувоқ	Бугдой со-мони
Ҳазмланиш коэффициент, фоиз					
1	Протеин	57,45±0,25	42,25±0,82*	45,52±0,31*	25,90±0,75**
2	Ёғ	33,30±0,38	38,10±0,23*	56,78±0,25**	30,85±0,58*
3	Клетчатка	45,05±0,76	35,45±0,42*	41,80±0,54*	41,55±0,21*
4	АЭМ	52,02±0,64	58,60±0,38*	49,10±0,38*	39,20±0,67*
5	Ўртачаси	47,95	43,60	47,05	34,37
Ҳазмланидиган моддалар миқдори, фоиз					
1	Протеин	4,53±0,21	3,04±0,30*	2,23±0,05**	1,04±0,06**
2	Ёғ	1,19±0,02	0,69±0,03*	2,04±0,02**	0,40±0,02**
3	Клетчатка	14,05±0,3	11,27±0,17*	14,50±0,69*	16,49±0,2*
4	АЭМ	19,14±0,4	21,04±0,27*	18,51±0,30	13,56±0,31
5	Умумий миқдори	38,91	36,04	37,28	31,49
6	Озуқа бирлиги	0,29±0,02	0,27±0,01*	0,28±0,02	0,22±0,01

Жадвалдан кўриниб турибдики, каррак билан шувоқ ҳазмланиш коэффициенти жиҳатидан янтоқ билан бугдой сомонидан яхшироқ кўрсаткичга эга. Бундан ташқари, киш мавсумида каррак билан шувоқнинг эчкилар томонидан истеъмол қилиниши, яъни едиримлиги янтоқ ва бугдой сомониға нисбатан анча яхши кўрсаткичда кечади, сабаби ҳайвонлар томонидан оғизға олиниши осон кечади. Шу билан биргаликда каррак ва шувоқ таркибида клетчатканинг миқдори оптимал даражада эканлиги ва протеиннинг ҳам нисбатан кўпроқлиги эчкилар организмидаги физиологик жараёнларни норма чегарасида бўлишини таъминлайди.

Хулоса. Таркибида хом протеини нисбатан кўп бўлган ва хом клетчаткаси (структурли углевод фракцияларининг) эса кам бўлган дағал озуқаларни куз-киш мавсумида эчкилар яхши истеъмол қилар экан, шу билан биргаликда бундай кимёвий таркибга эга бўлган дағал озуқаларнинг ҳазмланиш коэффициенти ҳам юқори бўлиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Викторов П.И. Методика и организация зоотехнических опытов. – М.: Агропромиздат, 1991. – С. 38-65.
2. Воробьева С.В. Физиологическое обоснование потребления сухого вещества рационов крупным рогатым скотом в зависимости от содержания структурных углеводов в кормах: автореферат докт. дисс. – Дубровицы., 2003. – 34 с.
3. Ермаков А.И., Арасимович Н.П., Ярош Н.П. и др. Методы биохимического исследования растений. Агропромиздат. – Ленинград отд-ние, 1987. – 430 с.
4. Калашников А.П. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных/ Калашников А.П., Фисинин В.И., Щеглов В.В., Клейменов Н.И. // Справочное пособие. 3-е издание переработанное и дополненное. – М., 2003. – 456 с.
5. Орсков Е. П. Энергетическое питание жвачных животных. Боровск /Перевод с англ. Харитонова Е.Л., 2003. – С. 17-35.
6. Овсянников В.Д. Основы опытного дела. – М.: Колос, 1976. – 303 с.
7. Янович В.Г. Биологические основы трансформации питательных веществ у жвачных животных // – Львов. – 2000. – С. 383.
8. <https://kun.uz/news/2019/01/08/ozbekistonda-yaylov-maydonlarining-necha-foizi-inqirozga-uchragani-malum-boldi>

РЕЗЮМЕ

Қиш мавсумида хайвонларни озиклантиришда баъзи дағал озуқалар моноозуқа сифатида қўлланилганда уларнинг моддалар алмашинуви жадаллигига ва тўйимли озуқавий моддаларнинг ҳазмланишига таъсири ўрганилиб, катта қорин суюқлиги ҳамда қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши аниқланди. Моддалар алмашинуви жадаллиги ҳамда тўйимли озуқавий моддаларнинг ҳазмланишига озуқалар таркибидаги клетчатка миқдоридан ташқари целлюлоза, гемицеллюлоза ва хом протеин миқдори ҳам маълум даражада таъсир қилиши аниқланди.

РЕЗЮМЕ

При изучении биохимических показателей рубцовой жидкости и сыворотки крови животных было установлено, что использование отдельных кормов как дополнительной подкормки к рациону в зимнее время года влияет на интенсивность протекания процессов обмена веществ и переваривание питательных веществ. Установлено, что на интенсивность процессов обмена и переваривания питательных веществ, кроме содержания клетчатки, определенное влияние оказывает и содержание целлюлозы, гемицеллюлозы и сырого протеина кормов.

SUMMARY

When used, the individual feed as additional dressing to the diet in the winter season, and to study their impact on the intensity of the flow of metabolic processes and digestion of nutrients can be controlled with the study of biochemical indicators of rumen fluid and blood serum of animals. It was found that the intensity of metabolic processes and digestion of nutrients in addition to fiber content of the diet, and has a certain influence of cellulose, hemicellulose and crude protein.

Наишга проф. Ш.Қурбонов тавсия этган

ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТУПРОҚ ХОССАЛАРИНИ ХАРИТАЛАШ

**Баходиров З.А., Усмонов Ж.З., Хожиев Қ.М., Иброхимов С.С,
Акрамов И.Л.** (“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти)

Калит сўзлар: *тупроқ тадқиқотлари, геоахборот тизимлари, рақамли хариталар, гумус, азот, фосфор ва калий таркиби, тупроқ шўрланганлик даражаси ва тип.*

Ключевые слова: *почвенные исследования, геоинформационные системы, цифровые карты, состав гумуса, азота, фосфора и калия, тип и степень засоления почв.*

Key words: *soil research, geographic information systems, digital maps, composition of humus, nitrogen, phosphorus and potassium, type and degree of soil salinization.*

Кириш

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисида ишончли маълумотларга эга бўлиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш, антропоген салбий таъсирларнинг олдини олиш пухта ўйланган, илмий тадқиқотларга асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун тупроқ картографиясига янги услубларни қўллаш, айниқса, ялпи тупроқ тадқиқотларини ўтказиш чекланган шароитларда янги географик ахборот тизими технологияларини қўллаш соҳани янги даражага олиб чиқади ва юқори самарадорликка эришилади. Шунингдек, бу технологияларни қўллаш ҳисобига тупроқ карталарини бошланғич (дастлабки тайёргарлик) ва охириги (камрал) босқичларида талаб этиладиган ишлар қисқаради, ишларнинг бажариш тезлиги, маълумотлар базаси, уни янгилаш ва қайта ишлаш имкониятлари янада ошади.

Мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигига геоахборот тизимини жорий қилиш ер ресурсларини самарали ва оқилона бошқариш учун замин яратади. Ушбу технология тупроқ хариталарини яратишда аъъанавий ишлардан олинган маълумотлар билан геоахборот тизимини статистик таҳлиллар асосида боғлайди. Ушбу соҳада геоахборот тизимини қўллаш замонавий компьютер дастурлари ва қурилмалари асосида маълум бир объект ёки ҳудуд тўғрисидаги тўлиқ ахборотларни таҳлил этиш ва маълум бир йўналишдаги масалаларни ечиш, шунингдек, тупроқлар унумдорлиги геоахборот тизимини ва тупроқ унумдорлиги

моделини ишлаб чиқиш, тупроқда кечадиган салбий ҳолатларни олдиндан башоратлаш ва бунинг ҳисобига эса тупроқлар унумдорлигини бошқариш имкониятларини яратади.

Тадқиқот объекти ва услублари

Тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги Малик массиви танлаб олинди. Тадқиқотлар услуби асосини умумқабул қилинган услублар, қиёсий-географик, лаборатория-аналитик, маълумотларнинг статистик таҳлили ҳамда географик ахборот тизимлари асосида геофазовий таҳлил услублари ташкил этди.


Тадқиқотлар натижалари

1) Тупроқларнинг гумус ва озуқа моддалар билан таъминланганлик ҳолати

Суғориладиган тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилияти (маҳсулдорлиги) ва унумдорлик даражаси кўп жиҳатдан уларнинг гумус ва озуқа моддалар билан таъминланганлик ҳолати боғлиқ бўлади. Тупроқда кечадиган жараёнлар, ўзгаришлар ва хоссаларнинг пайдо бўлишида гумуснинг аҳамияти жуда катта. Тупроқдаги органик моддалар сувни кўп ютиш қобилияти ва сифими туфайли кўп миқдорда озуқа моддаларини ва намликни тўплаш ҳамда ушлаб туриш қобилиятига эга.


Ўрганилган массивлар суғориладиган тупроқларнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 0.50 фоиздан 1.30 фоизгача бўлган миқдорларни ташкил этади. P₂O₅ (фосфор) моддалари билан таъминланганлик ҳолатига кўра ўртача 3.20 мг/кг дан 34.40 гача бўлаган кенг интервални ташкил этади. K₂O (калий) моддасининг ўрганилган ҳудуд тупроқлари ҳайдалма қатламидаги миқдорий кўрсаткичлари 100 мг/кг дан 280мг/кг гача оралиқда тебраниб туради.

1-расм.



Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви суғориладиган тупроқларида гумус тарқалиши харитаси

2-расм.




Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви суғориладиган тупроқларида калий тарқалиши харитаси

2) Тупроқлардаги шўрланиш жараёнлари, шўрланганлик даражаси ва типлари

Шўрланиш суғориладиган ерлар унумдорлиги ва экологик-мелиоратив ҳолатини белгиловчи асосий тупроқ жараёнларидан ҳисобланиб, бу жараён ҳудуднинг рельефи, геоморфологик-литологик тузилиши, гидрогеологик ва инсон-хўжалик шароитлари, гидромелиоратив тизимлар техник ҳолати ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Тадқиқот натижалари таҳлилига кўра, Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви суғориладиган тупроқлари асосан ўрта ва кучли шўрланган типлардан иборат бўлиб, тупроқ профилидаги сувда осон эрувчи тузларнинг умумий миқдори ҳайдалма қатлам тупроқларда 0,110-1,860 фоиз бўлган кенг интервални ташкил этади. Хлор иони миқдори 0,021-0,843 фоиз ва сульфат иони миқдори 0,090-1,110 фоиз кўрсаткичларида тебраниб туради.

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви суғориладиган тупроқлари шўрланиш хариталари



Хулоса

Тадқиқотлар натижасида ArcGIS ГАТ дастурий таъминоти Spatial Analyst ва Geostatistical Analyst модулларининг тупроқ тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилиш ва махсус тематик карталар яратишда илмий изланувчиларга кенг имкониятлар яратиши аниқланди. Шунингдек, тупроқ тадқиқотларини ўтказишда фойдаланилган ArcGIS ГАТ дастурий таъминотининг берилган маълумотларни бир вақтнинг ўзида бир қанча усуллардан фойдаланиб мукамал таҳлил қилиши, йиллар давомида йиғилган маълумотлар асосида тупроқ ҳолати мониторингини юритиши, маълумотларни истеъмолчига унинг талабига асосан исталган ўлчамда ва нусхада чиқариши, таҳлил натижаларини электрон шаклда сақлаши ва шу каби бошқа бир қанча имкониятлари намоён бўлди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, ушбу замонавий геоахборот тизими технологияларини тупроқшунослик соҳасида қўллаш ҳисобига аниқ ва тезкор маълумотлар олиш мумкин, уларни оператив қайта ишлаш ва сақлаш имкониятлари ошади, шунингдек, маълумотлар базаси шаклланади ва натижада ер ресурслари ҳолатини мукамал таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. McBratney and Lagacherie, Global Workshop on Digital Soil Mapping, Montpellier, 2004.
2. Atkinson, P. M. 1999. Geographical information science: geo statistics and uncertainty. Progress in Physical Geography, 2007.
3. Colin Childs, Gary Kabot, "Working with ArcGIS Spatial Analyst", ESRI, 2006.
4. "Computerized Systems of Land Resources Appraisal for Agricultural Development", World Soil Resources Report, Rome, 2003.
5. Guide "Using ArcGIS Desktop", ESRI Press, 2006.
6. Канаева Е.Д., "Геоэкологическая оценка земельных ресурсов криолитозоны на основе геоинформационных технологий (на примере Ереванской котловины)", Улан-Уде, 2011
7. W. G. Sombroek, J. Antoine, "The Use of Geographic Information Systems (GIS) in Land Resources Appraisal", – Rome, Italy, – 2004.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тупроқ тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилишда замонавий геоахборот тизими технологияларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар берилган. Ушбу технологиялар ёрдамида тупроқ хоссаларидан тупроқнинг гумус ва озиқ моддалар билан таъминланганлиги ва тупроқ шўрланиш ҳолатлари интерполяция усулида таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари асосида мавзули рақамли хариталар ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье дается информация об использовании современных геоинформационных системных технологий при анализе результатов почвенных исследований. С помощью этих технологий были проанализированы возможности обеспечения почвы гумусом и питательными веществами из свойств почвы, а также состояния засоленности почвы методом интерполяции. На основе результатов исследования разработаны тематические цифровые карты.

RESUME

The article presents data on the use of technology of modern geographic information systems in the analysis of the results of soil research. Analyzed from soil properties the provision of soil with humus and nutrients and the state of soil salinization based on the interpolation method using these technologies. Developed thematic digital maps based on research results.

Наширға доц. М.Ҳакимова тавсия этган

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА АНИҚ-ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШГАН ЎҒИТЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қўзиёв Ж.М., Жумаев Ш.Х., Баходиров З.А. (Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти), **Баходиров А.** (ТДТУ)

Таянч сўз ва иборалар: *ахборотлаш, автоматлаштириш, роботлаштирилган ва “ақли” тизимлар, аниқ координатланган деҳқончилик, минерал ўғитлар, ўғитлаш меъёрлари, трактор, агрегатлар.*

Ключевые слова: *информация, автоматизация, роботизированные «умные» системы, точно-координированное земледелие, дифференциация, применение удобрений, тракторы, агрегаты.*

Key words: *Information, automated robotic "smart" systems, precisely-coordinated farming, differentiation, the use of fertilizers, tractors, units.*

Бугунги кунда республикаимиз халқ хўжалигининг барча соҳалари такомиллашиб, янги босқичга чиққанлиги ҳаммамизга маълум. Шиддат билан ривожланаётган давр талабларига жавоб бера оладиган инновацион технологияларнинг кишлоқ хўжалиги соҳасини асосий тармоқларидан бири бўлган – агрокимё йўналишида минерал ўғит қўллашнинг мақбул тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва соҳани ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки интенсив деҳқончиликда олинадиган ҳосилнинг 50-60% фоизи минерал ўғитлар ҳисобига тўғри келиши ўтган асрда ўз исботини топган. Аммо ҳанузгача республикаимизда мазкур тизим асосида ўғит меъёрлари белгиланиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилмоқда ва шу меъёрлар асосида ўғит қўлланилиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам кишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, ғўза ва кузги буғдой экинларидан етарлича ҳосил олиш имкони ўз ечимини тўла топгани йўқ.

Умуман олганда, бугунги кунда парваришланаётган нафақат ғўза ва кузги буғдой, қолган кишлоқ хўжалик экинларига қўлланилаётган минерал ўғитлар меъёри ва нисбатларини янгидан кўриб чиқиш ва уларни бугунги кун талабига мос келадиган замонавий техника ва технологиялар асосида бошқариш лозим. Чунки экинларга қўлланиладиган минерал ўғитларнинг йиллик меъёри ўтказилган дала тажрибалари асосида белгиланади. Аммо дала тажрибалари ўтказиладиган участкаларни танлашда, тупроқ хосса-хусусиятлари бир-бирига яқин бўлган жой танланади ва ўтказилган дала тажрибасининг маълумотлари асосида йиллик минерал ўғитлар меъёри тавсия этилади. Бу эса бугунги кун ўғитлаш тизимига мутлақо тўғри келмайди. Биринчидан, дала контурлари тупроқларининг хосса-хусусиятлари бир хил эмаслиги, иккинчидан, аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бориши, интенсив деҳқончилик қилинадиган экин ер майдонларининг ҳар бир гектаридан юқори ва сифатли ҳосил олишни тақазо этмоқда.

Демак, бугунги кун агрокимё соҳаси шундай бўлиши керакки, энг аввало тупроқларнинг хосса-хусусиятларини, экин турини, минерал ва маҳалий ўғит таркибидаги озуқа эле-

ментларининг миқдори тўғрисидаги маълумотлар базасига эга бўлиши лозим. Шундагина ҳар бир гектарда тарқалган тупроқларнинг хосса-хусусиятига асосланган ҳолда, керакли минерал ўғит меъёрини автоматик равишда қўллашга ихтисослашган янги замонавий технологияларни яратиш мумкин. Мазкур тизимда тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари бўйича маълумотлар базаси ҳам яратилади ва у шаклланиб, келгусида тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини даврий ўзгариш динамикасини, географик жойлашиш ўрнини ҳамда тупроқларнинг йиллар бўйича мониторингини юритиш ва керакли тезкор хулоса чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш, маиший, коммунал ва бошқа соҳаларига янги ахборотлаштирилган, автоматлаштирилган, роботлаштирилган «ақлли» тизимлар кириб келмоқда ва улардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмоқда. Бу албатта давр тақозоси бўлиб, бошқа соҳалар қаторида қишлоқ хўжалигига ҳам автоматлаштирилган замонавий тизимлар кириб келди. Мазкур тизимлардан фойдаланган ҳолда ривожланган давлатлар интенсив деҳқончиликда бир қатор ютуқларга эришмоқда. Масалан, аниқ-координатланган деҳқончилик (АҚД) тизимларини киритиш мумкин. АҚД тизими эса куйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- трактор ва агрегатларни GPS (Global Positioning System) тизими ёрдамида автопилот режимида бошқариш;
- сенсор ва датчиклар ёрдамида тупроқ ва экин ҳолатини аниқлаган ҳолда реал вақт режимида дифференциалланган ўғитлаш;
- аниқ (конкрет) ер участкалари учун тупроқ ҳолати, ҳосилдорлик ва рентабеллик хариталарини тузиш.

АҚД тизимлари ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб Америка, Голландия, Германия, Англия ва Япония давлатларида жорий қилина бошлаган. Масалан, Англияда уч йил давомида Amazone-M-Tronic номли махсус тупроқларнинг озуқа элементлари билан таъминланганлик даражаси, ўсимликларнинг эса озуқа элементларига бўлган талаби (яъни, ташқи кўринишини инобатга олган ҳолда) асосида дифференциал ўғитлаш машинасидан фойдаланиб минерал ўғит қўлланганда, аниқ ўғитлаш тизими ҳисобига йилига ҳар бир гектар экин ер майдонидан 17,3 фунт стерлинг қўшимча фойда олинган. Шунингдек, Франция давлатида Hydroelectron номли махсус пуркагич ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинган ва у Францияда ўтказилган кўргазмада олтин медаль олган. Юқорида айтилган агрегат асосида суюлтирилган минерал ўғитларни пуркаш йўли орқали қўлланганда 20% гача агрокимёвий воситалар тежаб қолинган [1].

Ҳозирги кунда Германиянинг «Amazone-Werke H. Dreyer GmbH & Co. KG» компанияси бу борада «IT-Farming» (яъни, информатсион тизимлар ёрдамида деҳқончилик олиб бориш) қурилмаларларини ишлаб чиқармоқда. Бу тизимнинг асосий ядроси «AMATRON+» борт компютери бўлиб, у GPS ва трактордаги бошқа элементлар – датчиклар, сервоприводлар ва дозаторлар билан боғланган.

Шунингдек, Россиянинг «Евротехника МПС» фирмаси ҳам ўзининг Green Seeker® RT200 номли махсус минерал ўғит қўллашга ихтисослашган техникаларини таклиф қилмоқда. Бу тизим ҳам экинларга аниқ-дифференциалланган ўғит қўллаш имконини беради [2].

Бундай АҚД тизимларни қўлланишнинг куйидаги аҳамияти ва афзалликлари мавжуд:

- биринчидан, қўлланиладиган минерал ва маҳаллий ўғитларнинг ортиқча исрофгарчилигининг олди олинади ва 1,7 баробаргача тежалади;
- иккинчидан, минерал ўғит ва трактор ёқилғи мойлаш харажатлари кескин қисқаради, бу ўз навбатида махсулот таннархининг камайишига олиб келади, далааларга турли

оғир техникаларнинг ортиқча киришининг, хайдов ости қатламларининг зичлашининг олди олинади;

- учинчидан, тупроқлар таркибидаги озуқа элементлар мувозанати бошқарилади, пировардида тупроқлар унумдорлиги сақланади ва тикланади;

- тўртинчидан, тупроқларнинг озуқа элементлари билан таъминланганлик даражасига қараб минерал ўғитларнинг керакли нукталарга мақбул (оптимал) меъёрларда қўллаш натижасида атроф-муҳитнинг экологик ҳолати яхшиланади.

Аниқ деҳқончилик (точное земледелия) технологиясини республикаимиз қишлоқ хўжалик соҳасиги олиб кириш, уни модернизация қилиб тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш, қишлоқ хўжалик машиналарини янги геофазовий – смарт ўғитлаш тизимига ўтказиш, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун долзарб (актуал) масала ҳисобланади, мазкур тизимни қўллаш соҳани янги босқичга олиб чиқади.

Бу борада Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтида БВ-А-ҚХ-2018-235 рақамли «Суғорма деҳқончиликда аниқ факторлар асосида ўғитлаш технологиясининг янги геофазовий – смарт тизимини ишлаб чиқиш» мавзусида АКД тизими асосан экинларни аниқ-дифференциалланган ўғитлаш вазифасини бажариш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда.

Тизим **onn-line** реал вақт режимида ишлайди. Стационар компьютерда даланинг ҳар бир элементар участкаси учун керакли бўлган ўғит меъёри топшириқ-харитаси тайёрланади. Кейин бу топшириқ-харита тракторнинг борт компьютерига ўтказилади. Борт компютери GPS-приёмниги билан таъминланган ва махсус дастурга эга бўлади. Трактор дала бўйлаб ҳаракат қилганда GPS билан у турган участканинг координаталари аниқланади. Борт компютери бу участка учун керакли бўлган ўғит меъёрининг таъминлаш учун микроконтролёрга буйруқ беради. Ўз навбатида микроконтролёр сервопривод ёрдамида дозаторнинг очилиш даражасини бошқаради. Маълумки, ерга тушаётган ўғит меъёри тракторнинг юриш тезлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам тезлик датчиги ёрдамида тракторнинг тезлиги тўғрисида маълумот олинади ва бу маълумот билан борт компютери дастур асосида дозатор ишини коррективировка қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, АКД тизимларини республикаимиз тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш долзарб масала бўлиб, у интенсив деҳқончиликни янги замонавий босқичга олиб чиқади. Бу ўз навбатида ўқув юртларида бундай тизимларни эксплуатация қила оладиган мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилади. Юқори малакали тракторчилар, дастурчилар, автоматик бошқариш муҳандислари, ГАТ (геоахборот тизимлари) мутахассислари ва бошқалар учун республикаимизда иш ўринлари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Абрамов Н.В. Дифференцирование внесение минеральных удобрений с использованием космических систем // Агропродовольственная политика. – Ташкент, 2014. – №2. – С. 2-8.

2.Абрамов Н.В. Земледелие с использованием космических систем // Земледелие. – Ташкент, 2015. – №2. – С. 13-18.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигида замонавий ўғитлаш тизими ва унинг афзалликлари, минерал ўғитлар қўллаш бўйича ривожланган давлатларда ишлаб чиқиётган замонавий техника ва ўғитлаш тизими хусусидаги фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализированы материалы по применению в сельском хозяйстве современной техники и системы удобрений, разрабатываемых в развитых странах мира.

SUMMARY

In the article about the analyzed materials on the application in agriculture of modern technology and fertilizer systems, developed in developed countries.

Наишга доц. М.Ҳакимова тавсия этган

ОЧЛИК ВА КЎП ЕГАНЛИК ГЕОГРАФИЯСИ

Курбанова Ш.Ш. (ҚарДУ хузуридаги ХТХҚТМОҲМ)

Таянч сўз ва иборалар: *макронутриентлар, микронутриентлар, чўлланиш, полифабрикатлар, гиподинамия, антропоген омиллар, глобал индекс, интерактив харита, табиий катаклизмлар.*

Ключевые слова: *макроэлементы, микроэлементы, опустынивание, полифабрикаты, гиподинамика, антропогенные факторы, глобальный индекс, интерактивная карта, природные катаклизмы.*

Key words: *macronutrients, micronutrients, desertification, polyphabricates, hypodynamics, anthropogenic factors, global index, interactive map, natural cataclysms.*

Дунёда аҳоли сонининг тобора ошиб бориши уларни етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда. Чунончи, ер юзидаги айрим давлатларда очлик, яъни ҳар бир организмнинг ўсиши, улғайиши, меҳнат қилиши ва ҳоказолар учун етарли миқдорда озиқ-овқатнинг етишмаслиги мавжуд бўлса, бошқаларида кўп еганлик ёки озиқ моддалардан айтиб ўтилган эҳтиёждан ошиқча истеъмол қилиш кузатилмоқда. Ҳар иккала ҳолат ҳам инсоният тарихида турли даврларда кўпгина давлатларда бўлган, бор ва бундан кейин ҳам содир бўлиш эҳтимолдан узоқ эмас. Гап шундаки, айтиб ўтилган ҳолатлар кишиларнинг ҳаёти, умри, иш қобилияти, сиҳат-саломатлигига кучли салбий таъсир этиб қолмасдан, балки улар яшаётган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий мавқеида ҳам қатор муаммолар келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан озиқ-овқат билан боғлиқ бўлган ушбу муаммолар устувор масала ҳисобланиб, уларни ҳал қилиш учун бутун дунё миқёсида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Даставвал қайд қилиш керакки, очлик ва кўп еганлик мезонларини, кейин бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилишда ҳар бир давлат олдига қўйилиши керак бўлган вазифаларни белгилаб олиш, ҳамда бу борада умумий халқаро назорат ўрнатиш лозимлиги кўпгина давлатлараро ҳужжатларда ўз аксини топган. Мана шу масалалардан дастлабки учтаси, яъни очлик ва кўп еганлик мезонлари, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда ҳозирги пайтдаги географик тарқалиши ҳақида тегишли аниқ маълумотларга эга бўлиш умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун ўқувчиларга озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар ҳақида тегишли билим беришда аскотишини ҳисобга олиб, қуйида шулар ҳақида фикр билдирмоқчимиз.

Очлик ва кўп еганлик ҳолатлари даставвал биологик тушунчалар бўлиб уни аниқлашда тегишли биологик тиббий меъёрларга таянилади. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги (ФАО, инглизча Food and Agriculture Organization-FAO) департаментининг маълумотларида қайд қилинишича, сутка давомида катта одамлар учун 2800-3000 ккалли озиқ-овқат (шундан 90 г оқсил, унинг ўртача ярми ҳайвон оқсидан иборат бўлиши, тахминан 100 г атрофида ёғ ва 400-500 г углевод) қабул қилиш меъёр ҳисобланади. Ушбу энергия берувчи озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни оқсиллар, ёғлар ва углеводлар умумий ном билан макронутриентлар дейилиб, улардан ташқари таомлар таркибида энергия бермасида доимий истеъмол қилиниши лозим бўлган минерал моддалар ҳамда витаминлар бўлиб (уларни суткалик меъёрлари махсус маълумотномаларда берилган) уларни микронутриентлар деб аталади. Айтилган макро ва микронутриентларнинг етарли бўлишида албатта истеъмол қилинадиган маҳсулотлар хилма-хил (ҳар хил ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари) бўлиши керак. Лекин турли-туман табиий ва антропоген омиллар таъсири боис озиқ-овқат маҳсулотларини етарли даражада тайёрлаш йилдан-йилга оғир кечмоқда. Буларга даставвал инсониятга истеъмол учун ҳамда ўсимликларни суғоришга керакли сув ресурсларининг камайиб бориши, қурғоқчилик ва чўлланишнинг авж олиши, мўл ҳосил олиш учун турли кимёвий бирикмаларнинг кўп ишлатилиши туфайли тупроқ структурасининг бузилиб кетиши боис ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши, эко-

логик номутаносиблик натижасида макро ва микронутриентларга талабнинг ошиб кетиши ва бошқаларни келтириш мумкин.

Агар юқорида санаб ўтилган омиллар туфайли очлик билан боғлиқ муаммолар келиб чиқаётган бўлса, баъзи бир давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллиги, уларга қараб истеъмол таомларининг хилма-хил ва мазали бўлиб бориши, аҳоли орасида эса асосий эътиборни шундай таомларни тобора кўпроқ ейишга иштиёқнинг ошиб бориши рўй бермоқда. Иккинчи томондан, ҳаётий жараёнларнинг тобора жадаллашиб бориши овқат тайёрлаш ва уни истеъмол қилишга вақтни камайтириш мақсадида тез тайёрланадиган полуфабрикатлар, фаст-фуд, гамбургер, чипслар ва шунга ўхшаш таомлардан кенг кўламда фойдаланиш, турли хил ширинликларнинг ниҳоятда кўпайиб кетиши боис улардан меъридан анча кўп истеъмол қилиш, кундалик ейиладиган овқат таркибидаги умумий калория билан унинг сарфланиши ҳамда озиқ моддаларнинг меъерий нисбати ўртасида номутаносиблик юзага келмоқда. Бундан ташқари техника ва машиналарнинг кўпайиб кетиши туфайли гиподинамиянинг (камҳаракатлилиқнинг) ривожланиб бориши одатдаги овқатланиш билан қабул қилинган умумий калориянинг сарфланишини камайтириб, натижада маълум миқдордаги энергиянинг ортиқчалиги юзага келмоқда. Бу ҳол ўз навбатида ортиқча вазн тўпланишига олиб келадиган асосий сабаблардан биридир.

Очлик ва кўп еганлик ҳолатларига антропоген омиллар таъсири ҳақида гапирганда шу нарсани қайд қилмоқчимизки, агар аҳоли ўртасида юқори овқатланиш маданиятига эришилмаса, очлик ва кўп ейиш билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш билан олиб борилган чораи тадбирлар ҳаминқадар бўлади (Курбонов ва бошқалар 2018). Бундан ташқари эҳтиёждан кўп овқатланиш деганда кўп ҳолларда кунлик истеъмол қилинган таомлар таркибидаги умумий энергиянинг ҳозирги замон кишилари ҳаётида ўрин олган камҳаракатлилиқ (гиподинамия) туфайли тўлиқ сарфланмаслиги нуқтаи назаридан тушунилади. Бундай номутаносибликни бартараф қилиш учун эса ёшу-қари, аёлу эркак демасдан жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Очликнинг дунё бўйича тарқалишини ўрганиш анча вақтлардан бери олимларни қизиқтириб келмоқда. Бу борада кўплаб адабиётлар мавжуд, шулар ичида кенгрок маълумот берадиганларидан бири Бразилиялик антрополог Ж.Кастронинг 1954 йилда чоп қилинган “Очлик географияси” китоби ҳисобланади (Кастро, 1954).

Ҳозирги кунда очликнинг дунё бўйича тарқалиши ва унинг фалсафий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ҳақида В.А.Коваленконинг 2016 йилда эълон қилинган мақоласида келтирилган. (Коваленко, 2016). Қайд қилинган ва шунга ўхшаш бошқа манбаларда дунёдаги давлатлар бўйича очликнинг батафсил интерактив харитаси тузиб чиқилган, қайсики ер шарининг ҳар бир региони бўйича бу ҳақда батафсил маълумотлар беради.

Очлик даражаси махсус индекслар ёрдамида аниқланади, бундай усуллардан энг қулайи Глобал индексни (The Global Hunger Index) ҳисоблаб чиқаришдир. Унга кўра очлик даражаси қуйидаги учта кўрсаткичга асосланади:

- 1) маълум ҳудуддаги оч аҳоли сонининг ўша ерда яшайдиган ва етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланадиган аҳоли сонига нисбати;
- 2) тана вазни меъридан кам бўлган 5 ёшгача бўлган болаларнинг кўплиги;
- 3) 5 ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим даражаси.

Ушбу усулнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тегишли кўрсаткичларни ҳисоблашда фақатгина демографик кўрсаткичлардан ташқари айни региондаги болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши ва улар орасидаги ўлим сони ҳам инобатга олинади. Индекс 0 дан 100 гача бўлиб, шундан 0 очлик тамоман йўқ, 100 эса очлик энг юқори даражада деган маъноларни билдиради.

Индекс 0-4.9 бўлганида очликнинг энг паст, 5-9.9 да ўртача 10-19.9 да жиддий, 20-29.9 да ҳавотирли, 30 ва ундан юқори бўлганида эса кескин ҳавотирли ҳисобланади. Кейинги бир неча йилларни ўз ичига олган хариталар таҳлил қилинганда шу нарса маълум


бўладики, охириги йилларда очлик даражаси ҳолати ижобий томонга қараб ўзгармоқда, бош-гача айтганда кескин хавотирли ҳолатдаги давлатлар сони бир мунча камаймоқда (1-харита).

2006 йил Африка регионидagi қуйидаги давлатларда 20-20.9 бўлган очлик даражаси Гамбия, Гвинея, Конго демократик Республикаси, Миср, Замбия, Зимбабве, Камерун, Кения, Мавритания, Мадагаскар, Мали, Мозамбик, Намибия, Нигерия, Танзания Бирлашган Республикаси, Синегал, Сомали, Уганда, Марказий Африка Республикаси, Чад, Эфиопия ва бошқалар;

Америка регионидa очлик ҳолати яққол кўриниб турадиганларга Боливия, Гаити, Гватемала, Гондурас, Колумбия, Куба, Никарагуа, Перу, Салвадор ва Эквадор давлатлари киради.

1-харита.

Дунё миқёсида очлик даражасининг давлатлараро тақсимланиши



Осиё регионидa эса Озарбайжон, Арманистон, Афғонистон, Бангладеш, Грузия, Тожикистон, Ҳиндистон, Қирғизистон, Индонезия, Комбодже, Лаос, Непал, Маями, Покистон, Шимолий Корея, Шри-Ланка ҳамда Филиппин давлатлари киради. Яқин Шарқ мамлакатларидан Иордания, Ироқ, Эрон, Яман ва Суриянинг (Саудия Арабистони) босиб олинган ҳудудларидан ҳам очлик билан боғлиқ муаммолар мавжуд. ФАО мутахассислари томонидан тузилган харитани кейинги йилларга мослаб таҳлил қилиш вазиятнинг ижобий томонга қараб ўзгараётганлигини, яъни дунё бўйича очлик муаммосининг оз бўлса-да ечим топаётганлигини кўрсатади. Бундай ижобий ҳолатнинг юзага келишида БМТ ҳамда айрим давлатлар томонидан олиб борилаётган тегишли региондаги очликни бартараф қилиш бўйича саъий ҳаракатлар (гуманитар ёрдам ва бошқалар) муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун Мавритания ва Сенегалда 2006 йилда очлик индекси 20-29.9 хавотирли ҳолат бўлган бўлса, кейинги уч йилда ушбу кўрсаткич уч мартагача қисқариб 10-19.9 га тушди, яъни бир мунча юмшади, лекин умумий ҳолат жиддийлигича сақланиб келмоқда. Шу йилга келиб, (2009 йил) очликнинг дастлабки икки ҳолатига (паст ва мўътадил ҳолатлар) Алжир, Миср, Ливия, Морокко, Тунис ҳамда Жанубий Араб Республикалари яқинлашиб қолган. Африка континентидаги вазиятни таҳлил қилганда шу нарса диққатни тортадики, жойларда кузатилган ҳар хил локал уруш ҳаракатлари очлик индексининг пасайиб кетишига олиб келади. Масалан Дарфурдаги конфликтлар натижасида фақатгина 2004-2005 йиллар давомида 180 000 дан зиёдроқ аҳоли очликдан нобуд бўлди ва бу ҳолат Судандаги умумий аҳволни ёмонлаштирди. Фақатгина БМТнинг фаол аралashi боис ушбу давлатдаги кузатилган очлик индексининг 20-29.9 бўлган кўрсаткич 10-19.9 гача пасайиши амалга оширилди. Шимолий ва Жанубий Америкадаги Куба, Мексика ва барча Лотин Америкаси давлатларида ҳам очлик индекси сезиларли даражада пасайди.

Евросийё континентида 2006 йилга келиб Комбоджа, Шимолий Корея ҳамда Тожикистонда очлик индекси анча юқори бўлган. Очлик ҳолатининг ташвишли даражада қайд қилиниши Бангладеш, Ҳиндистон, Покистон, Непалда кузатилган бўлса, Озарбайжон, Армения, Вьетнам, Грузия, Индонезия, Туркменистон, Ўзбекистон ва Филиппинларда аҳвол бир мунча яхшиланган. 2009 йилда очлик ҳолатининг “ ташвишли “ даражаси Бангладеш, Ҳиндистон, Покистонда сақланиб, Арманистон, Грузия, Хитой, Индонезия, Саудия Арабистони, Тайланд, Туркменистон, Ўзбекистон ҳамда Филиппинда ҳолат мўтадиллик даражасига етиб борган. Бундай ижобий ўзгаришларда айтиб ўтилганидек, БМТ томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатларнинг салмоғи сезиларли.

Биз юқорида қисқача бўлса-да очлик ҳолати, унинг асосий сабаблари ҳамда Ер юзиде тарқалганлик географияси ҳақида маълумотлар келтирдик. Очлик ва у билан боғлиқ муаммоларнинг геометрик қарама-қарши кўриниши бу озиқ-овқат маҳсулотларидан меъёрга нисбатан кўп еганлик туфайли келиб чиқадиган ҳолатлардир. Улар ҳам инсоният тақдирини белгилашда нафақат тиббий-биологик, экологик, балки анча муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этади. Масаланинг тиббий-биологик томонлари кўп еганлик боис, биринчидан, кишиларда ошиқча тана вазнига эга бўлиш, семириш ва улар туфайли келиб чиқадиган давр касалликлари (юррак ишемик хасталиклар, қандли диабет, қон босимининг юқори бўлиши, атеросклероз, мия инсулти, миокард инфаркти, қонда холестериннинг кўпайиб кетиши ва бошқалар) билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, озиқ-овқат ресурсларини доимий равишда ортиқча сарф қилиш иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларга олиб келади. Бу ерда шу нарса унутмаслик керакки, меъеридан кўп ейиш иқтисодий тангликни келтириб чиқариш билан ўз навбатида кишилар саломатлигининг янада ёмонлашувига олиб келади, натижада уларда меҳнат қилиш қобилияти пасайиб кетади, касаллик боис ишга чиқмаслик, ишга яроқсизлик ҳолатлари кўпаяди. Ушбу ҳолатлар ўз навбатида катта иқтисодий инқирозга олиб келади. Масалан, биргина Америка Қўшма Штатларида ошиқча тана вазни ва семириш туфайли давлат бюджети йилига 75 млрд доллар зарар етган.

Дунё миқёсида очлик ва кўп еганлик билан боғлиқ бўлган салбий тиббий биологик ҳолатлар ҳақида фикр юритилганида шу нарса ҳам инобатга олиш зарурки, ҳар иккала ҳолатда ҳам инсониятнинг зарарланиши бир-биридан кам эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала ҳолатда ҳам аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига айниқса сihat-саломатлик борасида анча мунча путур этади. Агар очлик омили туфайли асосан патоген микроорганизмлар туфайли келиб чиқадиган юқумли касалликлардан (ич терлама, ичбуруғ, қизамиқ, холера, дифтерия ва бошқалар) азият чекилса, ошиқча тана вазнига эга бўлиш ва семизлик сурункали хасталикларга (қон босимининг юқори бўлиши, атеросклероз, қандли диабет ва бошқа давр касалликлари) га олиб келади. Боз устига уларга мубтало бўлганлар боис, айтиб ўтилганидек, ҳар бир давлатда масаланинг жиддийлик даражасига қараб тегишли ижтимоий-иқтисодий зарар кўрилади. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув масканларида ўқувчи ва талабаларнинг бу борада саводхонлигини таъминлаш озиқ-овқат билан боғлиқ муаммоларни ечишда тегишли аҳамият касб этади.


Мавжуд муаммоларга қараганда Европа давлатлари ичида эҳтиёждан ошиқча овқатланиш туфайли юзага келадиган семизлик бўйича Германия, Греция, Кипр, Мальта, Словакия, Финландия ҳамда Чехия Республикаси олдинги ўринларни эгаллайди.(7). Яна шу нарса муҳимки, қайд қилинган регионда юз млн. болалар ошиқча тана вазни боис азият чекишади (8) ва уларнинг сони ҳар йили 400 000 га ошиб бормоқда. Европада хотин-қизларнинг 34 фоиз клиник семириш бўлса, АҚШ да бу кўрсаткич 38 фоизга чиққан.(9).

Озиқ-овқатларни организм талабига қараганда кўп истеъмол қилиш бўйича барча давлатлар ичида АҚШ, Мексика ва Саудия Арабистони байроқдорлик қилади.(2 ва 3-хариталар) Уларда семизлик боис азият чекаётганлар 30 фоиздан юқори. Бу борада таҳликали ҳолат (20-30 фоиз) Буюк Британия, Янги Зеландия, Туркия ҳамда Жанубий Америка давлатларида кузатилмоқда. Ўртача ҳолат (10-19.9 фоиз) Австралия, Австрия, Аргентина, Бра-

зилия, Германия, Голландия, Испания, Канада, Польша, Португалия, Россия, Франция, Швецария, Швеция, Сингапур ва Тайван оролларида қайд қилинган. Семизлик минимал миқдорда учрайдиган давлатларда (0-5 фоиз) Хитой, Тайланд, Филиппин, Жанубий Корея, Япония киради.


2-харита.

Семизлик бўйича 18 ва ундан катта ёшда бўлган эркекларнинг давлатлар бўйича тарқалиши



3-харита.

Семизлик бўйича 18 ва ундан катта бўлган аёлларнинг давлатлар бўйича тарқалиши



Хулоса қилиб айтганда, дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ очлик ва эҳтиёждан ортиқ истеъмол қилиш муаммолари серқирра бўлиб ўз ичига қатор тиббий –биологик, ижтимоий-иқтисодий масалаларни қамраб оладики, уларнинг келиб чиқиши бир томондан табиий катаклизмаларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу ўринда антропоген омиллар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Табиий офатлар билан юзага келадиган муаммоларнинг ечилишида асосий саъй-ҳаракатлар давлатлар уюшмаси (масалан БМТ), алоҳида олинган давлатлар томонидан олиб бориладиган ташкилий ва малакавий ишларга боғлиқ. Бу ҳақда биз юқорида БМТ бевосита аралашishi билан қатор давлатларда очлик даражасини камайтириши ҳақида тўхталиб ўтдик. Худди шунингдек, ошиқча тана вазни ва семиришдан сақланишда ФАО томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижаларини ҳар бир регионда таҳлил қилиниб нотўғри овқатланиш билан боғлиқ хасталикларни олдини олиш ва бартараф қилишда тарғибот ишлари олиб борилмоқдаки, булар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда (ўртача умрнинг узайиши, рационал овқатланишни ташкил қилиш билан айрим касалликларнинг камайиши ва бошқалар).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Колесняк А.А. Продовольствие – в мире, стране, регионе. – М.,2001. – 194 с.
2. Ш.Қурбонов, Б.О.Дўстчонов, А.Ш.Қурбонов, О.Р.Каримов Соғлом овқатланиш физиологияси. – Қарши, 2018, – 435 б.
3. Экология морей и прибрежные экосистемы.
URL: <http://www.biodat.ru/doc/biodiv/part5b.html>.
4. World Food Programme. URL: <http://www.wfp.org/counties#africa>.
5. Global Hunger Index. The Challenge of Hunger: focus on financial crisis and gender inequality.
URL: <http://www.ifpri.org/sites/default/files/publications/ghi09.pdf>.
6. Кризис в Дарфуре. URL: <http://www.newsru.com/world/15mar2005/darfur.html>.
7. Francis Ch.A. Conventional research on controversial issues: an exercise in futility? // Renewable Agriculture and Food System. 2010
8. ЮНАМИД. URL: <http://www.un.org/russian/peace/pko/unamid/>.
9. Annual Quality and Disparitis Reports Include Data on Rates of Health Care-Associated Infections. Obesity and Health Insurance. URL: <http://www.ahrq.gov/news/press/pr2010/qdr09pr.html>.
10. Data for Monitoring the Health Care Safety Net. URL: <http://www.ahrq.gov/data/safetynet/data-books/safetynet2.html>.
11. Ожирение ведет к бедности, выяснили в США. URL: <http://www.newsru.com/world/05aug2005/zhir.html>.
11. Бай Е. Америка сорвала план ООН по борьбе с ожирением. URL: <http://www.izvestia.ru/world/article43341/>.

РЕЗЮМЕ

Мақола дунё бўйича очлик ва меъеридан кўп ейишнинг тарқалиши ҳамда уларнинг сабаблари ва келиб чиқишини ўрганишга бағишланган. Унда очлик даражасини аниқлаш бўйича глобал индекслари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена вопросу изучения распространение голода и переедания среди населения мира и причины их возникновения. Приведены глобальные индексы определения степени голодания на примере отдельных государств.

SUMMARY

The article is about the problem of resarment of spreading starvation and overeating among the world population and reasons of their rise. Here are cited global indexes of definition of degrees of starvation in the example of some states.

Наишга проф. Ш.Қурбонов тавсия этган

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Якубов А.Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *истиқлол, ислоҳот, демократлаштириш, жамият, давлат, ҳуқуқий давлат, декларация, ратификация, хартия, халқаро пакт, стратегия, хабеас-корпус.*

Ключевые слова: независимость, реформа, демократизация, общество, государство, закон, декларация, ратификация, устав, международный пакт, стратегия, хабеас корпус.

Key words: independence, reform, democratization, society, state, law, declaration, ratification, charter, international pact, strategy, habeas corpus.

Инсон тақдири-бутун жаҳон оммасининг тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларининг кенг ва халқаро миқёсда ўрганилиши унинг халқаро даражада ҳимоя қилиниши ва муҳофаза қилинишига олиб келади. Ҳар бир давлат тараққиётининг асосини инсон ташкил қилади. Давлатлараро ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари соҳаси алоҳида ўрин тутади. Чунки, бундай ҳуқуқларнинг таъминланиши давлатлараро муносабатлардаги самарадорликка эришиш ҳаётни яхшилашга эришишининг омили бўлиб хизмат қилади.

Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилишларни руёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётига ўсиш, ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.¹

Халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган демократик ҳуқуқ ва эркинликлар амалга ошмоқда. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, республикамизда жамият ва давлат ҳаётини янада демократлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш эканлиги белгилаб қўйилди. Давлатимизнинг биринчи раҳбари И.А.Каримов томонидан инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият эканлиги таъкидланиб, “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун”² деган фикр илгари сурилди.

Дунё ҳамжамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилади. Ривожланган демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда унинг тутган ўрни бекиёсдир. Чунки, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришдир.

Ўзбек давлатчилиги тарихида инсон ҳуқуқлари масаласига назар солсак, инсоннинг азал-азалдан қадрланганлигини билиш мумкин. Асли номи “Апастак” бўлган¹, илк ҳуқуқий манба – зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”дан тортиб, Муҳаммад (С.А.В)га нозил этилган муқаддас китобимиз “Қуръони Карим”гача, қомусий илм соҳиби,

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

² Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.5.

¹ М.Имомназаров, М.Эшмухаммедова Миллий маънавиятимиз асослари. –Т.: Тошкент ислом университети. 2001. – Б.103.

“муаллими соний” Абу Наср Форобийнинг кўплаб асарларида, хусусан, “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришиш ҳақида”, “Фуқаролик сиёсати”, “Жамиятни ўрганиш ҳақида” каби асарларида, инсонпарварлик ғоялари юксак даражада қадрланганини кўришимиз мумкин. Маълумки, Форобий шаҳар давлатларни 2 га бўлади.

1. Ал Мадина ал Фозила;
2. Ал Мадина ал Жоҳилия.

Форобий уларни таҳлил этар экан, Ал Мадина ал Жоҳилия давлатларида инсон ҳуқуқлари поймол этилади, одамлар қулликка солинади, деб кўрсатади. Буюк олим “Инсонларни ҳақиқий саодатга эришиш йўлида” бир-биридан ёрдам бериш учун бирлашган шаҳар фозил шаҳардир ва саодатга эришиш мақсадида бир-бирига ёрдам берувчи инсонлар жамоаси – фозил жамоадир. Барча шаҳарлари саодатли бўлиш йўлида бир-биридан ёрдамни аямагучи халқ-фозил халқ, фозил миллатдир. Шундай равиш билан агар бутун олам аҳли бир-бирига саодат йўлида ҳолис қўмаклашувга тайёр бўлса, курраи замин фозил инсонлар маконига айланади”.

Буюк аллома Ибн Сино эса “Ишорат ва танбиҳат” асарида инсоннинг шахсий талаблари орасида унинг меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш, шахсий дахлсизлиги, диний эътиқоди сингари ҳуқуқлари тўғрисидаги фикрларни баён қилган.

Имом Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) асарида ота-она ҳақини адо қилиш, фарзанднинг ота-онаси олдидаги ва ота-онанинг фарзанд олдидаги ҳақ-ҳуқуқлари, зиёрат қилиш, турар жойга эга бўлиши ва бошқа шулар сингари ҳақ-ҳуқуқларнинг ҳар бири алоҳида ҳадисларда берилган.

Инсон ҳуқуқлари Темурийлар даврида айниқса эъзозланган. Амир Темур фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳоким адолатли бўлишини қаттиқ талаб қилган. Агарда, ҳокимлар сипоҳ раъиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитса, уларга нисбатан дарҳол адолату-инсоф юзасидан чора кўрган. Барча тоифадаги кишиларнинг давлат ишларида эркин фикр билдириш ва фаол иштирок этиш ҳуқуқи таъминланган. Темурийлар сулоласидан сўнг, улкан давлат турли низолар туфайли хонликларга бўлиниб кетди. Бундан фойдаланган чор ҳукуматининг узоқ йиллар давомида мустамлакаси оқибатида, халқимизнинг асрлар оша яратилган улкан маданий мероси, урф одатлари, анъаналари, кадриятлари, инсон эрки ва ҳақ ҳуқуқлари поймол этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига 27 йил бўлди. Илгари ўзининг бир томонлама ривожланган, хом ашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта якка ҳокимлиги авжига чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди ва бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.¹

Халқимизнинг асрлар давомида қилган орзу ниятлари ХХ аср охирида руёбга чиқди, Ўзбекистон истиқлолга юз тутди. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат табиийки, ўз тараққиёт моделини ишлаб чиқади ва уни ҳаётга татбиқ этади. Ўзбекистон давлат қурилишининг асосий тамойили – мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, урф одатларини ва анъаналари, инсонларнинг турмуш тарзини мужассамлаштирган ўз конституциявий йўлига қатъий ва изчил амал қилишдан иборат.

Асосий Қонунда биринчи марта олий даражада инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни қуришдан иборат олий мақсад мустаҳкамланиб кўйилди. Бош қомусимиз бўлган Конституцияда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатлари тўлиқ ифодаланган, энг олий кадрият сифатида баён этилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 20 сентябрда БМТ Саммити Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи.

Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда инсон ҳуқуқ, эркинликлари тўлиқ ва кенг ҳажмда қамраб олинганидир. Асосий Қонуннинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликларини мустаҳкамлайди. Унда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг қатор қоидалари мазмуни ўз ифодасини топганлиги, шунингдек, унинг 6-боби, 128-моддасидан 60 тадан зиёди шахснинг ҳуқуқий мақомига ва фуқароларнинг эркинликларига бағишлангани инсон ҳуқуқларига нечоғлик эътибор кўрсатилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганидан кейин роппа-роса бир ой ўтгач, 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилинган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”дир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, инсонни улуғлаш, унинг хоҳиши иродасини кафолатлаш орзу умидларини тўла рўёбга чиқаришни бош мақсади қилиб белгилаган мустақил давлатимизнинг етакчи тамойилларини ана шу муҳим халқаро ҳужжатга мувофиқлаштириш назарда тутилган эди.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган, Муқаддима ва 30 моддадан иборат бўлган бу Декларацияси бугунги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасида энг асосий халқаро ҳуқуқ манбаларидан бири бўлиб, у давлатлар ички ҳужжатлари учун андоза бўлиб хизмат қилади. Декларация дунёнинг 360 дан ортиқ, яъни, энг кўп тилларга таржима қилинган, (шу жумладан ўзбек тилига ҳам) ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжатни “Инсоният тарихида энг ноёб ҳужжат”, “Бутун инсоният учун эркинликлар Хартияси” деб таъриф беришади. Бошқа бирорта халқаро ҳужжат бундай юксак баҳога сазовор бўлмаган.

Бу тарихий ҳужжатда давлатлар қуйидаги мажбуриятларни бажаришлари зарурлиги қатъий таъкидланади: “Мазкур инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, токи ҳар бир инсон, жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутиб, маориф ва илм йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишга кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тadbирлар орқали ҳам унинг барқарорлигини таъминлашга, ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳуқуқларда яшаётган халқлар ўртасида ёппасига ва самарали тан олинисига интилишлари зарур”¹.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан кейин яна уч ҳужжат: иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги 19 декабрь 1966 йилдаги Халқаро пакт, 1966 йил 18 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 йил 19 декабрь халқаро пактга факультатив протоколи қабул қилинди. Бу ҳужжатлар халқаро ҳуқуқий муносабатларда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билль (қонун) деб атала бошлади. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактлар биргаликда давлатларнинг инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги асосини ташкил қилади.

Ушбу тарихий ҳужжатлар асосида бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар “Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тенг тақдирлов тўғрисида”ги Конвенцияси (1951), 1974 йилда эълон қилинган “Қуролли тўқнашувлар даврида ва фавқулодда ҳолатларда хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация”, 1975 йилда эълон қилинган “Илмий-техникавий ютуқлардан тинчлик ва инсоният фаровонлиги манфаатлари йўлида фойдаланиш тўғрисидаги Декларация” 1981 йилида эълон қилинган “Дин ёки эътиқод учун камситишнинг барча шакллари йўқотиш тўғрисида”ги Декларация қабул қилинди.

Бугунги кунда Европа, Америка ва Африка тизимлари минтақасида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кўпроқ ривожланган тизими ҳисобланади. Бельгия, Нидерландия, Ҳиндистон, Италия, Шри-Ланка каби давлатларда Декларация давлат ичкарасида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунларни шарҳлашда кенг фойдаланилади.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2008. – Б. 49.

Мусулмон дунёсида 1980 йилда қабул қилинган “Умумжаҳон Ислом Декларацияси” билан 1991 йилдаги “Умумжаҳон Ислом декларацияси” ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига киради. Дунёда инсон манфаатларини кўзлаб кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 70 га яқин, Европа Кенгаши томонидан 160 дан ортиқ, ЮНЕСКОда – 70 дан ортиқ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) томонидан – 30 дан ортиқ ҳамда турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида” (1966), “Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида” (1966) халқаро пактлар, “Янги Европа учун Париж хартияси” (1990), “Тинчлик юзасидан ҳамкорлик тўғрисида”ги ҳужжат (1940), БМТнинг “Ёш болалар ҳуқуқлари тўғрисида” (1989), “Ирқий камситишнинг барча шакллари йўқотиш тўғрисида” (1979), “Қийноқлар ва инсон кадр-қимматини ерга урувчи муаммолар ҳамда жазо турларига қарши” (1984), “Онаникни муҳофаза қилиш тўғрисида” (1919, 1952 йилда қайта кўриб чиқилган), “Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисида” (1964), “Аёлларга нисбатан ҳар қандай чекловларни бекор қилиш тўғрисида” (1974) каби конвенциялар ратификация қилинди.

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонуан мустаҳкамлаш ва муҳофаза этишдан иборатдир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар чиқарилаётган қонунларга бевосита боғлиқ бўлиб, улар негизида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари етакчи ўрин эгаллайди.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича 400 дан ортиқ қонун қабул қилинди, инсон ҳуқуқлари масалаларига оид 500 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, 2000 дан ортиқ Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича жами 60 та асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 8 та асосий халқаро шартномада қатнашмоқда. 2019 йилгача Ўзбекистон 1000 дан ортиқ кўп томонлама ва икки томонлама турли мақомдаги шартнома ҳамда келишувларни имзолади. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 та стандарт қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон бу стандартлардан 39 тасига қўшилган.

1993 йилда Вена шаҳри (Австрия)да бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Жаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси, Ҳаракат дастури қоидаларини амалга ошириш натижасида, Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб 1995 йилда Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус бўлинмалар ташкил қилинди.

Ўзбекистонда барча ислохотлар давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилмоқда. Мазкур стратегик дастур “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” ва “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган улуг ғояга асосланган.

Демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишда давлатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида бир қанча давлат дастурларини қабул қилди ва ҳаётга татбиқ этди. Дастурларнинг амалга оширилиши давлатимизда инсоннинг, аввало, болалар, қариялар, хотин-қизлар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, қолаверса, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нечоғлик устуворлигидан далолатдир.

Мамлақтимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, адвокатуранинг мустақиллигини таъминлаш ва қафолатлаш, жиноий жазолар либераллаштирилгани, яраштирув институтининг жорий этилгани, ўлим жазосининг бекор қилингани ва қамоққа олиш санкциясини судларга ўтказилиши, “Хабеас корпус” (Habeas Corpus лотинча сўз бўлиб, танани, шахсни (судга) келтириш) институтининг миллий қонунчилигимизда жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилинишининг энг ижобий натижалари бўлиб, инсон, унинг ҳаёти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият эканлигини исботлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётган демократик давлат сифатида эътироф этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон ҳамжамияти билан уйғунлашган ҳолда олиб борилапти, зеро, давлатнинг барча ислохотлари инсонинг муносиб ҳаёт кечирishiларини таъминлаб беришга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 6 б.
2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. – Т.: Ўзбе-кистон, 2005. – Б. 5.
3. Имомназаров Т., Эшмуҳаммедова Т.. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: Тошкент ислом универ-ситети. 2001. – Б. 103.
4. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Саммитининг Минг йиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи. 20.09.2010.
5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. 2008. – Б. 49.
6. «Ҳуқуқ ва бурч» журнали. – Т., 2018. – №9. – Б. 15.
7. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Т., 2017. – Б.203-209.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инсон ҳуқуқларининг таъминланишида халқаро ҳамжамият ва Ўзбекистон Респуб-ликаси муносабатларининг қонуний асослари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены правовые основы международного сообщества и взаимоотношения между Узбекистаном и обеспечением прав человека.

RESUME

The article outlines the legal framework for the international community and the relationship between and Uzbekistan in ensuring human rights.

Наишга доц. Ҳ. Турсунов тавсия этган

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА

Ташатов А.К., Нормуродов Д.А., Аслонов М.О., Ташпулатов И.Ш. Влияние высокотемпературной активировки и ионной бомбардировки на эмиссионные свойства сплавов Pd-Ва.....	3
Қурбонов З.М., Қурбонова Р.З. Олий таълим муассасаларида булут технологияларининг афзалликлари.....	8
Jurayev Sh.M., Kuchimov M. Axborot komunikatsiya tizimlarida axborot xavfsizligini ta'minlashning dasturiy vositalarini tahlili.....	11

КИМЁ

Чориев А.У., Раджабова С.Ф., Мирзаева М.Ф., Бобоёрова Ш.М. 4 – метоксифенолни янги льюис кислоталари иштирокида гомоген катализ шароитда хлорацетиллаш.....	16
--	----

БИОЛОГИЯ

Бешко Н.Ю., Тургинов О.Т., Қодиров У.Х., Бўранова М., Тажиева Ф.А. Ургут ботаник-географик райони флораси учун янги флористик топилмалар.....	19
Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р. Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турларининг экологик хусусиятлари.....	23
Иминова М.М., Мустафаев И.М., Шеркулова Ж.П., Холмуродова Т.Н. Шимолий Туркистон ботаник-географик райони доривор ўсимликларининг фитосанитар ҳолати ва касалланиш даражасини баҳолаш.....	30
Асенов Г.А., Есимбетов Р.М., Сейтмуратов Р.К., Сейтназаров С.К., Матрасулов Ғ.Ж. Ландшафтно-экологическое и биотопическое размещение териокомплексов Нукусского района песков Кызылкумов и их значение в эпизоотологии чумы.....	37
Abdullayeva D., Raxmatullayev A.Y. <i>Bruchophagus roddi</i> – urug'xo'r-bruhofagusning dinamik miqdoriy soni va uning bedaga keltiradigan zarari.....	42

ТАРИХ

Эргашев Ж.Ю., Очилов А.Т. Савдо йўлларида хизмат кўрсатиш (Бухоро хонлиги мисолида).....	46
Ҳасанов А. Касби ўрта асрларда.....	51
Шаропова Н.А. Ўзбекистон умумтаълим мактабларини кадрлар билан таъминлаш иши тарихи.....	54
Тўраева М. XX асрнинг 20–30-йилларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида мусика ва театр санъати.....	58

ФАЛСАФА

Элбоева Ш.Б., Алланазаров М.Х. Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғояларининг ўрни.....	62
Сунатов Д.Х. Маданий макон, унинг мазмуни ва хусусиятлари.....	65
Ўроқова Н.С. Ёшларнинг маънавий тарбияси ва демократик тамойилларнинг муштараклиги.....	69
Бекмуродова Г. Ахборот жамиятида оммавий ахборот воситаларининг асосий функциялари.....	72
Байматов Р. Шахс сиёсий ижтимоийлашувига ғоя ва мафкураларнинг таъсири.....	75
Сохибова Л.Ж. Глобаллашув шароитида ижтимоий-маданий ҳаёт трансформацияси.....	73

СИЁСАТШУНОСЛИК

Жўрақобилова Ҳ. Масъулият – ижтимоий сиёсий категория.....	82
Маллаева Ф. Рекламининг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни.....	85
Саманова Ш.Б. Толерантлик феноменининг ижтимоий-фалсафий моҳияти.....	88

Хажиева М.С. Комил Хоразмий фалсафий қарашларида диний-ирфоний ғояларнинг акс этиши.....	91
Камалов О.А., Бердикулов С.Н. Сиёсий партиялар коррупцияга қарши кураш сиёсатининг муҳим институти.....	94
ФИЛОЛОГИЯ	
Бахриддинова Б., Рахимова Ш. Ҳозирги ўзбек тили грамматик шакллари тасни-фига доир.....	97
Шодмонова Д.Э. Абдулла Орипов шеърини тили лингвопоэтик талқинда.....	101
Шомирадова О. Разговорная и просторечная лексика в творчестве В.М.Шукшина как средство характеристики персонажей.....	105
Раҳматуллаева Ш., Жўраева М.А. Нутқда лисоний ва нолисоний омиллар муш-тараклиги масаласи.....	108
Жумаев Т., Жумаева К. «Муҳокаматул-луғатайн» – ўзбек тилшунос-лигининг гул-тожи.....	111
ПЕДАГОГИКА	
Базарова Н.Ш., Шодиева Ш.Д. Типичные затруднения учащихся-узбеков в про-цессе обучения русскому языку.....	114
Элмурадова Л.Н. Интерактивные методы обучения в вузе.....	117
Раджабов М.Р., Нурманова М.С., Боймуратов Ф.Х. Чизмачилик дарсларида мактаб ўқувчиларининг фазовий тасаввурини ошириш усуллари.....	120
Каримов Б.П., Муратов Б. Организация внеклассной работы по русскому языку в 6-8-классах узбекской школы.....	123
ПСИХОЛОГИЯ	
Облокулов Ж.Ж., Жабборов А.М. Ахборот глобаллашуви жараёнида психологик урушларнинг юзага келиши, йўналганлиги ва моҳияти.....	127
Ёзиев Э., Мейлиева Г., Холмуродова М. Раҳбар мулоқотмандлигининг психологик компонентлари.....	131
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Parpiev G.T., Diyorova M.X. Some peculiarities of structural composition of oasis soils in the central and southern regions of Uzbekistan.....	134
Кузиев М.С. Дағал озукалар кимёвий таркибининг тўйимли моддаларни истеъмол қилинишига ва ҳазмланишига таъсири.....	137
Баходиров З.А., Усмонов Ж.З., Ҳожиев Қ.М., Иброҳимов С.С., Акрамов И.Л. Геоахборот тизими технологияларидан фойдаланган ҳолда тупроқ хоссаларини хариталаш.....	141
Қўзиев Ж.М., Жумаев, Ш.Х. Баходиров З.А., Баходиров А. Дехқончиликда аниқ-дифференциаллашган ўғитлаш тизимини жорий қилиш истикболлари.....	144
ТАДҚИҚОТЛАР ВА АХБОРОТЛАР	
Курбанова Ш.Ш. Очлик ва кўп еганлик географияси.....	147
Якубов А.Т. Инсон ҳуқуқларининг таъминланишида миллий ва халқаро қонунчилик асослари.....	153

Илмий-назарий, услубий журнал

Мусахҳиҳлар:	Д.Шодмонова А.Убоженко
Саҳифаловчи	Я.Жумаев
Навбатчи	Т.Жумаев
Техник муҳаррир	М.Раҳматов

Муассис: Қарши давлат университети

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан
17.09.2010 йилда № 14–061 рақамли гувоҳнома билан
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 05.06.2019 йилда берилди.
Босишга 20.06.2019 йилда рухсат этилди.
22.06.2019 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/16.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 11,26.
Буюртма рақами: № 35.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071